



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЮРИДИК ФАНЛАР  
АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий ҳуқуқий  
журнал

ВЕСТНИК ЮРИДИЧЕСКИХ НАУК

REVIEW OF LAW SCIENCES

03/2020



Илмий-амалий ҳуқуқий журнал  
Научно-практический правовой журнал  
Scientific-practical legal journal

**ЮРИДИК ФАНЛАР  
АХБОРОТНОМАСИ  
ВЕСТНИК ЮРИДИЧЕСКИХ НАУК  
REVIEW OF LAW SCIENCES**

**МУАССИС:**  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

“Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридический наук – Review of law sciences” илмий-амалий ҳуқуқий журнали Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 18 августда 0931-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

**БОШ МУҲАРРИР:**

**Раҳимжон Хақимов,**  
Тошкент давлат юридик университети  
ректору

Журнал 2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.

**БОШ МУҲАРИР ЎРИНБОСАРИ:**

**Нодирбек Салаев,**  
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича  
проректор

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш муассис рўхсати билан амалга оширилади.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Сотувда келишилган нарҳда.

А.Саидов  
А.Ташкулов  
А.Мирзаев  
Б.Пулатов  
У.Мухамедов  
М.Миракулов  
И.Рустамбеков  
О.Окюлов  
М.Ахмедшаева  
У.Тухташева  
Х.Очилов  
Д.Хабибуллаев  
Н.Имомов  
Н.Ғафурова  
Г.Носирходжаева  
М.Гасанов  
Б.Мусаев  
Р.Кучкаров  
Н.Ниязова

**Масъул муҳаррир:**

Н.Ниязова

**Ушбу сонни тайёрлашда** Ф.Усмонова,  
У.Хайдарова, О.Чориев, Д.Раджапов,  
Ф.Хошимова қатнашди.

**Таҳририят манзили:**

100047. Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35.  
Тел.: (0371) 233-66-36, 233-41-09.  
Факс: (0371) 233-37-48.

**Веб-сайт:** [www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)

**E-mail:** [lawjournal@tsul.uz](mailto:lawjournal@tsul.uz)

**E-mail:** [iztdyu@mail.ru](mailto:iztdyu@mail.ru)

Журнал 08.09.2020 йилда типографияга топширилди.

Қоғоз бичими: А4. Шартли 10,8 б.т.

Адади: 100.

ТДЮУ типографиясида чоп этилди.

**ISSN 2181-919X**

©Тошкент давлат юридик университети

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**Юридик фанлар ахборотномаси**

**Вестник юридических наук**

**Review of law sciences**

---

**Илмий-амалий ҳуқуқий журнал**

**Научно-практический правовой журнал**

**Scientific-practical legal journal**

**03/2020**



## МУНДАРИЖА

### ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ

**A.Sodikov**

SOME PROBLEMS OF NORM MAKING  
PROCESS IN SUPPORT WITH  
INFORMATION.....4

### ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ВА БОШҚАРУВИ

**A. Бабаджанов**

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ  
ФАОЛИЯТИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР  
ИШТИРОКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ.....10

**Б. Мусаев**

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ТРАНСМИЛЛИЙ  
МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ  
УНИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИГА  
ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ:  
ДОКТРИНАЛ ҚАРАШЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ  
ЁНДАШУВНИНГ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ.....19

**Ш. Якубов**

ЭЛЕКТРОН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ:  
МОҲИЯТИ, АҲАМИЯТИ, ЗАРУРАТИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛАРИ.....27

**И. Никонов**

ОСНОВНЫЕ ПОДХОДЫ К ВОПРОСУ  
СУДЕЙСКОГО СООБЩЕСТВА  
В СТРАНАХ СНГ.....34

**Б. Нариманов**

ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ  
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА  
ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШГА  
ОИД МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-  
ТАОМИЛЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ.....41

### ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ

**К. Ибрагимов**

ВОПРОСЫ НОРМАТИВНО-ПРАВОВОГО  
РЕГУЛИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ  
НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ  
НЕКОММЕРЧЕСКИХ  
ОРГАНИЗАЦИЙ.....47

**О. Юсупова**

МУСУЛМОН ҲУҚУҚИДА МЕРОС  
ТАКСИМОТИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ.....53

**Э. Эгамбердиев**

ИНСТИТУТ ПРИМИРЕНИЯ СУПРУГОВ  
ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН:  
ВОПРОСЫ ПРАКТИКИ И  
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ  
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА.....58

**И. Жўраев**

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИДА МУДДАТЛАР...63

**М. Чориев**

ЮРИДИК ШАХСЛАР УСТАВ  
ФОНДИДАГИ УЛУШ (ҚЎШИЛГАН  
ҲИССАЛАР)НИ ҲАДЯ ҚИЛИШНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....67

### ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

**А. Якубов**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ТАШҚИ САВДО ШАРТНОМАСИ  
ДОИРАСИДАГИ НОМЗОДЛАРНИ ҲАЛ  
ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....72

**Н. Гафурова**

ЗАЩИТА ПРАВ ПАЦИЕНТА КАК  
ПОТРЕБИТЕЛЯ МЕДИЦИНСКИХ  
УСЛУГ: МЕЖДУНАРОДНЫЕ  
СТАНДАРТЫ И НАЦИОНАЛЬНОЕ  
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО.....77

**А. Khodjayeva**

FOOD SOVEREIGNTY IN  
INTERNATIONAL LAW.....87

### ЭКОЛОГИЯ ВА АГРАР ҲУҚУҚИ

**Р. Тошбоева**

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЙ  
АСПЕКТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ  
ДОСТУПА К ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ  
ИНФОРМАЦИИ И ВОПРОСЫ ЕЕ  
ИМПЛЕМЕНТАЦИИ.....92

**Р. Султанов**

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ  
МАСАЛАЛАРИ.....99

## МУНДАРИЖА

*А.Даминов*

ЭКОЛОГИК СУҒУРТАНИ ЮРИДИК  
ТАБИАТИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА  
УНИНГ КЕЛАЖАК ИСТИҚБОЛЛАРИ.....104

### БИЗНЕС ҲУҚУҚИ

*Х.Раджапов*

ТАБИИЙ МОНОПОЛИЯЛАР СОҲАСИДА  
РАҚОБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....111

*Ф.Мадиев*

ИНВЕСТИЦИЯ НИЗОЛАРИНИНГ  
ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ХАЛҚАРО  
ҲУҚУҚИЙ СУДЛОВЛИЛИГИНИ  
АНИҚЛАШ МУАММОЛАРИ.....115

### ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ

*Г.Тулаганова*

КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ, ТАРИХИ,  
УНИНГ ТУРЛАРИ ВА  
ОҚИБАТЛАРИ.....121

*Б.Хидоятлов*

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ  
ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ В  
УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН.....127

*Ж.Атаниязов*

АЙБЛИЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ  
ҲАЛ ҚИЛМАЙ ТУРИБ ЖИНОЯТ ИШИНИ  
ТУГАТИШНИНГ АМАЛИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ.....135

*С.Ниёзова*

ШАХСГА ҚАРШИ ЗҶРЛИК ИШЛАТИБ  
СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР  
ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИГА  
ДОИР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР  
ТАЖРИБАСИ.....140

*Р.Алтиев*

АЙРИМ РОМАНО-ГЕРМАН ҲУҚУҚИЙ  
ТИЗИМИГА МАНСУБ МАМЛАКАТЛАР  
ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА  
ФИРИБГАРЛИК УЧУН  
ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
ТАҲЛИЛИ.....146

*М.Нодиров*

ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШ  
БОСҚИЧИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР  
ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ.....153

*С.Очилов*

ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТУРЛАРИНИНГ  
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАСНИФИ.....161

*М.Қаландаров*

ЎҚОТАР ҚУРОЛ, ЎҚ-ДОРИЛАР,  
ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР ЁКИ  
ПОРТЛАТИШ ҚУРИЛМАЛАРИНИ КЎП ВА  
ЖУДА КЎП МИҚДОРДА ЭГАЛЛАШ  
ЖИНОЯТИНИ СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН  
ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК  
МУАММОЛАРИ.....167

*М.Ниязов*

К ВОПРОСУ ЛЕГИТИМНОСТИ  
ПРОВЕДЕНИЯ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ  
ПРОВЕРКИ ГРУППОЙ ЛИЦ И ПРАВОВОГО  
СТАТУСА ЛИЦ, УЧАСТВУЮЩИХ  
В НЕМ.....172

*У.Абдурахимов*

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ  
СОҲАСИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК  
НАЗОРАТИ ШАКЛИ СИФАТИДА ДАВЛАТ  
ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК  
МОНИТОРИНГИ: ТУШУНЧАСИ,  
МАЗМУНИ, РИВОЖЛАНИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ.....178

### УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАР ВА ҲУҚУҚ

*Г.Носирходжаева*

ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ  
МЕРОСИДА БАҒРИКЕНГЛИК  
МУАММОСИ.....188

*U. Khaydarova*

INTERRELATION BETWEEN AN  
INDIVIDUAL AND LEGAL SYSTEM IN  
LEGAL THRILLER OF SCOTT TUROW.....191

### ЯНГИ НАШР

*О.Оқюлов*

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШ, АГРАР ВА ЭНЕРГЕТИКА  
СОҲАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ.....196

*И.Тультеев*

«КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВОСУДИЕ В  
ПОСТСОВЕТСКИХ ГОСУДАРСТВАХ:  
ОБРАЗЕЦ ПРАВОВОГО ГОСУДАРСТВА И  
ЕГО ЛОКАЛЬНОЕ ВОПЛОЩЕНИЕ»  
КОЛЛЕКТИВНАЯ МОНОГРАФИЯ.....198



**Akmal Sodikov**

An independent researcher of Tashkent State  
University of Law  
akmalsodikov81@gmail.com

## SOME PROBLEMS OF NORM MAKING PROCESS IN SUPPORT WITH INFOMATION

**Abstract:** In the article the role of application of modern technology in norm-making process and some issues related to maximize the work of legislator are discussed by the author. In addition, recommendations and suggestions are put forward to optimize the procedure of norm making with aid of information technologies.

**Keywords:** Analytical information, unsanctioned norms, nonexistence of online broadcasting, law-making, interdepartmental information exchange, information technology, norm-making, legislator, online discussions.

**Акмал Содиков**

самостоятельный соискатель

Ташкентского государственного юридического университета

### ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИЕЙ НОРМОТВОРЧЕСКОГО ПРОЦЕССА

**Аннотация:** в статье обсуждается роль применения современных технологий в нормотворческом процессе и некоторые вопросы, связанные с максимизацией работы законодателя. Кроме того, предлагаются рекомендации и предложения по оптимизации процедуры нормотворчества с помощью информационных технологий.

**Ключевые слова:** аналитическая информация, отсутствие онлайн-вещания, межведомственный обмен информацией, информационные технологии, законотворчество, нормотворчество, законодатель, онлайн-дискуссии.

**Акмал Содиков**

Тошкент давлат юридик университети

мустақил изланувчиси

### НОРМА ИЖОДКОРЛИК ЖАРАЁНИНИ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

**Аннотация:** мақолада замонавий технологияларни норма ижодкорлиги жараёнида қўллашнинг ўрни ва қонунчилик фаолиятини ривожлантириши билан боғлиқ масалалар муаллиф томонидан муҳокама қилинади. Бундан ташқари, ахборот технологиялари ёрдамида норма ижодкорлигини оптималлаштириши бўйича тавсия ва таклифлар илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** таҳлилий маълумотлар, онлайн трансляциянинг мавжуд эмаслиги, идоралараро ахборот алмашинуви, ахборот технологиялари, қонун ижодкорлиги, норма ижодкорлиги, қонун чиқарувчи, онлайн муҳокамалар.

## I. Introduction

The development of modern information technologies and means of communication requires a scientific review of ways to improve the process of norm making. As one of the legal forms of public administration, the study of information support of norm making activities requires the discovery of opportunities to create a reliable system to increase its overall effectiveness. The correct and rational organization of law making activity is also determined by the level of interaction of all governmental and representative bodies. It cannot be defined that close cooperation has been established between them. All bodies which has right to make law should ensure the quality and effectiveness of the adopted legal acts, are sufficiently reflected in the current legislation.

The practice of the development of law making made it possible to identify and formulate some aspects that should be paid special attention to improving the mechanisms of norm making activity. When developing and adopting laws, it is necessary to reduce the number of reference norms, repetitions, and duplication; the use of ambiguous terms and a narrow departmental approach are unacceptable. Particular attention should be paid to forecasting activities, give preference to the adoption of laws in the new edition, avoiding the repeated introduction of amendments, and additions to them.

## II. Main issues of norm making in terms of support with information

There are a broad range of problems in this sphere regarding support legislators, officials and local authorities, who are entitled to adopt, amend and abolish norms, with information in Uzbekistan such as:

- a) nonexistence of data processing platforms that allows citizens to freely receive information on the process of consideration and adoption of norms at all forms and stages;
- b) undefined legal status of analytical information, conclusions of institutions of civil society, the media, specialists and experts;
- c) unsanctioned norms for failure to provide information;
- d) not unique methodology for the legal drafting of normative legal acts, as well as information and analytical materials attached to them;
- e) nonexistence of online broadcasting of norm making processes of all types in the media, as well as through the web resources of the officials with the ability to send suggestions and comments in real time;
- f) poor quality of mechanisms of interdepartmental information exchange of the results of statistical accounting and analysis of judicial, law enforcement and supervisory practice in order to assess the regulatory impact of normative legal acts;
- g) poor quality of attraction of the results of scientific and analytical activities of representatives of the scientific

and experts, students of higher educational institutions and applicants for academic degrees containing proposals for improving normative legal acts, including through the creation of online information systems containing these proposals.

*a) Support citizens with information about norm making process at all forms and stages.*

It seems that it is more appropriate to call the incoming information support of a particular type of activity, and therefore we will consider information resources in the essential sense – as documents that form the outgoing information flow. There is no doubt that the volume of accumulated information on almost any issue today is large enough, therefore, it is necessary to speak not about its formation, but about optimization. The study of the information array that we have chosen is appropriate to carry out using the method we tested earlier: determining the current state of the system under study – setting the desired state of the system under study – assessing the difference between “what is needed” and “what is” as optimization directions [1; P. 77].

In accordance with Professor A.V. Malko, by informational resources we mean documents or their information flow, which is a source of information or a means for individuals and organizations to obtain knowledge generated in the result of the activities of various structures of society [2; P.361].

*b) undefined legal status of analytical information, conclusions of institutions of civil society, the media, specialists and experts.*

With the development of the information society and the emergence of an increasing number of digital instruments of interaction between the state and citizens, the need for citizens to exercise control over the activities of state bodies that develop laws and other normative legal acts comes to the fore. Such social changes require the appearance of a number of new tools for publicity of norm making, disclosure of information on the activities of representative bodies of state power, expert and anti-corruption opinions, and civil discussion of draft normative legal acts.

However, before discussion of such sort of tools, theoretically, it is essential to find out the definition and types of information in norm making process.

*c) unsanctioned norms for failure to provide information.*

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan on August 8, 2018 No 5505 “On approving the concept for the improvement of norm making activities” paved the way for the transition to a new stage of the norm making process in the country.

This, in turn, encourages the analysis and study of its organizational mechanisms, methodology and other important aspects, despite the fact that this issue is relevant in the process of norm making.

It should be noted that in the process of developing the norm, it is necessary to fully develop the mechanisms of information supply and information exchange in this activity in order to achieve its effective results in the future regulation of legal relations.

For example, the Code of Administrative Responsibility of the Republic of Uzbekistan does not clarify the issue of liability [3], it is not difficult to see that it does not have the appropriate responsibility in this regard.

This, in turn, leads to delays in the provision of relevant information by public authorities.

In addition, if we pay attention to the Law of the Republic of Uzbekistan “On Parliamentary Control”, its article 6 states that during the preliminary discussion of the draft of state budget, the fractions and committees of the Legislative Chamber may request additional information on the parameters of the draft from the relevant authorities [4].

This law also does not specify the forms of liability for failure to provide information in an appropriate manner and time.

From the analysis of the above-mentioned normative-legal documents it can be concluded that in such cases the issues of disciplinary liability can be considered in due course. However, it should be borne in mind that the imposition of a disciplinary sanction is not directly considered by the Parliament or its chambers, and in such cases, it is enough to send a letter to the state administration or public authorities. In this case, the relevant state authority or administration has the right to impose or not to impose disciplinary sanctions, which does not lead to a mandatory nature. Therefore, it is important that the issue of specific disciplinary or administrative liability is determined by law. In this regard, the Code of Administrative Responsibility of the Republic of Uzbekistan, laws “On the Regulation of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan”, “On the Regulation of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan”, “Parliamentary Control” should include sanctions for failure to provide information in an appropriate manner and time.

*d) not unique methodology for the legal drafting of normative legal acts, as well as information and analytical materials attached to them.*

Thus, from the above definitions it follows that a characteristic feature of norm making is the specific scope of its application in norm making activity, which

is accompanied by the publication of relevant normative legal acts.

A similar position is taken by some scholars treating norm making as a system of technical means and operations for the preparation of legal norms or acts, with the help of which the will of the state takes on its specific form.

Supporters of a systematic approach are also V.Y.Kartukhin, who understands norm making as a system of means and methods used in the creation (preparation and execution) of laws and by-laws [5]. Another scholar, N.V. Ovchinnikov, in whose opinion, norm making is a system of tools, techniques, rules for the preparation, execution and implementation of normative legal acts [6].

The requirements for information in the process of norm-setting should be in accordance with the following principles.

In this regard, Professor M.K.Najimov noted that the organization of accounting of normative legal acts is based on the following principles:

1. completeness of the information volume. According to it, all relevant information is taken into account and on this basis gaps and losses in the information array are prevented;

2. reliability of information. In this case, the text of officially published normative documents shall be provided, and at the same time, subsequent amendments and additions to it shall be made accordingly;

3. Ease of use. Based on the application of this principle, it is possible to find the necessary information about the relevant legal norm on a fast and high-quality basis [7; P.124].

In our opinion, the most relevant in modern conditions is in a broad sense, using the term “norm making” as the application of scientifically substantiated rational legal methods, means and procedures of introducing law into the consciousness, behavior and activities of a particular type and social communities that have been proven by practice.

It, therefore, develops legal methods, means to prepare normative legal acts. That is why, there must be unique methodology for the legal drafting of normative legal acts, as well as information and analytical materials attached to them.

*e) nonexistence of online broadcasting of norm making processes of all types in the media, as well as through the web resources of the officials with the ability to send suggestions and comments in real time.*

Recently, there has been a tendency for active discussion of drafts of normative legal acts not only by scientific and pedagogical staff and practitioners who will carry out these acts in their activities, but also the public, which speaks of a new round in the development of elements in civil society. Direct public



participation and funds mass media in the preparation and discussion of draft normative legal acts guarantee to prevent from corruption [8].

According to article 35 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, everyone has the right to make statements, proposals and complaints to the competent state bodies, institutions or to people's representatives. The President of the Republic of Uzbekistan on December 22, 2017 in the Address to the Chambers of the Oliy Majlis noted that in the process of adopting laws, it is necessary to effectively use the system of discussion by the population of draft laws by creating a special "platform" on the Internet. Based on the foregoing, in paragraph 34 of the State Program, approved by Presidential Decree No. 5308 on January 22, 2018, it is planned to develop a procedure for public appeal to the chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, regional, district and city Kengashes of people's deputies through the special web portal "Mening fikrim".

The "Mening fikrim" web portal is designed to increase citizen participation in managing the affairs of society and the state, to ensure transparency in the activities of government bodies, as well as the viability and effectiveness of laws.

Using this system, it is possible to send suggestions in the form of electronic collective appeal on current issues related to the life of society and the state.

After an examination by the moderator of the system, the Institute of Legislation and Parliamentary Studies under the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan the electronic appeal is posted on the web portal.

If the electronic appeal receives 10.000 support from the public, the appeal will be considered on the basis of affiliation with the chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan or local councils of people's deputies.

*f) poor quality of mechanisms of interdepartmental information exchange of the results of statistical accounting and analysis of judicial, law enforcement and supervisory practice in order to assess the regulatory impact of normative legal acts.*

If we focus on other countries such as Commonwealth of Independent States – in laws on normative legal acts the forms of using information technology in law making process, the search for the most acceptable terminology for adequate legal regulation process data are not well defined. To the greatest extent, the aspects of informatization and digitalization of law are reflected in the laws on normative legal acts of Belarus, Kazakhstan, Moldova, Tajikistan.

In our opinion, use of information technology in law making process has generally defined context which doesn't support with specific ways to follow. Since the question of the use of information technology is a question general and fundamental, perhaps this sphere in all CIS countries should not be placed in the penultimate, before the final provisions, and at the beginning of the law on normative legal acts. For instance, such sort of generality and inaccuracy is given in the text of law "use" information technology in law making provides for a wide use of information technology in norm making: during its planning, project development". However, practice better than theory. In our experience, this statement (general norm fixing use of ITC) cannot make sense for great changes in norm making.

Modern information technologies are changing and gaining their distinctive features. So, if at the time of their appearance, information processing automation tools were applied to existing management procedures, today the situation has changed. They have become a catalyst for the dissemination of modern management technologies. Today, information technology is involved in optimizing business processes. Participating in the optimization of business processes, information technology helps to achieve a competitive advantage.

*g) poor quality of attraction of the results of scientific and analytical activities of representatives of the scientific and experts, students of higher educational institutions and applicants for academic degrees containing proposals for improving normative legal acts, including through the creation of online information systems containing these proposals.*

In this regard, Professor V.M. Baranov reasonably raised the problem of absence in Russia a special kind of specialists who should be trained for norm making activity. He says "It is believed that anyone can participate in norm making: put forward legislative ideas, provide concepts of normative legal acts, prepare draft state decisions and promote them with more or less activity" [9; P. 18].

We totally agree with Professor V.M. Baranov that not only in Russia and Uzbekistan but also in former Soviet Socialistic Republics norm making activity is not well developed with the results of scientific and analytical activities of representatives of the scientific and experts, students of higher educational institutions. It means without knowledge of norm making concepts officials are making norms.

However, this is a global trend that originates, most likely, from lawmaking in USA, where all known laws are called by the names of its developers. In this case, you do not need to go far for an example; on July

30, 2002, the US President signed the Sarbanes-Oxley Act, [10] which tightens the rules for the provision of financial statements by companies. Paul Spyros Sarbanes – Maryland Democratic Senator, Member of the Greek-American Progressive educational union and Michael Oxley is a Republican member of the House of Representatives.

We believe that in the near future laws with great publicity and socio-political significance, not only will be, but should also be personified in Uzbekistan.

Moreover, the personification of these laws, in our opinion, should be systematized: a) the law should be called by its own name either by the name of the initiator of its adoption, or by the circle of socially significant problems to which it is directed; b) laws on the official web-site of National database of legislation of the Republic of Uzbekistan should have developer's name been indicated.

Solution for this problem: First of all, these are the principles of legality and equality, with the development of which it is necessary to minimize the relevance of the institution of protection and tacit gender preferences. For example, in law enforcement agencies with norm making authority when selecting candidates for a position, the main requirement should be scientific degree (PhD or DS). Of course, the principle is necessary professionalism. Only worthy and legally competent specialists need to be promoted through the ranks. The level of knowledge is periodically checked by tests and certifications, as well as the results of ongoing work. A clear example of this can be found in the United States. In 2009, Congress passed the Family Smoking Prevention and Tobacco Control Act [11], under the law, the Food and Drug Administration was given broad powers to regulate the production, design and sale of tobacco products.

The center has partnered with the National Institutes of Health to fund new research to identify ways to protect young people and families from the tobacco trade. The largest investment was made in the Tobacco Centers of Regulatory Science, which provided \$ 273 million to 14 research centers [12]. According to the results of such a scientific research [13], point-of-sale advertising reveals that young people are more motivated to smoke than the exterior design of a tobacco product. In particular, retail is the most important marketing channel in the tobacco industry, with tobacco manufacturers spending about 95 percent of their annual advertising budget (\$8 billion) on retail promotions, advertising, and incentives for retailers [14].

### III. Conclusion

It is well known that the development of perfect laws aimed at serving as a solution to the problems that arise in social life contributes to the improvement of state activity.

Legislation is an important task of the state, and every state strives to implement it effectively. Today, the priority of the norm making system in the Republic of Uzbekistan is to ensure the high quality and stability of the adopted legislation. The more perfect, clear, and concise the laws, the easier it will be to enforce them. It should be noted that a large-scale work is being carried out in our country to improve the norm making process and norm making, and the necessary legal framework is being improved. Because the effective organization and implementation of each stage of the legislative process ensures the quality, popularity and viability of the adopted normative legal acts.

The results of research in the field of “norm making” and the solution of the tasks set for the study, in turn, lead to the following conceptual conclusions and the development of a number of practical proposals and recommendations to improve the relevant legislation and mechanisms to regulate activities in this area:

Firstly, the concept of “quality of normative legal acts” is a very broad and multifaceted concept. Therefore, it should be researched deeper by foreign experts.

Secondly, norm making is the methods, techniques used by state bodies authorized to adopt certain normative-legal acts to develop, adopt, formalize, amend and supplement existing ones, repeal the old ones. However, officials authorized to set, amend norms should have qualification in norm making activity.

Thirdly, it is necessary to develop in Uzbekistan appropriate liability issues for the failure to provide relevant information and data.

Fourthly, today in our country, the institute of linguistic expertise, along with other examinations in the examination of draft regulations, is not sufficiently developed. This sometimes leads to incomplete compliance with the rules of language in the law and methodological ambiguity, as well as different interpretations of the law. Therefore, it is advisable to introduce a mandatory linguistic examination of drafts of normative legal acts. Today, even on the Internet, platforms such as “Grammarly”, “Ginger”, “After The Deadline”, “Hemingway”, and “Language Tool Jetpack” [15] allow users to linguistically check written texts in English. The organization of such

platforms in the Uzbek language would not only help the creation of norms, but also the activities of other professionals.

Fifthly, in the process of complicating social relations, the norm making process in our country plays an important role. One of the most pressing issues today is the regulation of any emerging processes with certain norms and the management of

these processes through them. Therefore, it is important to systematize the legal basis of norm making activities by merging them into a single normative-legal document, for example, a code or a set of normative legal acts, which is an effective regulation of norm making activities, as well as its further improvement. It also helps to eliminate complex situations in the process and facilitate its use.

### References:

1. Солдаткина О.Л. Информационные ресурсы российской правовой политики [Information Resources of the Russian Legal Policy]. – Moscow, Yurlitinform Publ., 2012. – С.77-82.
2. Малько А.В. Правотворческая политика в современной России: курс лекций. // Под ред. А.В.Малько. 2-е изд., перераб. И доп. – Москва: Проспект, 2016. – С.456.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, – 1995. №3; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.09.2019., 03/19/567/3737-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016. 15-сон, 141-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019., 03/19/563/3685-сон.
5. See. Картухин В.Ю. Техничко-юридическое качество за- конов субъектов Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005.
6. Овчинников Н.В. Интерпретационная юридическая техника // Молодой ученый. – 2015. – №3.
7. Нажимов М.К. Норма и жодкорлиги. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – Б. 280
8. Тогоидзе Н.В. Политическая коррупция в России (материалы «круглого стола») // Гос. и право. – 2003. – № 4. – С. 108-109.
9. Баранов В.М. Норморайтер как профессия // Вестник Саратовской государственной юридической академии. – 2017. – № 6 (119). – С.18
10. <https://www.investopedia.com/terms/s/sarbanesoxleyact.asp>
11. See. Tobacco regulatory science: research to inform regulatory action at the Food and Drug Administration's Center for Tobacco Products. Ashley D.L., Backinger C.L., van Bommel D.M., Neveleff D.J. Nicotine Tob Res. 2014 Aug; 16(8):1045-9.
12. TCORS set to support the FDA's regulatory role: program designed to generate tobacco-related research to inform policy. Printz C. Cancer. 2014 Mar 15; 120(6):771-2. Available from <https://acsjournals.onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.1002/cncr.28625>
13. See. Kim A.E., et al. Influence of Tobacco Displays and Ads on Youth: A Virtual Store Experiment. Pediatrics. 2013; 131 (1): e88–e95. Kim A.E., et al. Influence of Point-of-Sale Tobacco Displays and Graphic Health Warning Signs on Adults: Evidence from a Virtual Store Experimental Study. American Journal of Public Health. 2014; 104(5):888–895.
14. Federal Trade Commission. Federal Trade Commission Cigarette Report for 2011. 2013. Available from. <https://escholarship.org/uc/item/9w16c3dc#author>
15. <https://www.wpbeginner.com/showcase/best-online-grammar-checker-tools-for-wordpress-2018/>



## Атабек Бабаджанов

Тошкент давлат юридик университети декани,  
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИШТИРОКИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация:** мақолада Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг назарий ва таъкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, улар фаолиятидаги муаммолар ёритилиб, Халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда улар фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** Халқ депутатлари Кенгашлари, депутат, сиёсий партия, партия гуруҳи, маҳаллий кенгаш ва сайлов.

#### Атабек Бабаджанов

декан Ташкентского государственного юридического университета, PhD

### ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОВЫХ ОСНОВ УЧАСТИЯ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КЕНГАШЕЙ НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

**Аннотация:** в статье освещены теоретические и организационно-правовые аспекты участия политических партий в деятельности Кенгашей народных депутатов, проблемы их деятельности, а также разработаны предложения по расширению прав партийных групп в Кенгашах народных депутатов и реализации приоритетных направлений совершенствования их деятельности.

**Ключевые слова:** Кенгаши народных депутатов, депутат, политическая партия, партийная группа, местный Кенгаш и выборы.

#### Atabek Babadjanov

Dean of Tashkent State University of Law, PhD

### PRIORITY AREAS FOR IMPROVING THE LEGAL FRAMEWORK FOR THE PARTICIPATION OF POLITICAL PARTIES IN THE ACTIVITIES OF KENGASHES OF PEOPLE'S DEPUTIES

**Abstract:** The article highlights the theoretical and organizational and legal aspects of the participation of political parties in the activities of Kengashes of people's deputies, the problems of their activities, and also develops proposals to expand the rights of party groups in Kengash of people's deputies and implement priority areas for improving their activities.

**Keywords:** Kengashes of people's deputies, deputy, political party, party group, local Kengash and elections.

Мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишида фуқаролик жамияти институтлари муҳим роль ўйнайди. Зеро, “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши мулкни оқилона ва изчил равишда давлат тасарруфидан чиқариш, бюрократия аппаратини қисқартириш ва мўътадиллаштириш, кўп партияли тизимни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбат бериш, мақбул ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш сингари омилларга боғлиқ. Бу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятига хос бўлган асосий муносабатларни қарор топтириш ва тартибга солиш ўта муҳимдир” [1]. Ушбу жараёнда сиёсий партиялар иштироки ва фаоллигини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш йўналишида ғоят долзарб аҳамиятга эга вазифалар белгилаб олинди [2].

Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари қаторида давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шериклик самарасини ошириш каби вазифаларнинг белгилаб олинishi маҳаллий давлат ҳокимияти зиммасига долзарб вазифаларни юклайди.

Ўз навбатида, ушбу вазифалар ижроси маҳаллий кенгашлар ва ундаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини оширишни ҳам талаб этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳақида сўз кетганда, муайян ҳудуддан ўша ҳудудда истиқомат қиладиган аҳоли томонидан сайлов орқали шакллантирилган вакиллик ҳокимият органлари тушунилади. Мазкур вакиллик тузилмасининг фаолияти демократик бошқарувнинг маҳаллий даражасидаги типик намунаси ҳисобланади.

Ушбу ўринда хорижлик олим Чарльз Хинеманнинг бу борадаги куйидаги фикрлари эътиборга лойиқдир: “жамиятни ислоҳ қилиш жараёнларига кенг оммани кўпроқ жалб этиш, минтақалар имкониятларини ишга солиш, маҳаллий ҳокимият органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш учун қулай демократик муҳитни яратади. Ушбу муҳитни жойларда таъминлаш учун эса сайланган халқ вакилларининг маҳаллий бошқарувдаги амалий иштироки ҳамда аҳоли иродаси ва манфаатларини аниқ акс эттириш воситаларининг мавжудлигини тақозо этади” [3].

Ўз навбатида, маҳаллий вакиллик органларига маҳаллий аҳоли вакилларини сайлаш Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида ўтказиладиган сайловлар орқали таъминланади [4]. Мазкур сайлов жараёнини ташкил этишда ва уларнинг фаолиятини амалга оширишда сиёсий партиялар муҳим роль ўйнайди. Чунки сиёсий партиялар вакиллик органларини шакллантириш орқали ўз дастурларини келгусида амалга оширишни мақсад қилиб белгилайди. Буни 1996 йилда қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида сиёсий партияга берилган таърифда ҳам кўриш мумкин: “сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамиятнинг муайян қисми сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир” [5]. Шунга мувофиқ, сиёсий партия ва мазкур партиядан сайланган депутатларнинг фаолиятида ягона муштараклик мавжуд.

Шундай қилиб, сиёсий партия давлат органларидан мустақил фаолият юритувчи нодавлат тузилма сифатида ўз вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини ташкил қилишда иштирок этади. Сиёсий партияларнинг парламент фаолиятида иштироки ҳақида бир қатор илмий ишлар эълон қилинган бўлса-да, уларнинг маҳаллий вакиллик органлари фаолиятидаги иштирокига оид масалалар тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келмоқда.

Шу сабабли мазкур соҳада ҳам демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда 2017 йил 8 сентябрда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифалар ижросини

сифатли амалга оширишга қаратилган илмий ишларни фаоллаштириш лозим. Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар парламент даражасидаги ишларга нисбатан суст олиб борилмоқда.

Умуман олганда, сиёсий партияларнинг маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини ташкил этишдаги иштироки қуйидаги иккита муҳим кўринишда амалга оширилишини қайд этиш ўринли. Биринчиси, кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти бўлса, иккинчиси депутатларнинг тегишли ҳудудлардаги электорат билан ишлаш фаолияти ҳисобланади.

Сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг ҳар бир ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб, жойлардаги муҳим муаммоларга ўз вақтида эътибор қаратиши ва уларни кенгаш сессияси ёки доимий комиссия мажлисида муҳокама қилиш ташаббуси билан чиқиши, яъни масаланинг ечимини топишда бевосита иштирок этишида муайян муаммолар мавжуд.

Бу ҳақда давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев шундай дейди: “Мамлакатимиз вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор дастурлар қабул қилинди. Лекин бу дастурларни тайёрлашда жойлардаги партия гуруҳлари қай даражада иштирок этмоқда? Афсуски, ушбу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Ваҳоланки, партиялар айнан шундай дастурлар орқали ўз сайловчиларини бевозта қилаётган муаммоларга ечим топиши, шунинг ҳисобидан электорати сафини кенгайтириши мумкин” [6]. Дарҳақиқат, сайланган депутатлар ўз электорати манфаатини ҳимоя қилишда маҳаллий Кенгашлар ваколатларидан унумли фойдаланмоғи лозим.

Бу борада ҳуқуқшунос олим А.Махмудов асосли қайд этганидек, “Худудий муаммоларни олдиндан кўра билиш, уларни кенгашлар ҳамда уларнинг доимий комиссиялари йиллик режаларига киритган ҳолда ўрганиш ва муҳокамага тайёрлашда нодавлат ноижорат ташкилотлар, шунингдек сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга” [7]. Чунки сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари бевосита халқ билан мулоқотда бўладиган ва муайян аҳоли қатламини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилган вакиллар ҳисобланади.

Бироқ Г.Исмаилова таъкидлаганидек, “Халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини тинглашидек муҳим конституциявий талаб ижросини ўрганиш айрим Кенгашларнинг бу борадаги фаолиятида

муаммолар борлигини кўрсатди. Хусусан, ҳисоботларни қонунда белгиланмаган муддатларда тинглаш, Кенгашдаги партия гуруҳларининг ҳисобот юзасидан қатъий позицияси йўқлиги, ҳокимларнинг ҳисоботларини аниқ якуний қарор қабул қилмай, фақат маълумот учун тинглаш ҳоллари учрамоқда” [8]. Бу эса маҳаллий вакиллик органларининг ўз назорат фаолиятини самарали амалга оширишларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашдаги фаолиятига оид қонунчиликни таҳлил қилганимизда сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларига бир қатор муҳим ҳуқуқлар берилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқариши худудий муаммоларни ҳал этиш йўл-йўриқларини белгилашда муҳим ўрин эгаллайди.

Қонун талабига кўра, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари: давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибини шакллантиришда иштирок этиш; давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи кўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар юзасидан таклифлар киритиш; давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда партия гуруҳи вакилига сўз берилишини кафолатлаш; тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг раисларига, вазирларига ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бошқармалари, бўлимлари ва бошқа бўлинмаларининг раҳбарларига, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгаши худудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш; худудларни ривожлантириш дастурларининг лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқларига эга.

Қонунга кўра, партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва халқ депутатлари Кенгашига киритиладиган масалалар бўйича таклифи албатта кўриб чиқилиши белгиланган. Бу эса уларнинг ҳар бир ташаббуси эътибордан четда қолмаслигига, агар кўпчилик маъқулласа, уни амалга оширишга зарур шароит яратади. Ўз ўрнида, партия гуруҳлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг бажарилишини текшириш тўғрисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга; тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларининг стенограммалари билан танишишга; сайловчилар билан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, сиёсий партия ташкилоти билан учрашувлар ўтказишга; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги Фармони асосида тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида вакиллик ва ижро этувчи органлар ўртасидаги муносабатларни тубдан янги босқичга кўтаришни назарда тутди. Унга кўра, келгусида қуйидагилар амалга оширилади:

биринчидан, республика давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш;

иккинчидан, ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият раҳбари мақомини сақлаган ва халқ депутатлари Кенгашларининг котибиятини тузган ҳолда қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

учинчидан, халқ депутатлари Кенгашларининг ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш бўйича роли ва масъулиятини ошириш;

тўртинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳокимлар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган ҳокимларни сайлаш тартибини жорий этиш ва бошқалар [9].

Партия гуруҳларининг маҳаллий Кенгашлар фаолиятидаги иштирокини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг фаолият самарадорлиги бир қатор омилларга боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Шу боис масалага комплекс ёндашув зарур. Фикримизча, улар фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи салбий омиллар мавжуд. Уларни икки

асосий гуруҳга ажратиб таснифлаш мақсадга мувофиқ. Биринчиси, сиёсий партиялар гуруҳлари фаолиятига тегишли (субъектив) тўсиқлар бўлса, иккинчиси маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ташкил этишга оид тўсиқлар.

Биринчи гуруҳда қуйидагиларни қайд этиш ўринлидир:

– сиёсий партиялардан сайланган айрим депутатларнинг депутатлик кўникмаларининг ривожланмаганлиги;

– сиёсий партиялар билан маҳаллий вакиллик органларида ташкил этилган партия гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмаганлиги;

– сиёсий партиялар ҳудудий ташкилотларининг таъсири етарли эмаслиги.

Маҳаллий вакиллик органлари ишини ташкил этишга оид камчиликлар сифатида қуйидагиларни қайд этиш жоиз:

– маҳаллий вакиллик органлари билан ижро этувчи органларга ҳокимнинг раҳбарлик қилиши;

– маҳаллий вакиллик органлари фаолиятининг профессионал (доимий) асосга эга эмаслиги;

– маҳаллий органлардаги партия гуруҳларининг айрим ваколатларини таъминлаш механизмлари яратилмаганлиги.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш жоиз деб ҳисоблаймиз:

– янги таркибда сайланган маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган малака ошириш курсларини жорий этиш;

– вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини тинглаш муддатлари ва тартибини батафсилроқ белгилаш;

– маҳаллий дастурларни ишлаб чиқишда партия сайловолди дастурларида назарда тутилган вазибаларни эътиборга олиш;

– вилоят даражасида фаолият юритаётган маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатувчи депутатларнинг ярмини, туман даражасидаги вакиллик органларида фаолият кўрсатувчи депутатларнинг учдан бир қисми доимий асосда фаолият кўрсатишига эришиш;

– ҳокимнинг маҳаллий Кенгашларга раҳбарлик мақомини бекор қилиш;

– маҳаллий вакиллик органларига сайлаш учун номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши кераклигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ваколатларини янада кенгайтириш юзасидан қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

биринчидан, “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунга асосан Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин. Бизнингча, келгусида маҳаллий Кенгаш депутатларига ҳам ушбу ҳуқуқни тақдим этиш лозим;

иккинчидан, партия гуруҳларининг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини режа асосида ўрганишни йўлга қўйиш лозим. Бундай режалар маҳаллий кенгашлар сессиясида тасдиқланиши ва ўрганиш натижалари муҳокама этиб борилиши мақсадга мувофиқ;

учинчидан, туман, шаҳар ҳокимларининг тайинланишида тегишли маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг сессияда тасдиқлаш тартибини жорий этиш лозим.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги тақлифларни илгари суриш мумкин.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар назорати” деб номланган 8-моддасининг биринчи қисмини “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади”, деб ўзгартирган ҳолда уни “қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари комиссиялари ва депутатлик гуруҳлари томонидан ўрганиш ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш” мазмунидаги учинчи хатбоши билан тўлдириш зарур. Чунки депутат назорати ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар назорати мақсади ўхшаш бўлса-да, уларни фарқлаш ўринлидир. Зеро, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун ҳам бежизга қабул қилинмаган. Шу боис уларни фарқлаш лозим. Бундан ташқари, қонунда “халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар назорати” алоҳида белгиланиб, унинг шакли сифатида комиссиялар ва депутатлик гуруҳлари томонидан ўрганишларни

ҳам белгилаш лозим. Бу эса Кенгашлар ишини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади.

2. Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг “Халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари”, деб номланган 24-моддасини ўн иккинчи қисм билан тўлдириш, яъни “Кенгаш сўровларини юбориш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш”, деган нормани киритиш лозим. Чунки Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари қаторида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини кенгайтириш, давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, вакиллик органлари назорат ваколатларини кенгайтириш каби вазифаларнинг белгилаб олиниши маҳаллий давлат ҳокимияти зиммасига долзарб вазифаларни юклайди. Ўз навбатида, ушбу вазифалар ижроси маҳаллий кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишни ҳам талаб этади. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳақида сўз кетганда, муайян ҳудуддан ўша ҳудудда истиқомат қиладиган аҳоли томонидан сайлов орқали шакллантирилган вакиллик ҳокимият органлари тушунилади. Мазкур вакиллик тузилмасининг фаолияти демократик бошқарувнинг маҳаллий даражасидаги типик намунаси ҳисобланади. Афсуски, амалда Кенгашларнинг ваколатлари таъсирчан механизмга эга эмас. Мазкур камчиликни бартараф этиш ва уларнинг ваколатларини янада кенгайтириш мақсадида “Кенгаш сўрови” институтини киритиш ва уни халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ваколатига киритиш мақсадга мувофиқ.

3. Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунининг “Партия гуруҳларининг ҳуқуқлари” деб номланган 14<sup>1</sup>-моддасига олтинчи қисм сифатида “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида ва халқ депутатлари Кенгашларида тузиладиган депутатлар гуруҳи ўз вакили Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида қафолатли ҳуқуққа эга” деган мазмундаги нормани қўшиш лозим. Чунки ҳозирга қадар маҳаллий кенгашлардаги партиялар иштирокининг муҳим шакли Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳисобланади. Афсуски, партия гуруҳлари ўзларига тақдим этилган ҳуқуқлардан етарлича фойдаланмасдан келмоқда.

Бундан кўринадики, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларига ҳуқуқларнинг тақдим этилишининг ўзигина етарли эмас. Балки ушбу тизимни ҳаракатга келтирадиган бутун



механизмни такомиллаштириш зарур. Шу мақсадда Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ўз вакили Кенгаш раисининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатиши лозим. Бу улар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

4. 2004 йил 2 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг “Депутатнинг ҳуқуқлари” деб номланган 5-моддасининг 2-қисмини қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади: “депутатлар гуруҳини тузиш ҳақида таклифлар киритишга, уларга аъзо бўлишга”. Чунки халқ депутатлари Кенгашларида депутатлар гуруҳини тузиш ташаббуси бевосита депутатлар томонидан илгари сурилади. Шу сабабли “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида депутатларнинг мазкур ҳуқуқларини алоҳида белгилаш мақсадга мувофиқ.

5. Узоқ йиллар давомида муайян ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурлар асосан марказий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Ҳолбуки, муайян ҳудудда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни, уларни ривожлантириш йўналишларини шу ҳудудда фаолият юритадиган давлат органлари, хусусан, вакиллик органларида намоён бўлган сиёсий партиялар кўпроқ билади ва англайди.

Шу боис мамлакатимиз вилоятлари, туман ва шаҳарлари халқ депутатлари Кенгашларида фаолият юритаётган партия гуруҳларининг ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг лойиҳаларини такомиллаштириш жараёнида иштирок этишлари мавжуд муаммоларни тўлиқ ва аниқ тушуниш ҳамда уларни ҳал этиш йўллари жойлардаги вакиллар билан бамаслаҳат ишлаб чиқишни таъминлайди. Бунинг учун партия гуруҳларининг бу борадаги ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган тегишли қонун ҳужжатлари ва механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

6. Кўп ҳолатларда партиялар маҳаллий вакиллик органларига бўладиган сайловларда етарли кадрлар захирасига эга бўлмаганлиги учун партия фаолиятида ўзининг фаоллигини аниқ натижалар билан кўрсатмаган ҳамда партия билан узвий боғлиқ бўлмаган шахсларни номзод қилиб кўрсатади. Бундай шахслар тегишли вакиллик органига сайланганидан кейин партия билан алоқани етарли даражада ўрнатмайди ёки партиянинг сайловолди дастурида белгиланган

вазифаларни маҳаллий даражада қабул қилинадиган ҳужжатларга сингдиришда жонбозлик кўрсатмайди. Бу эса муайян партиянинг сайловчилар олдида обрўси тушишига олиб келади. Шу боис тегишли қонунчиликка сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган, шунингдек уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган депутатлар чақириб олинишига имкон берувчи ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга доимий тарзда татбиқ этиб бориш лозим.

7. Маҳаллий Кенгашлар фаолиятида сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари иштирокини баҳолаш, шунингдек меъёрий ҳужжатлар ва бошқа масалалар ташаббусини асослаш учун методологияларга эҳтиёж мавжуд, чунки бу партия гуруҳлари фаолиятининг сифатли таҳлили ҳамда унинг потенциал таъсирига ўз ҳиссасини қўшади. Шунингдек, мазкур методологияни ишлаб чиқишда илмий институтлар, тадқиқот марказлари ва мустақил экспертларни жалб қилиш имконияти мавжуд.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятида сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари иштирокининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали алоқа ўрнатиши муҳим аҳамият касб этади. Узоқ давр мобайнида депутатлар, хусусан, партия гуруҳларининг фуқаролар билан мулоқоти анча тор қўламли бўлган. Депутатлар сайловчилар билан фақат индивидуал масалалар бўйича мулоқот қилган, холос. Фуқароларда ташвиш уйғотадиган масалаларни аниқлаб, уларни ҳал қилиш чораларини қонунчиликда акс эттириш ёки ижроия ҳокимияти учун тавсиялар кўринишида шакллантириш жараёни диққатдан четда қолиб келган. Маҳаллий Кенгашларга янги сайланган депутатларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини юксалтириш мақсадида мутахассислардан ташкил топган ишчи гуруҳларни тузиш, махсус қўлланма ва бошқа керакли материалларни яратишга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий ҳокимият органлари ҳам, ўз навбатида, депутатларнинг фаоллигини рағбатлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалий ёрдам кўрсатишлари зарур. Масалан, депутатларга фаолияти учун зарур биналар ва техника воситаларини тақдим этиш, давлат хизматчилари ва фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги билимларини оширишга ёрдам бериш улар олдида турган вазифалардандир.

Депутатнинг асосий вазифаларидан бири сайловчилар билан мулоқот қилишдир. Халқ сайлаган вакиллар, аввало, халқнинг ўзи билан ишлашни билиши, фуқаролар билан яқин мулоқотда бўлиши, омма уни таниши, ҳурмат қилиши ва унга муаммоларини айта олиши керак [10].

Таъкидлаш жоизки, охириги 3 йилда миллий қонунчилигимизда давлат ва жамият бошқарувида сиёсий партиялар иштирокини кенгайтиришга қаратилган ислохотлар мамлакатимизда сиёсий барқарорликнинг ҳуқуқий асоси сифатида сиёсий-ҳуқуқий фикрларни янги мазмун билан бойишига, сиёсий майдонда рақобат руҳини юзага келишига олиб келади ва энг асосийси фуқароларнинг манфаат ва истакларини реал амалга ошишига имкон туғдиради. Бунинг учун, албатта, сиёсий партиялар нафақат сайловлар жараёнида, балки мунтазам равишда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ва маданиятини ошириш борасида изчил фаолият юритишлари зарур бўлади. Афсуски, бугунги кунда аҳолининг сиёсий фаоллиги ва дунёқарашини юқори даражада деб бўлмайди. Буни “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан 2019 йил 5–17 сентябрь кунлари ўтказилган “Express-modus” телефон сўрови натижалари ҳам тасдиқлайди. Сўровда 18 ёш ва ундан катта ёшдаги 864 нафар респондентлар қатнашган, уларнинг 42,5 фоизи эркаклар ва 57,5 фоизи хотин-қизлардир. 2019 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят ва туман Кенгашлари депутатлигига сайловлар йили эканлигини биласизми?, деган саволга 60,9 фоизи ҳа биламан; 38,7 фоизи йўқ, билмайман; 0,4 фоизи жавоб беришга қийналишини билдириб ўтган [11]. Кўриниб турибдики, деярли 40 фоиз аҳоли 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловлардан хабардор эмас.

8. Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ Иттифоқ даврида қолган кўпгина муаммолар бор эдики, буларни ҳал қилишда ижро ҳокимиятининг кучли бўлиши муҳим аҳамият касб этарди. Шу боис тадқиқотчи А.Чўлпиев таъкидлаб ўтганидек, мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида турли хил мулкӣ муносабатлар ҳамда хўжалик юритишнинг янги шакллари вужудга келиши ҳуқуқӣ муносабатларни тартибга солиб турувчи масалаларни ҳал қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини яқкабошчилик асосида бошқарувини ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди [12].

Айни пайтда маҳаллий ижроия ва вакиллик органи бошқарувининг яқка шахс – ҳоким қўлида мужассамланиши ўзи раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун ҳокимнинг шахсан жавобгарлигини мустаҳкамлади [13].

Ҳозирги кунда давлат назорати ижро ҳокимияти тизимида қонунийлик, инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашга ўз йўналишини қаратиши ва самарали эканлиги билан бирга, айни пайтда жамиятни янада демократлаштириш вазифалари ушбу ҳокимият тармоғи фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати олиб борилишини тақозо этади.

Профессор О.Т.Хусанов: “... демократик давлатда қонунийлик, ҳуқуқӣ тартибот, фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш асосий тамойиллардан бири сифатида белгиланиши, шу боис маҳаллий давлат ҳокимияти органларига масъулиятли вазифаларнинг юкланиши, уларни жойлардаги давлатнинг бу борадаги ҳамма функцияларини бажара олиш қобилиятига эга орган даражасига айлантириш давлатчилигимизнинг муҳим йўналишларидан бири” [14] деб таъкидлаганидек, нафақат олий вакиллик органининг функцияларини такомиллаштириш лозим, балки маҳаллий вакиллик органларининг ҳам функцияларини такомиллаштириш, уларни амалга ошириш механизмларини мукамал ишлаб чиқиш ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таъкидлаб ўтилганидек, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириб, ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш лозим. Бироқ очиқ тан олишимиз лозим, ҳокимларнинг ҳам маҳаллий Кенгашларга, ҳам ижро ҳокимиятига раҳбарлик қилиши демократик принципларга мос келади, деб бўлмайди. Ҳаммага маълум, ҳокимлар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан маҳаллий Кенгашларга ҳисоботлар тақдим этади. Кенгашлар эса тегишли қарорлар қабул қилади. Энди, айтишлар, ҳисоботини ўзи раҳбарлик қилиб келаётган маҳаллий Кенгашга тақдим қилиши ва тасдиқлатиши, ўзининг фаолиятига ўзи баҳо бериши тўғрими? Бу тизим ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашлар вазифаларини самарали бажаришга

салбий таъсир этаётганини замоннинг ўзи кўрсатмоқда. Биз келгусида бу масала бўйича қонунга асосланган тўғри ечим топамиз. Ҳокимларнинг ҳудудларни ривожлантириш, маҳаллий бюджетни ижро этиш, коммунал муаммоларни ҳал қилиш каби долзарб фаолияти устидан халқимиз ўз вакиллари орқали тегишли назоратни амалга оширишига имконият яратиб бериш бизнинг энг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши зарур [15].

Давлатимиз раҳбарининг нутқи, шунингдек ҳозирги кундаги юзага келган ижтимоий-сиёсий воқеликдан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ҳудудлардан ҳокимларни сиёсий партиялар вакиллари орасидан сайлаш масаласини кўриб чиқиш лозим. Бинобарин, бугунги кунда ҳокимларнинг фаолияти юзасидан аҳоли ўртасида муайян даражада салбий муносабат шаклланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Буни “Сизнинг фикрингиз/Ваше мнение” телеграм канали томонидан 2019 йилнинг 15 майга қадар ўтказилган сўров натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Хусусан, сўровда иштирок этган 3600 кишининг 65 фоизи ҳокимнинг ишидан қониқмаслигини билдирган. Уларнинг 16 фоизи ҳокимнинг фаолиятидан қисман қониқиши, 8 фоизи тўлиқ қониқишини қайд этган, 11 фоизи жавоб беришга қийналган [16].

Айни пайтда ҳокимларни сайлаш масаласи бўйича қайд этиб ўтилган телеграм канали томонидан 4300 нафар фойдаланувчи қатнашган 2019 йилнинг 11 майга қадар ўтказилган сўровда “Сизнингча, ҳокимларни сайлаш керакми ёки тайинлаш?” саволга 74 фоиз аҳоли томонидан сайланиши керак, 5 фоиз депутатлар сайлаши керак, 14 фоиз Президент томонидан тайинланиши керак, 1 фоизи улар Бош вазир томонидан тайинланиши керак ва 6 фоиз жавоб беришга қийналяпман деган фикрни билдирган [16].

Юқоридаги сўровнома натижаларидан ҳам кўриниб турибдики, бугунги кунда ҳокимларни сайлаш масаласи нафақат давлатимиз раҳбари, балки аҳоли томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Шу боис, фикримизча, ҳоким номзодларини сиёсий партиялар томонидан сайлаш тизимига ўтиш бугунги кун талабига айланмоқда.

Зеро, шаҳар ёки туман аҳолиси қайси партияга кўпроқ ишонч билдирса, ҳокимликни ўша партиянинг вакили бошқаради. Бу эса сиёсий рақобат демакдир: партиялар халқнинг – сайловчиларнинг ишончини йўқотиб қўймаслик учун барча имкониятларини сарфлаган ҳолда ҳаракат қилади, шаҳарни/туманни ривожлантириш устида бош қотиради, инсонларнинг оғирини енгил

қиладиган лойиҳаларни ишлаб чиқади. Сайлов арафасида лойиҳаларини халқнинг эътиборига ҳавола қилади.

Халқнинг муайян партияга ишончининг ортиб бориши ўша партияни юқори ҳокимият томон элтишини аниқлатади. Шунинг учун бу ерда сиёсий партиялар фақатгина сайлов арафасида эмас, балки ҳар доим фаол, давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим воқеаларга дарров муносабат билдиради, ҳуллас, ўз позициясига эга бўлади. Шубҳасиз, ҳокимликка сайловлар бўлиб ўтган ҳудуддаги ҳаёт сифатига, халқнинг турмуш даражасига таъсир кўрсатади. Бу эса жамият ва мамлакат турмуш даражасини ҳам белгилаб беради.

9. Бугунги кунда халқ депутатлари Кенгашлари сиёсий партиялар гуруҳлари фаолияти кафолатларини янада кенгайтириш зарурати юзага келмоқда. Бинобарин, давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлаши, уларнинг устав ва низомларида белгиланган мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериши зарур.

Албатта, кафолатларнинг мазмуни мамлакат ривожланишининг муайян босқичида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, маънавий ва бошқа жараёнларга ҳамда ислохотлар динамикасига бевосита боғлиқ бўлади. Фуқаролик жамиятида давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар тубдан фарқ қилиб, демократик тамойиллар асосида ўрнатилган бўлади. Фуқаролик жамиятида давлат барча сиёсий партияларнинг ўз функцияларини реал амалга оширишга ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратиши лозим. Давлат жамият ҳаётидаги барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларни тартибга солиб бориш вазифасини амалга оширишда ҳуқуқий воситалардан қанчалик моҳирона фойдалана олса, жамият ҳаёти, шу жумладан сиёсий партиялар ҳам шунчалик эркин муҳитга эга бўлади.

Давлат, ўз навбатида, сиёсий партияларнинг эркин фаолият юритишини самарали таъминлаш ва кафолатлаш орқали конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган сиёсий партияларнинг турли табақа ва гуруҳлар сиёсий иродасини ифодалаш ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этишга оид ҳуқуқларини ҳаётга татбиқ этишни кафолатлаш орқали Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши тамойилини амалда рўёбга чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари иштирокини кучайтириш ва маҳаллий вакиллик органларининг маҳаллий ижро органлари фаолиятини назорат қилиши механизмларини

такомиллаштириш маҳаллий муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечимини топишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, жойлардаги партиялараро рақобатнинг кучайишида муҳим омил ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. // “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 13 июль.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1994. – № 5. 125-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 2. 36-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [www.lex.uz](http://www.lex.uz), 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. – № 6. 70-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. № 37. 979-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [www.lex.uz](http://www.lex.uz), 01.08.2018 й., 06/18/5496/1603-сон.
6. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 1996. – 80 б.
7. Чуллийев А. Ўзбекистон Республикаси ҳокимликлари ҳузурида тузиладиган комиссияларнинг ҳуқуқий ҳолати: юрид. фан.номзоди ... дисс. автореферати. – Т., 2004. – Б.13.
8. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари (амалий қўлланма) / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Ш.Файзиёв. – Т., 2008. – Б.392–393.
9. Рузметов Х.И. Хокимияты: проблемы теории и практики организации деятельности местных органов исполнительной власти. Монография. – Т.: ТГЮИ, 2010. – 226 – Б.
10. Исмаилова Г. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари: уларнинг назорат ваколатлари. Олий хўжалик суди ахборотномаси. 2011 йил, – № 11. – Б. 34.
11. Махмудов А. Фаоллик ва ташаббускорлик маҳаллий вакиллик органлари депутатларидан ҳам талаб этилади. // *Huquq va burch*. – 2013. – № 8. – Б.12.
12. Тўрахўжаева Ш. Депутатлик осонми? // [www.insonvaqonun.uz/](http://www.insonvaqonun.uz/).
13. Hineman Charles M. Bureaucracy in Democracy. -Harper, 1950. – P. 12–15.
14. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-12-2017>.
15. <http://ijtimoiy-fikr.uz/uz/tadqiqotlar/saylov>.
16. [https://t.me/s/your\\_opinion\\_important/96](https://t.me/s/your_opinion_important/96).



## Бекзод Мусаев

Тошкент давлат юридик университети кафедра  
мудири, PhD, доцент  
b.musaev@tsul.uz Orcid: 0000-0003-2068-4035

### COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ТРАНСМИЛЛИЙ МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ УНИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ: ДОКТРИНАЛ ҚАРАШЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ ЁНДАШУВНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада COVID-19 вируси пандемиясининг меҳнат миграцияси жараёнига кўрсатаётган салбий таъсири, унинг яқунланиши натижасида юзага келадиган ҳуқуқий тартибот, миграцияси соҳасини тартибга солишининг усули сифатида унификация институтининг ривожланиши ва истиқболлари таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар.** пандемия, трансмилий миграция, меҳнаткаш-мигрантлар, унификация, миллий режим, ўзаролик, рақамли технологиялар

#### Бекзод Мусаев

Заведующий кафедры  
Ташкентского государственного юридического университета,  
PhD, доцент

### ВЛИЯНИЕ ПАНДЕМИИ COVID-19 НА ИНСТИТУТ УНИФИКАЦИИ ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫХ ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЙ: ДОКТРИНАЛЬНЫЕ ВЗГЛЯДЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ПРАВОВОГО ПОДХОДА

**Аннотация:** в статье анализируется негативное влияние пандемии вируса COVID-19 на процесс трудовой миграции, правовой порядок, возникающий в результате ее завершения, развитие и перспективы института унификации как метода регулирования миграции.

**Ключевые слова:** пандемия, транснациональная миграция, трудовые мигранты, объединение, национальный режим, взаимность, цифровые технологии.

#### Bekzod Musaev

Head of department Tashkent State University of Law,  
PhD, Associate Professor

### IMPACT OF THE PANDEMIC COVID-19 ON THE INSTITUTE OF THE UNIFICATION OF TRANSNATIONAL LABOR RELATIONS: THE DOCTRINAL VIEWS AND PERSPECTIVES OF THE LEGAL APPROACH

**Abstract:** The article analyzes the negative impact of the COVID-19 virus pandemic on the labor migration process, the legal order arising as a result of its completion, the development and prospects of the institution of unification as a method of regulating migration.

**Keywords:** pandemic, transnational migration, labor migrants, association, national treatment, reciprocity, digital technologies

**I. Кириш: муаммони қўйилиши**

COVID-19 пандемияси бутун дунё олдига меҳнат муносабатлари соҳасида узоқ йиллар давом этиши мумкин бўлган муаммони юзага келтирди десак, хато қилмаган бўламиз. Ушбу муаммолар сирдан мамлакат ичидаги ишсизлик, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ туюлсада, аслида ушбу пандемия меҳнаткаш-мигрантларнинг экспорт қилувчи давлатлар олдида икки баробар муаммоларни келтириб чиқарганини қайд этиш зарур.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳисоб-китобларига кўра, карантин чоралари дунё ишчиларининг 81 фоизи, яъни 2,7 миллиард кишига таъсир кўрсатадиган корхоналарнинг вақтинча, тўлиқ ёки қисман ёпилишига сабаб бўлди [1].

Ушбу муаммолар чет элда ишлаётган фуқароларни ўз юртига қайтариш, уларни карантин ҳудудларида сақлаш билан бирга, уларни иш билан таъминлашдек вазифаларни тезкорлик билан ҳал қилиш заруратини вужудга келтирмоқда.

Мазкур муаммолар меҳнаткаш-мигрантларни импорт қилувчи давлатлар олдида ҳам маълум муаммоларни вужудга келтиришини қайд этиш зарур. 2019 йилда АҚШ, Германия, Саудия Арабистони ва Россия Федерацияси яна мигрантларни импорт қилувчи мамлакатлар рўйхатида биринчи ўринни эгаллади. Халқаро меҳнат ташкилотининг Жануби-шарқий Европа, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ҳудудий офиси вакили **Майкл Ньюсон**нинг куйидаги фикрлари бугунги кундаги вазиятни бир қисмини ўзида ифодалайди: “Меҳнат мигранти нафақат ўз оиласи, ватанига, қолаверса, ўзи ишлаётган давлатга ҳам фойда келтиради. Бугунги инқироздан кейин хорижий йирик иш берувчиларда, айниқса кишлок хўжалиги соҳасида мутахассисларнинг етишмовчилиги кузатилади, бу одамларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига жиддий таъсир этади. Пандемиядан кейин бир йил давомида ҳам вазият аввалги ҳолатига қайтмаслиги мумкин” [2].

Мазкур масалаларни қанчалик чуқур эканлигини дунёдаги меҳнат-миграцияси соҳасидаги статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Халқаро миграция ташкилотининг (ХМТ) ҳисоб-китобларига кўра, халқаро муҳожирлар сони дунё бўйлаб 272 миллион кишига етган ва уларнинг учдан икки қисми меҳнат мигрантлари ҳисобланади. Бу дунё аҳолисининг 3,5 фоизидир. 2019 йилда

муҳожирларнинг пул ўтказмалари 689 миллиард АҚШ долларидан ошган [3].

Ўзбекистондан хорижий давлатларга ишлаш учун чиқиб кетган меҳнат мигрантларини барчасини ҳам қонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда деб айтиш қийин. Мисол учун, Олий Мажлис Сенати берган маълумотларига кўра, Москва шаҳридаги Ташки меҳнат миграцияси агентлиги ваколатхонасининг маълумотларига кўра, Россияда меҳнат фаолиятини олиб бораётган барча меҳнат мигрантларининг 25,4 фоизи тегишли патентни расмийлаштирмай ишламоқда. Яъни Россия қонунчилигига кўра ноқонуний фаолият олиб бормоқда [4]. 2019 йилда хорижда ишлаш чоғида вафот этган 308 нафар меҳнат муҳожирининг жасади Ўзбекистонга олиб келинган [5].

Ушбу ҳолатлар юзага келган муаммо ва келгусидаги мураккаб вазифаларнинг бир қисмидир. Шу нуқтаи назаридан, пандемиядан кейин меҳнат миграция билан боғлиқ вазиятни самарали ва тезкорлик билан ҳал қилишнинг бирдан-бири йўли бу давлатлараро ҳамкорликда ушбу соҳани бошқаришдир. Меҳнат миграция оқимини бошқариш учун бандлик агентликлари, иш берувчилар ва давлат ҳамкорлиги йўналишлари ҳамда улар томонидан қилиниши лозим бўлган вазифаларни аниқлаб олиш зарур.

Бу шароитда вазиятни самарали бошқариш учун мигрантларни жўнатиш ишларини тўғри йўлга қўйиш, айниқса, уларнинг соғлигини текшириш лозим. Бу борада мигрантларни қабул қилувчи ва жўнатувчи давлатлар ҳамда бандлик агентликлари ўртасида ишларнинг сифатли ташкил этилишини таъминловчи келишув бўлиши керак. Буларни барчаси меҳнат соҳасидаги халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларни унификациялаш институтидан самарали фойдаланиш заруратини қўймоқда.

**II. Трансмиллий меҳнат муносабатларини унификация қилиш: доктринал қарашлар ва уларнинг ривожланиш тенденцияси**

Ҳозирги вақтда халқаро меҳнат муносабатларини тартибга солувчи нормаларни унификациялашуви хавфсиз ва эркин меҳнат бозорини шакллантиришда самарали восита сифатида намоён бўлмоқда.

Халқаро меҳнат соҳасидаги нормаларни унификациялаштириш муаммоларини кўриб чиқишда трансмиллий меҳнат муносабатларини мазмунини аниқлаш, уни ҳуқуқий табиатини тушуниш муҳимдир.

Илмий адабиётлар таҳлиliga эътибор қаратсак, ушбу соҳада ўтган йиллар давомида бир қатор кўзга кўринган тадқиқотлар амалга оширилганлигини кўрсатиб ўтиш зарур.

Хорижий илмий адабиётларда унификация жараёни, унинг моҳияти ва трансмилий ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда туган ўрни каби масалалар, шуниндек ушбу институтни байналминиллашув жараёни билан ўзаро нисбати каби масалалар кенг тадқиқ қилинган. Шу қаторида, халқаро хусусий ҳуқуқда унификация ва байналминиллашув жараёнлари С.В. Бахин [6], М.М. Богуславский [7], А.И.Абдуллин [8], Г.К. Дмитриева [9], А.Л. Маковский, И.О. Хлестова [10] ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган [11].

Сўнги йилларда МДХ олимлари орасида минтақавий интеграция жараёнларининг кенгайиши, ишчи кучи миграцияси, давлатлараро меҳнат миграцияси, ахборот алмашинуви соҳасидаги ҳамкорликни кучайиши натижасида ушбу соҳада тадқиқотларда ҳам ўзгаришлар сезила бошланган. Жумладан, хусусий ҳуқуқда ахборот соҳасида давлат ҳуқуқини танлаш, ушбу соҳани унификация масалаларига (Н.Г.Доронина [12]), халқаро хусусий ҳуқуқни унификация қилиш жараёнида юзага келаётган муаммоларга (М.А.Циринна, Н.В.Власова, О.В.Муратова [13], Е.В.Портнова [14], А.Г.Николаенко [15], М.Л.Цой [16]), коллизия ҳуқуқий тартибга солишга (Л.В.Кудрявцева, Е.Д.Процко) [17], бағишланган тадқиқотлар кенгайишини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, халқаро хусусий ҳуқуқда кодификация масалаларига (Н.Ю Шлюндт, А.М.Соловьев) [18], меҳнат муносабатларини унификациясига (М.В.Егизарова) [19], Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида меҳнат соҳасидаги муаммоларга (И.В.Войтковская) [20] ва бошқа халқаро хусусий меҳнат муносабатларига бағишланган тадқиқотлар (Т.С.Рязьпова, К.Д.Глушкова, К.А.Разваляева [21], А.Н.Маткальков [22], Е.Г.Белькова [23]) олиб борилган.

Узоқ хорижий давлатларнинг томонидан ўтган асрда тадқиқот олиб борган вакиллари (К.Р.Бергер [24], R.David [25], Н.Kotz [26], С.Schmitthoff [27], К.Н.Nadelmann [28]) томонидан унификация жараёни давлатларнинг халқаро даражадаги универсал ўзаро ҳамкорлигининг бир элементи, деган умумий фикр илгари сурилган.

Бошқа тадқиқотчилар (Boggiano A. [29], Imhoos C., Kenfack Douajni [30], Mbaye K., Rome. [31], Meyer) [32] эса унификация жараёнларини минтақавий ҳуқуқий тартибга солиш воситалари сифатида баҳолайдилар. Holtzmann Н.М. [33],

K.Lipstein [34], A.N.Yiannopoulosлар [35] томонидан унификация жараёнларини самарали амалга оширилишида халқаро ташкилот ва халқаро конвенцияларнинг роли эътироф этилган.

Замонавий ҳуқуқий тадқиқотларда ҳам унификация ва давлатлараро ҳуқуқий интеграция масалалари турли йўналишларда тадқиқ қилинганлигини қайд этиш зарур. Хусусан, трансмилий муносабатларни тартибга солишда халқаро хусусий ҳуқуқни глобаллашуви (R.Wai) [36], халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини глобаллашувида инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари (P.R.Dubinsky) [37], ҳуқуқни унификациялашуви ва гормонлашуви (M.Gebauer) [38], Европа иттифоқида хусусий ҳуқуқни унификациялашувининг самараси (G.Rühl) [39], меҳнаткаш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари (Galvin, Daniel J.) [40] тадқиқ қилинганлигини кўриш мумкин.

Юқоридаги тадқиқотлар ва уларнинг амалга ошириш йўналишлари шуни кўрсатадики, ҳуқуқни унификация қилиш институти бу ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни ёки турли ҳуқуқий тартиботларнинг бир ҳуқуқий тартибга солиш жараёни сифатида қўллаш ва уни келиши билан боғлиқ мураккаб институт саналади.

Бугунги кунда илмий адабиётларда чет эл ҳуқуқий тартиботи билан билан боғлиқ муносабатларда қўлланиладиган тушунчаларни бирхиллиги бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Шу боис, “байналминиллашув (интернационаллашув)”, “ҳуқуқий интеграция”, “унификация” ва “гармонлаштириш” каби тушунчаларни мазмуни ва қўлланилиш масалалари турлича ёндашувлар асосида тушунилиб келинади.

Юқорида мутахассислар томонидан билдирилган нуқтаи назарларни умумлаштириб қуйидаги дастлабки хулосаларни кўриб чиқиш мумкин:

**Биринчи**, унификация жараёни халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланишининг хосиласидир;

**Иккинчи**, унификация жараёни ўз ичига давлатлараро икки тарафлама ва кўп тарафлама минтақавий ҳамда универсал камровга эга бўлиб, ушбу камровнинг даражасидан келиб чиққан ҳолда унификациянинг хусусиятларини ажратиш мумкин;

**Учинчи**, унификация институти замонавий ҳуқуқ ижодкорлигининг натижаси бўлиб, уни натижасида ишлаб чиқилган нормаларни миллий ҳуқуқий нормалардан устунлиги принципи, унификациянинг давлат усти ҳуқуқ ижодкорлик жараёни эканлигидан далолат беради.

Мазкур учинчи хулосани келиб чиқишига сабаб, ҳар қандай унификация фаолиятининг натижасида қоида тариқасида янги ҳуқуқий нормалар шаклланиб, улар миллий ва халқаро муносабатларда давлатларнинг ички қонунчилигидан устун мавқега эга бўлади.

Лекин, алоҳида қайд этиш зарурки, унификациялашган нормаларни ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий қилиниши ҳар доим ҳам осон кечмайди. Ушбу соҳада бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Илмий доктринада ушбу соҳада тадқиқотчилар томонидан ҳам бир қатор муаммолар илгари сурилган.

Хусусан, К.Сакко (Rodolfo Sacco)нинг фикрича, кўпчилик ҳолатларда унификация жараёнидаги муаммолар унификациялашган нормаларни ишлаб чиқишда эмас, балки уларни миллий қонунчиликка бир хилда жорий қилиш ва амалга киритиш вақтида юзага келади [41].

Ушбу фикрга яқин ёндашув А.Розетт (Arthur Rosett) томонидан илгари сурилган бўлиб, унинг фикрича халқаро даражада бир хил ҳуқуқий нормаларни яратилиши ҳар доим ҳам уларни миллий ҳуқуқий тизимда самарали амалга оширилишини таъминламаслиги мумкин [42].

Родерик Мандей (Munday Roderick JC) фикрича, халқаро давлатлараро унификациянинг асосий манбаси саналган халқаро келишувларнинг бош вазифаси ягона ҳуқуқий тартибга солиш тизимини жорий қилиш бўлсада, лекин унификациялашган нормаларни давлатлар томонидан татбиқ қилинишини ҳеч ким кафолатлай олмайди [43]. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар қандай унификациялашган нормаларни талқин қилиш ва миллий давлат амалиётига тадбиқ қилинишида ҳар бир мамлакатнинг маҳаллий хусусиятларини инобатга олмасликни имкони йўқ.

Бундан ташқари, ҳар бир давлатнинг ҳуқуқни қўлловчи органлар ўз ҳуқуқий билими ва тажрибасидан келиб чиқиб айна бир қондани турли тушуниш, қўллаш амалиёти давом этар экан, халқаро даражада унификация жараёнини барқарор шаклда жорий қилиш имконияти мавжуд эмас.

Унификациялашган нормаларни жорий қилиш муаммолари трансмиллий меҳнат муносабатларини давлатлараро тартибга солиш жараёнида ҳам юзага келмоқда. Шу билан бирга хорижий тадқиқотчилар томонидан ушбу соҳадаги нормаларни ишлаб чиқиш ва бир хил бўлган жорий қилиш бўйича сарфланган маблағларнинг номуносаблиги соҳасидаги муаммолар ҳам қайд этилган [44].

Стивен Вольт (Steven Walt)нинг фикрича унификация натижаларини амалий натижадорлигини таъминлаш учун унинг иштирокчилари олдида қатъий мажбуриятларни қўйиш масалани ечиш мумкин. Мисол учун, халқаро даражада келишиб тасдиқланган унификациялашган нормаларни имплементация қилиш орқали мажбурият юкланган каби воситаларни кенгайтириш зарур. Шу билан бирга, унификациялашган нормаларнинг тузилиш шакли жуда ҳам умумий ва ноаниқ баён қилинганлиги билан характерланади [45].

Мазкур нуқтаи назарга қўшилган ҳолда Р. Давид (Rene David) тўғри таъкидлаб ўтганидек, унификация ҳуқуқнинг асосий принципларини тўғри ва бирхилда талқин қилишга, ҳуқуқ нормасини аниқ баён қилиш орқали ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлит тизимини яратишга қаратилган бўлиши керак [46].

Бизнингча, унификацияни тор маънода тушунишда халқаро хусусий ҳуқуқий унификацияни ҳам тушуниш зарур. Бунга сабаб, давлатларо ҳамкорлик натижасида қабул қилинган икки томонлама шартномалар ёки минтақавий шартномаларда халқаро хусусий ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган унификациялашган коллизия нормалар ҳам мавжуд.

### **III. Миллий режим тамойили меҳнат соҳасида унификациялашган ҳуқуқий нормаларни ривожланишига қандай таъсир кўрсатади**

Меҳнат миграция жараёнларининг кенгайтиши натижасида чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини унификация қилишнинг асосий йўналиши натижасида халқаро ҳамкорлик намоён бўла бошлади.

Н.Л.Лютовнинг фикрича, халқаро ҳужжатлар, қоида тариқасида икки тарафлама келишувлар унификациялашган трансмиллий меҳнатни тартибга солишнинг асосий воситаси саналади [47].

Меҳнат соҳасида халқаро келишувларнинг аҳамияти ҳақида дастлаб Д. Легран томонидан қайд этилган бўлиб, у меҳнатни халқаро тартибга солиш ғоясини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар илгари сурган [48].

Эмер де Ваттель ўз асарида чет эл фуқароларига бўлган муносабатни белгилаб берувчи фундаментал масала бу инсонпарварлик ва адолатга асосланган ҳуқуқ нормалари саналади [49]. Чет эл фуқароларининг ҳуқуқий мақомини белгилашда Гуго Гроций асарларида ҳам тадқиқ



килинган [50]. Мазкур тадқиқотчилар ушбу принципни қўллаш масалаларини таҳлил қилган бўлган тақдирда ҳам, лекин ушбу тушунчага таъриф бермаган.

Меҳнат муносабатлари соҳасида миллий режим принципини ривожланиши охири XIX ва XX асрнинг бошларига тўғри келади. Ушбу даврда инвестиция ва ишчи кучларни жалб қилиш мақсадида латинamerika давлатлари ўз фуқаролари билан бир хил ҳуқуқ ва эркинликларини тақдим этишган.

Ушбу ғоя мутлоқ тенглик доктринаси сифатида чет эл фуқароларига миллий фуқаролар билан тенг ҳуқуқ ва эркинликлар тақдим этишга қаратилган.

Мазкур доктрина Йель университети профессори Эдвин Борчард томонидан танқид қилинган бўлиб, унинг фикрича ҳеч қайси давлат миллий фуқаролари ва чет эл фуқароларини тенг ҳуқуқлилигини амалда таъминлаб бера олмайди, ушбу доктрина фақат назарийдир, уни амалиётда қўллашни имкони йўқ. Уни фикрича ҳар қандай ҳолатда ҳам чет эл фуқароларига нисбатан чекловлар мавжуд [51].

Бизнингча, бунга сабаб миллий режим ва ўзаролик принципларини халқаро хусусий муносабатларга татбиқ қилиш мазмунини нотўғри белгилаш билан боғлиқ. Баъзи муаллифлар чет эл фуқароларига ўз давлати фуқаролари билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашни ўзаро асосида белгилашга ҳаракат қилиб, миллий режим принципини ушбу ҳолатда татбиқ қилишни кўпчилик ҳолатларда иккинчи даражали ҳолат сифатида қарашади.

Қайд этиш зарурки, трансмиллий муносабатларни миллий режим асосида тартибга солиш зарурати давлатларнинг ҳуқуқ нормаларини ўзаро яқинлаштириш ва унификация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, бунинг учун ўзароликни асосий шарт сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида миллий режим принципини татбиқ қилинишига ўзаролик принципини мавжудлиги зарурий шарт сифатида белгилаб берилмаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар, деб белгилаб қўйилган [52]. Тўғри ушбу конституциявий норма

чет эл фуқароларини миллий фуқаролар билан тенглигини тан олиш ҳақида қонидани белгилаб бермаган бўлсада, лекин уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда халқаро ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаб қўйган.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ҳуқуқ доктринасида трансмиллий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи нормаларни унификация қилиш ҳамда миллий режим принципларининг ўзаро боғлиқлиги масалалари таҳлил қилинмаган.

Аммо, ўтказилган таҳлиллар натижасида шундай дастлабки хулосани илгари суриш мумкинки, миллий режим принципи трансмиллий муносабатларни бир хилда тартибга солишни ривожлантиришга тўғридан-тўғри хизмат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, миллий режим принципи ҳуқуқий тизимларни ривожланиш қонуниятларини очиб бериш ва чет эл фуқаролари билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни ўзига хослигини белгилаб беради.

Мазкур тадқиқот доирасида миллий режим принципини чет эл фуқаролари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва унификация жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи бир қатор ўзига хосликларини аниқлашга ҳаракат қилинди. Жумладан, миллий режим чет эл фуқаролари ва миллий фуқаролар ўртасида формал тенгликни таъминлаши натижасида ушбу принципни қўллашда эгилувчан (чекловчи ёки рағбатлантирувчи хусусият) ва қатъий қоидаларни татбиқ қилиш имконияти яратилади.

Миллий режим принципи барча давлатлар учун ягона ва бир хилда қўлланиладиган норматив расмийлаштириш шаклига эга эмаслиги билан характерланади. Аниқ бир давлатдан келиб чиққан ҳолда миллий режим принципининг қўллаш усуллари ва шакллари бир-биридан фаркланиши мумкин. Шунга қарамадан миллий режим принципининг мазмуни ўзгармаган, у ҳам бўлса қабул қилувчи давлат фуқаролари ва ушбу давлатдаги чет эл фуқаролари ўртасидаги тенгликни таъминлаб, трансмиллий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларини унификация қилиш учун асос яратишга хизмат қилади.

Миллий режим принципини қўллашда юзага келадиган муаммо шундаки, ҳар бир давлат ўз миллий қонунчилигида чет эл фуқаролари, юридик шахслари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ушбу давлат ҳудудидаги ижтимоий муносабатлардаги иштироки жараёнида бериладиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни мустақил ҳал қилади.

Миллий режим принципини ривожланиши ва меҳнат муносабатларига нисбатан татбиқ қилишнинг яна бир ўзига хослиги уни бир қатор ташқи омиллар, жумладан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсирида босқичма-босқич ривожланишида намоён бўлади.

Меҳнат муносабатларида миллий режимни татбиқ этиш ҳуқуқий доктриналар, хусусан мутлоқ тенглик, адолатли меҳнат режими ва шароити, минимал халқаро меҳнат стандартлари асосида шаклланган. Ушбу халқаро стандартлар давлатларнинг халқаро шартномалар доирасида ўз зиммаларига олган мажбуриятлари натижасида хосил бўлган бўлиб, бу ушбу давлатлар томонидан ўз худудида чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ўз миллий фуқаролари билан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашларига олиб келди.

Шу билан бирга қайд этиш зарурки, бу каби тенгликни мутлоқ таъминлаш имконияти мавжуд эмас. Ҳар бир давлат ўзининг ички манфаатлари ва хавфсизлиги юзасидан чет эл фуқароларига тўлиқ тенг имкониятлар яратиш мажбуриятларни олмаслиги ушбу соҳада ҳуқуқни унификация қилиш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Трансмиллий меҳнат муносабатларни унификация қилиш масалаларига Ўзбекистон томонидан сўнги йилларда жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, фуқароларимиз асосий ишлаш учун кетадиган МДҲ минтақасида ҳуқуқни унификация қилиш масалалари ҳар доимгидан долзарбдир. 2020 йил 12 августда Ўзбекистон меҳнат, миграция ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича халқаро шартномага қўшилди (“Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди (ПҚ-4806-сон, 12.08.2020 й.).

Ушбу қарор билан мамлакатимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг меҳнат, миграция ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Маслаҳат кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Баённомага (Минск, 2016 йил 28 октябрь) қўшилди. Қайд этиш зарурки, ушбу ҳужжат минтақавий унификация қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

#### IV. Хулоса

Бугунги кунда Ўзбекистон олдида трансмиллий меҳнат муносабатларини икки томонлама ва кўп томонлама ҳуқуқни унификациялаш ва хорижий давлатлардаги меҳнаткаш-мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор вазифаларни ҳал қилиш зарур:

**Биринчи**, меҳнат миграцияси соҳасидаги жараён самарадорлигини ошириш, пандемия шароитида мигрантлар бандлиги ва уларнинг қабул қилувчи давлатларда бўлишини таъминлаш масалаларига ечим топиш;

**Иккинчи**, хориждаги миллий меҳнат мигрантларни манфаатини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмини икки тарафлама шартномалар асосида мустаҳкамлаш;

**Учинчи**, меҳнат миграцияси соҳасига суғурта институтини жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқиш;

**Тўртинчи**, пандемия юзага келтирган инкироз шароитидан фойдаланган ҳолда меҳнат-миграцияси, хусусий бандлик агентликлари фаолиятини бошқариш, ҳуқуқий тартибга солиш, улар фаолиятини шаффофлигини таъминлашда рақамли технологиялар, айниқса масофавий мулоқот ва таълим, малака ошириш масалаларига эътибор қаратиш зарур.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.iom.int/migration>
2. <https://mehnat.uz/uz/news/mehnat-migraciyasi-muammolar-va-ularning-echimlari>
3. <https://publications.iom.int/books/world-migration-report-2020-chapter-2>
4. [http://uza.uz/oz/society/zbekiston-respublikasi-oliy-mazhlisi-senatining-oltinchi-yal-07-08-2020?sphrase\\_id=16103118](http://uza.uz/oz/society/zbekiston-respublikasi-oliy-mazhlisi-senatining-oltinchi-yal-07-08-2020?sphrase_id=16103118)
5. <https://t.me/davletovuz> - порталидан олинган маълумот
6. Бахин С.В. Правовые проблемы договорной унификации // Московский журнал международного права. 2002. № 1(45). С. 129-143; Бахин С.В. Разновидности единых и единообразных норм, создаваемых при сближении (унификации и гармонизации) права // Российский ежегодник международного права. 2005. – СПб, 2006. – С. 115-126.
7. Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. – М., 2005. 604 с.; Вельяминов Г.М. Международные договоры в международном частном праве и его понятие // Государство и право. – 2002. – № 8. – С.77- 82.
8. Абдуллин, А. И. К вопросу об унификации в международном частном праве. Известия высших учебных заведений. Правоведение 1 (1998): 184-185.
9. Дмитриева Г.К. Сближение частного права разных государств в условиях глобализма:

Международно-правовые механизмы. *Lex Russica*. 2012;71(6):1303-14.

10. Проблемы унификации международного частного права: монография / отв. ред. А.Л. Маковский, И.О. Хлестова. – М., 2012. 488 – С

11. Перспективы развития законодательства о международном частном праве // Концепции развития российского законодательства / Под ред. Т.Я. Хабриевой, Ю.А. Тихомирова. – М., 2010. 732 –С.

12. Доронина, Н.Г., 2015. Диффузия в праве как направление унификации международного частного права: к вопросу об объекте информационного права вопросы международного частного права: диффузия в праве. *Журнал российского права*, (5 (221)).

13. Цирина М.А, Власова Н.В, Муратова О.В. Проблемы унификации международного частного права в современном мире. *Журнал российского права*. – 2014 (3 (207)).

14. Портнова Е.В. Некоторые проблемы унификации международного частного права в современном мире // *Наука. Общество. Государство*. 2016, 4 (2 (14)).

15. Николаенко А.Г, Казановская Ю.А. Унификация международного частного права. In *Актуальные проблемы конституционного и международного права*. 2018 (pp. 117-120).

16. Цой М.Л. О вопросе унификации норм международного частного права. In *Право: история, теория, практика* 2018 (pp. 26-32).

17. Кудрявцева Л.В, Процко Е.Д. Коллизионный метод правового регулирования в международном частном праве. In *Наука в современном информационном обществе*. 2018 (pp. 125-127).

18. Шлюндт Н.Ю, Соловьев А.М. Процессы кодификации и унификации в сфере международного частного права. // *Закон и право*. – 2015(10):87-90.

19. Егизарова М.В. Унификация норм, регулирующих трудовые отношения в международном частном праве (Doctoral dissertation, М., 2017).

20. Войтковская И.В. Проблемы трудового неравенства в Евразийском экономическом союзе. *Russian Juridical Journal/Rossiiskij Juridiceskij Zurnal*. – 2019 Nov 1;129(6).

21. Рязьпова Т.С, Глушкова К.Д, Разваляева К.А. Особенности трудовых отношений в международном частном праве. *Современные социально-экономические процессы: проблемы, закономерности, перспективы*. 2018 (pp. 120-122).

22. Маткалыков А.Н. Трансграничные трудовые отношения на постсоветском пространстве. *Актуальные вопросы экономики, управления и права: сборник научных трудов (ежегодник)*. 2017(4):67-79.

23. Белькова Е.Г. Применимое право к договору на выполнение научно-исследовательских работ. *Проблемы современного законодательства России и зарубежных стран*. 2018 (pp. 177-181).

24. Berger K. P. *The creeping codification of the new lex mercatoria*. – Kluwer Law International BV, 2010.

25. David R. *The International Unification of Private Law/David. R. ed. The Legal Systems of the world, their comparison and unification. Ch. V. International Encyclopedia of Comparative Law. V. II*. – 1971.

26. Н. Kotz, *Unification and Harmonization of Laws, Encyclopedia of Public International Law, North-Holland, 2000, p.1013*.

27. Schmitthoff C. M. *The unification or harmonisation of law by means of standard contracts and general conditions //Int'l & Comp. LQ. – 1968. – Т. 17. – С.551*.

28. Nadelmann, K.H., *Conflicts between Regional and International Work on Unification of Rules of Choice of Law. Harv. Int'l. LJ, 15, 1974. p.213*

29. Boggiano, Antonio. "The experience of latin american states." In *UNIDROIT. International Uniform Law in Practice: Acts and Proceedings of the 3rd Congress on Private Law held by the International Institute for the Unification of Private Law (Rome 7-10 September 1997)*. New York: Oceana, pp. 28-47. 1988

30. Imhoos, C. and Douajni, K.G., *Le Reglement D'Arbitrage de la Cour Commune De Justice et D'Arbitrage Ohada. Int'l Bus. LJ, 1999. p.825*.

31. M'baye, K., *L'harmonisation du droit privé et du droit international privé en matière commerciale dans les états de l'afrique occidentale, equatoriale et orientale. Africa, 1971pp.139-156*.

32. Meyer, P., *Uniform Act on the Arbitration Law: (Organization for the Harmonization of Business Law in Africa). International Business Law Journal, 1999. pp. 629-652*.

33. Holtzmann H.M. *Key Factors for the Success of Uniform International Commercial Legal Texts // Etudes de droit international en l'honneur de Pierre Lalive. Bale/Francfort-sur-Main: Helbrung & Lichtenhaln, 1993*.

34. Lipstein, K., *One hundred years of Hague conferences on private international law. International & Comparative Law Quarterly, 42(3), 1993. pp.553-653*

35. Yiannopoulos, A.N., *The Unification of Private Maritime Law by International Conventions. Law & Contemp. Probs., 30, 1965.p.370*.

36. Wai, R. *Transnational liftoff and juridicial touchdown: the regulatory function of private international law in an era of globalization. Colum. J. Transnat'l L., 40, 2001.p.209*.

37. Dubinsky, P.R., *Human Rights Law Meets Private Law Harmonization: The Coming Conflict. Yale J. Int'l*

L., 30, 2005. p.211.

38. Gebauer, M. "Unification and Harmonization of Laws." Max Planck Encyclopedia of international law < <http://opil.ouplaw.com/home/EPIL>> accessed 19 (2013).

39. Rühl, G., Who's Afraid of Comparative Law? The (Side) Effects of Unification of Private International Law in Europe. *European Review of Private Law*, 25(3), 2017. pp. 485-521.

40. Galvin, Daniel J. "From labor law to employment law: The changing politics of workers' rights." *Studies in American Political Development* 33, no. 1. 2019. pp.50-86.

41. R. Sacco, Diversity and Uniformity in the Law. *The American Journal of Comparative Law*, 49(2), 2001. pp. 171-189.

42. Rosett, A., Unification, harmonization, restatement, codification, and reform in international commercial law. *Am. j. Comp. L.*, 40, 1992. p.683.

43. Munday, R.J., The uniform interpretation of international conventions. *International & Comparative Law Quarterly*, 27(2), 1978. pp. 450-459.

44. Voogsgeerd H. Rethinking Scope and Purpose of National Labour Law because of Developments in EU Labour Law? / H. Voogsgeerd // LLRN conference on Labour Law at Barcelona; June 2013, PANEL:Goals/Foundations of Labour Law II, 2012. – P. 11-12.

45. Walt, S., Novelty and the risks of uniform sales law. *Va. J. Int'l L.*, 39, 1998. P.671.

46. David, R. The methods of unification. *Am. J. Comp. L.*, 16, 1968. P.13.

47. Лютов Н.Л. Международное трудовое право. Учебное пособие / под общ. науч. ред. К.Н. Гусова. М.: Проспект, 2011. С. 11-12.

48. Follows J. W. Antecedents of the International Labour Organization. // Oxford, Clarendon Press. 1951. P. 28, 31, 42, 201.

49. Эмер де Ваттель. Право народов или принципы естественного права, применяемые к поведению и делам наций и суверенов / (*Droit des gens, ou principes de la loi naturelle appliqués à la conduite et aux affaires des nations et des souverains*; Невшатель, 2 т., 1758 и др. изд. в Париже и Лондоне; 4-е изд., пополненное и с заметкой о Ваттеле, Амстердам, 1775; Париж, 3 т., 1863); Пер. с фр. В. Н. Дурденевского, Ф. А. Кублицкого, Э. М. Фабрикова. М., 1960. С. 271.

50. Гроций Г. О праве войны и мира. Под общей редакцией профессора С. Б. Крылова. Репринт с изд. 1956 г. М.: Ладомир, 1994. С. 217.

51. Edwin Borchard, The Minimum Standard of the Treatment of Aliens, *American Society of International Law –Proceedings*. 1936. P. 51, 56.

52. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, – 1994 ., 1-сон, 5-модда.



## Шухрат Якубов

Тошкент давлат юридик университети  
Таълим сифатини назорат қилиш  
бўлими бошлиғи,  
юридик фанлар доктори, доцент  
E-mail: shuhrat.yakubov.uzb@mail.ru

### ЭЛЕКТРОН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: МОҲИЯТИ, АҲАМИЯТИ, ЗАРУРАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада электрон жамоатчилик назоратининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва зарурати, унинг ташиқлий-ҳуқуқий асослари ҳамда истиқболлари таҳлил этилади. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнига замонавий ахборот-коммуникатив технологияларини жорий этишга оид Ўзбекистон ҳуқуқий тажрибаси тадқиқ этилган. Давлат органлари томонидан электрон ҳисобот беришининг ҳуқуқий механизмларини янада ривожлантириш ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Мансабдор шахслар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишда рақамли технологияларни жорий этишининг зарурати илмий асослашга ҳаракат қилинган. Ушбу соҳадаги айрим муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари ҳақида аниқ таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** электрон жамоатчилик назорати, электрон ҳисобот, ижтимоий тармоқлар, жамоатчилик назорати объекти ва субъектлари, жамоатчилик назорати шакллари.

#### Шухрат Якубов

Начальник отдела по надзору за качеством образования  
Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор юридических наук, доцент

### ЭЛЕКТРОННЫЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ КОНТРОЛЬ: СУЩНОСТЬ, ЗНАЧЕНИЕ, НЕОБХОДИМОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ

**Аннотация:** в статье анализируется содержание, важность и необходимость электронного общественного контроля, его организационно-правовые основы и перспективы. Исследован правовой опыт Узбекистана по внедрению современных информационных технологий в процесс общественного контроля. Высказаны мнения по дальнейшему развитию правовых механизмов электронной отчетности государственных органов. Научно обоснована необходимость внедрения цифровых технологий для установления эффективного общественного контроля за деятельностью должностных лиц. Выдвинуты конкретные предложения и рекомендации о существующих проблемах в этой сфере и путях их решения.

**Ключевые слова:** электронный общественный контроль, электронная отчетность, социальные сети, объекты и субъекты общественного контроля, формы общественного контроля.

**Shukhrat Yakubov**

Head of the Department of Education Quality Supervision,  
Tashkent State University of Law, DSc, associate Professor

### ELECTRONIC PUBLIC CONTROL: ESSENCE, MEANING, NECESSITY AND PERSPECTIVES

**Abstract:** *This article analyzes the content, importance and necessity of electronic public control, its organizational and legal foundations and prospects. The legal experience of Uzbekistan in the implementation of modern information technologies in the process of public control has been studied. Opinions were expressed on the further development of legal mechanisms for electronic reporting of state bodies. The need to introduce digital technologies to establish effective public control over the activities of officials has been scientifically substantiated. Certain proposals and recommendations on some problems in this area and ways to solve them were put forward*

**Keywords:** *electronic public control, electronic reporting, social network, objects and subjects of public control, forms of public control.*

Қонун устуворлигини таъминлашда жамоатчилик назорати институти энг муҳим мезон сифатида майдонга чиқмоқда. Таъсирчан жамоатчилик назоратининг амалга жорий этилиши орқали давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунларга риоя қилиниши таъминланади.

Жамоатчилик назорати ижтимоий адолатни қарор топтириш учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилади [1]. Сўнги вақтларда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан самарали фойдаланиш имкониятларининг ортиб бориши жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий, илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатларини янада ривожланишига шароит яратмоқда.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишда янги усул ва воситалар, ёндашувларнинг пайдо бўлиши, замонавий технологияларнинг бу жараёнга кенг жорий этилиши, жамоатчилик назорати субъектларига қулай имконият яратиш баробарида мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада кучайтириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда [2].

Яқин вақтларда амалга оширилаётган жамоатчилик назоратининг натижалари таҳлил этилса, унинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда олиб борилаётгани, анъанавий усуллардагига нисбатан кенг қамровли, таъсирчан ҳамда самарадор эканлиги кузатилмоқда. Масалан, ҳозирги кунда давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига таъсир кўрсатишнинг энг мақбул воситаси ролини турли электрон ресурслар ва ижтимоий тармоқлар эгаллади.

Шу жиҳатдан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларига шиддат билан кириб келаётган рақамли технологиялар, уларнинг жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнига ҳам кенг татбиқ этилиши “электрон жамоатчилик назорати”нинг шаклланиши ва ривожланишига шароит яратмоқда.

Электрон жамоатчилик назорати – жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнларига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши ҳисобланади. Бу жамоатчилик назорати субъектлари томонидан рақамли технологияларнинг имкониятидан фойдаланган ҳолда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари хизмат фаолияти устидан олиб борадиган назоратнинг янгича кўринишидир.

Моҳияти жиҳатидан, бу жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни аниқлаш, аҳамияти жиҳатидан, қонун устуворлигини таъминлашда қулай усуллардан фойдаланиб, самарали натижага эришишда намоён бўлади.

Электрон жамоатчилик назоратини амалга оширишни қандай тасаввур этамиз? Амалда унинг қанақа кўринишлари мавжуд? Келажакда яна қайси шакллари пайдо бўлиши мумкин? Электрон жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳал этилиши зарур бўлган яна қандай муҳим масалалар мавжуд? Унинг истиқболлари нималарда намоён бўлади? Бу каби саволларга жавоб бериш асосида мавзунинг моҳиятини ёритишга уринамиз.

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнларига замонавий технологияларни жорий этилаётгани бугун амалиётда кўп кузатилмоқда. Масалан, фуқаролар томонидан давлат органлари

ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида конун устуворлигига риоя этилиши ҳолатини доимий кузатиш, баҳо бериш ва назорат қилишга уринишлар кучаймоқда. Сўнгги вақтларда турли давлат органлари ходимларининг фаолиятини ижтимоий тармоқлар орқали кенг муҳокама қилиш, улар ҳаракатларининг қонунийлиги юзасидан муносабатлар билдириш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ёки айрим мансабдор шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарқалиб, катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Аҳоли бунга давлат органларининг расмий муносабатини талаб қилмоқда. Ўз навбатида, давлат органларининг масъуллари ҳам жамоатчилик назорати субъектларининг қонуний талабларини бажаришга, тегишли чоратadbирларни кўришга, оммавий ахборот воситалари орқали чиқиб, тегишли ҳолат юзасидан тушунтиришлар, баёнотлар беришга мослашиб бормоқда.

Экспертлар фикрича, “жамоатчилик назорати давлат назоратидан фарқли равишда асосий мақсади, кимнидир жазолаш эмас, балки қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, дастурларда жамоатчилик манфаатлари, фикрини ҳисобга олдирish, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, жамият манфаатларининг ҳимоясини, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни, давлат хизматларини самарали кўрсатилишини таъминлаш ҳисобланади” [3].

Қайсики, давлат органи бу жараёнларга жиддий эътибор қаратаётган, жамоатчилик фикрига тезкор муносабат билдираётган, фуқаролар билан ишлашда замонавий ёндашувлардан самарали фойдаланаётган бўлса, аҳоли ўртасида уларнинг нуфузи ортиб бормоқда.

Амалиётда юзага келаётган бундай янгича ижтимоий муносабатлар мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга ҳам туртки бўлмоқда. Амалий мисол, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 июлда “Электрон ҳуқумат тизимини янада ривожлантириш, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолияти бўйича жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериши тартибини жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги 444-сонли қарори қабул қилинди.

Унга кўра 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан ярим йиллик ва йил якуни бўйича ўз

фаолиятига оид жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериш тартиби жорий этилди. Ҳисоботлар: аввал расмий веб-сайтда, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларда жойлаштирилади, марказий (худудий) босма ОАВларда эълон қилинади; сўнгра ташкилотларнинг расмий веб-сайти ва улар биринчи раҳбарларининг ижтимоий тармоқлардаги аккаунтлари орқали брифинг ва матбуот конференциялари кўринишида онлайн трансляциялар ташкил этилади [4]. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга ислоҳот бўлиб, давлат бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик назорати доирасига олиш учун кенг шароитларни яратади. Жамоатчилик назоратининг субъектларига вазирлар, ҳокимлар фаолиятини кузатиш, таҳлил қилиш ҳамда баҳо беришга имкон беради.

Фикримизча, бундай тартиб нафақат давлат бошқаруви, балки барча хўжалик бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти учун ҳам жорий этилиши зарур [5]. Чунки 2020 йил 10 август куни Президент томонидан имзоланган “Қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жараёнлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга асосан, Олий Мажлис палаталарида Ҳуқумат аъзоларидан ташқари, эндиликда барча хўжалик бошқарув органлари раҳбарларининг ахборотларини эшитиш ваколати белгиланди [6]. Хўжалик бошқаруви органлари ҳам ўз фаолияти бўйича доимий равишда кенг жамоатчиликка ҳисобот бериб борар экан, уларнинг хизмат ваколатларини бажаришида қонунларга риоя этиши даражаси, халқ олдидаги масъулияти ортиб бораверади.

Амалиётда электрон жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари шаклланиб бораётганига қуйидаги яна бир мисолни кўрсатиш мумкин. 2020 йил 12 август куни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси электрон порталига “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хизмат автотранспортларидан фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилди [7]. Унинг 7-бандида “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар аҳолига хизмат

автотранспортларидан хизмат мақсадларида фойдаланилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини берувчи, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фото ва видео материалларни жойлаштириш имкониятига эга бўлган махсус веб-портални яратсин ҳамда ҳар бир хабар берилган ҳолат бўйича тезкор чоралар кўриш тизимини жорий этсин”, мазмунидаги норма мавжуд. Бу ҳам махсус веб-портал яратиш орқали жамоатчилик назоратининг электрон воситалар орқали амалга жорий этишни англатади.

Ёки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи “E-Anticor.uz” электрон платформасининг яратилгани, шунингдек коррупция ҳолатлари ҳақида Коррупцияга қарши курашиш агентлигини хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобиль дастурий таъминотнинг ташкил этилгани ҳам бу йўналишдаги муҳим кадамдир.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан олиб бориладиган назорат шакллари бундан буён ҳам электронлаштирилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Айниқса, жамоатчилик назорати субъектларига замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда қонунчиликда акс этган жамоатчилик назоратининг шакллари амалга ошириш имкониятлари яратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасида жамоатчилик назоратининг куйидаги саккизта шакллари белгиланган: давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очиқ хайъат мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитиуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш [8].

Жамоатчилик назоратининг бир шакли сифатида давлат органларига юборилаётган мурожаатлар ва сўровларнинг рақамлаштиришни таҳлил этсак. Аввало сўровларнинг мазмуни ҳамда миқдорига оид маълумотлар рақамли технологиялар асосида кузатилишига шарт-шароитлар яратилиши, бунинг учун ҳар бир давлат органларининг расмий веб-сайтларида алоҳида саҳифа ёки махсус электрон платформа яратилиши зарур. У орқали келиб тушаётган мурожаат ҳамда

сўровларнинг мазмуни ва уларни ҳал этилиши натижаларига оид маълумотлар ёритилиши керак.

Хусусан, давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар юбориш билан боғлиқ жараёнлар электронлаштирилса, бу соҳадаги амалий ишлар кенг жамоатчиликка очикланса, натижалар ҳақида аҳолига маълумотлар бериб борилса, жамият ҳаётидаги долзарб масала ва аҳолини ташвишга солаётган муаммоларнинг ҳал этилишида самарадорликка эришилади.

Масалан, давлат органларига юборилган сўровлар ва унга юборилган жавоблар мазмуни асосида муайян давлат органи ҳамда уларнинг мансабдор шахси фаолиятига сиёсий баҳо бериш, таъсир кўрсатиш имкони пайдо бўлади. Сўнгги вақтларда амалиётда давлат органларига юборилаётган сўровлар мазмуни кенг жамоатчиликка маълум қилиш учун ижтимоий тармоқларга жойлаш ҳолатлари учрамоқда. Лекин аксарият ҳолатларда давлат органларининг сўровларга жавоблари ҳали-ҳануз эскича услуб ва “қолип”лар асосида тайёрланиб, уларни имкон қадар ошқора қилмасдан тақдим этиш ҳолатлари кузатилмоқда.

“Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан ўтказилган ўрганишлар яқунлари жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ушбу шаклларида фойдаланиш ва аниқ натижаларга эришиш ишлари қоникарли эмаслигини кўрсатган. Айниқса, жамоатчилик эшитиуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси каби нормалар деярли фаолиятга жорий этилмапти. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг, бошқа ташкилот ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитиш амалиёти ҳанузгача йўлга қўйилмаган [9].

Фикримизча, бунинг сабаблари қонун ҳужжатларида давлат органлари мансабдор шахсларининг жамоатчилик олдида ҳисобот тақдим этишига оид муайян тартиб ва мажбуриятларгина белгиланиб, агар улар бажарилмаса, унга нисбатан қўлланиладиган юридик жавобгарликнинг мавжуд эмаслиги билан бевосита боғлиқ.

Масалан, 2017 йилда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига “тегишли прокурорларнинг, ички ишлар вазирилик ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг, тегишлича соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш”га оид қўшимчалар ёки “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги



Қонунга ҳудуддаги таълим муассасалари раҳбарларининг, ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларининг ҳисоботларини, тегишлича оилавий поликлиникаларнинг, қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотларини эшитишга оид нормалар киритилди [10]. Лекин жавобгарлик белгиланмагани учун ушбу қонун нормалари амалиётда деярли ишламаяпти, масъулларнинг ҳисоботлари номигагина тақдим этилмоқда, айрим жойларда эса бу қоидалар умуман эсга олинмаслиги кузатилмоқда.

Электрон ҳисобот бериш механизмларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз. Аввало электрон ҳисобот беришга оид ҳуқуқий механизмлар қонун ости ҳужжатларида эмас, балки қонунлар даражасида мустаҳкамланиши керак. Шу билан бирга, уларда белгиланган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмаганлиги учун муқаррар юридик жавобгарлик чоралари белгиланиши зарур.

Ёки давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этишга оид жамоатчилик назоратининг яна бир муҳим шаклини амалга оширишда ҳам замонавий технологияларнинг кенг татбиқ этилиши уларда кўрилаётган масалалар амалдаги қонунлар асосида ҳал этилаётгани ва давлат бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Бизнингча, бугун бундай мажлисларни онлайн трансляция қилиш, айниқса, фуқаролар манфаатларига тегишли қарорларни қабул қилишда мажлисларни очиқ ўтказиш вақти келди. Жамоатчилик вакиллари чакириб, бир зал ёки хонага тўплагандан кўра, видеоконференц-алоқа орқали ҳайъат мажлисларини ўтказиш ёки уларни телевидение орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилиши мақсадга мувофиқдир.

Турли ижтимоий тармоқларнинг пайдо бўлиши, фуқаролар томонидан улардан фойдаланиш даражасининг ортиб бориши билан айрим жамоатчилик назорати шакллари рақамлаштиришга имкониятларни юзага келтирмоқда. Масалан, жамият ҳаётидаги долзарб масалалар, давлат органлари фаолиятида қонун устуворлиги таъминланишини таҳлил қилиш мақсадида жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш жараёнларида ҳам замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш мумкин [11].

Бугунги кунда бу борадаги энг ижобий амалиёт сифатида баҳо бериш мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш борасидаги тажрибани қайд этиш ўринли. Бунинг учун

яратилган махсус электрон платформа – Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси портали (<https://regulation.gov.uz>) бу борада жуда муҳим аҳамиятга эга муҳокамалар майдонига айланмоқда.

2020 йил 15 август ҳолатига кўра ушбу порталга 6983 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари жойлаштирилган бўлиб, уларнинг 485 таси – қонун; 214 таси – Президент фармони; 642 таси – Президент қарори; 2147 таси – Вазирлар Маҳкамаси қарори; 2222 таси – Ҳоким қарори; 1261 таси – турли Давлат идораларининг буйруқ ёки қарорлари лойиҳасидир.

Уларни соҳалар кесимида таҳлил қилсак, 878 таси – таълим, илм-фан ва маданиятга, 842 таси – транспорт масаласига, 518 таси – меҳнат ва аҳоли бандлигига, 240 таси – уй-жой масалаларига, 234 таси – солиқ ва йиғимларга, 232 таси – банклар, 230 таси – тадбиркорлик фаолиятига ҳамда 3000 дан ортиғи бошқа турли масалаларга тегишлидир. Ушбу ҳужжатлар муҳокамаси даврида жамоатчиликдан жами 31951 та таклифлар келиб тушган [12].

Мазкур электрон портал орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича энг кўп ва мазмунли таклиф билдираётган фуқароларни аниқлаб, уларнинг рўйхати эълон қилиб борилиши, шунингдек муҳокама иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш бўйича энг намунали ва намунасиз давлат органлари рўйхати сайтга жойлаштирилишини ижобий баҳолаш ўринли [13]. Бу каби онлайн муҳокамалар турли давлат органлари томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқчил, пишиқ ва пухта бўлишига хизмат қилади [14].

Албатта, келажакда барча соҳалар рақамлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг истиқболларини белгилаш муҳим. Лекин, бу жараёнларга тўсиқ бўладиган айрим омилларни ҳам таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш бўйича ҳам тегишли чоралар кўрилиши керак.

Соҳадаги мавжуд муаммоларга, Ўзбекистонда Интернет алоқа сифати талаб даражасида эмаслиги, жамоатчилик назорати субъектларининг моддий-техник базаси ҳамда электрон ресурслар билан тўлиқ таъминланмаганлиги, ҳуқуқий асослар, ташкилий-институционал тузилмалар мукамал эмаслиги, давлат бошқаруви органларида ҳали-ҳануз аҳоли билан ҳисоблашмайдиган мансабдор шахсларнинг фаолият олиб бораётгани, айрим давлат органларида очиқлик тўлиқ таъминланмагани кабиларни кўрсатиш мумкин.

Фикримизча, Ўзбекистонда ҳозирги шароитда электрон жамоатчилик назоратини кенг жорий этиш ва амалга ошириш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш учун қуйидаги масалалар ҳал этилиши муҳим аҳамиятга эга:

**биринчидан**, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунига жамият ҳаётидаги янгиланишлар, бошқарув соҳасига замонавий ахборот технологияларнинг кенг тибқ этилаётганидан келиб чиқиб, жамоатчилик назоратининг нисбатан таъсирчан, замонавий (масалан, электрон, масофавий ва ҳ.к.) шакллари жорий этишни ҳисобга олган ҳолда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарур.

Бунда жамоатчилик назоратини электрон амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, турли электрон платформалардан фойдаланиш тартиби ушбу қонунда аниқ белгиланиши керак. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини берувчи, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фото ва видео материалларни жойлаштиришга мўлжалланган махсус веб-порталлар орқали уни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек давлат органларининг электрон ҳисобот беришга оид тартиб ва қоидалар ҳам мазкур қонунда ўз аксини топиши зарур;

**иккинчидан**, жамоатчилик назоратининг ҳозирги амалиётда нисбатан энг кўп қўлланилаётган шакли – жамоатчилик муҳокамасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қолаверса, бунинг электрон тарзда амалга ошириш зарурати кучайиб бораётганидан келиб чиқиб, унинг мукамал ҳуқуқий тартибга солишга йўналтирилган “Жамоатчилик муҳокамаси тўғрисида”ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Унда аввало, электрон жамоатчилик муҳокамасининг ўтказиш ва унда иштирок этиш тартиби, муҳокамага қўйиладиган масалаларнинг асосий йўналишлари ва доираси, муҳокамани ўтказиш вақти ва муддатлари, давомийлиги, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа муҳим ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиниши керак;

**учинчидан**, жамоатчилик назоратининг “ҳисобот бериш” шаклининг самарадорлиги ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига “мансабдор шахсларнинг маҳаллий кенгашлар, фуқаролар йиғини ҳузурида ҳисобот беришига оид жамоатчилик назорати шаклларига тегишли мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслиги”га нисбатан жавобгарлик чоралари қўшимча сифатида киритилиши зарур;

**тўртинчидан**, электрон жамоатчилик назоратининг ташкилий-техник базасини янада ривожлантириш учун махсус электрон платформалар, дастурий-таъминот тизимлари яратилиши зарур. Унда жамоатчилик назорати субъектларига давлат бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан назорат ўрнатиш учун зарур бўлган барча қулайлик ва имкониятлар яратилиши керак;

**бешинчидан**, электрон жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнларини мувофиқлаштириш ваколатларига эга бўлган институционал тузилма шакллантирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги кунгача бундай институтнинг яратилмагани, бу борадаги вазифалар аниқ белгиланмагани олиб борилган ишларни таҳлил этиш, янги истиқболли йўналишларни белгилашда мураккабликларни келтириб чиқармоқда.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасида электрон жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнларини мувофиқлаштириб борувчи алоҳида бўлинма ташкил этилиши мантқан тўғри бўларди. Чунки “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент Фармонида ҳам Янги палата фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида “жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш, “жамоатчилик эшитуви”, “жамоатчилик экспертизаси”, “жамоатчилик мониторинги” каби таъсирчан замонавий назорат шакллари амалда жорий этиш” вазифаси юклатилган [15].

Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш давлат бошқарувида қонун устуворлигини таъминлашга, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари масъулиятини янада оширишга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Юнусова А.Т. Жамоатчилик назорати – вақт талаби ва демократик тизим омилдир. <https://www.pnma.uz>.
2. Шайдулин Э. Совершенствование механизма общественного контроля деятельности государственных органов. <https://www.uz.uz>.
3. Миракулов М. Жамоатчилик назорати: давлат органлари ходимларининг қонунга риоя этиши, вазифасига масъулият билан ёндашишини таъминлайди. <https://www.uz.uz>.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 июлда “Электрон ҳукумат тизимини янада ривожлантириш, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолияти бўйича жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериши тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 444-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.07.2020 й., 09.20.444.1077-сон. <https://lex.uz>.
5. “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун жамият учун зарур, аммо уни мукамал ҳуқуқий ҳужжат дея оламизми? <https://www.uz.uz>.
6. “Қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жараёнлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й. <https://lex.uz>. ЎРҚ–631.
7. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хизмат автотранспортларидан фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси // Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси портали. (№ ID-20761) <https://regulation.gov.uz>.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон. <https://lex.uz>.
9. Туляков Э. Жамоатчилик назоратида жараён эмас, натижа муҳим. “Тараққиёт стратегияси” марказининг расмий веб-сайти. <https://strategy.uz>. 29.01.2020.
10. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 978-модда.
11. Зулфиқоров Ш.Х. Мамлакатимизда қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қонунлар ижросини назорат қилишда депутатлар ҳамда кенг жамоатчиликнинг иштироки // Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences. doi.org/10.34920/rls.1.2020.22-26.
12. Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси портали. <https://regulation.gov.uz>.
13. Усманов М.Ш., Джавакова К.В. Общественный контроль – эффективное средство в достижении верховенства Конституции и законов. «Правда Востока». – № 253 от 13.12.19.
14. Sodikov A. The ways to optimise the use of information technologies in norm making // Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридических наук – Review of law sciences. 2020 йил, махсус сон. – Б.21-24.
15. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5980-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.04.2020 й., 06/20/5980/0450-сон. <https://lex.uz>.



**Иван Никонов**  
самостоятельный соискатель  
Ташкентского государственного юридического  
университета

## ОСНОВНЫЕ ПОДХОДЫ К ВОПРОСУ СУДЕЙСКОГО СООБЩЕСТВА В СТРАНАХ СНГ

**Аннотация:** в статье рассматриваются система органов судейского сообщества в странах СНГ и их роль в обеспечении независимости судебной власти. Наряду с общими чертами в статье исследуются особенности каждой системы органов судейского сообщества. Изученный зарубежный опыт может быть принят во внимание в ходе работы над проектом закона, регламентирующим правовой статус и систему органов судейского сообщества в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** органы судейского сообщества, независимость судебной власти, судейское самоуправление, управление делами судебной системой.

**Иван Никонов**  
Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчи

### МДҲ ДАВЛАТЛАРИДА СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИ МАСАЛАСИГА АСОСИЙ ЁНДАШУВЛАР

**Аннотация:** мақолада МДҲ давлатларида судьялар ҳамжамияти органларининг тизимини ва уларнинг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашдаги роли кўриб чиқилган. Мақолада судьялар ҳамжамияти органлари тизимининг умумий жиҳатлари қаторида уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар таҳлил қилинади. Ўрганилган хорижий тажриба Ўзбекистон Республикасида судьялар ҳамжамияти органларининг мақомини ва тизимини тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда инobatга олиниши мумкин.

**Калит сўзлар:** судьялар ҳамжамияти органлари, суд ҳокимияти мустақиллиги, судьялар ўзини ўзи бошқариши, суд тизими ишларини бошқариши.

**Ivan Nikonov**  
An independent researcher  
of Tashkent state university of law

### GENERAL APPROACHES TO THE ISSUES OF JUDICIAL COMMUNITY IN CIS COUNTRIES

**Abstract:** The article analyzes system of judicial community in the country-members of CIS and their role in providing the independence of judiciary. Along with the common features the article analyzes peculiarities of each system of judicial community. The investigated foreign experience can be taken into consideration while elaborating draft law regulating status and system of judicial community in Uzbekistan.

**Keywords:** judicial community bodies, independence of judiciary, judicial self-governance, judicial administration.

Выработка наиболее оптимального подхода к развитию судейского сообщества и повышению его роли в обеспечении подлинной независимости судебной власти в нашей стране обуславливает необходимость тщательного изучения опыта зарубежных государств.

Немаловажное значение имеет опыт стран СНГ, которые, как и Узбекистан, в 1991 году унаследовали советскую правовую систему. За прошедший период данные страны накопили определенный опыт, причем не всегда успешный, в реформировании своих судебно-правовых систем, который необходимо учесть при осуществлении реформ в нашей стране.

Органы, осуществляющие внутрисудебное управление, созданы в той или иной форме почти во всех странах СНГ. При этом некоторые страны пошли по пути использования применительно к данным органам понятия «судейское сообщество», тогда как другие предпочитают имплементировать более привычный за пределами СНГ термин «судейское самоуправление». Тем не менее, общей чертой в постсоветских государствах является постепенное освобождение судебных систем от влияния органов юстиции в решении вопросов управления делами судебной системы.

Так, по мнению украинского исследователя И.Едаменко, если в случае «судейского сообщества» речь идет о факте принадлежности к судебной власти, то в случае «судейского самоуправления» определяющим является фактор самоуправления в функционировании, направленности на самостоятельное решение вопросов деятельности судов как основы независимости суда [1].

Иного мнения придерживается Н.Смирнова, которая в своем исследовании, посвященном роли органов судейского сообщества в системе обеспечения правосудия в Российской Федерации, рассматривает органы судейского сообщества в качестве формы реализации самостоятельности судебной власти и судейского самоуправления [2]. Е.Бурдина также считает, что органы судейского сообщества выражают интересы всех судей и реализуют самоуправление судей [3]. При этом примечательно, что в законодательстве Кыргызской Республики судейское самоуправление вообще рассматривается в качестве формы организации судейского сообщества, органы которого решают вопросы внутренней деятельности судов (статья 1 Закона Кыргызской Республики «Об органах судейского самоуправления»).

Европейскими исследователями под органами судейского самоуправления предлагается понимать любые институциональные образования (включающие как одного, так и нескольких судей), имеющие полномочия в сфере судебного администрирования и/или судебной карьеры [4]. В странах Европейского союза органы судейского самоуправления, так же как и органы судейского сообщества в странах СНГ, должны состоять из судей – представителей судейского сообщества.

Несмотря на различие в терминологии, созданные в большинстве стран СНГ органы внутрисудебного управления (как в форме органов судейского сообщества, так и органов судейского самоуправления) нацелены на обеспечение представления интересов судей – представителей судейского сообщества, а также реализацию функции судейского самоуправления. Следовательно, судейское самоуправление необходимо рассматривать через организацию и деятельность органов, представляющих и выражающих интересы судей – органы судейского сообщества.

Условно можно выделить два основных подхода к формированию системы органов судейского сообщества (судейского самоуправления) на примере некоторых стран СНГ.

**Первая группа стран** (Российская Федерация, Республика Беларусь, Республика Казахстан), в законодательстве которых применяется понятие «судейское сообщество», а его органы рассматриваются в качестве формы реализации судейского самоуправления и раскрывают его содержание.

Одним из первых государств СНГ, законодательно определивших понятие судейского сообщества и систему его органов, стала **Российская Федерация**. В советское время термин «судейское сообщество» вообще не употреблялся в законодательстве и вплоть до 90-х годов подбор и расстановка судейских кадров, а также досрочное прекращение полномочий судей зависели от усмотрения партийных органов, Министерства юстиции и Верховного суда.

Формирование российских органов судейского сообщества в их современной форме началось с 1992 года, когда был принят Закон Российской Федерации «О статусе судей в Российской Федерации», закрепивший представление об органах судейского сообщества и их систему [5].

Это было первое использование в российском законодательстве термина «органы судейского сообщества», которые названы одним

из средств обеспечения независимости судей, а целью создания таких органов определено выражение интересов судей как носителей судебной власти [6].

По мнению Р.Абдуллина, прототипом современных органов судейского сообщества Российской Федерации были конференции судей и квалификационные коллегии судей, впервые обозначенные в принятом в 1989 году Законе СССР «О статусе судей в СССР» в качестве органов внутреннего управления делами судебной системы [7]. В соответствии со статьями 14 и 15 данного закона конференции судей созывались ежегодно и избирали квалификационные коллегии судей в целях обеспечения выдвижения на судебную работу достойных кандидатов и усиления гарантий независимости судей. В целом, можно заключить, что конференции судей и квалификационные коллегии судей были первыми прообразами современных органов судейского сообщества не только Российской Федерации, но и большинства других стран СНГ.

Правовой статус судейского сообщества и его органов получил дальнейшее развитие в Федеральном конституционном законе Российской Федерации «О судебной системе Российской Федерации», принятом 31 декабря 1996 года.

Правовой статус судейского сообщества в Российской Федерации и институциональные основы деятельности его органов окончательно сформировались с принятием 14 марта 2002 года **Федерального закона «Об органах судейского сообщества в Российской Федерации»**.

Высшими органами судейского сообщества являются Всероссийский съезд судей и конференции судей в субъектах Российской Федерации. Съезд судей (конференция судей) правомочен принимать решения по всем вопросам, относящимся к деятельности судейского сообщества, кроме тех вопросов, которые отнесены законом к полномочиям квалификационных коллегий судей и экзаменационных комиссий.

Между съездами (конференциями) судей действуют такие органы судейского сообщества как советы судей Российской Федерации и субъектов федерации, а также Высшая квалификационная коллегия Российской Федерации и квалификационные коллегии судей субъектов федерации.

К числу органов судейского сообщества Федеральный закон «Об органах судейского сообщества в Российской Федерации» также относит Высшую экзаменационную комиссию по

приему квалификационного экзамена на должность судьи Российской Федерации и экзаменационные комиссии субъектов федерации.

Все судьи страны становятся членами судейского сообщества сразу же с момента принесения ими присяги и пребывают в нем до момента вступления в силу решения о прекращении полномочий судьи. Судья, пребывающий в отставке, также является членом судейского сообщества и может работать в его органах, за некоторыми установленными законом ограничениями [8]. Кроме того, членами судейского сообщества Российской Федерации являются мировые судьи.

По своему статусу органы судейского сообщества не являются юридическими лицами, что также позволяет отграничить их от ассоциаций судей – некоммерческих юридических лиц, реализующих конституционные и международно-признанные права судей на добровольное объединение в профессиональные общественные объединения (ассоциации).

Судьи объединяются в судейское сообщество не по собственной инициативе, а в силу своего статуса – носителя судебной власти. В этой связи, обосновывается не частноправовой, а публично-правовой характер правовой природы органов судейского сообщества, выступающих в качестве особого публичного образования, осуществляющего самостоятельное публичное управление собственными делами в форме самоуправления [9].

Правовой статус белорусского судейского сообщества, система его органов и их основные задачи определены в **Кодексе Республике Беларусь о судоустройстве и статусе судей**.

Судейское сообщество данной страны составляют судьи Конституционного суда, судов общей юрисдикции и судьи, находящиеся в отставке. При этом судья, в том числе судья, находящийся в отставке, выступает как член судейского сообщества и остается таковым вплоть до прекращения его полномочий (прекращения отставки).

Систему белорусских органов судейского сообщества составляют Съезд судей, республиканские конференции и совет судей, конференции судей областных (Минского городского) судов и экономических судов областей (города Минска), Высшая квалификационная коллегия судей Верховного суда, квалификационные коллегии судей областных (Минского городского) судов и экономических судов областей (города Минска).

Высшим органом судейского сообщества в Республике Беларусь, представляющим интересы всего судейского сообщества, является Съезд судей Республики Беларусь. В период между съездами судей его полномочия осуществляет Республиканский совет судей.

Ввиду неопределенности в законодательстве в части периодичности созыва, Съезд судей Республики Беларусь за годы независимости созывался лишь дважды (1997 и 2002 гг.). В этой связи обосновывается необходимость закрепления императивной нормы о регулярности проведения Съезда судей [10].

Здесь будет уместным отметить, что в Республике Узбекистан созывается Съезд судей Ассоциации судей Узбекистан (в 2017 г. состоялся V-съезд судей Ассоциации). Однако данный Съезд не представляет всех судей – членов судейского сообщества, а скорее является одним из органов управления общественного объединения судей – Ассоциации судей Узбекистана.

К числу основных задач органов судейского сообщества статья 128 Кодекса Республики Беларусь о судоустройстве и статусе судей относит:

- поддержание авторитета судебной власти;
- обеспечение соблюдения судьями в их профессиональной деятельности и личном поведении требований, предъявляемых к ним Конституцией, иными актами законодательства и Кодексом чести судьи Республики Беларусь;
- защиту прав и законных интересов судей;
- содействие реализации гарантий независимости и неприкосновенности судей;
- совершенствование судебной системы и судопроизводства.

Заслуживает внимание, что в Кодексе Республики Беларусь о судоустройстве и статусе судей определены состав, компетенция, порядок организации деятельности и иные вопросы, связанные с правовым статусом каждого из органов судейского сообщества данной страны.

В **Республике Казахстан** отсутствует самостоятельный законодательный акт, регламентирующий правовой статус и систему органов судейского сообщества. Лишь в статье Закона Республики Казахстан «О судебной системе и статусе судей Республики Казахстан» упоминается, что судьи имеют право создавать общественные объединения в целях реализации и защиты общих интересов судейского сообщества.

В Республике Казахстан создан Высший судебный совет, формируемый Президентом, основным предназначением которого является

обеспечение конституционных полномочий Президента Республики Казахстан по формированию судов, гарантий независимости судей и их неприкосновенности.

Правовые основы Высшего судебного совета определены в Конституции и законе «О Высшем судебном совете Республики Казахстан», которые не закрепляют его статус в качестве органа судейского сообщества.

Состав Высшего судебного совета формируется Президентом Республики Казахстан, не менее половины из которого составляют судьи.

В целом правовой статус, состав и порядок формирования Высшего судебного совета не позволяют отнести его к органам судейского сообщества. Более того, порядок формирования данного органа не позволяет обеспечить гарантии его независимости, прежде всего от политического влияния извне с позиции требований международных стандартов организации деятельности органов судейского сообщества (самоуправления) [11].

В Казахстане существует Судебное жюри, которое образуется в целях рассмотрения дисциплинарных дел в отношении судей и функционирует при Высшем судебном совете. Оно избирается сроком на три года тайным голосованием на альтернативной основе пленарным заседанием Верховного суда из числа действующих судей, а также судей в отставке [12].

В Казахстане, также как в Российской Федерации и Республике Беларусь, функционирует Союз судей Республики Казахстан, являющийся некоммерческой организацией в форме общественного объединения, образуемый в целях реализации и защиты интересов судейского сообщества.

Однако, в отличие от съездов судей Российской Федерации и Республики Беларусь, Съезд судей Республики Казахстан, в силу своего правового статуса, задач и функций, а также порядка формирования, является общественным объединением судей и не может быть отнесен к органам судейского сообщества.

К числу органов, выполняющих функции судейского сообщества в Республике Казахстан, можно отнести общественные советы, пленарные и расширенные пленарные заседания областных судов, комиссию по кадровому резерву при Высшем судебном совете, комиссии по судейской этике и комиссию по качеству правосудия при Верховном суде Республики Казахстан.

По мнению Н.Жукоковой, действующие в Казахстане органы судейского сообщества не

выполняют в полной мере функции судейского самоуправления. По ее мнению, в Казахстане отсутствуют органы судейского сообщества, которые бы самостоятельно без участия представителей исполнительной власти решали вопросы, возникающие внутри судебной системы [13].

Следует отметить, что изменения и дополнения, внесенные 21 февраля 2019 года в Конституционный закон Республики Казахстан «О судебной системе и статусе судей Республики Казахстан», позволили в определенной мере повысить роль и полномочия судей в самостоятельном формировании органов судейского сообщества.

**Вторая группа стран** (Украина, Кыргызская Республика) закрепила в своем национальном законодательстве термин «судейское самоуправление» применительно к органам, осуществляющим внутрисудебное управление.

На **Украине** статус судейского самоуправления определен в статье 130<sup>1</sup> Конституции, которая гласит, что для защиты профессиональных интересов судей и решения вопросов внутренней деятельности судов действует судейское самоуправление.

Статус, система органов судейского самоуправления и их задачи на Украине определены в **Законе «О судоустройстве и статусе судей»**, в котором данному вопросу посвящен самостоятельный раздел – «Судейское самоуправление».

Под судейским самоуправлением в данном законе понимается самостоятельное коллективное решение вопросов защиты профессиональных интересов судей и внутренней деятельности судов судьями, то есть в качестве процесса, действия, осуществляемого судьями.

Организационными формами судейского самоуправления или иными словами «органами судейского самоуправления» Украины являются Собрание судей, Совет судей и Съезд судей Украины.

Задачами органов судейского самоуправления на Украине являются: 1) обеспечение организационного единства функционирования органов судебной власти; 2) укрепление независимости судов, судей, защита профессиональных интересов судей, в том числе от вмешательства в их деятельность; 3) участия в определении потребностей кадрового, финансового, материально-технического и иного обеспечение судов и контроль за соблюдением

установленных нормативов такого обеспечения; 4) избрание судей на административные должности в судах; 5) назначение судей Конституционного суда Украины; 6) избрание судей в состав Высшего совета правосудия и Высшей квалификационной комиссии судей Украины.

В Конституции Украины также предусмотрено создание Высшего совета правосудия, который судьями не избирается, поэтому не может считаться органом судейского сообщества, но обладает полномочиями, которые органически присущи органам судейского сообщества (самоуправления) [14].

В частности, согласно Закону Украины «О Высшем совете правосудия», Высший совет правосудия является коллегиальным независимым органом, ответственным за формирование высокопрофессионального судейского корпуса, способного квалифицированно, добросовестно и непредвзято осуществлять правосудие на профессиональной основе, а также за принятие решений о нарушениях судьями требований относительно несовместимости со статусом судьи и в пределах своей компетенции об их дисциплинарной ответственности.

Тем не менее, данный орган не является органом судейского самоуправления, поскольку о нем говорится в другой статье Конституции Украины (статья 130<sup>1</sup>), посвященной судейскому самоуправлению, а органы судейского самоуправления должны состоять из судей.

Еще одной страной на пространстве СНГ, выбравшей понятие «судейское самоуправление» применительно к органам, объединяющим в своем составе судей и осуществляющим управление делами судебной системы, является **Кыргызская Республика**.

Основы судейского самоуправления в Кыргызской Республике закреплены на конституционно-правовом уровне. Так, статья 102 Конституции Кыргызской Республики, принятой 27 июня 2010 года, предусматривает, что судейское управление действует в целях решения вопросов внутренней деятельности судов. В этой же статье определена система органов судейского самоуправления, которыми являются Съезд судей, Совет судей и Собрание судей.

В Конституционном законе «О статусе судей Кыргызской Республики» от 9 июля 2008 года закреплено право судей на участие в деятельности органов судейского управления, а формирование органов судейского сообщества определено в качестве одной из гарантий обеспечения независимости судей.



Правовой статус и принципы организации деятельности органов судейского самоуправления детализированы в **Законе Кыргызской Республики «Об органах судейского самоуправления»** от 20 марта 2008 года (правда указанные выше законы были приняты в период действия Конституции Кыргызской Республики в редакции 2007 года и в дальнейшем претерпели соответствующие изменения после принятия новой Конституции в 2010 году).

Закон «Об органах судейского самоуправления» представляет собой некий симбиоз двух подходов, рассматривая судейское самоуправление через призму судейского сообщества, которое включает в себя действующих судей Кыргызской Республики и судей, пребывающих в отставке. В целом немалая часть норм данного закона посвящена судейскому сообществу, что отличает его от законодательства других стран, например, Украины, в которых понятие «судейское сообщество» вообще не используется.

Высшим органом судейского самоуправления является Съезд судей Кыргызской Республики. Согласно статье 6 Закона Кыргызской Республики «Об органах судейского самоуправления» Съезд судей считается правомочным, если в его работе принимают участие не менее половины от общей численности судей Кыргызской Республики. В отличие от других стран, например, Республики Беларусь, законодательство Кыргызской Республики определяет периодичность созыва Съезда судей – один раз в три года по решению Совета судей.

6. разработку норм, регулирующих диалог государства с народом. Целесообразно, чтобы соответствующие правовые нормы стимулировали людей к диалогу с государством путем внесения конструктивных предложений о решении тех или иных актуальных задач, а также определять статус, права и полномочия в данном диалоге негосударственных некоммерческих организаций, представляющих интересы соответствующих социальных групп, трудовых коллективов, соседских общин и т.п.;

7. проведение ревизии отсылочных норм в действующем законодательстве, регулирующем деятельность негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества, в том числе, выявление и прекращение действия «пустых» ссылок;

8. переход к регулированию вопросов о регистрации различных институтов гражданского

общества и о согласовании (уведомлении) проводимых ими мероприятий исключительно на основе соответствующих Законов, путем превращения их в законы прямого действия. Действующие подзаконные акты должны быть сведены к регулированию вопросов внутреннего делопроизводства регистрирующих органов, обязательных только для их сотрудников.

**Список использованной литературы:**

1. Конституция Республики Узбекистан. – Ташкент: Узбекистан, 2019.
2. Гражданский кодекс Республики Узбекистан. Глава 4 «Юридические лица», §3 «Некоммерческие организации».
3. Banks N., Hulme D., Michael E., 2015. NGOs, States, and Donors Revisited: Still Too Close for Comfort? // World Development. Volume 66.
4. Закон Республики Узбекистан «О негосударственных некоммерческих организациях» от 14 апреля 1999 года ЗРУ №763-І.
5. Закон Республики Узбекистан «Об общественных объединениях» от 15 февраля 1991 года ЗРУ № 223-ХІІ.
6. Закон Республики Узбекистан «О свободе совести и религиозных организациях» от 1 мая 1998 года ЗРУ № 618-І.
7. Zhuravleva I., 2015. Institutions of Civil Society in Space of Democratic Politics // Procedia - Social and Behavioral Sciences. Volume 166.
8. Указ Президента Республики Узбекистан от 4 мая 2018 года № УП-5430 «О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны».
9. Постановление Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2017 года № ПП-3182 «О первоочередных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов».
10. Закон Республики Узбекистан «Об общественном контроле» от 12 апреля 2018 года ЗРУ – № 474.
11. Закон Республики Узбекистан «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления» от 5 мая 2014 года ЗРУ №369.
12. Матибаев Т., 2017. Факторы развития социального партнерства в процессе демократизации жизни общества и государства в Узбекистане. Диссертация ... ученой степени DSc. – Т., 2018.
13. Хорос В. Гражданское общество. Мировой опыт и проблемы. – М., 1998. – С. 312.
14. Syryamkina E., Stupnikova O., 2015. Prospects of the Civil Society Development in Post-socialist Conditions // Procedia - Social and Behavioral Sciences. Volume 166. – P.189-193.



**Ойша Юсупова**

Тошкент давлат юридик университети  
докторанти

## МУСУЛМОН ҲУҚУҚИДА МЕРОС ТАҚСИМОТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада мусулмон ҳуқуқидаги ворислик муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Мероснинг шартлари, сабаблари, асослари, меросхўрлар доираси ва меросни тақсимлаш қоидаларининг мазмун-моҳиятини очиқ беришга қаратилган назарий тақлифлар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** фараиз, тарика, асаба, завул архом, қонун бўйича ворислик, васият бўйича ворислик.

**Ойша Юсупова**

докторант

Ташкентского государственного юридического университета

### ОСОБЕННОСТИ РАСПРЕДЕЛЕНИЯ НАСЛЕДСТВА В МУСУЛЬМАНСКОМ ПРАВЕ

**Аннотация:** в данной статье проанализированы особенности наследственных отношений в мусульманском праве. Разработаны теоретические предложения, направленные на раскрытие сути условий, причин и основ наследования, круга наследников и правил распределения наследства.

**Ключевые слова:** фараиз, тарика, асаба, завул архом, наследование по закону, наследование по завещанию.

**Oysha Yusupova**

doctoral student

of Tashkent State University of Law

### PECULIARITIES OF INHERITANCE DISTRIBUTION IN MUSLIM LAW

**Abstract:** This article analyzes peculiarities of inheritance rights in Muslim law. Here have been developed theoretical proposals aimed at revealing the essence of conditions, causes and foundations of inheritance as well as the circle of heirs and rules of inheritance distribution.

**Keywords:** faraid, tarikah, asabah, zavul archom, legal succession, testamentary succession.

Фуқаролик ҳуқуқининг ворисликка оид нормалари консерватив характерга эга эканлиги билан ажралиб туради. Фуқароларнинг мулк ҳуқуқи хусусий ҳуқуқнинг асоси ҳисобланади ва **мерос (ворислик) ҳуқуқи** билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши мустаҳкамлаб кўйилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 182-моддасида мерос қилиб олиш мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи асослардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган.

Ворислик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқининг таркибий қисмини ташкил этадиган институт бўлиб, мазкур ҳуқуқ **фуқароларга ўз мулкнинг вафот этгандан кейинги тақдирини белгилаш** имкониятини беради.

Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон узок йиллар давомида ислом оламининг узвий қисми бўлиб келган. VIII асрдан XX асрнинг бошларигача Ўрта Осиё ҳудудида мусулмон ҳуқуқи амал қилган ва IX-XII асрларда ҳукмронлик қилган Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Салжуқийлар даврида юксак тараккий этган [1].

Бугунги кунда мусулмон ҳуқуқи Саудия Арабистони, Эрон, Афғонистон, Покистон, Марокаш, Тунис, Судан, Сурия, Ливия, Ироқ каби давлатларда амал қилади.

АҚШда жойлашган Рев тадқиқот марказининг маълумотиغا кўра, 2070 йилгача ислом дунёнинг энг йирик дини бўлиши мумкин. Рев тадқиқот маркази **исломни дунёдаги энг тез ривожланаётган дин** деб ҳисоблайди. Ушбу марказ томонидан дунёдаги мусулмонларнинг жами сони 1 миллиард 600 миллион, насронийларнинг сони эса 2,17 миллиард экани айтилади.

Аҳоли ўсишини башорат қилиш моделлаштирилишига кўра, 2050 йилга бориб насронийларнинг сони 2,92 миллиардга, мусулмонларники эса 2,76 миллиардни ташкил этади деб тахмин қилинмоқда. Рев тадқиқот маркази “мамлакатингизда шариат қонунлари жорий этилишини қўллаб-қувватлайсизми?” деган савол билан 2017 йилда Россия ва Марказий Осиё мамлакатларида сўров ўтказган. Сўров натижаларига кўра, Россияда сўровда иштирок

этган мусулмонларнинг 42 фоизи, Қирғизистонда 35 фоиз, Тожикистонда 27 фоиз, Қозоғистонда 10 фоизи ўзи яшаб турган мамлакатда шариат қонунлари йўлга қўйилишини истар экан [2].

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 90 фоизини ислом динига эътиқод қилувчилар ташкил этади.

Ўзбекистонда **қонунчилик нормалари дунёвий давлат қадриятлари асосига** қурилган. Шунга қарамай, адабиётларда унинг адолатли эканлигига шубҳа билан қараш ҳолатлари учрайди. Жумладан, С.Ахмаднинг “Хомталаш” ҳажвиясида эри билан узок йиллар давомида умргузаронлик қилган кампир чолининг вафотидан кейин унинг бой-бадавлат ака-укалари, опа-сингиллари ва жиянлари томонидан мерос мулки бўлган “марҳумнинг отасидан қолган” эски ҳовлига меросхўр бўлиб чиқишидаги фожиали заҳарханда ҳақида сўз боради [3].

Мусулмон ҳуқуқи роман-герман, англосаксон каби ҳуқуқ тизимларидан фарқли равишда, ислом дини ақидалари билан чамбарчас боғлиқдир. Мусулмон ҳуқуқини ўрганиш асосида меросга оид муносабатлар ушбу ҳуқуқ тизимида адолатли ва мукамал тартибга солинганини кўришимиз мумкин.

Ислом дини уламоларининг кўпчилиги мерос илмини “илмининг ярми” сифатида эътироф этганлар. Мусулмон ҳуқуқида ворисликка оид қоидалар “мерос илми” ёки **“фароиз илми”** номлари билан юритилади. “Фароиз” сўзи “фарз” сўзининг кўпликдаги шакли бўлиб, “ўлчов”, “кесиш”, “баён қилиш” маъноларини англатади. Ҳар бир меросхўрнинг улуши (фарзи, насибаси) шариатда аниқ белгиланиб, ўлчаб берилганлиги учун ҳам меросга “фарз” деб айтилади.

Мусулмон ҳуқуқида кишининг мол-мулки вафотидан кейин албатта унинг қариндошларига ўтиши шарт, деб ҳисобланади. “Мерос” сўзининг луғавий маъноси араб тилидан таржима қилинганда, **“боқийлик”** ва **“бир қавмдан бошқа қавмга ўтувчи нарса”** маъноларида келади.

Мерос ҳуқуқи исломда **Қуръони Карим** (“Нисо” сураси, “Анфол” сураси), пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг **суннатлари** ва олимларнинг **ижмоси** орқали тартибга солинган. Бу илмда киёсга ўрин қолмаган. Қуръони Каримда мерос илмига оид **35 та оят** келтирилган бўлиб, улар меросхўрлар доираси, улушлар тақсимоти, мерос олишга монъелик қиладиган ҳолатлар, васият бўйича ворислик каби масалаларга бағишланган. **Мерос мулки** мусулмон ҳуқуқида **“тариқа”**, яъни “тарк қилинган нарса” деб юритилади.



Аллоҳ айтади: “Эркаклар учун ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Аёллар учун (ҳам) ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Бу озми-кўпми, фарз қилинган улушдир” [4].

**Ҳанафия мазҳаби**да мерос ҳуқуқи қонун бўйича ва васият бўйича ворисликка оид қоидаларни ўз ичига олади.

Мусулмон ҳуқуқида қонун бўйича ворислик вафот этган инсон – мерос қолдирувчининг мулкидан тўртта ҳақ навбати билан ажратиб олинганидан кейин амалга оширилади:

- 1) кафанлаш харажатлари;
- 2) майитни ювиш-кўмиш харажатлари;
- 3) марҳумнинг молиявий қарзларини узиш;
- 4) васиятни амалга ошириш.

Мусулмон ҳуқуқида мерос қолдириш ва мерос олиш учун қуйидаги учта руқн бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлгандагина вужудга келади:

- мерос қолдирувчи;
- меросхўр;
- мерос мулки ва шаърий ҳуқуқлар

(“тариқа”) [5].

Ушбу ўринда “руқн” деганда мероснинг ажралмас қисми бўлган нарсалар тушунилади.

Ислоҳ ҳуқуқида оид манбалардан бири бўлган Қиронавийнинг “Далилул вурроҳ” асарида меросда учта шарт борлиги кўрсатиб ўтилган. Булар – мерос қолдирувчининг ўлими, мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг меросхўрнинг ҳаёт бўлиши ҳамда мерос олувчининг мерос қолдирувчига нисбатан қим эканлиги аниқланиши ва насаби тайин бўлишидан иборат.

Меросхўр сифатида мерос олиш ҳуқуқи ислоҳ ҳуқуқида назарда тутилган сабаблар мавжуд бўлганда вужудга келиши мумкин.

Бундай сабаблар учта бўлиб, насаб (қариндошлик), никоҳ, вало (ҳукмий қариндошлик) ҳисобланади. Улардан биринчиси – марҳумга насаб, яъни қариндошлик жиҳатидан боғланган инсонлар бўлиб, улар ҳам уч гуруҳга бўлинади: фарзгирлар, асабалар, завул-арҳомлар.

Мерос олишнинг иккинчи сабаби – никоҳ ҳисобланиб, шаърий никоҳда бўлган эр (хотин) марҳум хотин (эр)идан кейин мерос мулкидан улуш олишга ҳақли бўлади.

Бир киши вафот этса ва шу кишининг бир вақтлар уни озод қилган хожасидан бошқа ҳеч кими бўлмаса, у қолдирган мерос ўша хожага бўлади. Аммо озод қилинган қул меросхўр бўла

олмайди. Ушбу сабабни “вало” ёки “ҳукмий насаб” деб ҳам атайдилар.

Мусулмон ҳуқуқида васият бўйича мерос нисбатан чекланган ва қонун бўйича меросга қараганда иккинчи даражали аҳамиятга эга ҳисобланади. Васият бўйича мерос қолдирувчи қилиб қолдириши мумкин. Қолган учдан икки қисми бошқа меросхўрлар ўртасида тақсимланиши лозим [6]. Бундай қоида марҳумнинг ворислари бўлган оила аъзоларининг, айниқса аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўрнатилганини кўришимиз мумкин.

Мусулмон ҳуқуқида мерос муносабатларининг ўзига хос хусусиятларидан бири – эркак меросхўрларга аёл меросхўрларга қараганда улушлар тақсимогида устунлик берилган. Бунинг сабаби – ислоҳ динида аёлларнинг таъминоти эркакларнинг зиммасига юклатилган бўлиб, улар жамоат ишлари билан шуғулланиш ва оиланинг молиявий аҳволи ҳақида қайғуришдан озод қилинган.

Шунинг учун ҳам эркакларнинг мерос олишдаги улуши аёлларникига қараганда икки баробар кўп қилиб белгиланган. Эри вафот этган бева аёл, агар эрининг фарзандлари бўлмаса, мерос мулкидан тўртдан бир қисмини улуш сифатида олиши мумкин. Агар эрининг фарзандлари бўлса, мерос мулкидан саккиздан бир қисминигина олиши белгилаб қўйилган.

Агар мерос қолдирувчининг хотинлари бир нечта бўлса, уларнинг меросдаги улуши миқдори кўпаймайди, аксинча улар ўртасида юқорида таъкидлаб ўтилган улуш тенг тақсимланади. Шунингдек, марҳумнинг беваси баъзи тоифадаги мулклардан улуш ололмайди, хусусан уй-жой, ер участкаси қабилар шулар жумласидан.

Агар хотини вафот этса ва ундан зурриёт қолмаган бўлса, эри мерос мулкининг иккидан бир улушини олишга ҳақли бўлади. Агар хотинининг шу эридан ёки бошқа эридан меросхўр зурриёти, яъни ўғли, қизи, ўғилнинг ўғли, ўғилнинг қизи бўлса, эр тўртдан бир улушга ҳақдор бўлади.

Бунга далил сифатида қуйидаги оятни келтиришимиз мумкин: “Сизларга хотинларингиз қолдирган (мерос)дан – агар уларнинг фарзанди бўлмаса – ярми (тегур). Агар уларнинг фарзандлари бўлса, сизларга улар қолдирган меросларидан тўртдан бири (ҳиссаси) тегур. Агар хотинининг унданми ёки бошқаданми меросхўр

зурриёти, яъни ўғли, қизи, ўғилнинг ўғли, ўғилнинг қизи бўлса, эр тўртдан бир улушга ҳақдор бўлади” [7].

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мусулмон ҳуқуқидаги ворисликка оид қоидаларни таҳлил қилсак, улар ўртасида қуйидаги бир қатор ўхшаш жиҳатлар мавжудлигини кўришимиз мумкин:

- ворислик асослари иккига бўлинади: қонун бўйича ва васият бўйича;
- меросхўрлар доирасининг белгилаб қўйилганлиги;
- нолойиқ меросхўрлар тоифасининг мавжудлиги;
- меросдан четлаштириш асосларининг белгилаб берилганлиги.

Мусулмон ҳуқуқида ҳам, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам ворислик асослари бир хил бўлиб, қонун бўйича ва васият бўйича ворисликдан иборат. Бироқ **мусулмон ҳуқуқида қонун бўйича ворислик васият бўйича ворисликдан устун мавқега эга** бўлиб, васият бўйича ворисликка бир қанча чекловлар мавжуд. Жумладан, мол-мулкнинг учдан бир қисмигина васият сифатида қолдирилиши мумкин. Мерос қолдирувчининг меросхўрлари рози бўлсагина, васият фармойишидаги улуш кўпроқ қилиб белгиланиши мумкин. Демак, мусулмон ҳуқуқи васиятномага тарафлар томонидан шартлари келишиб олиниши мумкин бўлган ўзига хос шартнома сифатида тавсиф беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1112-моддасида ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилиши, қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёки бутун мероснинг тақдирини белгиламаса, шунингдек кодексда белгиланган бошқа ҳолларда татбиқ этилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси **Фуқаролик кодексид**а кетма-кетлик бўйича “Васият бўйича ворислик” деб номланган 67-боб “Қонун бўйича ворислик” деб аталувчи 68-бобдан аввал жойлаштирилганлиги ҳам ворислик ҳуқуқида **васиятнома субинститутига устунлик мақоми берилганини** кўрсатади.

Мусулмон ҳуқуқида меросни тақсимлаш тартиби ўзига хос бўлиб, Қуръони Каримда мерос эраққ томондан ва аёл томондан қариндошлар ўртасида белгиланган улушлар доирасида тақсимланиши қатъий таъкидланган.

Бундан фарқли равишда, Ўзбекистон қонунчилигида меросга чақириш қариндошлик даражасидан келиб чиқиб, тегишли навбатлар бўйича амалга оширилиши назарда тутилган. Унга кўра, қонунда белгиланган навбатлар асосида барча иштирокчилар мерос жараёнида қатнашади. Бинобарин, профессор Д.Хабибуллаев ҳам ўзининг тадқиқотида “меросга оид ишларни судда кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларидан бири вояга етган меросхўрларнинг барчаси иштирок этиши шартлиги ҳисобланади”, деб эътироф этган [8].

Шуниси эътиборга молиқки, мусулмон ҳуқуқида ҳам бизнинг қонунчилигимизда ҳам **“нолойиқ меросхўрлар” тушунчаси** мавжуд. Яъни, меросхўр томонидан содир этилган қандайдир аниқ белгиланган ҳолатлар уни ворисликдан четлатиш учун асос бўлади ва нолойиқ деб топилган меросхўр ҳам қонун бўйича, ҳам васият бўйича мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Мисол тариқасида, мерос қолдирувчини қасддан ўлдирган ёки унинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар мерос олиш ҳуқуқи эга эмас. Бундай ҳолатлар фароиз илми уламолари томонидан “меросдан ман қилувчи” омилар деб юритилади ва улар бунга қуйидагича таъриф берадилар: “Ман қилувчи – токи мавжуд экан, аслида мерос олишга ҳақдор бўлган инсонни меросдан ман қилувчи сабабдир”. Ҳанафий мазҳаби уламолари меросдан ман қилувчи ҳолатлар тўртта эканлигини таъкидлаган:

- қуллик;
- ўз мерос қолдирувчисини ўлдириш;
- диннинг фарқли бўлиши;
- диёрнинг фарқли бўлиши (Сирожиддин Сижовандий, “Фароизи Сирожи”) [9].

Мусулмон ҳуқуқида меросхўрлар доирасини аниқлашда қон-қариндошлик, насл-насабни белгилашнинг ўзига хослиги алоҳида аҳамият касб этади.

Қариндош сифатида фақат насаб (қон) бўйича эмас, шунингдек, қонуний бўлган қариндошликки тан олинади. Қон бўйича қариндош, аммо ноқонуний, никоҳсиз туғилган фарзанд ва фарзандликка олинганлар меросхўр бўла олмайди.

Мазкур тартибдан фарқли равишда, Ўзбекистон Республикасининг цивил ҳуқуқида фарзандлар биринчи навбатдаги меросхўрлар бўлиб, бу ўринда никоҳсиз туғилган ва фарзандликка олинган болаларнинг мерос олишдаги ҳуқуқлари тенг, деб ҳисобланади.

Юқоридагиларни таҳлил қилиш орқали мусулмон ҳуқуқининг мерос ҳақидаги кўрсатмалари ислом динининг ўзи каби анча мукамал деган хулосага келишимиз мумкин. Зеро, вафот этган инсоннинг қолдирган меросидан кимлар ҳақдор бўлса, уларнинг ҳақлари адолат билан тақсимлаб берилиши таъминланган.

Мусулмон ҳуқуқида меросга оид қоидаларнинг тадқиқ қилиниши – амалдаги қонунчиликнинг айрим нормаларини такомиллаштиришга, уни янги ҳуқуқий қоидалар билан тўлдиришга, умуман олганда, ворислик институтининг илмий-назарий ва ҳуқуқий асосларини, амалий жиҳатларини ривожлантиришга хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулазиз Мансур. “Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири”. – Т.:”Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2006.
2. Муҳаммад Низомиддин Киронавий. “Далилул вуррос”. – Карачи. “Мактаба Бушро”, – 2008.
3. Науменко О.В. “Наследование в мусульманском праве”. //Вестник ЮУрГУ, – № «18», 2010.
4. Хайдаров М.М. “Историческое развитие основ семейного права и его принципов в Республике Узбекистан”. Современный мусульманский мир: электрон. журнал. – 2019. – № 2.
5. Қодиров Т, Нуруллоҳ И. “Исломда мерос тақсимоти”. – Самарқанд. Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2018.
6. Хабибуллаев Д.Ю. Меросга оид ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. “Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридический наук – Review of law sciences” илмий-амалий ҳуқуқий журнали. 2020/01. – 67-б.
7. <https://www.bbc.com>.
8. [www.ziyouz.uz](http://www.ziyouz.uz).



**Эдуард Эгамбердиев**  
 Базовый докторант Каракалпакского  
 государственного университета имени Бердаха  
 edugam89@mail.ru

## ИНСТИТУТ ПРИМИРЕНИЯ СУПРУГОВ ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: ВОПРОСЫ ПРАКТИКИ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

**Аннотация:** в работе изучается институт примирения супругов по законодательству Республики Узбекистан при расторжении брака. Анализируется вопрос эффективности деятельности примирительных комиссий на сходах граждан на основе проведенного социологического исследования автора совместно с Научно-практическим исследовательским центром «Оила» при Кабинете Министров Республики Узбекистан. Обосновывается неэффективность данных комиссий, и предполагается, что по такому же принципу пойдут вновь сформированные комиссии. Автором предлагается необходимость широкого применения института медиации в бракоразводных делах и даются конкретные предложения по совершенствованию законодательства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** примирительные комиссии, сход граждан, медиация, расторжение брака, профессиональный медиатор, семейная проблема, компромисс, альтернатива.

**Эдуард Эгамбердиев**  
 Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети таянч докторанти

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА ЭР-ХОТИННИ ЯРАШТИРИШ ИНСТИТУТИ: АМАЛИЁТ ВА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада никоҳдан ажратилиш вақтида Ўзбекистон Республикаси қонунчили бўйича эр-хотинни яраштириши институти ўрганилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази билан муаллиф биргаликда ўтқазилган ижтимоий тадқиқот асосида фуқаролар йиғинидаги яраштириши комиссияларнинг фаолиятининг самарадорлиги таҳлил қилинади. Ушбу комиссиялар самарасизлиги асосланади ва янги ташкил этилаётган комиссиялар ҳам худди шу тамолда амал қилишлари тахмин қилинади. Муаллиф никоҳдан ажратилиш ишларида медиация институтидан кенг фойдаланиши зарурлигини таъкидлайди ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириши бўйича аниқ таклифлар беради.

**Калит сўзлар:** яраштириши комиссиялари, фуқаролар йиғини, медиация, никоҳдан ажратилиш, профессионал медиатор, оилавий муаммо, компромисс, муқобил.

**Eduard Egamberdiev**  
 Basic doctoral student at Karakalpak State University named after Berdakh

## INSTITUTE FOR RECONCILIATION OF SPOUSES ON LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: PRACTICE AND IMPROVEMENT OF LEGISLATION

**Abstract:** The work examines the institution of reconciliation of spouses according to the legislation of the Republic of Uzbekistan in case of divorce. The issue of the effectiveness of the reconciliation commissions at the gatherings of citizens is analyzed on the basis of a sociological study of the author in conjunction with the

*Scientific and Practical Research Center "Oila" under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. The inefficiency of these commissions is substantiated, and it is assumed that the newly formed commissions will follow the same principle. The author suggests the need for widespread use of the mediation institution in divorce cases and gives concrete suggestions for improving the legislation of the Republic of Uzbekistan.*

**Keywords:** conciliation commissions, citizens' gathering, mediation, divorce, professional mediator, family problem, compromise, alternative.

Примирением супругов, обратившихся с заявлением о расторжении брака в органы ЗАГС или судебные органы, занималась примирительная комиссия схода граждан по месту жительства супругов, на основании Типового положения «О примирительной комиссии схода граждан» (Приложение № 3 к Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности органов самоуправления граждан» от 07.10.2013 № 274). В соответствии с пунктом 5 вышеприведенного Типового положения одной из основных задач примирительной комиссии являлось разрешение конфликтов и восстановление разрушенных отношений между супругами, а при обращении с заявлением о расторжении брака в суд или органы ЗАГС примирительная комиссия со дня получения извещения о поступившем заявлении за 10 дней до окончания срока для примирения должна была известить соответственно суд или органы ЗАГС о предпринятых мерах по примирению супругов.

На основании пункта 13 Типового положения примирительная комиссия формировалась в количестве 8-12 членов. Так, при рассмотрении вопроса расторжения брака участвуют до 12 членов комиссии и расторгающие брак стороны со своими близкими. В данном случае на людях каждая сторона стремится показать себя с лучшей стороны и обвинить в разногласиях противоположную сторону. Таким образом, семейная проблема, возникшая внутри семьи, выставляется на показ членам примирительной комиссии, в результате чего стороны с малой вероятностью придут к согласию.

В 2019-2020 годах автор совместно с Научно-практическим исследовательским центром «Оила» при Кабинете Министров Республики Узбекистан провел социологическое исследование по изучению отношений судей к бракоразводным делам. Одним из вопросов анкеты было изучение результативности деятельности примирительной комиссии, и ни один судья не оценил ее работу на отличном уровне, 10,7 % - на уровне хорошо, 19,3 % - на уровне удовлетворительно, а 68 % - оценили неудовлетворительно. При этом 75,7 % опрошенных судей указывают на необходимость совершенствования института примирения путем привлечения профессионалов-медиаторов, которые будут работать на сходе граждан, 10,5 % указывают

на необходимость привлечения медиаторов-судей, а 3,3 % удовлетворяет существующая система. [1]

С принятием Указа Президента Республики Узбекистан 18 февраля 2020 года «О мерах по оздоровлению социально-духовной атмосферы в обществе, дальнейшей поддержке института махалли, а также поднятию на новый уровень системы работы с семьями и женщинами» № УП 5938 была упразднена примирительная комиссия, действовавшая на общественных началах в структуре органов самоуправления граждан (подпункт «в» пункта 15 вышеприведенного Указа). При совершенствовании института махалли и превращение его в настоящую опору и реального помощника населения видится необходимым и своевременным совершенствование и института примирения. Все вопросы, связанные с семейными делами, решаются отделами Министерства по поддержке махалли и семьи по укреплению семейных ценностей и работе с семьями, нуждающимися в социальной защите (Постановление Президента Республики Узбекистан «Об организации деятельности Министерства по поддержке махалли и семьи Республики Узбекистан» от 18.02.2020 г. № ПП-4602), а в сходе граждан данными вопросами занимаются заместитель председателя схода граждан по делам семьи, женщин и социально-духовным вопросам и специалист по делам семьи и женщин (п. 16 № УП – 5938), а также созданные на основании подпункта «г» пункта 15 Указа Президента Республики Узбекистан № УП–5938 комиссия по укреплению семейных ценностей и комиссия по социальной поддержке и общественному контролю. В Постановлении и Указе Президента Республики Узбекистан не оговаривается о том, на кого именно будут возложены вопросы примирения расторгающих брак супругов.

На основании пункта 7 части 1 статьи 189 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан в исковом заявлении должны быть указаны сведения о соблюдении досудебного порядка урегулирования спора с ответчиком, когда это предусмотрено законом или договором. А в соответствии с частью 2 пункта 10 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О практике применения судам законодательства по делам о расторжении брака» к заявлению о расторжении брака

прилагается заключение примирительной комиссии схода граждан по месту жительства истца, свидетельствующее о досудебном урегулировании спора о расторжении брака. При этом в Типовом положении «О примирительной комиссии схода граждан» процедура досудебного урегулирования спора о расторжении брака в какой бы то ни было форме не отражена. А также в силу упразднения примирительной комиссии вновь возникает вопрос – кто будет заниматься примирением сторон при расторжении брака? С данным вопросом сталкиваются и зарубежные страны. К примеру, С.В. Зыков отмечает, что примирительная процедура сводится к простому отложению (отложениям) дела. Участие психолога или медиатора в таком «примирении» не предусмотрено. Как правило, судебное разбирательство осуществляется в ситуации глубокого кризиса отношений, поэтому простое «замораживание» этот конфликт не разрешает. [2]

В данном случае видится уместным широкое использование процедуры медиации как инструмента для урегулирования возникших противоречий в семье. На основании части 1 статьи 3 Закона Республики Узбекистан «О медиации» процедура медиации может применяться к спорам, возникающим из семейных правоотношений. При этом медиация может быть применена во внесудебном порядке, в процессе рассмотрения спора в судебном порядке, до удаления суда в отдельную (совещательную) комнату для принятия судебного акта, а также в процессе исполнения судебных актов и актов иных органов (ч. 2 ст. 15 ЗРУ «О медиации»). Как видно применение медиации возможно, как до обращения в суд, так и на любой стадии судебного разбирательства и даже после принятия решения в процессе его исполнения.

Во всем мире широкое распространение получила процедура альтернативного рассмотрения спора в виде медиации без обращения в суд. Многие ученые юристы положительно отзываются о данном институте. К примеру, И.А. Пантелеева справедливо отмечает, что разрешение споров, участники которых неспособны самостоятельно прийти к компромиссу, возлагается на суды, следствием чего является не только рост нагрузки на суды, но и то, что принятое судом решение далеко не всегда является самым подходящим для членов семьи. В сложившейся ситуации четко прослеживается потребность в появлении альтернативной формы урегулирования конфликтов, которой и стала медиация [3]. Нельзя не согласиться с мнением М.С. Ивановой, которая указывает на то, что в отличие от судебного способа разрешения спора, где суд принимает

решение, основываясь на норме закона в пользу той или другой стороны, целью медиации является достижение взаимоприемлемого компромисса, сохранение условий для дальнейшего сотрудничества сторон [4]. Н.В. Ключева сравнивая судебный процесс с медиацией приходит к выводу, что судебный процесс ориентирован на победу одной из точек зрения и стратегия заключается в духе «выигрыш-проигрыш», в то время как медиация стремится к уважению различий, интересов, точек зрения друг друга и стратегия выстраивается в духе «выигрыш-выигрыш» [5]. По И.Ю. Семеновой такое деление является условным, но, по сути, подчеркивает факт наличия между сторонами соперничества, зачастую и враждебности, существующей в связи с неразрешенным спором в отношении порядка общения, воспитания и проживания детей или иной семейной ситуации [6].

Кроме того, необходимо учитывать опыт зарубежных стран в данной сфере. М.И. Дячук, рассматривая причины необходимости внедрения в Республике Казахстан процедуры медиации указывает на то, что судебные решения, как правило, удовлетворяют только одну сторону, вторая остается недовольной, что влечет за собой длительную процедуру обжалования (апелляционная, кассационная и надзорная инстанции). У каждой из указанных инстанций есть свои временные сроки, дело может растянуться на месяцы, а в некоторых случаях и на годы. Указанные обстоятельства вызывают не только уклонение от добровольного исполнения решений суда, но и воспрепятствование их принудительному исполнению [7]. Подобной точки зрения придерживаются и в Румынии. Так по мнению исследователей справедливость требует доказательств вины, виновного поведения, возникновения присущих ему негативных реакций, взаимных обвинений, событий, которые выявляют, как правило, то, что является самым предосудительным в человеческой природе. Решение суда не направлено на удовлетворение конфликтующих сторон в равной степени, оно является результатом оценки доказательств и надлежащего применения правовых норм, что часто имеет последствия судебной клеветы проигравшей стороной. Разрешение конфликта путем посредничества приводит к его исчезновению. [8] Сэр Генри Брук указывает на то, что в 1989 году с началом применения медиации в Англии и Уэльсе общество и профессиональные юристы весьма скептически относились к данному явлению [9]. Н.В. Ивановская указывает на аналогичную ситуацию в Российской Федерации [10].

Широкое применение процедуры медиации позволит в значительной степени облегчить нагрузку на судей. Как отмечает И.Ю. Семенова правоприменительная практика и исследования правоведов свидетельствуют о множестве вариантов и ситуаций возможного применения медиативных процедур: это так называемые споры и конфликты, не носящие по своей природе правового характера, и собственно правовые конфликты [11]. Тем более не все семейные разногласия поддаются правовому регулированию, хотя на основании части 1 статьи 3 Закона Республики Узбекистан «О медиации» действие данного закона распространяется только относительно споров правового характера. А.В. Измалков отмечает, что применение медиативных процедур по спорам о расторжении брака, о разделе имущества супругов, алиментным обязательствам и спорам, связанным с воспитанием детей в значительной степени освобождает судебные инстанции от принятия решения по тому или иному болезнетворному вопросу [12].

Конечным результатом процедуры медиации выступает медиативное соглашение, которое в силу части 1 статьи 29 Закона Республики Узбекистан «О медиации» заключается в письменной форме и является обязательным для заключивших ее сторон с добровольным исполнением. Но стороны не всегда исполняют возложенные на них соглашениями обязательства. В данном случае стороны могут обратиться в суд за защитой своих прав. Как отмечает Н.В. Ивановская стороны, заключившие медиативное соглашение, заинтересованы в упрощенном и скорейшем исполнении такого соглашения, в том числе и путем принудительного исполнения. Для этого могут быть использованы различные способы, например, удостоверение соглашений по результатам медиации. В Англии также используется возможность утверждения судом внесудебного соглашения по результатам медиации и придания такому соглашению статуса арбитражного решения.[13] Подобный вариант соглашения предусматривается частью 1 статьи 44 Семейного кодекса Республики Узбекистан, по которому супруги при расторжении брака в судебном порядке могут представить на рассмотрение суда соглашение о том, с кем из них будут проживать несовершеннолетние дети, о порядке выплаты средств на содержание детей и (или) нетрудоспособного нуждающегося супруга, о размерах этих средств либо о разделе общего имущества супругов. Таким же образом можно было бы утвердить и медиативное соглашение. На основании вышеизложенного предлагается дополнить частью 6 статьи 29 Закона Республики

Узбекистан «О медиации» нижеследующего содержания:

«При заключении медиативного соглашения после обращения с заявлением в суд, стороны могут представить данное соглашение на рассмотрение суда для его утверждения и дальнейшего принудительного исполнения».

Институт медиации новшество для законодательства Республики Узбекистан и мало кто осведомлен о существовании данной процедуры. Как указывает А.Р. Пурге чаще всего процедура медиации возникает уже после обращения граждан в суд. Как правило, именно в рамках гражданского судопроизводства спорящие стороны узнают об альтернативных способах разрешения спора [14]. В действительности невозможно не согласиться с утверждением А.Р. Пурге, так как в Республике Узбекистан до принятия Гражданского процессуального кодекса 22.01.2018 года не была на законодательном уровне отрегулирована процедура досудебного разрешения конфликта. Теперь же на основании пункта 7 части 1 статьи 189 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан в заявлении должны быть указаны сведения о соблюдении досудебного порядка урегулирования спора с ответчиком, когда это предусмотрено законом (предусматривается ч. 2 п. 10 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О практике применения судами законодательства по делам о расторжении брака»). Несоблюдение данного требования влечет за собой возвращение судом заявления на основании пункта 9 части 1 статьи 195 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан.

Возникает большой вопрос – зачем судам откладывать дело для предоставления срока для примирения расторгающим брак супругам, если законодательством предусматривается обязательная процедура примирения до обращения с заявлением о расторжении брака? В данном случае законодатель предусматривает возможность урегулирования семейного конфликта без обращения в судебные органы, а в тех случаях, когда урегулировать конфликт мирным путем не получилось, то полагается целесообразным обращение в суд для разрешения возникших противоречий. В результате многие семейные конфликты будут урегулированы мирным путем, а нагрузка на суды будет уменьшена. Если же стороны не смогут мирным путем разрешить семейный конфликт и обращаются в суд для расторжения брака, то суд исходя из основных начал семейного законодательства должен принимать все предусмотренные меры для сохранения семьи.

Учитывая правоприменительную практику и социологическое исследование, проведенное Научно-практическим исследовательским центром «Оила» при Кабинете Министров Республики Узбекистан, предполагается, что вновь создаваемая комиссия по укреплению семейных ценностей (подпункт «г» пункта 15 № УП – 5938) будет работать также, как и предыдущая примирительная комиссия, что, в свою очередь, ни к чему положительному не приведет. Как уже говорилось выше, необходимо расширять институт медиации при разрешении семейных конфликтов. Так как Реестр профессиональных медиаторов ведется Министерством юстиции Республики Узбекистан, необходимо наладить связь данного министерства с Министерством по поддержке махалли и семьи Республики Узбекистан в вопросах оказания помощи по привлечению профессиональных медиаторов к разрешению семейных конфликтов.

На основании вышеизложенного предлагается внести в соответствующий пункт проекта Положения о Министерстве по поддержке махалли и семьи Республики Узбекистан, утверждаемого Кабинетом Министров Республики Узбекистан на основании пункта 5 Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП–4602 от 18.02.2020 г. нижеследующего содержания:

«Семейные конфликты разрешаются на сходе граждан по месту жительства конфликтующих заместителем председателя схода граждан по делам семьи, женщин и социально-духовным вопросам. При проведении процедуры примирения привлекаются медиаторы».

Также предлагается внести в соответствующий пункт проекта нормативно-правового акта об утверждении концепции, предусмотренной на 2020 — 2024 годы, по поддержке деятельности органов самоуправления граждан, развитию системы махалли и внедрению в обществе принципа «Благоустроенная и безопасная махалла» на основании пункта 29 Указа Президента Республики Узбекистан № УП – 5938 от 18.02.2020 г. нижеследующего содержания:

«В целях досудебного урегулирования семейных конфликтов, связанных с расторжением брака необходимо широко применять институт медиации».

В результате при рассмотрении проблемной ситуации стороны смогут прийти к взаимовыгодному решению без выставления на показ общественности семейной проблемы.

#### Список использованной литературы:

1. Аналитический отчет по результатам изучения рассмотрения судьями по гражданским делам бракоразводных дел в Республике Узбекистан. Научно-практический исследовательский центра «Оила» при Кабинете Министров Республики Узбекистан. Т. – 2020 г.
2. Зыков С.В. Расторжение брака: взаимосвязь правового и социального аспектов // Актуальные проблемы российского права. – 2020. – Т. 15. – № 1. – С. 92-102.
3. Пантелеева И.А. Семейная медиация как альтернативная процедура разрешения споров // Нижегородский госуниверситет им. Н.И. Лобачевского. – 2014. – № 1 (2). – С.452-457.
4. Иванова М.С. Применение медиации при расторжении брака в судебном порядке // Вестник Московского университета МВД России. – 2012. – № 7. – С.54-60.
5. Клюева Н.В. Медиация в ситуации конфликта между супругами, имеющими несовершеннолетних детей // Вестник удмуртского университета. – 2016. – Т. 26, вып. 2. – С.80-87.
6. Семенова И.Ю. Особенности медиации в семейных отношениях // *Oeconomia et Jus*. – 2018. – № 3. – С.63-70.
7. Дячук М.И. Медиация – потребность современности // Вестник Института законодательства Республики Казахстан. – 2019. – №1 (55). – С.140-145.
8. Răzvan-Lucian Andronic, Ioan Ștefu, Camelia Olteanu. Mediation in Romania – Context and Principles of Action. *Procedia - Social and Behavioral Sciences* Volume 84, 9 July 2013. Pages 1128-1132.
9. Сэр Генри Брук. Посредничество и примирение // Медиация и право. – 2009. – №14.
10. Ивановская Н.В. Медиация в Англии и Уэльсе // Вестник РУДН. – 2013. – № 1. – С.130-135.
11. Семенова И.Ю. Особенности медиации в семейных отношениях // *Oeconomia et Jus*. – 2018. – № 3. – С.63-70.
12. Измалков А.В. Проблемные аспекты реализации технологии альтернативного урегулирования конфликтов в брачно-семейных отношениях // Государство и право. – 2016. – № 7. – С.59-66.
13. Ивановская Н.В. Медиация в Англии и Уэльсе // Вестник РУДН. – 2013. – № 1. – С.130-135.
14. Пурге А.Р. Применение процедуры медиации для урегулирования разногласий, возникающих из семейных правоотношений: опыт и пути развития // Евразийская адвокатура. – 2016. – № 4 (23). – С.41-49.





**Ислом Жўраев**  
Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси  
i.juraev@adliya.uz

## МЕҲНАТ ҲУҚУҚИДА МУДДАТЛАР

**Аннотация:** мазкур мақолада муддатни ҳуқуқий категория сифатида тушуниш ва унинг меҳнат ҳуқуқида тутган ўрни, муддат ва вақт тушунчаларининг ўзаро нисбати, муддатнинг юридик факт сифатидаги моҳияти, муддатни ҳодисага киритиш бўйича баҳсли масалалар, муддатларнинг турларига оид муаллифнинг фикр-мулоҳазалари ва ёндашувлари ўз аксини топган.

**Калит сўзлар:** муддат, вақт, юридик факт, ҳодиса, ҳаракат, календарь сана, муддатнинг бошланиши, муддатнинг ўтиши, муддатнинг тугаши.

**Ислом Жўраев**

самостоятельный соискатель

Ташкентского государственного юридического университета

### СРОКИ В ТРУДОВОМ ПРАВЕ

**Аннотация:** в данной статье нашли свое отражение взгляды и подходы автора к пониманию срока как правовой категории и его роли в трудовом праве, соотношения понятий срока и времени, сущности срока в качестве юридического факта, спорные вопросы касательно включения времени в категорию событий, видов сроков.

**Ключевые слова:** срок, время, юридический факт, событие, действие, календарная дата, начало срока, течение срока, истечение срока.

**Islom Jurayev**

An independent researcher of Tashkent State University of Law

### TERMS IN LABOR LAW

**Abstract:** This article discusses the views and approaches of the author to understanding the term as a legal category and its role in labor law, the relationship between the concepts of term and time, the essence of the term as a legal fact, controversial issues regarding the inclusion of time in the category of events, types of terms.

**Keywords:** term, time, legal fact, event, action, calendar date, start of a term, course of a term, expiration of a term.

Меҳнат ҳуқуқи олдида турган вазифаларни ечиш учун вақт омили муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида вақт муддат сифатида намоён бўлади. Унинг роли ҳуқуқий муносабатлар давомийлигини оддий ўлчашдан иборат бўлмай, балки мазкур муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нисбатига бевосита таъсир этади. Муддатларнинг амал қилиши меҳнат муносабатларининг тартибга солинишига ва уларнинг барқарорлигини оширишга кўмаклашади. Шундай қилиб, муддатлар ҳуқуқий тартибга солишининг ажралмас элементи бўлиб ҳисобланади.

Муддатга оид ҳуқуқий масалаларга бағишланган кўпчилик илмий ишлар фуқаролик, фуқаролик-процессуал, жиноят, жиноят-процессуал ҳуқуқи доирасида бажарилган. Хусусан, муддатлар категорияси фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик-процессуал ҳуқуқи вакиллари М.Баратов, Н.Имомов, Ф.Ибратовалар томонидан тадқиқ этилган [1]. Гарчи мамлакатимизда меҳнат ҳуқуқи мутахассислари томонидан муддат масаласи тадқиқ этилмаган бўлса-да, ҳамдўстлик давлатларида ушбу категория нисбатан яхши ўрганилган [2].

Мамлакатимизда меҳнат қонунчилиги ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилган бўлса-да, ўтган давр мобайнида муддатларга оид қоидаларнинг асосий жиҳатларини тушунишга ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги уларни илмий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Миллий меҳнат назарияси ва қонунчилигида муддат тушунчаси, унинг турлари, ҳисоблаш тартиби бўйича ягона қоидалар мавжуд эмас. Мазкур муаммолар меҳнат ҳуқуқида муддат категориясини комплекс таҳлил қилишга алоҳида эътиборни талаб қилмоқда. Юқорида таъкидланганидек, вақт фалсафий категория сифатида ҳуқуқда муддат шаклида акс этади. Инсонларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўтувчи вақтдан фарқли равишда муддат уларнинг эрки-иродасидан ташқарида бўлмайди, балки муайян чегаралар, ҳисоблаш тартиби, тиклашни белгилаб беради. Муддат бу вақтнинг бир қисми, инсонлар эрки-иродасига боғлиқ ҳаракатлар билан белгиланадиган унинг аниқ лаҳзаси ҳисобланади. Таъкидлаш ўринлики, вақт ва муддат бир-бирига нисбатан умумий ва хусусий каби муносабатда бўлади.

Меҳнат ҳуқуқида муддат меҳнат муносабатлари субъектларининг хулқ-атворида таъсир этувчи воситалардан бири сифатида фойдаланилади.

Ҳуқуқий тартибга солишда муддатнинг функциялари турли хил бўлади. Булар оғоҳлантирувчи, рағбатлантирувчи, қафолатловчи, тартибга солувчи, ҳуқуқий тартибга солишни барқарорлаштирувчи ва бундай тартибга солишда самарадорликни оширувчи функциялар ҳисобланади. Шунинг учун ҳуқуқда муддат ҳуқуқни амалга оширишнинг қафолати сифатида намоён бўлади деб айтиш мумкин.

Меҳнат ҳуқуқининг барча институтлари меҳнат муносабатларига аниқлик берадиган у ёки бу муддатларни ўзида ифодалайди, улар меҳнат ҳуқуқи субъектлари томонидан мажбуриятларнинг ижро этилишига, ҳуқуқларнинг ҳажми ва амалга ошириш хусусиятларига таъсир этади. Шу сабабли меҳнат ҳуқуқи фанида ушбу ҳуқуқ тизимида махсус институт “Меҳнат ҳуқуқида муддатлар”ни алоҳида ажратиш ғояси илгари сурилган [3]. Умуман муддат умумҳуқуқий категория ҳисобланиб, барча ҳуқуқ соҳаларида кенг фойдаланилганлиги сабабли меҳнат ҳуқуқидаги муддатлар ҳақидаги нормаларни соҳалараро институт сифатида кўриб чиқиш ҳам мумкин.

Муддат тушунчаси тўғрисидаги масала юридик фактлар тизимида муддатнинг ўрнidan келиб чиқиб ҳал этилади. Бироқ шундай нуқтаи назарлар ҳам борки, уларга кўра муддатлар мустақил юридик факт ҳисобланмайди, балки ҳуқуқий муносабатлар ҳаракатининг вақтинчалик шакли, улар субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни ташкил қилувчи мазмунни амал қилиш ва ривожланиш шакли сифатида намоён бўлади. Бу соҳада ягона фикрнинг мавжуд эмаслиги қуйидагиларни юридик факт сифатидан тан олишини билан боғлиқ: вақт, вақтнинг ўтиши, муддатнинг ўта бошлаши, муддатнинг ўзи. Ҳозирги вақтда олимлар ўртасидаги асосий келишмовчилик муддатнинг юридик факт сифатидаги табиати, яъни уни ҳаракат ёки ҳодиса эканлиги бўйича келиб чиқмоқда.

Ҳуқуқшунос Е.В.Мотинанинг фикрича, мазкур масалани ечишга қаратилган қуйидаги учта ёндашувни ажратиш кўрсатиш мумкин.

1. Юридик адабиётларда вақтнинг муайян бир қисмининг ўтиши кўпинча юридик факт-ҳодисага киритилади, бунда муддатга вақт билан боғлиқлик объектив, кишиларнинг эркига боғлиқ бўлмаган хусусият сифатида қаралади.

2. Бошқа йўналиш вакилларининг қайд этишича, муддатлар юридик фактларнинг алоҳида категориясини ташкил қилади, шу сабабли улар ҳодисага ҳам, ҳаракатга ҳам киритилмайди, яъни улар юридик фактларнинг мустақил гуруҳини шакллантиради.

3. Учинчи йўналиш тарафдорларининг таъкидлашича, агар муддат вақтнинг муайян бир қисми ёки календарь санани кўрсатиш сифатида ўрнатилган бўлса, уларни ҳодиса ҳам, ҳаракат ҳам деб бўлмайди. Агар муддат ҳодиса содир бўлиши билан аниқланадиган бўлса, бунда муддатнинг бошланиши ва ўтиши юридик-факт ҳодисага тааллуқли бўлади. Агар муддат қайсидир шахснинг ҳаракатлари билан белгиланадиган бўлса, бунда муддатнинг тугаши ва бошланиши юридик факт-ҳаракат ҳисобланади. Мазкур қараш баъзи меҳнатчи-олимлар томонидан ажратиб кўрсатилади, меҳнат ҳуқуқида муддат ҳақида гап кетганда иккита нуқтани фарқлаш лозим: муддатни ўрнатиш – юридик факт-ҳаракат бўлса, муддатнинг ўтиши юридик факт-ҳодиса ҳисобланади [4].

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, меҳнат ҳуқуқида муддат (муддатнинг бошланиши ва ўтишигина эмас) юридик факт сифатида чиқади. Шу билан боғлиқ ҳолда муддатнинг бошланиши ва ҳисобга олиниши ўртасидаги фарқни билиш мумкин. Масалан, фуқаролик ҳуқуқида муддатнинг ўтиши ва ҳисобланиши қоида бўйича қонун чиқарувчининг эрки-хоҳишига кўра ўрнатилади. Муносабат иштирокчилари ўзлари ўрнатган муддатни ўзгартиришлари, уларнинг вақт бўйича бошланиши ёки ўтишини яқинлаштиришлари ёхуд узоклаштиришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 13-моддаси муддатларни ҳисоблашга бағишланган бўлиб, унда муддатларни юридик факт эканлиги тан олинади. Хусусан, мазкур модданинг биринчи қисмида ушбу Кодекс меҳнат ҳуқуқлари ва бурчларининг вужудга келиши ёки бекор бўлиши билан боғлайдиган муддатнинг ўтиши унинг бошланиши белгиланган календарь куннинг эртасидан эътиборан бошланади, деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқида ва қонунчилигида “муддат” тушунчасига таъриф берилмаган. Муддат тушунчаси фуқаролик ҳуқуқида нисбатан яхши ишлаб чиқилган. Бироқ фуқаролик қонунчилигида ҳам муддат тушунчасининг таърифи келтирилмайди. Лекин бу тушунчага кўплаб ҳуқуқшунос олимлар томонидан таъриф берилган. Ушбу таърифларни ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, баъзи ҳуқуқшунос олимлар томонидан берилган таърифлар, бошқа олимлар томонидан тўлдирилган ва бойитилган. Масалан, И.Б.Зокировнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқида муддат деб, - аниқ белгиланган вақтга айтилади [5]. Ҳуқуқшунос Н.Имомов фуқаролик ҳуқуқидаги муддатни

қуйидагича тушунишни таклиф қилади “фуқаролик ҳуқуқида муддат деб, аниқ белгиланган, ўтишининг бошланиши ва тамом бўлиши муайян ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтирадиган, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилишга қаратилган пайтлар ва вақт даврларига айтилади” [1].

Муддатнинг турлари меҳнат ҳуқуқи учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Муддат соҳалараро категория бўлганлиги боис уни фуқаролик ҳуқуқида таснифланишидан бошқа ҳуқуқ соҳалари қатори меҳнат ҳуқуқи ҳам фойдаланиши мумкин. Хусусан, цивилист олим муддат масаласини монографик тадқиқ қилиб, уни қуйидаги турларга бўлиб кўрсатган:

- қонуний муддатлар;
- шартномали муддатлар;
- суд томонидан тайинланадиган муддатлар;
- ҳуқуқни вужудга келтирувчи муддатлар;
- ҳуқуқни ўзгартирувчи муддатлар;
- ҳуқуқни бекор қилувчи муддатлар;
- императив муддатлар;
- диспозитив муддатлар;
- мутлақ аниқ муддатлар;
- қисман аниқ муддатлар;
- ноаниқ муддатлар;
- умумий муддатлар;
- махсус муддатлар[1].

Юқорида муддатнинг таснифланишини меҳнат ҳуқуқида ҳам илмий-назарий жиҳатдан тан олиш ва самарали қўллаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 5-кичик бўлими “Муддатлар. Даъво муддати” деб номланиб, муддатлар билан боғлиқ фуқаролик ҳуқуқининг институтини шакллантирган. Мазкур бўлимнинг 11-боби “Муддатларни ҳисоблаш” деб номланган бўлиб, унда муддатни белгилаш, вақт даври билан белгиланган муддатнинг бошланиши ва тамом бўлиши, муддатнинг охири кунида ҳаракатни амалга ошириш тартибига оид қоидалар мустаҳкамланган. Бўлимнинг 12 боби эса “Даъво муддати”га бағишланган бўлиб, унда даъво муддати тушунчасидан бошлаб даъво муддати қўлланилмайдиган талаблар билан боғлиқ асосий қоидалар ўрин олган[6].

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига назарда тутилган муддатга оид конструкциянинг Меҳнат кодексига ҳам ифодалаш имкони қай даражада асослигини айрим мисоллар билан кўриб чиқиш мумкин. Жумладан, Россия Федерацияси Меҳнат кодекси (14-модда.

ҳисоблаш), Қозоғистон Республикаси Меҳнат кодекси (13-модда. Мазкур Кодекс билан белгиланган муддатларни ҳисоблаш), Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексда (14-модда. Ушбу Кодексда белгиланган муддатларни ҳисоблаш) муддат билан боғлиқ битта махсус модда назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексда ҳам худди шундай тузилиш белгиланган бўлиб, қабул қилиниши қутилаётган унинг янги таҳририда ҳам у сақланиб қолинган.

Тадқиқотчи Д.В.Марон меҳнат ҳуқуқидаги муддатлар тўғрисидаги нормаларни яғони институтга бирлаштиришни ҳамда уни “Меҳнат ҳуқуқида вақтинчалик нормалар ва муддатлар” деб номлашни таклиф қилади. Бу нарса шу билан боғланадик, меҳнат ҳуқуқининг тизими ҳаракатланувчи бўлиши ва замонавий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни ўзида ифодалаши

лозим. Яъни ушбу тизимда ҳам янги институтлар вужудга келиши мумкин, чунки илгари яғона гуруҳга бирлашмаган ўзаро ўхшаш нормаларни тартибга солувчи алоҳида нормалар гуруҳини ҳуқуқий расмийлаштириш учун зарурат вужудга келади[7].

Фикримизча, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексда муддат билан боғлиқ конструкцияни Меҳнат кодексда акс эттиришдан кўра, унинг турли институтларида муддат билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бинобарин, янги таҳрирда қабул қилинган Қозоғистон (2015 й.) ва Тожикистон (2016 й.) Меҳнат кодексларида ҳам худди шундай ёндашув қабул қилинганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Имомов Н. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, – 2005. – 7, 13-17 – Б.
2. Кокова Л.Р. Сроки в трудовом праве. Дис. ...к.ю.н. – М.: – 2007. – 3 с.
3. Лебедев В.М. Какой должна быть система Трудового кодекса? // Российская юстиция. – №9, 1999. – 35-38 – С.
4. Мотина Е.В. Понятие срока в трудовом праве // Право и демократия: сб. науч. тр. Вып. 21 редкол.: В.Н. Бибило. – Минск: БГУ, 2010. – 170-171 – С.
5. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. – Т. Адолат. – 1996. – 124 – Б.
6. <https://lex.uz/docs/111189#153699>
7. Марон Д.В. Сроки в трудовом праве: вопросы истории и теории // Вестник Саратовской государственной юридической академии. – №1, – 2018. – 258 – С.



**Мурод Чориев**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти профессори,  
юримдик фанлари номзоди

## ЮРИДИК ШАХСЛАР УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШ (ҚЎШИЛГАН ҲИССАЛАР)НИ ҲАДЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** мақолада юримдик шахслар устав фондидаги улуш (қўшилган ҳиссалар)ни ҳадя қилишни фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишининг амалий ва назарий жиҳатлари ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** ҳадя, ҳадя шартномаси, ҳадя қилувчи, ҳадя олувчи, устав фонди, устав капитали, умумий мулк, умумий улушли мулк, улуш, улушининг бир қисми, қўшилган ҳисса.

**Мурод Чориев**  
профессор Военно-технического института  
Национальной гвардии Республики Узбекистан,  
кандидат юридических наук

## ОСОБЕННОСТИ ДАРЕНИЯ ДОЛИ (ВКЛАДА) В УСТАВНОМ ФОНДЕ ЮРИДИЧЕСКОГО ЛИЦА

**Аннотация:** в статье рассматриваются теоретические и практические вопросы гражданско-правового регулирования дарения доли (вклада) в уставном фонде юридического лица.

**Ключевые слова:** дарение, договор дарения, даритель, одаряемый, уставной фонд, уставной капитал, общая собственность, общая долевая собственность, доля, часть доли, вклад.

**Murod Choriyev**  
professor of the Military-technical institute  
of the National guard of the Republic of Uzbekistan

## FEATURES OF DONATING A SHARE (CONTRIBUTION) IN THE AUTHORIZED CAPITAL OF A LEGAL ENTITY

**Abstract:** The article discusses the theoretical and practical issues of civil regulation of donation of a share (contribution) in the authorized capital of a legal entity.

**Keywords:** Gift, gift agreement, donor, donee, authorized capital, registered capital, common property, shared ownership, share, part of the share, contribution.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг камровли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шартномавий муносабатларга тўғридан-тўғри ўз таъсирини ўтказмоқда. Иқтисодиёт соҳасининг янада ривожланиши шартномавий муносабатлар, уларнинг субъектлари ва объектлари доирасининг кенгайиши, мазкур муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик қонунчилиги нормаларини бугунги кун талаблари даражасида қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Фуқаролик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга давлатимиз сиёсатида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2019 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф-5464-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилинди ва унда фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришнинг концептуал йўналишлари белгилаб берилди. Мулкни тасарруф этишга қаратилган шартномалар ичида ўз ўрнига эга бўлган ҳады шартномаси ва уни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ муомаладан чиқарилмаган ҳар қандай мол-мулк, хусусан ҳар қандай ашё ва мулк ҳуқуқлар ҳады шартномасининг предмети бўлиши мумкин. Жумладан, юридик шахслар устав фондидаги улуш (қўшилган ҳиссалар) ва қимматбаҳо қоғозлар ҳам ҳады шартномасининг предмети бўла олади. Уларни ҳады қилиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ҳады сифатида тасарруф этилиши учинчи шахслар, айниқса ташкилотларнинг манфаатлари билан боғлиқ бўлади.

Улушларга (қўшилган ҳиссаларга) ёки муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига бўлинган устав фонди (устав капитали)га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ҳисобланади. Муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалар ёки улар сотиб олган акциялар ҳисобига вужудга келтирилган, шунингдек хўжалик ширкати ёки жамияти ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарган ва сотиб олган мол-мулк ҳуқуқи асосида унга тегишлидир (ЎЗР ФК 58-модда 1-қисми).

Шунингдек, ЎЗР ФК 216-моддаси 1-қисмига мувофиқ, икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгаллигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Хўжалик ширкатлари устав фондидаги улуш (қўшилган ҳиссалар)ни ҳады қилиш масаласини кўриб чиқишдан олдин унинг таърифига тўхталиб ўтсак. Зеро, бу бевосита иштирокчи томонидан устав фондидаги ҳиссани тасарруф этиши билан боғлиқ масалаларни очиб беришда муҳим аҳамиятга эга.

И.Б.Зокиров “Хўжалик ширкати – бу ширкат номидан ҳаракат қилувчи икки ёки ундан ортиқ шахснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузган шартномавий юридик шахс мақомига эга бўлган бирлашмасидир” [1] деб таъриф беради. Ҳ.Р.Раҳмонқулов ва С.С.Гулямов ширкатнинг хусусиятлари сифатида камида икки иштирокчи бўлиши, аъзоларнинг ширкат мажбурияти юзасидан чекланмаган солидар жавобгарлиги, юқори даражадаги ишонч ва тадбиркорлик фаолияти соҳасида тан олишни кўрсатадилар [2]. Т.В.Кашанина эса ширкат кишиларнинг ихтиёрий-шартномавий бирлашмаси эканлиги, мулкӣ ва шахсий имкониятларни ҳамда мулкӣ воситаларни бирлаштириши, биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятидан фойда олишни кўзлаштини эътироф этса [3], Аль-Марашдех Маджед Ахмед ширкат иштирокчиларнинг шахсий иштироки ва ўзаро ишончига асосланишини таъкидлайди [4]. Ж.Юлдашев хўжалик ширкатларининг ўзига хос хусусиятлари сифатида хўжалик ширкатида унинг мажбуриятлари учун иштирокчилар ўз мулклари билан солидар ва субсидиар тарзда жавобгар бўлиши, ширкатнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирокчиларнинг шахсий иштироки (командитчилардан ташқари) бирламчи эканлиги, ширкатда таъсис ҳужжати таъсис шартномаси ҳисобланиши ва бошқаларни келтириб ўтади [5].

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики хўжалик ширкатларини ташкил этишнинг асосий хусусиятларидан бири – бу иштирокчиларнинг ўзаро ишонч асосида бирлашишларидир. Хўжалик ширкати иштирокчилари ўзаро ишонч асосида бирлашиб, тадбиркорлик фаолиятини юритар экан кейинчалик иштирокчилардан бири устав капиталидаги ўз улуши (қўшилган ҳиссасалар)ни учинчи шахсларга (олди-сотди, ҳады ва бошқа битимлар асосида) тасарруф этса янги иштирокчининг бошқа иштирокчилар билан ўзаро ишончли муносабатга киришиши ва бу кейинчалик ширкат фаолиятига ўз таъсир кўрсатиши бир қатор саволларни туғдиради: иштирокчи ўз улуши (қўшилган ҳиссаси)ни учинчи шахсларга (олди-сотди, ҳады ва бошқа битимлар асосида) тасарруф эта оладими? Тасарруф эта олса қандай тартибда амалга оширади?

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги қонуни [6] 15-моддасига мувофиқ, ширкат иштирокчиси қолган иштирокчиларнинг розилиги билан устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёки унинг бир қисмини ширкатнинг бошқа иштирокчисига ёхуд учинчи шахсга беришга ҳақли. Улуш (улушнинг бир қисми) бошқа шахсга берилганда улушни (улушнинг бир қисмини) берган иштирокчининг ҳуқуқи тўлалигича ёки ҳуқуқнинг тегишли қисми унга ўтади.

Ушбу нормадан англашиладики, умумий мулкдаги улуш (улушнинг бир қисми)ни бошқа шахсга бериш, яъни уни ҳар қандай шаклда тасарруф этиш (жумладан ҳадя қилиш ҳам) фақатгина қолган иштирокчиларнинг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

Бироқ, ЎзР ФК 218-моддаси 2-қисмига кўра, улушли мулк иштирокчиси ўз хоҳишига қараб ўз улушини сотишга, совға қилишга, васият қилиб қолдиришга, гаровга беришга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга улушни ҳақ эвазига бошқа шахсга бериш чоғида ушбу Кодекснинг 224-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилган ҳолда ҳақли бўлади.

Ушбу нормада эса улушли мулк иштирокчиси ўз улушини ўз хоҳишича, яъни қолган иштирокчиларнинг розилигисиз ҳар қандай усулда тасарруф қилиши мумкин, фақатгина бир истисно билан, улуш ҳақ эвазига бошқа шахсга берадиган бўлса ЎзР ФК 224-моддасига асосан қолган иштирокчиларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига амал қилиши лозим. И.Б.Зокиров бу ҳақда шундай фикр билдиради: ФКнинг 218-моддасида айтилганидек, умумий улушли мулкнинг ҳар бир аъзоси ўз улушини бошқа шахсга ўтказишга ҳақли. Бунда улушни ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам бировга ўтказиш назарда тутилади [7].

В.Ё.Эргашев ҳам шундай фикр билдириб қуйидагиларни таъкидлайди: “Умумий қоида бўйича, улушни тасарруф этиш учун бошқа шерик мулкдорларнинг розилиги талаб этилмайди. Улушли мулкнинг иштирокчиси ўз хоҳиш-ихтиёри билан мулк ҳуқуқидаги улушини сотиши, совға қилиши, васият қилиб қолдириши, гаровга бериши ёки бошқача тарзда тасарруф қилиши мумкин. Ҳақ олиб тасарруфдан чиқаришда улушли мулк иштирокчилари томонидан улушни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилади” [8].

Кўриниб турибдики бу ерда ЎзР ФК 218-моддаси 2-қисми билан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги қонуни 15-моддаси 1-қисми қоидалари бир-бирига зид келмоқда. Бизнинг

фикримизча, Қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги қонуни 15-моддаси 1-қисмида улушли мулкни тасарруф этиш билан улушга бўлган мулк ҳуқуқини тасарруф этишни бошқа-бошқа эканлигини назардан четда қолдирган.

Бу борада И.Б.Зокиров қуйидаги фикрларни билдиради: “Биобарин, умумий улушли мулк эгаларининг ҳар қайсиси ўз улушини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, бироқ ўз улушини қонун ёки устав (низом)да бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, ўзга шахсга ўтказиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, умумий мулкни шерикларининг розилигидан ташқари тасарруф қила олмайди” [9].

И.Зокиров, О.Оқюлов, М.Баратов, Қ.Мехмоновлар ҳам қуйидагича фикр билдиришади: “Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда шерик эгаларнинг ҳуқуқлари икки турга: барча умумий мулкка нисбатан, умумий мулкдаги улушга нисбатан бўлган ҳуқуқларга бўлинади. Биобарин, умумий улушли мулк эгаларининг ҳар қайсиси ўз улушини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, чунончи ўз улушини агар қонун ёки устав (низом)да бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, ўзга шахсга ўтказиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, умумий мулкни шерикларининг розилигидан ташқари тасарруф қила олмайди” [10].

В.Р.Топилдиев ҳам умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда шерик эгаларнинг ҳуқуқлари икки турга: барча умумий мулкка нисбатан, умумий мулкдаги улушга нисбатан бўлган ҳуқуқларга бўлинади, деб фикр билдиради [11].

В.Эргашев ҳам худди шундай фикр билдириб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Улушли мулкдаги мол-мулк унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан тасарруф этилади. Амалдаги ФК улушли мулкчиликдаги мол-мулк ҳамда ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи улушини тасарруф этишнинг турли тартиби белгиланган. Жумладан, биринчи ҳолатда умумий мулкни барча иштирокчиларнинг розилиги талаб қилинса, иккинчи ҳолда эса улушли мулк, мулк иштирокчиси ўз ихтиёрига кўра тасарруф қилиши мумкин” [12].

Кўриниб турибдики, цивилист олимларнинг фикрлари бу ерда бир жойдан чиқмоқда. Юқоридаги фикрларга асосланиб қуйидаги хулосани билдириш мумкин: “Хўжалик ширкати иштирокчиси ўз хоҳишига кўра, бошқа иштирокчиларнинг розилигисиз ўз улушига бўлган мулк ҳуқуқини ҳадя қилиши, мерос қолдириши ёки

бошқача усулда текинга ёхуд ҳақ эвазига тасарруф қилиши мумкин ва бунда ҳақ эвазига тасарруф этилганда бошқа иштирокчиларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига амал қилади. Агарда улушли мулк иштирокчиси улушли мулкни тасарруф этмоқчи бўлса, фақатгина қолган иштирокчиларнинг розилиги билангина амалга ошириши мумкин”. Иштирокчилардан бири томонидан умумий улушли мулкдаги мол-мулкни тасарруф қилишга оид битимлар ёки ўзга ҳаракатларнинг содир этиши бошқа иштирокчиларнинг розилиги бўлмаганда бундай битимларнинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигига олиб келади, шу билан у биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкка нисбатан содир этилган битимларнинг низоли эканлигини назарда тутувчи фуқаролик нормаси қондасидан фаркланади [13].

Фикримизча, ЎЗР ФК ва “Хўжалик ширкатлари тўрисида”ги қонун нормаларини бири-бирига мослаштириш ҳамда турлича талқин қилинишини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўрисида”ги қонуни 15-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ: “Ширкат иштирокчиси ўз хоҳишига қараб устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёки унинг бир қисмини ширкатнинг бошқа иштирокчисига ёхуд учинчи шахсга беришга ҳақли, улушни ҳақ эвазига бошқа шахсга бериш чоғида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекснинг 224-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилади”.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, хўжалик ширкати иштирокчиси ўз хоҳишига кўра, бошқа иштирокчиларнинг розилигисиз ўз улушини ёки унинг бир қисмини учинчи шахсларга ҳадя қилиши мумкин. Агарда улуш тўлиқ ҳадя қилинадиган бўлса улушни ҳадя қилган иштирокчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлалигича ҳадя олувчига ўтади, улушнинг бир қисми ҳадя қилинадиган бўлса улушни ҳадя қилган иштирокчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тегишли қисми ҳадя олувчига ўтади. Хўжалик ширкати иштирокчиси ўз улушини тўлиқ тасарруф қиладиган бўлса унинг ширкатдаги иштирокчилиги тугатилади.

Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар (кейинги ўринларда – жамият деб юритилади) тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг кенг тарқалган шаклларида бири ҳисобланади. Кўпинча бундай жамиятларнинг иштирокчилари оддий фуқаролар бўлиб, вақт ўтгани сайин улар ўртасида жамият фаолиятини бошқариш ҳуқуқидан кенгрок ва самарали

фойдаланиш масаласи юзага кела бошлайди. Бошқариш ҳуқуқи эса жамиятнинг устав капиталидаги улушларда ифодаланади ва бунда иштирокчиларнинг асосий манфаатдорлиги фақатгина жамиятни бошқариш эмас, балки ўзларига тегишли бошқариш ҳуқуқини амалга ошириш орқали кўпроқ даромад олиш ва устав капиталида кўпроқ улушни қўлга киритишни ҳам назарда тутади.

Бугунги кунда жамият устав капиталидаги улуш фуқаролик муомаласида фаол иштирок этаётганини кўришимиз мумкин, бу эса ўз навбатида мамлакатимизда бозор муносабатлари ҳамда иқтисодиётда нодавлат секторининг тобора ривожланиб бораётганлиги билан боғлиқ.

Жамият устав капиталидаги улуш тасарруф этилишини тартибга солувчи нормаларни амалиётда тўғри қўлланилиши учун энг аввало мазкур объектнинг мазмун-моҳиятини англашимиз лозим. Жамият устав капиталидаги улуш деганда, миқдори номинал қиймати билан жамият устав капиталининг нисбатига тенг бўладиган, жамият устав капиталида фоизларда ёки каср кўринишида ифодаланадиган ҳамда унга эгаллик қилиш субъектларга жамият иштирокчиси мақомини ҳамда ҳуқуқлар (мулкий ҳамда номулкий характердаги ҳуқуқларни) берадиган ва жамият ҳамда бошқа иштирокчиларга нисбатан мажбуриятни белгилайдиган мулкий ҳуқуқ тушунилади.

Жамият устав капиталидаги улушни тасарруф этиш деганда улушни ҳадя қилиш, айирбошлаш, олди-сотди қилиш ва бошқа фуқаролик ҳуқуқий битимлар орқали ўзидан бегоналаштириш тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуни [14] 20-моддасига кўра, жамият иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёки унинг бир қисмини жамиятнинг бир ёхуд бир неча иштирокчисига сотишга ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечишга ҳақли. Бундай битимни тузиш учун, агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамиятнинг ёки жамият бошқа иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди. Жамият иштирокчиси, агар жамиятнинг уставида тақиқланган бўлмаса, ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин.

Бундай тартибнинг ўрнатилиши иштирокчиларнинг шахсий хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, бунда юридик шахс сифатидаги



иштирокчилар алоҳида аҳамият касб этади. Д.Степановнинг фикрича, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари ўртасида алоҳида ишончга асосланган муносабатлар вужудга келади ва бу жамиятнинг самарали фаолият юритишининг асосий таркибий қисми ҳисобланади [15]. Айнан мана шунинг учун жамият иштирокчилари айрим ҳолатларда ўзларининг тадбиркорлик фаолиятидаги шерикларини алмашишига қатъий равишда қарши бўлиши мумкин. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунининг [16] 20-моддаси 4-қисмига кўра, жамият иштирокчиларидан бирортаси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда жамият иштирокчилари учинчи шахслар олдида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланади.

Агарда жамият иштирокчиси ўз улушини ҳада қилмоқчи бўлса Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунининг [17] 20-моддаси 10-қисми қоидаларига амал қилиши лозим бўлади. Унга кўра, жамиятнинг уставида жамият иштирокчисининг улушини (улушнинг бир қисмини) сотишдан бошқача

тарзда учинчи шахслар фойдасига воз кечиш учун жамиятнинг ёки жамият иштирокчиларининг розилигини олиш зарурлиги назарда тутилиши мумкин. Демак, жамият иштирокчисининг улушини (улушнинг бир қисмини) учинчи шахслар фойдасига воз кечиши учун жамиятнинг ёки жамият иштирокчиларининг розилигини олиш зарурлиги белгиланган бўлса, иштирокчи ўз улушини ҳада қилиши учун қолган иштирокчиларнинг розилигини олиши шарт. Жамият уставида бундай тартиб назарда тутилмаган бўлса жамият иштирокчиси ўз улушини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 218-моддаси 2-қисмига асосан эркин равишда учинчи шахсларга ҳада қилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларнинг ёпиқлик хусусиятини ҳамда иштирокчилар ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган муносабатларни ҳисобга олган ҳолда қолган иштирокчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятнинг уставида иштирокчиларнинг улушини (улушнинг бир қисмини) учинчи шахслар фойдасига воз кечиши учун жамиятнинг ёки жамият иштирокчиларининг розилигини олиш зарурлиги белгиланиши лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. \ \ Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 192-бет.
2. Раҳмонқулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. – Т., ТДЮИ, 2007. – Б.107.
3. Кашанина Т.В. Корпоративное право. Учебник. – М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1999. – С. 161-162.
4. Аль-Марашдех Маджед Ахмед. Хозяйствсннос товарищество по законодательству Иордании. Автореф. дис... канд. юрид. наук. –Т., – 1999. – С.10.
5. Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятларн – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. Юрид. фан. номз. Дисс... – Т., – 2008. – Б.53.
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // <https://www.lex.uz>
7. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. И.Б.Зокиров; Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов: Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 435-бет.
8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчиқисм) Адлиявазирлиги. – Т., «Vektor-Press», – 2010. – Б.816.(Профессионал (малакали) шарҳлар). 555-556 бетлар.
9. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. И.Б.Зокиров; Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов: Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. – Т.: ТДЮИ нашриёти, – 2009. – Б.435.
10. Зокиров И., Оқолов О., Баратов М., Мехмонов Қ. Мулк ҳуқуқи/ Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. И.Б.Зокиров. – Т., ТДЮИ нашриёти, – 2006. – Б.218. Топилдиев В. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. – Т.: Университет, – 2014. – Б.55.
11. Топилдиев В. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. – Т.: Университет, – 2014. – Б.55.
12. Fuqarolik huquqi: Darslik. Iqism/ Mualliflar jamoasi – Т.: TDYU nashriyoti, – 2016. – Б.190.
13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», – 2010. – Б.816.(Профессионал (малакали) шарҳлар). – Б.555-556.
14. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // <https://www.lex.uz>
15. Степанов Д. Общества с ограниченной ответственностью: законодательство и практика Ж. Хозяйство и право. – 2000, – № 12. – С.56.
16. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // <https://www.lex.uz>
17. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // <https://www.lex.uz>



### Ахтам Якубов

Тошкент давлат юридик университети  
хузуридаги Юридик кадрларни халқаро  
стандартлар бўйича профессионал  
ўқитиш маркази директори,  
мустақил изланувчи

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ САВДО ШАРТНОМАСИ ДОИРАСИДАГИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**Аннотация:** мазкур мақолада ташқи савдо муносабатлари иштирокчилари ўртасида вужудга келдиган низоларнинг турлари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида уларни ҳал этиши усуллари, амалга оширилиши тартиби ёритилган. Шунингдек, ташқи савдо шартномаларидан келиб чиқадиган низоларни давлат судларидан муқобил саналган ҳакамлик судларида ҳамда медиация ҳал этишнинг ўзига хос хусусиятлари, бир-биридан фарқлари, афзалликлари ва салбий жиҳатларига тўхталган ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифлар илгари сурилган.

**Калим сўзлар:** ҳакамлик суди, низоларни муқобил ҳал этиши (Alternative dispute resolution), медиация, арбитраж, музокаралар, ЮНСИТРАЛ.

### Ахтам Якубов

Директор Центра профессионального обучения  
юридических кадров по международным стандартам  
Ташкентского государственного юридического университета, самостоятельный соискатель

## ОСОБЕННОСТИ РАЗРЕШЕНИЯ СПОРОВ В РАМКАХ ВНЕШНЕТОРГОВЫХ СОГЛАШЕНИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**Аннотация:** в данной статье описаны виды споров, возникающих между участниками внешнеторговых отношений, способы их разрешения в законодательстве Республики Узбекистан, порядок их реализации. Также даны предложения по совершенствованию национального законодательства с акцентом на специфику, отличия, преимущества и недостатки разрешения споров, возникающих из внешнеторговых соглашений, в арбитражных судах, которые считаются альтернативой государственным судам.

**Ключевые слова:** третейский суд, Альтернативное разрешение споров, медиация, арбитраж, переговоры, , ЮНСИТРАЛ.

**Akhtam Yakubov**

Director of the Center for professional training  
of lawyers by international standards under TSUL,  
Independent researcher

### SPECIFIC FEATURES OF DISPUTE RESOLUTION UNDER FOREIGN TRADE AGREEMENTS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Abstract:** *This article analyzes the types of disputes arising between participants in foreign trade relations, methods of their resolution in the legislation of the Republic of Uzbekistan, the procedure for their implementation. There are also proposals for improving national legislation with an emphasis on the specifics, differences, advantages and disadvantages of resolving disputes arising from foreign trade agreements in arbitration courts, which are considered an alternative to state courts.*

**Keywords:** *arbitration court, Alternative dispute resolution, mediation, arbitration, negotiations, UNCITRAL.*

Ташки савдо муносабатларини амалга ошириш жараёнида кўпинча шартномалар иштирокчилари ўртасида, иштирокчилардан бири шартнома бўйича бошқа тараф олдидаги мажбуриятларини бузганлиги сабабли тижорат характеридаги низолар юзага келади. Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик жабрланувчининг ҳимоя ҳуқуқи юзага келишига асос бўлади.

Бузилган ҳуқуқни тиклаш идоралари – бу, аввало, суд идоралари, улар билан биргаликда ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан амалга оширилиши ёки ҳуқуқи бузилган шахснинг мустақил ҳаракатлари – ўз-ўзини ҳимоя қилиш кўринишида бўлиши ҳам мумкин.

Аммо асосий универсал ҳимоялаш органи – бу судлар. Шунга кўра, шартнома мажбуриятларини бузганларга қарши қаратилган суд ҳимояси ташқи иқтисодий шартномалар иштирокчиларининг шартнома интизомини мустаҳкамлашнинг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда ташқи савдо шартномалари юзасидан келиб чиқадиган низолар давлат судлари ёки умумюрисдикция судидан ташқари судлар – ҳакамлик судлари ва халқаро тижорат арбитражида кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал Кодекси 3-бўлими чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни юритишга бағишланади. Кодекснинг 240-моддаси мазмунига кўра чет эллик шахслар иштирокидаги предмети кўчмас мол-мулк бўлган низолар бўйича, агар бундай мол-мулк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса ёки бундай мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги низолар бўйича ишлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларининг мутлақ ваколатларига кириши белгиланган [1].

Мазкур ҳолатда тарафлардан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, битим Ўзбекистонда тузилган ёхуд амалга оширилган ёки

юқоридаги талаблардан бири мавжуд бўлганда, тарафларнинг хоҳишидан қатъий назар, низо иқтисодий судда кўрилишини қатъий белгиламоқда.

Ваҳоланки, шартномадаги эрк мухторияти тамойили бироз чеклангандек назаримизда. Амалдаги қонун нормасига кўра тарафлар ушбу ҳолатда шартномада бошқача қоида белгилайдиган бўлсалар, мазкур шартнома қонун ҳужжатларга зидлиги боис ҳақиқий эмас деб топилиши лозим. Аммо бу каби битимлар тузилаётганлиги, тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳакамлик судларида, халқаро тижорат арбитражларида кўриб чиқиладиганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Будан ташқари, юзага келган низоли ҳал этилишида давлат судларидан алтернатив ечим тарзда кўриладиган усули бу ҳакамлик судида иш кўриш. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги [2] Қонунига мувофиқ ҳакамлик суди фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларини ҳал этувчи нодавлат органи ҳисобланади ва иқтисодий судлардан кўра ташқи савдо муносабатлари соҳасидаги низоларни кўриб чиқишда қуйидаги ўзига хосликларга эга:

– ҳакамлик судларида иш тезкорлик билан ҳал этилади. Чунки ҳакамлик судида фақат битта инстанция назарда тутилган бўлиб, бошқа судлар каби апелляция, кассация, назорат инстанциялари мавжуд эмас. Ҳакамлик судининг қарори якуний ҳисобланади;

– асосий мақсад тарафларнинг келишувига йўналтирилади ва тарафлар ўртасидаги ҳамкорлик сақлаб қолинади. Биринчи ўринда тарафларни муроасага келтириш йўллари изланади, кейинчалик ҳам ҳамкорлик қилишлари учун ораларидаги муносабатлар бузилмаслиги йўлида ҳаракат қилинади ва бошқалар.

Шу билан бирга, иқтисодий судлар ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас. Бундан ташқари, ҳакамлик судлари йиғим миқдори худди шундай тоифадаги ишларни иқтисодий суди ёки фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқилганида тўланиши лозим бўлган давлат божининг ярмидан ошмайди.

Бундан ташқари, ташқи савдо низоларини ҳал этишнинг яна бир замонавий, ўзига хос усули борки, ундан республикамизда ташқи савдо муносабатларини тартибга солиш жараёнида кенг фойдаланиш юқори самарадорликни таъминлайди. У ҳам бўлса низоларни муқобил ҳал этиш (Alternative dispute resolution). Бу давлат судларидан алоҳида тарзда, тарафлар ихтиёрий амалга оширилишига асосланади ҳамда ўз ичига музокаралар, медиация ва арбитражни қамраб олади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [3] ПҚ–4754-сон қарори мазкур соҳада мамлакатимиз учун янги даврни бошлаб берди.

Ташқи савдо муносабатлари соҳасида низоларни муқобил ҳал этиш усуллар орқали масалага ечим топишнинг авзалликлари куйидагиларда ўз аксини топади:

- тарафлар ўртасида вужудга келган низони ўзаро музокаралар орқали барҳам беришдан асосий мақсад, улар ўртасидаги ўзаро дўстона алоқаларни сақлаб қолиш ва кейинги биргаликдаги фаолитини давом эттиришдан манфаатдорлик имконияти сақлаб қолинади;

- вужудга келган низони ҳал этишда қўлланиладиган ҳуқуқий нормалар келажакда қабул қилинадиган қарор ҳар бир тарафни тўлиқ қаноатлантириши, истисно этиши ва охири якуний ечим бўлмаслиги чекланмайди. Тарафлар ундан норози бўлган тақдирда судга мурожаат қилиш ҳуқуқини чекламайди.

- тарафлар ўртасида вужудга келган мураккаб тузилишдаги бир неча ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни бузилишидан ҳосил бўлган, комплекс характердаги масалани осон ечиш имкониятининг мавжудлиги;

- тарафлар ўртасидаги муҳокама қилинган ва ҳал этилган низо юқори конфиденциалликни таъминлаш ҳисобига ошкор бўлмаслик кафолатининг мавжудлиги.

Низоларни муқобил ҳал этиш усули ҳисобланган музокаралар билан медиацияни айрим фарқли жиҳатлари мавжуд бўлиб, музокаралар анча

оддий ва содда шаклларида бири сифатида тарафлар учинчи томонни жалб этмасдан, тўғридан-тўғри музокараларни рағбатлантирадиган муҳит яратишни мақсад қиладилар. Бунда умумий ихтилофни ҳал этиш учун ўзаро манфаатли келишувга эришишга интиладилар.

Энди медиация ва арбитражда ташқи савдо низосини ҳал этишнинг умумий жиҳати борки, унда тарафлар шартнома тузиш жараёнида ёки ундан кейин ўртада вужудга келадиган низони медиацияда ёхуд арбитражда кўриш учун аввалдан ёзма розилик бўлиши талаб этилади. Яъни судловга тааллуқлилиқ–медиация ёки арбитражга доир келишув мавжуд бўлсагина уни кўриш мумкин, уни тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш имконияти мавжуд бўлади.

Уларнинг фарқли жиҳати эса арбитраж келишувида тарафлар шартномага ва низони кўриб чиқишга тегишли моддий ва процессуал қонунчиликни, арбитраж институтини ва ишни кўриш қоидаларини олдиндан келишиб оладилар. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда трибунал ёки ваколатли орган бу масалани ечимини топади ва ишни кўриш мазкур ечимларга оғишмай ҳал қилинади [4].

Медиацияда эса биринчидан, низони ҳал этиш мақсадида исталган қонундан тақиқланмаган усулдан фойдаланилади. Бирор аниқ қоида ёки тизимга амал қилиш талаб этилмай, ҳар иккала тараф учун мақбул ечим топишга максимал ҳаракат қилинади.

Иккинчидан арбитражна нисбатан медиация қисқа муддатда, одатда аксарият низолар бир кун ичида ҳал этилади.

Учинчидан, арбитражда бир тараф ҳақ, иккинчи тараф ноҳақ саналиб, бири иккинчиси олдида муайян мажбуриятни бажариши шарт. Медиацияда эса ҳар иккала тараф учун ҳам, муайян йўқотишлар ва зарар эвазига бўлсада ўзаро мақбул натижага рози бўлишади.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда “Медиация тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлсада, унда фақатгина миллий доирада низоларни ҳал этиш қамраб олинган. Халқаро миқёсда, хусусан, ташқи савдо муносабатларидан келиб чиқадиган низолар эса мазкур Қонун предмети доирасига киритилмаган. “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Қонун эса ҳамон парламент муҳокамасида.

Бўшлиқлар асосан халқаро конвенциялар ва икки томонлама халқаро шартномалар билан тўлдирилади. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси ратификация қилганларидан биринчи навбатда 1961 йилги “Ташқи савдо арбитражи тўғрисида”ги Европа конвенцияси [5], 1958 йилги “Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисида”ги Нью-Йорк конвенцияси

[6], 1965 йилги “Давлатлар ва чет эл шахслари ўртасида”ги инвестиция низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги Вашингтон конвенцияси [7] санаб ўтилиши лозим.

Ташқи савдо муносабатларида муайян низо юрисдикциясини – индивидуал юрисдикцияни аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга. Умумий қоида кўринишида у низо тарафлари томонидан ўзаро келишув асосида ўрнатилади [8].

Хуллас, арбитраж муҳокамасига тарафларнинг розилиги ишни давлат судида кўриб чиқиш имкониятини истисно қилади. Агар ушбу келишув тарафлардан бири давлат судига мурожаат қилишидан олдин тузилган бўлса, суд даъво аризасини қабул қилишни рад этишга мажбур. Агар суд ишни кўриб чиқишга қабул қилганидан кейин шундай келишувга эришилган бўлса, иш юритиш тугатилиши лозим.

ЮНСИТРАЛ Арбитраж регламенти томонидан тавсия этилган намунавий ҳавола қуйидаги шаклда келтирилган: “Ушбу шартномадан келиб чиқадиган ёхуд унинг бузилиши ёки ҳақиқий эмаслигига дахлдор, ҳар қандай низо, келишмовчилик ёки талаб, амалдаги ЮНСИТРАЛ Арбитраж регламентига мувофиқ арбитражда кўриб чиқиши лозим”. Бунга тарафлар ихтиёрий равишда маълум орган, арбитрлар сони (бир ёки учта), арбитраж жойи (шаҳар ёки мамлакат), арбитраж муҳокамаси тили (тиллари) ҳақида кўрсатишлари мумкин [9].

Муайян арбитрни тайинлаш арбитраж низоси тарафлари ҳар бирининг хоҳишини аниқламасдан амалга оширилиши мумкинлигини ҳисобга олиб, халқаро ҳуқуқий нормалар ва арбитраж судлари регламентлари тарафларга сайланган ёки тайинланган арбитрларга қарши рад этиш ҳуқуқини беради [10].

Шундай қилиб илмий доктрина ва миллий арбитраж амалиёти қуйидаги хулосага келишимизга имкон беради:

а) арбитраж ҳаволаси асосий мажбуриятдан мустақил бўлган ва унинг юридик тақдирига боғлиқ бўлмаган мажбуриятни келтириб чиқаради;

б) арбитраж ҳаволасида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса, арбитраж низосини кўриб чиқишга бирон-бир учинчи шахс, гарчи бу шахслар даъвогар ёки жавобгар билан асосий мажбуриятга боғлиқ мажбурият орқали боғлиқ бўлса ва (ёки) арбитраж қарорида ўз манфаатига эга бўлса ҳам, жалб қилиниши мумкин эмас.

Арбитраж судининг хоҳиш-иродаси ифода этилиши мумкин бўлган ҳужжатлар орасида, норматив қоидалар ва регламентлар қарор деб номланган суд ҳужжатини кўрсатиб ўтади, аммо давлат судлари фаолиятида жуда кенг тарқалган ажрим шаклидаги ҳужжат ҳақида ҳеч нарса белгилаб берилмаган [11].

Шу билан бирга, арбитраж судлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг функциялари Ўзбекистон Республикаси давлат судлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг функцияларига нисбатан сезиларли даражада кенгайтирилган. Масалан, ЮНСИТРАЛ Арбитраж регламентининг 32-моддаси мазкур иш бўйича муҳокамани яқунловчи яқуний арбитраж қароридан ташвқари, шунингдек оралиқ, дастлабки ёки қисман арбитраж қарорларини қабул қилишга имкон беради [12].

Ўзбекистон қонунчилигидан фарқли ўлароқ арбитраж судлари фаолиятини тартибга солувчи қоидалар, мотивсиз қарорлар чиқаришга имкон беради (ЮНСИТРАЛ Арбитраж регламентининг 32-моддаси 3-банди).

Ўзбекистон Республикаси “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси энг муҳим ва ташқи савдо муносабатларини ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга қонун лойиҳаси дейишга тўлиқ асосларимиз бор. Иқтисодиётнинг глобаллашуви тез юз бераётган, давлатлараро алоқалар ривожланаётган ҳамда минтақавий ва халқаро даражаларда қонунчилик бир хиллаштирилаётган шароитларда бозор муносабатларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган халқаро тижорат арбитражи тижорат низоларини ҳал этишнинг муқобил суддан ташқари шакли сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда.

“Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси томонидан 1985 йил 21 июнда қабул қилинган (2006 йил 7 июлда қабул қилинган ўзгаришлар билан биргалликда) ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан маъқуланган ЮНСИТРАЛнинг халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги Намунавий қонуни асосида, шунингдек арбитраж муҳокамаси соҳасида жaxon амалиёти ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилилиши зарур.

Қонун лойиҳаси *биринчидан*, хорижий ҳамкорлар ва халқаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг бошқа иштирокчилари билан низоли масалаларни кўриб чиқишнинг таъсирчан механизмини яратишга; *иккинчидан*, арбитраж қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш механизмини тартибга солишга йўналтирилиши тақлиф қилинади.

Фикримизча, ташқи савдо низоларини тижорат арбитражларида ҳал қилишда кўпгина устунликлар мавжуд:

*биринчидан*, томонлар ишни кўриб чиқиш учун ўзлари ишонадиган судьяларни танлайдилар; улар турли давлатлардан бўлганликлари сабабли аксарият ҳолларда бир-бирларига тушунарсиз

турли ҳуқуқий тизимга тегишли бўлган миллий қонунчилик асосида ишларни кўрувчи миллий судларга мурожаат этишни истамайдилар;

*Иккинчидан*, тадбиркорлар натижага кўпроқ қизиқадиладар; кўп ҳолларда арбитраж учун фақат бир марта харажат қилинади, суд қарорлари эса узоқ вақт давомида, иккинчи томоннинг кўплаб шикоятлари натижасида қайта кўрилиши мумкин;

*Учинчидан*, арбитраж аксарият ҳолларда ишни ёпиқ тарзда кўриб мазмунан ҳал қилади, бу эса, айрим томонлар учун иш очиқ кўрилиши лозим бўлмаган ҳолларда муҳим аҳамиятга эгадир;

*Тўртинчидан*, халқаро конвенциялар арбитраж қарорларини деярли барча давлатларда ижро этиш имконини беради. Унинг афзаллиги шундаки, ижрога қаратиш нисбатан енгил ва кўп вақт талаб қилмайди.

Вена конвенцияни ўрганиб чиқиш давомида, миллий қонун ҳужжатлари ва ушбу халқаро ҳужжатнинг ўзаро нисбатидаги номувофиқликларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

*Биринчидан*, конвенция тушунчаларни миллий қонунчиликдагидан фарқ қилган бўлиб, лекин уларга таъриф бермаганлигини кўришимиз мумкин.

*Иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 109-моддасига биноан шартноманинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик тарафлар гувоҳларнинг кўрсатмаси ёрдамида исботлаб бўлмайди. Вена конвенциясида эса бу масалада гувоҳлар билан исботлаш мумкинлиги

айтиб ўтилган (Вена конвенцияси 11-модда). Умуман олганда шартнома шаклига нисбатан талаблар мавжуд эмас.

*Учинчидан*, Ўзбекистон қонунчилиги ва Вена Конвенциясининг қоидаларига мос келмаслигидан келиб чиқади. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 108-моддасига биноан юридик шахслар ўртасидаги шартнома доим ёзма равишда тузилиши керак. Лекин Вена конвенциясининг 11-моддасига биноан шартнома шаклига нисбатан ҳеч қандай талаб қўймаслиги ва у хоҳлаган шаклда тузилиши мумкинлиги айтиб ўтилган.

Конвенциянинг 11-моддасига асосан олди-сотди шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт қилиб қўйилмаган, умуман шартнома шаклига нисбатан талаблар мавжуд эмас. Шартноманинг мавжудлиги йўл қўйиладиган далилларнинг барчаси, шу жумладан, гувоҳ кўрсатувлари орқали ҳам исботланиши мумкин.

*Тўртинчидан*, 4-модданинг тушунчаларини шарҳлаш. Конвенциянинг

7-моддасига биноан, конвенциядаги тушунчалар мустақил “конвенция руҳида”, миллий қонунчиликка асосланмай шарҳланиши керак [13]. Бошқача қилиб айтганда, “шартноманинг ҳақиқийлиги” ва “шартнома тузилиши” тушунчалари миллий қонунчиликда келтирилган тушунча эмас, балки у Вена конвенциясининг ўзидан келиб чиқиб изоҳланиши керак.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон,
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 416-модда.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.06.2020 й., 07/20/4754/0771-сон
4. Merrills, J.G., International dispute settlement. Cambridge university press. 2017.
5. 1961 йилги Ташқи савдо арбитражи тўғрисидаги Европа конвенцияси. <https://nrm.uz/contentf?doc=55114>.
6. 1958 йилги Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги Нью-Йорк конвенцияси <https://www.uncitral.org/pdf/russian/texts/arbitration/NY-conv/New-York-Convention-R.pdf>
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 265-модда.
8. Busch, M.L., Reinhardt, E. and Reinhardt, E., 2002. Transatlantic trade conflicts and GATT/WTO dispute settlement. European University Institute.
9. Allee, T. and Elsig, M., Why do some international institutions contain strong dispute settlement provisions? New evidence from preferential trade agreements. The Review of International Organizations, 11(1), 2016.p.89-120.
10. Friedland, P.D., Arbitration clauses for international contracts. Juris Publishing, Inc.. 2007.
11. Beshkar, M., 2016. Arbitration and renegotiation in trade agreements. The Journal of Law, Economics, and Organization, 32(3), pp.586-619.
12. Paulsson, J., Rawding, N. and Reed, L., The freshfields guide to arbitration clauses in international contracts. Kluwer Law International BV. 2011.
13. “United Nations convention on contracts for the international sale of goods”. United Nations. NewYork. 2010, 6.



**Нозимахон Гафурова**  
 заведующая кафедрой  
 Ташкентского государственного  
 юридического университета, PhD, доцент  
 gafurovanozimakhon.tsul@gmail.com

## ЗАЩИТА ПРАВ ПАЦИЕНТА КАК ПОТРЕБИТЕЛЯ МЕДИЦИНСКИХ УСЛУГ: МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ И НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

**Аннотация:** в статье комплексно изучены вопросы защиты прав пациента, где статус пациента определяется в качестве потребителя медицинских услуг. Подробно рассмотрены международные инструменты и механизмы защиты прав пациентов. Сделан сравнительно-правовой анализ опыта защиты прав пациентов таких стран, как Греция, Исландия, Израиль, Литва, Финляндия, Чехия, Словакия, Франция, Ирландия, Португалия, Великобритания, страны СНГ. Сделан критический анализ защиты прав пациента как потребителя медицинских услуг по законодательству Республики Узбекистан. В результате исследования разработаны предложения по совершенствованию законодательства в области защиты прав пациентов.

**Ключевые слова:** пациент, права пациента, права потребителя, международные стандарты, информированное согласие, обязанности пациента, безопасность пациента.

**Нозимахон Гафурова**  
 Тошкент давлат юридик университети  
 кафедраси мудири, PhD, доцент,

**Аннотация:** мақолада беморнинг мақомини тиббий хизматларнинг истеъмолчиси сифатида белгиланиши нуқтаи назаридан беморнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши масалалари атрафлича ўрганилган. Беморларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро восита ва механизмлари батафсил ўрганиб чиқилди. Греция, Исландия, Исроил, Литва, Финляндия, Чехия, Словакия, Франция, Ирландия, Португалия, Буюк Британия каби мамлакатларда беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг илғор тажрибасининг қиёсий ҳуқуқий таҳлили амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида беморнинг тиббий хизмат истеъмолчиси сифатида унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши танқидий таҳлил қилинган. Тадқиқотлар натижасида бемор ҳуқуқларини ҳимоя қилиши соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириши бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** бемор, бемор ҳуқуқлари, истеъмолчилар ҳуқуқлари, халқаро стандартлар, онгли розилик, бемор мажбуриятлари, бемор хавфсизлиги.

**Nozimakhon Gafurova**  
 Head of the Department  
 Tashkent State University of Law, assistant professor, PhD

## PROTECTION OF THE RIGHTS OF THE PATIENT AS A CONSUMER OF MEDICAL SERVICES: INTERNATIONAL STANDARDS AND NATIONAL LEGISLATION

**Abstract:** the article comprehensively researched the issues of protecting the rights of the patient, where the patient's status is determined as a consumer of medical services. International instruments and mechanisms for protecting patients' rights are considered in detail. A comparative legal analysis of the experience of

*protecting the rights of patients in such countries as Greece, Iceland, Israel, Lithuania, Finland, Czech Republic, Slovakia, France, Ireland, Portugal, Britain, and the CIS countries is made. A critical analysis of the protection of the rights of the patient as a consumer of medical services under the legislation of the Republic of Uzbekistan is made. As a result of the research, were developed the proposals for improving the legislation in the field of patient rights protection.*

**Keywords:** *patient, patient rights, consumer rights, international standards, informed consent, patient responsibilities, patient safety.*

Права пациентов играют важную роль в развитии системы здравоохранения каждого государства. Изначально основанные на фундаментальных правах человека, таких как неприкосновенность и самоопределение, они имеют важное значение в контексте медицинской помощи и являются особенно актуальными с учетом проблем взаимоотношений между пациентами и медицинскими работниками. Современная концепция прав пациентов постепенно расширилась от индивидуальных прав пациента и теперь вбирает в себя ещё и социальные права пациента, затрагивающие вопросы охвата, доступа и конкретных прав. В последнее время наблюдается тенденция дальнейшего расширения статуса пациентов до статуса «потребителей», которая в большей степени сосредоточена на вопросах информации, качества и выбора. В целом, подобный подход к статусу пациентов отражает и поддерживает более широкую тенденцию расширения прав и возможностей пациентов, которая направлена на расширение прав и возможностей пациентов участия в принятии решений, касающихся их собственного здоровья. Это может выражаться в тенденции вовлечения пациентов – или их организаций в разработку политики прав пациентов.

Права пациентов можно группировать по трем направлениям:

1. Основные индивидуальные права, такие как право на информированное согласие; на личную жизнь и достоинство; доступ к медицинской карте;

2. Социальные права, такие как доступ к медицинскому обслуживанию; возмещение; равное обращение;

3. Права потребителей, такие как право выбора поставщика, на второе мнение, на безопасное и своевременное лечение (безопасность пациентов и качество медицинской помощи).

В нашем исследовании мы решили основной фокус направить на защиту прав пациентов как потребителей медицинских услуг. Данное направление мы посчитали самым актуальным в связи с тем, что именно нарушение прав пациентов как потребителей наблюдается в самых больших

количествах и приносит большие убытки и нарушение гражданских прав человека. Тем более с появлением понятие медицинского туризма актуальность защиты прав потребителей медицинских услуг возросло во много раз, и имеет серьёзный экономический аспект. Прежде всего, необходимо изучить какие на сегодня существуют международные инструменты и механизмы защиты прав пациентов, каков положительный зарубежный опыт защиты прав пациентов.

В мае 2019 г. 72-я сессия Всемирной ассамблеи здравоохранения в резолюции «Глобальные действия по обеспечению безопасности пациентов» одобрила провозглашение Всемирного дня безопасности пациентов. Он призван способствовать повышению осведомленности общественности во всем мире о вопросах безопасности пациентов и стимулировать солидарность и коллективные действия [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш мақсадида қишлоқ хўжалиги вазирлигини функционал баҳолаш (Management Functional Assessment Model – MFAM) ва унинг натижалари бўйича янги ваколат ва фаолият йўналишларини белгилаш мақсадида вазирликнинг тузилмаси ва бўлинмалари фаолиятини қайта кўриб чиқиш назарда тутилган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Қишлоқ хўжалигини стандартлаштириш маркази” давлат унитар корхонаси фаолиятини ва вазифаларини юқорида қайд этилган ривожланган хорижий давлатлар тажриба асосида қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда вертикал ва горизонтал ягона бошқарув тизимини яратишимиз даркор. Бу борадаги вазифаларнинг турли кўмита, инспекция ва бошқа ташкилотларга юклатилиши вазифаларнинг такрорланишини келтириб чиқармоқда ҳамда уларни самарали бажариш имконини чекламоқда. Шу мақсадда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компаниясини фаолиятини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг яна бир муҳим омилларидан бири бу тармоқдаги ҳақиқий ҳолат тўғрисида маълумотга эга бўлиш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғи бўйича ягона ишончли маълумотлар мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидаги муаммо ва камчиликларни қайд этиш лозим:

*биринчидан* – бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғида маълумот ва ахборот йиғиш тизими эскирган механизм ва амалиётга асосланган;

*иккинчидан* – ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини баҳолаш натижалари жойлардаги ҳақиқий ҳолатга мос келмайди. Аниқ ва ишончли маълумотларнинг етишмаслиги янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишини, шунингдек, уларнинг соҳага таъсирини объектив баҳолаш имконини бермайди;

*учинчидан* – ишончли маркетинг маълумотларининг етишмаслиги фермерлар ва бошқа агробизнес субъектлари томонидан бизнес режаларни ишлаб чиқишда ёки фаолиятини тўғри режалаштиришда мавжуд ва ўзгарувчан бозор имкониятларидан фойдаланишни сезиларли даражада чекламоқда.

Ҳар бир вазирлик ва идоралар ўзининг мониторинги асосида ахборотга эга бўлмоқда. Бу эса бир турдаги ахборотлар бўйича рақамларни турли бўлишига олиб келмоқда.

Замонавий қишлоқ хўжалиги статистикаси тизимини яратиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва маълумотларни олиш манбалари янги рақамли технологик воситалари шаклда бўлишини тақозо этмоқда. Бошқача айтганда, давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш учун замонавий ахборот-технологиялари ва фан ютуқларига асосланган бошқарув тизими зарур [8].

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат статистикаси ва маълумотларни йиғиш, бирлаштириш ва тарқатиш ишлари бевосита рақамлаштириш жараёнига боғлиқдир, шунинг учун мувофиқлаштирувчи тузилмани ташкил этиш зарурияти юзага келмоқда.

Мисол учун, Россияда қишлоқ хўжалик тармоғига оид 32 та турли хил йўналишлар бўйича электрон базалар мавжуд бўлиб, уларни мувофиқлаштирувчи ва интеграция қилувчи Қишлоқ хўжалигининг Аналитик маркази 2017 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида Мониторинг хизмати давлат муассасаси негизида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат статистикаси ва маълумотларни йиғиш, бирлаштириш ва тарқатишга масъул бўлган марказ ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш асосан қишлоқ хўжалиги тармоғинининг самарали фаолият

юритишига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида ишларнинг мавсумийлиги ва ишлаб чиқаришнинг якуний натижаси об-ҳаво, табиий-иқлимга боғлиқлиги қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва бошқарилиши лозим бўлган соҳалар қаторига киритишга асос бўлади.

Хусусан, 2019 йилда республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан 7 трлн сўмдан ортиқ маблағлари ажратилган. Тижорат банклари томонидан аграр тармоқнинг турли соҳаларига кредит маблағларини таклиф қилишмоқда. Бироқ, улар асосан фоиз ставкаси (йиллик 22-24 фоиз) ва гаров таъминоти талаблари юқори бўлган қисқа муддатли кредитларни ташкил қилади. Таъкидлаш жойизки, субсидия ва кредит маблағларидан фойдаланиш тизимининг ўта мурракаблиги фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан маблағлардан етарлича фойдаланиш имкониятини чекламоқда.

Бундан ташқари, соҳани ривожлантириш мақсадида давлат томонидан ажратилган маблағлар таҳлили молиялаштиришнинг асосий қисми ирригация учун сарфланишини ҳамда асосан пахта ва буғдой етиштиришни қўллаб-қувватлашга қаратилганини кўришимиз мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетлари параметрларида қишлоқ хўжалиги харажатлари таҳлили 2018 йилда умумий қишлоқ хўжалиги соҳасига ажратилган маблағларга нисбатан фоиз ҳисобида Пахта хом ашёси етиштирувчилари учун фоиз ставкасини субсидиялашга – 9,2%, Ғалла етиштирувчилар учун фоиз ставкасини субсидиялашга – 1,9%, Суғориш тизимларидаги капитал харажатларига 10,5% ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги хизматига – 0% ажратилганини кўрсатади.

Жаҳон тажрибасига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқли равишда доимий равишда давлатнинг бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиб борилади.

Хусусан, Канадада қишлоқ хўжалигида тавакалчиликни суғурталаш бўйича бир қанча дастурлар мавжуд. AgriStable дастури қишлоқ хўжалиги корхоналарининг даромадини суғурталашга мўлжалланган. Мазкур дастур қишлоқ хўжалиги корхоналарига охириги 5 йил ичида олиндиган ўртача даромадининг камида 70% олишини кафолатлайди. Масалан,



фермернинг ўртача йиллик даромади 100 000 АҚШ долларни ташкил этиб, 40 000 АҚШ доллари даромад қилса, унга дастур доирасида қўшимча 30 000 АҚШ доллари тўлаб берилади.

Бундан ташқари, АҚШда турли дастурлар доирасида ҳар йили қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўртача 5 млрд АҚШ доллари сарфланади. Масалан, Қишлоқ хўжалигида тадқиқот дастурларини субсидиялашга – 3 млрд АҚШ доллари, экспортни йўлга қўйишга – 1 млрд АҚШ долларидан ортиқ субсидия маблағлари ажратилади [9].

Шу билан бир қаторда, хорижда имтиёзли кредитлаш ва фоиз ставкаларини субсидиялаш амалиёти ҳам кенг қўлланилади.

Масалан, Германияда қишлоқ хўжалигига бериладиган кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси 6 фоизни ташкил этади ва бунинг 50 фоизи давлат томонидан қопланади.

Қишлоқ хўжалигини техник-технологик янгилаш учун 10 йил муддатга 1 фоизли ставкада кредитлар берилади ва бунда дастлабки 4 йил давомида қарз олувчига кредитни асосий танини қайтаришда имтиёз берилади.

Шундай қилиб, республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақоламизда қайд этилган қатор факторларга боғлиқ бўлиб, мазкур муамморлар ечими юзасидан куйидаги таклифларимизни билдирамиз:

**биринчи** – статистик маълумотларни тўплаш ва маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишни назарда тутувчи тармоқ статистикасининг шаффоф ягона тизимини ишлаб чиқилиши;

**иккинчи** – қишлоқ хўжалиги соҳасига ажратиладиган субсидия фойдаланишнинг амалдаги тизимини соддалаштириш, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан айланма маблағлар учун тижорат банкларидан кредит олишда гаров таъминоти сифатидаги активлар турларини кенгайтириши;

**учинчи** – ҳосилни суғурталаш бўйича харажатларнинг (суғурта мукофоти) камида 50 фоизини давлат томонидан қоплаш механизмининг жорий қилиши;

**тўртинчи** – ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланган ҳолда агросаноат мажмуига таркибига кирувчи тегишли кўмита, инспекция ва хизматларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасидаги вазифалари ва бошқарув тузилмасини қайта кўриб чиқиш;

**бешинчи** – давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қўйилма ва ички хўжалик хизматлари ҳамда таркибий ўзгаришларни жадаллаштиришга қаратилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш турлари кенгайтириш.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4567334/>
2. Чеботарева А.А. Продовольственная безопасность регионов в контексте продовольственной безопасности Российской Федерации. // Государственная власть и местное самоуправление, 2010, №3.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сон “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/4291908>
4. <https://www.fsis.usda.gov/wps/portal/informational/districtoffices>
5. <https://www.politicheagricole.it/flex/cm/pages/ServeBLOB.php/L/IT/IDPagina/15162>
6. [https://www.bmel.de/EN/ministry/ministry\\_node.html](https://www.bmel.de/EN/ministry/ministry_node.html)
7. <https://www.gov.pl/web/rolnictwo/biura-i-departamenty>
8. В.Альмухамедов, Продовольственная безопасность и управление. Economics of Agriculture of Russia 10'09., [https://www.elibrary.ru/download/elibrary\\_13027456\\_44495370.pdf](https://www.elibrary.ru/download/elibrary_13027456_44495370.pdf)
9. <https://smebanking.news/ru/18320-mezhdunarodnyj-obzor-gosdotacij-agrariyam/>



**Абдували Даминов**  
Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси

## ЭКОЛОГИК СУҒУРТАНИ ЮРИДИК ТАБИАТИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА УНИНГ КЕЛАЖАК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада экологик суғуртани юридик табиати: хорижий тажриба ва уни келажак истиқболлари кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада бугунги кундаги соҳадаги қонунчилигини қўллаш ҳолати ҳамда хорижий тажриба асосида такомиллаштиришга оид илмий назарий ва амалий таклифлар берилган.

**Калим сўзлар:** суғурта, экологик суғурта, экологик суғурта шартномаси, денгиз суғуртаси, экологик облигация тўғрисидаги низом, “Экологик суғурта тўғрисида” ги Қонун.

**Абдували Даминов**

Самостоятельный соискатель Ташкентского государственного юридического университета.

### ЮРИДИЧЕСКАЯ ПРИРОДА ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СТРАХОВАНИЯ: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И ЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ

**Аннотация:** в данной статье рассматривается юридическая природа экологического страхования: зарубежный опыт и его совершенствование. Также анализируется современное состояние законодательства в этой области, предлагается научно-теоретическое и практическое предложение совершенствования экологического страхования, учитывая опыт зарубежных стран.

**Ключевые слова:** страхование, экологическое страхование, морское страхование, договор экологическое страхование, положение об экологической облигации, закон об экологическом страховании.

**Abduvali Daminov**

Independent Researcher of Tashkent State University of Law

### LEGAL NATURE OF ENVIRONMENTAL INSURANCE: FOREIGN EXPERIENCE AND ITS IMPROVEMENT

**Abstract:** This article discusses the legal nature of environmental insurance: foreign experience and its improvement. It also analyzes the current state of legislation in this area, proposes a scientific, theoretical and practical proposal to improve environmental insurance taking into account the experience of foreign countries.

**Keywords:** insurance, environmental insurance, marine insurance, environmental insurance contract, regulation on environmental bonds, law on environmental insurance.

**1. Суғурта ва экологик суғурта тушунчаси**

Суғурта бахтсиз тасодифлар, ҳаётимизда учраётган турли нохушликлар оқибатида кўрилган зарарларнинг ўрнини қоплаш орқали фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилувчи тармоқдир. Суғурталаш мулкдорлар манфаатларини фавқулодда ходисалардан муҳофаза қилиш билан бир қаторда, тадбиркорлик фаолиятининг муҳим шакли ҳамда молиявий маблағлар муомаласи амалга ошириладиган тармоқлардан бири ҳисобланади.

“Суғурта” (инглизча “insurance” сўзидан олинган) деганда юзага келиши эҳтимоли бор зарарни махсус ташкилотга тўланган аъзолик тўловлари орқали қоплашни таъминлаш тушунилади. Янада тушунарлироқ қилиб айтганда, суғурта муайян воқеа (суғурта ходисаси) юз берганида, юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантирилган пул фондлари ҳисобидан ўша кишиларга суғурта товонини суғурта шартномаси асосида тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш демакдир.

Экологик суғурта-суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш, шунингдек мулккий суғурта шаклида амалга ошириладиган, атроф муҳитга ва учинчи шахслар мулкига зарар етказилган тақдирда молиявий ҳимоялаш мақсадида амалга ошириладиган ҳуқуқий муносабатлари мажмуидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган ва 53, 54-моддаларда эса хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлиб, қатъий муҳофаза қилиниши алоҳида кўрсатиб ўтилган [1].

Ана шу маънода суғурта билан боғлиқ кафолатларни ҳам хусусий мулкчиликнинг муҳофаза қилиш шакллари билан бири деб ҳисоблаш мумкин.

**2. Суғуртанинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.**

Суғуртанинг илк кўринишлари қадимги Миср, Месопотамия ва Грецияда пайдо бўлган. Мисол учун, Қадимги Юнонистонда Александр Македонский даврида нафақат ўзаро суғурталар, балки шу билан бирга, акционер суғурта жамиятлари ҳам мавжуд бўлган [2].

Қадимги юнонларнинг кўпчилиги кемалар орқали Ўрта ер денгизи атрофидаги давлатлар билан савдо алоқаларини йўлга қўйишган. Кемаларни турли табиий офатлардан суғурта қилиш милoddан аввалги VIII–VI асрлардаёқ бошланганини Демосфен ўз рисоаларида қайд этиб ўтган.

Суғуртанинг бошқа бир кўриниши сифатида ўзаро кўмаклашиш жамғармалари ташкил этилган. Масалан, қадимги Мисрда агар фалокат рўй бериб, пирамида қурувчилардан бирортаси вафот этса ёки оғир жароҳатланса, бошқалар унинг оила аъзоларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун ўзаро пул йиғиб, ёрдам беришган. Римда гладиаторлар ўз ҳаётларини суғурта қилдирган деган маълумотлар ҳам бор. Гладиаторлар ҳалок бўлса, фарзандлари ва оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилган. Ўша пайтлар амалга оширилган суғурталар, яъни суғурта шартномалари оғзаки равишда тузилган. Ёзма ҳолдаги суғурта шартномаларининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи эса ўрта асрларга бориб тақалади.

Том маънодаги суғурта шартномалари XIII асрда кема эгаларининг турли фалокатлар оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарардан ўзларини ҳимоя қилишлари туфайли пайдо бўлган. Дастлабки ёзма суғурта шартномаси 1347 йили Италиянинг Женоа шаҳрида имзоланган ва илк суғурта полиси “Санта Клара” кемасига берилган. Ўшанда ушбу кема Майорка денгиз сафарига кетаётгани. Полислар муайян шахслар томонидан ўз исмларини ёзиш орқали тузилганди.

XIV асрда суғурта операцияларининг янги шакли вужудга келган. Унда фақат фойда олиш кўзда тутилган. Масалан, Италия Ўрта ер денгизи атрофидаги савдо алоқаларининг гегемони ҳисобланган. Бу мазкур мамлакатда денгиз суғуртаси жуда тез ривожланишига замин яратган. Маълумотларга кўра 1393 йили Италияда ҳар бир нотариус ҳафта мобайнида ўртача 80 нафар мижоз билан суғурта полиси тузган.

Италияда денгиз суғуртаси ва у билан боғлиқ шартномавий муносабатлар ривожланиши туфайли суғурта қонунчилигини яратиш эҳтиёжи туғилади. Ниҳоят, 1466 йили Венецияда Денгиз суғуртаси кодекси қабул қилинади.

Манбаларда дастлабки ёзма суғурта шартномаси XVI асрда Англияда тузилгани ҳам қайд этилган. Шу аср ниҳоясида мамлакатда суғурта фаолияти ва суғурта шартномаларини расмийлаштириш жадал ривожлана бошлаган. 1559 йилда сэр Н. Бекон Англия парламенти йиғилишларидан бирида шундай деган: “Сафарга отланаётган ҳар бир ақлли савдогар пулини суғуртага тикиб, ўз кемасини ҳимоя қилсин”.

Европада жамият ривожидида шаҳарларнинг роли ошиши (урбанизация) натижасида кемалардан бошқа мулкларни ҳам суғурта қилдиришга зарурат туғилади. 1666 йили Лондонда содир бўлган даҳшатли ёнғин 70 мингдан ортиқ одамнинг умрига зомин бўлади. Орадан кўп ўтмай суғуртанинг ёнғин хавфидан суғурталаш тури

вужудга келиб, унга дахлдор шартномалар такомиллашади. Суғурта шартномаларининг кўпайиши суғурта жамиятлари ва компаниялари тузилиши, уларнинг сони ортиши билан боғлиқликдир.

Ўлкамизга суғурта хизматлари ва суғурта шартномасининг кириб келиши чоризм хукмронлиги даврига тўғри келган. 1918 йилга қадар Бухоро амирлиги худудларига туташ жойларда Россия суғурта билан боғлиқ капиталистик филиаллари ва бўлимлари ташкил қилинган. Улар давлат идоралари, улгуржи савдо ва транспорт корхоналари биноларини, пахта ва ёғ заводларини асосан ёнғин ҳамда бошқа фалокатлардан суғурта қилишган. Бора-бора Россия ўлкани пахта базасига айлантиришни кўзлаб, жамоа хўжаликларини суғурталашга эътибор қаратди. Шаҳарларда эса иморатларни ёнғиндан суғурталаш йўлга қўйилди. Кейинчалик собиқ Иттифоқ қонунлари асосида шахсий суғурта ҳам жорий этилди.

### **3. Экологик суғурталаш ва уни ҳуқуқий таъминлашда хорижий тажриба.**

Суғурта шартномаларининг Франция худудидаги ривожланиш тарихи ҳам ўзига хос. Ушбу мамлакат Савдо кодексига фақатгина денгиз суғуртаси қайд этилган, Фуқаролик кодексига эса суғурта шартномаси ҳақида атиги битта модда мавжуд эди. Фуқаролик кодексига таваккалчиликка асосланган шартномалар қаторига суғурта шартномалари ҳам киритилганди. Лекин у ҳақидаги қоидалар жуда қисқа эди. Негаки, ўша модданинг ўзида бу шартнома шу турдаги бошқа шартномалар каби денгиз қонунчилиги билан тартибга солиниши назарда тутилганди. Шу боис суғурта шартномасининг амалда бўлиши фақатгина денгиз суғуртаси доирасида чекланарди. Жюлио-дела Морендр бу ҳақда қуйидагича фикр билдирган: “XIX асрнинг бошларида фақатгина денгиз суғуртаси шартномасини учратиш мумкин бўлиб, Франция Фуқаролик кодексига бу бўшлиқ 1930 йилнинг 13 июлига келиб “Суғурта шартномаси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан тўлдирилган”. Қонун денгиз суғуртаси билан боғлиқ бўлмаган бошқа суғурта шартномаларини ўз ичига олган.

Европа мамлакатларида экологик хавфни умумий жавобгарликни суғурталаш шартномасидан чиқариш ҳамда атроф-муҳитни ифлослантириш билан боғлиқ барча хавфларни фақат экологик суғурталаш доирасида суғурталашга ўтиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу борада яқин хориж давлатларида ҳам қонунчилик базаси яратилган. Жумладан, 2005 йилда

Қозоғистон Республикасида “Мажбурий экологик суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Озарбайжон Республикасида ҳам экологик суғурта қилиш миллий қонунчиликка киритилган. Шунингдек, Россия Федерациясида “Мажбурий экологик суғурта қилиш тўғрисида”ги Федерал қонуни ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш лозимки, Германия амалиётида асосан “ихтиёрий экологик суғурта қўлланилади” [3].

Умуман олганда, ўрта асрларда шакллانган суғурта шартномаси бизнинг давримизда жадал ривожланиб, янги-янги турлари пайдо бўлди. Истиклол йилларида мамлакатимизда ҳам мустақил суғурта бозори шаклланганлиги ва бундан кейин ҳам янги турларини пайдо бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

### **4. Экологик суғуртани илмий назарий моҳияти.**

Экологик суғуртани ҳуқуқий тартибга солишда қатор муаммолар мавжуд. Уларни кўриб чиқиш учун таснифлаш, бунда давлат-ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий муаммоларни ажратиш мақсадга мувофиқдир [4].

Қонунчилик жараёнининг лойиҳалаш босқичига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунда у ёки бу норматив ҳужжатни ишлаб чиқишга рационалроқ муносабатда бўлиш, молиявий-ҳуқуқий негизини тегишлича асослаш зарур.

Яна бир давлат-ҳуқуқий муаммо жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқий маданиятининг пастлиги ва улардаги ҳуқуқий нигилизм бўлиб, булар жамият ҳуқуқий даражасининг ҳамда ҳуқуқ ва эркинликлар қафолатланишининг паст даражаси, шунингдек қонунчиликка ва ижтимоий ҳаётни ташкил қилишнинг ҳуқуқий шаклларида салбий муносабатда ўз ифодасини топади. Кўпинча амалиётда бу мажбурий суғурта шартномасини тузишни истамаслик, хавфли объектларнинг техник жиҳатдан хавфсизлиги ҳақидаги қонунчилик нормаларига риоя этилмаслиги, фуқароларнинг, жумладан, уларга мулкый зарар етказилган тақдирда, ўз фуқаролик ҳуқуқларини химоя қила олмаслигида кўринади [5].

Мазкур муаммолар ва уларни ҳал қилиш механизмини аниқлашга уринишлар билан бир қаторда ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш йўллари ва экологик суғурта истикболларига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда экологик суғурта табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазасини таъминлашга қаратилган иқтисодий механизмнинг элементларидан бирига айланиб боргани сайин

истикболли бўлиб бормоқда, бу эса қатор афзалликлари билан боғлиқ, деган хулоса чиқаришимиз лозим. Бу хулоса, биринчи навбатда, муносабатлар иштирокчилари фақат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ эканликларидан келиб чиқади. Экологик суғурта ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг императив (буйруққа асосланган) усулларидан диспозитив усулларига ўтишидан далолат бераётган умумҳуқуқий тамойиллар ва экологик ҳуқуқ тамойилларига эргашган ҳолда, фуқаролик ҳуқуқининг мазмунига асосланиб эркинлик принципига жавоб берадиган шартномавий муносабатларга асосланади.

Экологик суғурта экологик ҳуқуқий муносабатларда амалда рўёбга чиқариб бўлмайдиган қатор имкониятларга эга. Қуйида мазкур иқтисодий механизмнинг асосий тамойилларини (тенденцияларини) кўриб чиқамиз, бироқ ушбу механизмларни қўллашда хорижда ҳам, Ўзбекистон амалиётида ҳам мавжуд бўлган қатор омилларни инобатга олиш лозим:

- атроф табиий муҳитни ифлослантириш натижасида етказилган зарар учун жавобгарликни кучайтириш юз бермоқда;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрий экологик суғуртадан манфаатдорлигини таъминлаш муаммоси сақланиб қолмоқда;

- мажбурий суғуртадан фойдаланиш ҳар доим ҳам суғурта бозорининг ривожланишига ёрдам бермайди, унинг самарадорлиги суғурта шартларини ишлаб чиқиш ва суғурта қилиниши лозим бўлган фаолият турларини белгилашга боғлиқ;

- суғуртани фаолиятнинг ифлослантириш таваккалчилигининг ноаниқлик даражаси юқори бўлган айрим турларига қўллаш суғурта компанияларини оширилган тарифлар белгилашга мажбур этмоқда – бу эса суғуртанинг атроф муҳитни ифлослантираётган корхоналар учун самарадорлигини пасайтирмоқда;

Экологик суғуртани ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш йўлидаги яна бир дастур-суғурта компанияларини экологияга инвестиция киритишнинг янги тури циркуляцияси тизимига, экологик облигациялар тизимига жалб қилишдир. Ушбу механизм аввало минтақавий дастурларни амалга ошириш учун молиявий маблағларни жалб қилишга йўналтирилган. Амалиётга мурожаат этган ҳолда айнан шу даражадаги дастурларнинг амалга оширилишига маблағ етишмаётганини таъкидлаш жоиз. Ушбу ҳолларда мазкур масалани мақсадли облигация заёмлари чиқариш орқали ҳал қилиш мумкин.

О.И. Крассов таъкидлаганидек, “Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта алоҳида муҳим ўрин эгаллайди” [6].

Г.А. Моткиннинг монографиясида [7] таклиф этилган экологик облигацияларнинг айланиши схемасига суғурта ташкилотлари киритилмаган.

Бизнинг назаримизда, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига инвестиция киритувчи облигациялар чиқаришда қонун ҳужжатлари даражасида ортиқча хавф манбалари бўлган корхоналар бундай облигацияларни сотиб олиш ва хавфли ишлаб чиқариш объектлари бўйича фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш борасида тузиладиган шартномалар ҳисобидан ана шу облигациялар билан ҳисоб-китоб қилишга ҳақли бўладиган схемани (тартибни) назарда тутиш лозим.

Юқорида баён этилганларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш лозимки, ташкил қилишнинг юқорида келтирилган схемасини амалга ошириш натижасида хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчилар ва суғурталовчилар облигациялар чиқарилиши (амал қилиши) муддатига экологик дастурларнинг инвесторлари ҳисобланадилар.

Мазкур дастурларни ижтимоий муносабатларга жорий этиш учун бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилиш зарур. Ушбу ҳолда қонунчилик даражасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш шарт эмас: қонунга мувофиқ норматив ҳужжат сифатида эътироф этиладиган асосий шартлар, эмиссия ҳақидаги қарорлар, шунингдек ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида, эҳтимол “Экологик облигация тўғрисида”ги Низом қабул қилиниши ҳам етарли бўлиши мумкин.

Ана шу мақсадда, атроф муҳит табиий объектларини мулкий суғурта қилиш муносабатларини фаоллаштиришни табиий объектлар туфайли етказилган моддий зарардан ажратиш экологик суғурталашни ривожлантиришнинг истикболли йўналишларидан биридир.

Бизнингча, хавфли объектлардан фойдаланувчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш билан бир қаторда экологик суғуртани мулкий суғурта шаклида фаоллаштириш молиявий таъминлаш тизимини ва экологик хавфсизликни таъминлаш механизмни энг мақбул тарзда амалга ошириш механизмни мустаҳкамлашга имкон беради.

### **5. Экологик суғуртани тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари.**

Экологик суғуртани тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу соҳадаги концептуал ғоялари [8]да ва 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси [9]нинг 3.1.бандида суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон Республикасининг экологик суғурта ва умуман суғурта соҳасидаги қонун ҳужжатлари, юқорида таъкидланганидек, шаклланиш ва ривожланиш босқичидадир.

Бозор муносабатлари ривожланаётгани ҳамда табиатдан фойдаланиш соҳасида турли шакллардаги мулк пайдо бўлаётгани сабабли етказилган зарарни қоплаш ҳолларида қутилмаган экологик авария ва ҳалокатлардан химоялаш воситаси сифатида экологик суғуртага зарурат юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги [10] Қонуни талабларига асосан, экологик суғуртанинг ихтиёрий шакллари ва бошқа тулари томонларнинг ўзаро келишуви билан белгиланади. Шу боис экологик суғуртанинг қолган масалалари, унинг мажбурий туридан ташқари, тартибга солинмай қолмоқда ва қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланишга муҳтож бўлмоқда.

Суғурталовчида ҳам, суғурта қилдирувчида ҳам тариф ставкалари, зарар миқдорини аниқлаш, ҳуқуқ ва мажбуриятларни ажратиш, инфлантирувчи моддалар рўйхатини белгилаш, экологик суғурта бўйича экспертни жалб қилиш қоидалари кабилар борасида кўплаб саволлар юзага келмоқда.

Мамлакатимиздаги мавжуд қонунлар, жумладан: “Аҳолини санитария осойишталигини таъминлаш тўғрисида”ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги ”Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги ва ихтиёрий ҳамда мажбурий экологик суғурта қилишнинг ҳуқуқий асослари 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунларида ўз ифодасини топган. Бироқ, мазкур қонун ҳужжатларида экологик

суғуртани амалга ошириш тартиби, суғурта тарифи ва суммасини аниқлаш ҳамда атроф муҳитнинг инфлантириши оқибатида табиий муҳитга ва учинчи шахсларга етказилган зарарларни аниқлаш ва тўлаш механизмига етарли эътибор берилмаганлигини кўриш мумкин.

Аммо амалиётда, атроф муҳитга етказилган зарар учун жавобгарликни суғурта қилиш масалалари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлил қилинганда бир қатор муаммолар мавжудлиги намоён бўлмоқда.

### **6. Экологик суғуртани ҳуқуқий такомиллаштиришнинг келажак истиқболлари.**

Демак, юқоридаги ҳолатлар асосида бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунида белгиланган норма асосида, ихтиёрий ҳамда мажбурий экологик суғурта қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи, камчиликларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги [11] Қонунига экологик суғурта тўғрисидаги нормаларни тартибга келтириш орқали ўзгартиришлар киритиш ҳамда “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган норма асосида, ихтиёрий ҳамда мажбурий экологик суғурта қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи “Экологик суғурта тўғрисида”ги яхлит қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги эътироф этилган [12].

Қонун лойиҳасининг асосий ғояси атроф муҳитнинг муҳофаза қилинишини, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитларда экологик хавфсизликнинг таъминланишини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда қонун лойиҳаси нормаларида фуқароларнинг Конституцияда белгиланган қулай атроф муҳитда яшаш ҳуқуқининг амалга оширилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашдан иборат.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан кўзланган асосий мақсад-экологик суғурта соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, ички зиддиятларни бартараф этиш, камчиликларни тугатиш, қонун лойиҳасини фуқаровий, маъмурий, табиат ресурсларига оид ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан мувофиқлаштириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро қонунчилик нормаларига уйғунлаштириш, жамиятнинг иқтисодий ривожланишига оид замонавий талабларга жавоб берадиган янги ҳуқуқий

институтлар жорий этиш, шунингдек иложи борича кўпроқ бевосита амал қиладиган нормаларни жорий этишдир.

Қонун лойиҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг предметини: атроф муҳит, унинг айрим таркибий қисмлари (табiiй объектлар)ни хўжалик фаолияти ва антропоген таъсирдан суғурта қилиш; экологик хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулот, ишлаб чиқариш ва бошқа объектларни суғурта қилиш; ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан муомала қилиш бўйича фаолиятни суғурта қилиш каби соҳалардаги муносабат ва бошқалар ташкил қилиши мумкин.

### 7. “Экологик суғурта тўғрисида”ги қонуннинг тақрибий лойиҳаси.

“Экологик суғурта тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси қуйидагиларга йўналтирилмоғи мақсадга мувофиқдир:

1) мамлакат ҳар бир фуқаросининг қулай атроф муҳитда яшашдек конституциявий ҳуқуқини таъминлаш;

2) атроф муҳитнинг ифлосланиши сабабли жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулккий зарарни қоплашга доир амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларини бажариш;

3) табиатни муҳофаза қилиш ва суғурта ташкилотларига қўйилаётган экологик қонунлар нормалари, қоидалари ва талабларининг бажарилиши шартларини давлат ҳокимияти томонидан кучайтириш имконияти;

4) экологик суғурта операцияларини амалга оширишнинг иқтисодий негизи сифатида тижорат тузилмалари, нобюджет жамғармалари ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини молиялаштиришнинг бошқа ноинфляциян манбалари капиталларидан фойдаланиш.

Фикримизча, шунингдек киритиладиган ўзгартиришлар орқали амалга ошириладиган экологик суғуртага оид муҳим масалалар:

– “экологик суғурта”билан боғлиқ тушунчаларни қонунда таърифлаш;

– қонунга мувофиқ ҳолда экологик суғуртани амалга ошириш;

– экологик суғурта бўйича суғурта бадалларини суғурта қилдирувчи маҳсулоти (иш, хизматлари)нинг таннархига киритиш ёхуд атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўловларни ҳисобга олиш ҳамда ҳар бир суғурта ҳодисаси бўйича ҳисобланган ставкаларга мутаносиб равишда суғурта мукофоти тўлаш;

– суғурта ҳодисасини ва суғурталовчи жавобгарлигининг лимитларини белгилаш;

– ихтиёрий экологик суғурта қилиниши лозим бўлган жавобгарлик турларини белгилаш.

Миллий қонунчиликда экологик суғурта соҳасидаги хорижий амалиёт ва жаҳон тажрибасига катта эътибор қаратиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси тасдиқлаган (ратификациялаган) халқаро ҳужжатларнинг нормаларини етарли даражада акс эттириш лозим деб ўйлаймиз.

### 8. Хулоса ва тақлифлар

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Экологик суғурта тўғрисида”ги қонунни лойиҳаси қуйидагиларни белгилашга қаратилмоғи лозим:

– экологик суғуртани ривожлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ўз ифодасини топиб хорижий андозаларга мос бўлиши;

– экологик хизматлар бозорини шакллантириш, табиатдан оқилона фойдаланиш механизмида экологик суғуртанинг роли ва ўрнини белгилаш ҳамда Ўзбекистон республикасининг қонунларига асосланиши;

– экологик суғурта, зарарларни қоплаш билан бир қаторда, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг ўтказилишини рағбатлантириш;

– адабиётларда тўғри таъкидланганидек, айни вақтда суғурталовчининг фойдаси суғурта жараёнининг иккала томони учун ундовчи мотив бўлиб хизмат қилади: атроф табиий муҳитнинг авария ҳолатида (қўққисдан, билмаган ҳолда) ифлосланттириш ҳолатлари қанча кам бўлса, суғурталовчининг фойдаси шунча кўп бўлади [13].

Шу маънода, экологик суғурта иккита энг муҳим экологик муаммони ҳал қилиши мумкин бўлиб, булар табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини молиялаштириш манбаи ҳамда атроф табиий муҳитни авария ҳолатида (қўққисдан, билмаган ҳолда) ифлосланттиришдан кўрилган зарарни тўлиқ ёки қисман қоплашнинг муҳимлиги ўта зарурдир.

Хуллас, Ўзбекистон Республикасининг тақлиф этилаётган “Экологик суғурта тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланиши учун экологик хавфсизликни таъминлашга имкон берадиган фаол вақилига айланттириш учун шароит яратишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., – 2020
2. Райхер В.К. Общественно-исторические типы страхования. – М., – 1947, – С.30–38.
3. Бажайкин А.Л. Страхование ответственности за причинение вреда окружающей среде в Германия (Umwelthaftpflichtversicherung) // Экологическое право. №5. 2004. – 51 – С.
4. Бондаренко Л. Н. Страхование в условиях трансформации агропромышленного производства России (Исследование современной концепции, методологии и организации страхования сельхозкультур): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Уфа, 2000. – С. 39
5. Халмуминов Ж.Т. Правовая охрана прав граждан на благоприятную окружающую среду в Республике Узбекистан. // Жур. Философия и право, 2011. Спец номер. – С. 37–45
6. Крассов О.И. Экологическое право: Учебник. – М.: Дело, – 2001. – С. 374
7. Моткин Г.А. Основы экологического страхования. – М., Изд-во РАН, – 1996. – С. 146
8. Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг экологик хавфсизликни таъминлаш, аграр ва энергетика соҳасини ривожлантиришга оид концептуал ғояларини ўрганиш. Ўқув-услубий қўлланма. ТДЮУ. – Т., – 2020. – Б 528.
9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, – №4-5, 68-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, – № 4-5, 68-модда.
12. Холмўминов Ж.Т., Даминов А.А. Экологик суғурта тўғрисидаги қонунни қабул қилиш истикболлари хусусида // Тадбиркорлик фаолиятида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш. ТДЮИ, – 2011. – Б. 203
13. Яндыганов Я.Я. Экономика природопользования: Учеб. пособие. – М., КНОРУС, – 2005. – С. 103.





### Хусаин Раджапов

Тошкент давлат юридик университети  
кафедраси мудири, (PhD)  
radjapovhusain@gmail.com

## ТАБИЙ МОНОПОЛИЯЛАР СОҲАСИДА РАҚОБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада амалдаги қонунчиликда назарда тутилган табиий монополияларнинг ҳуқуқий асослари давр талабига жавоб бермаслиги ва айрим соҳаларда бугунги кунга келиб рақобат муҳитини шакллантириш имкониятлари мавжуд эканлиги илгари сурилиб, илгор хорижий тажриба асосида таклифлар берилган. Хусусан, табиий монополиялар соҳаларини белгилашнинг асосий ҳуқуқий мезони сифатида “инфратузилмавий” технологик хусусиятларни белгилаш ҳамда ушбу мезонга мос келмайдиган соҳаларни табиий монополиялар рўйхатидан чиқарган ҳолда рақобат муҳитини шакллантириш имкониятларини яратиш таклиф этилади.

**Калит сўзлар:** табиий монополия, рақобат, темир йўл, электр энергени, почта, инфратузилма, эксплуатация.

### Хусаин Раджапов

заведующий кафедрой  
Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор философии юридических наук (PhD),  
radjapovhusain@gmail.com

## ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОНКУРЕНЦИИ В СФЕРЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ МОНОПОЛИЙ

**Аннотация:** в данной статье утверждается, что правовые критерии естественных монополий, предусмотренные действующим законодательством, не отвечают требованиям времени и что на сегодняшний день уже существуют возможности для создания конкурентной среды в некоторых сферах. В статье также предлагаются предложения, основанные на лучшем международном опыте. В частности, в качестве основного правового критерия для определения областей естественных монополий предлагается определить «инфраструктурные» технологические особенности. А не соответствующих этому критерию сфер исключить из списка естественных монополий и создать возможности для формирования конкурентной среды.

**Ключевые слова:** естественная монополия, конкуренция, железные дороги, электричество, почта, инфраструктура, эксплуатация.

**Husain Radjapov**

Head of Business law department at Tashkent State University of Law, PhD  
radjapovhusain@gmail.com

## LEGAL ASPECTS OF BUILDING COMPETITIVE ENVIRONMENT IN A NATURAL MONOPOLY SECTOR

**Abstract:** This article discusses the legal grounds for recognizing of natural monopolies in the law. It argues that the current legal requirements are old-based and do not fit modern economic development of the country. Based on international standard the author suggests some policy recommendations to reform a natural monopoly sector in the country. In particular, the author proposes to identify “infrastructural” technological features as the main legal criterion for determining the areas of natural monopolies. The spheres that do not meet this criterion should be excluded from the list of natural monopolies and create opportunities for the formation of a competitive environment.

**Keywords:** natural monopolies, competition, railway, elector energy, postal service, infrastructure, exploitation.

### Кириш

Президент Шавкат Мирзиёев 28 май куни иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қатъий ўтиши жараёнида рақобат масаласи принципиал аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Хусусан, анча йиллардан бери табиий монополия ҳисобланиб келган соҳаларда рақобат муҳитини шакллантириш имкониятларини қайта қўриб чиқиш вақти келди.

Бугунги кунда табиий монополиялар иқтисодиётнинг энг муҳим соҳаларида фаолият юритишади. Аммо улар фаолиятидаги жиддий муаммолар мамлакатнинг иқтисодий ўсишини орқага тормоқда.

### 1. Табиий монополия тушунчаси ва амалдаги ҳолат

Табиий монополия – бу **технологик хусусиятлар** туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас ёки **иқтисодий жиҳатдан** мақсадга мувофиқ бўлмаган товар бозорининг ҳолатидир (“Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонун, 3 модда).

Оддийроқ қилиб айтганда табиий монополия субъекти сифатида тан олинishi учун куйидаги иккита талабга жавоб бериши керак:

1) технологик хусусиятлар туфайли соҳада рақобат муҳитини яратишнинг иложиси йўқ;

2) соҳада битта хўжалик субъектидан кўп фаолият олиб борилиши иқтисодий жиҳатдан самарасиз.

Амалдаги “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига асосан куйидаги соҳалар табиий монополия ҳисобланади:

- нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш;
- электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка қилиш;
- темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда темир йўлларда ташиш;
- умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари;
- сув қувурлари ва канализация хизмати;
- аэронавигациялар, портлар ва аэропортлар хизматлари.

Маълумот учун, 2020 йил 1 апрель ҳолатига мамлакатимизда 136 та хўжалик юритувчи субъектлар табиий монополия сифатида рўйхатга олинган [1].

Мазкур табиий монополия ҳисобланган соҳалардаги товар ва хизматлар нархлари устидан давлат назорати амалга оширилади (“Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонун, 5-модда). Бунда давлат ижтимоий сабабларга кўра нархларни оширишни истамаганлиги сабабли табиий монополия корхоналарининг товар ва хизматлар нархларини асосан **ҳаражатлар** асосида белгилайди. Бунда одатда корхоналарнинг жиҳозлари эскириши каби факторлар ҳаражатлар сметасига киритилмайди. Шу сабабли, табиий монополия корхоналарида ўз ҳаражатларини камайтириш ёки даромадини ошириш ҳақида ўйлаш стимули деярли йўқ деса ҳам бўлади. Натижада, юртимизда табиий монополия корхоналарнинг жиҳозлари эскириши сабабли хизмат сифати пасайиб, модернизация жараёни оқсамокда.

## 2. Таҳлил

Бугунги кунга келиб, табиий монополиялар соҳаси ҳам ислохотларга муҳтож. Хусусан, мамлакатимиздаги табиий монополиялар соҳасидаги муаммоларни ўрганиб ҳамда

илгор хорижий тажрибаси инобатга олган ҳолда қуйидаги соҳаларни табиий монополиялар рўйхатидан чиқариш таклиф этилади:

### 1. Темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда темир йўлларда ташиш.

Поездда юриб кўрган ҳар бир фуқаро темир йўл хизматининг сифати қай даражада паст эканлигини яхши билади. Вагонларнинг эскиргани, кондиционерлари ишламаслиги, вокзаллардаги оддий юк аравачалари йўқлигидан тортиб, санитария нормаларигача гапириш мумкин.

Маълумки, темир йўл соҳасида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ягона монопол темир йўл компанияси ҳисобланади. У билан мамлакат ҳудудида рақобат қилиши мумкин бўлган бошқа темир йўллар компанияси мавжуд эмас. Яъни, соҳа ичида ички рақобат йўқ. Шу билан бирга, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ автойўл ва ҳаво йўллари орқали амалга ошириладиган йўловчи ва юк ташиш хизмати бўйича маълум даражада ўзаро рақобат қилади. Бу фанда “ташқи” ёки “соҳалараро” рақобат дейилади. Яъни, темир йўл соҳасида ички рақобат (*intra-competition*) бўлмаса ҳам, туташ соҳалар билан ташқи рақобат (*inter-competition*) мавжуд.

Хориж тажрибасини ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, темир йўл соҳаси аллақачон табиий монополия қаторидан чиқарилиб, ушбу соҳага хусусий секторни жалб қилган ҳолда рақобат муҳити шакллантирилмоқда ва хизмат сифати яхшиланмоқда. Хусусан, Швеция, Франция, Германия каби ривожланган давлатларда темир йўл монополияси асосан иккита секторга бўлинган: инфратузилма ва эксплуатация. Бунда технологик хусусиятлар сабабли темир йўл инфратузилмаси тўлиқ давлат тасарруфида қолдирилиб, табиий монополия ҳисобланиши тўғри. Аммо, эксплуатация (ташиш хизмати) секторида рақобат шароитларини яратиш ва хусусий секторни жалб қилиш орқали, темир йўл хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, модернизация қилиш бўйича ислохотлар хориж мамлакатларида самарали амалга оширилиб келинмоқда.

Шунингдек, эксплуатация секторини ўзини “йўловчи ташиш” ва “юк ташиши” хизмат турларига ажратишиб, тижоратлаштириш орқали аста-секин транспортировка йўналишида рақобат шакллантиришга эришилган. Агар юк ва йўловчи

ташиш хизматига муқобил ташувчилар сифатда хусусий секторни жалб қилинадиган бўлса, ташувчилар ўртасидаги рақобат туфайли бундай ташиш нархи ва сифати яхшиланади. Мисол учун, юк ташиш хизматига хусусий сектор субъектлари кириб келиши оқибатида тадбиркорлар учун юк жўнатиш харажатларини камайиши, юклар манзилларга тезроқ етиб бориши ва ташиш оперциялари осонлашади. Бунинг натижасида Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти тезлашади ва иқтисодий ўсишига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Электр ва иссиқлик энергияларни ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка қилиш.

Мамлакатимиздаги электр энергия билан боғлиқ муаммоларни гапириб ўтишнинг ҳолати йўқ, назаримизда. Ушбу соҳада бир нечта табиий монополия корхоналари фаолият олиб боради. Аслида техник хусусиятлардан келиб чиқиб оладиган бўлсаки табиий монополия тушунчасига фақат электр узатиш линиялари мос келади.

Хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, Австралия, Буюк Британия, Жанубий Кореяда ва Аргентина каби давлатлари электр ва иссиқлик энергия монополиясини ишлаб чиқариш ва транспортировка соҳаларига ажратишган. Бунда, электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда давлат монополияси сақлаб қолинган, бироқ транспортировка қилиш (таъминот)да давлатнинг мутлақ монополиясидан воз кечилган ҳолда рақобат шакллантирилган. Шу сабабли, мамлакатимизда магистрал тармоқларни давлат назорати остида қолдирган ҳолда, ишлаб чиқариш, транспортировка, ремонт ва хизмат кўрсатадиган корхоналарга хусусий секторни жалб қилиш орқали рақобат муҳитини шакллантириш мумкин.

Шунингдек, электр энергия таъминотининг ўзини маиший ва саноат объектлари таъминоти турларига ажратиш мумкин. Бунда босқичма-босқич рақобатни шакллантириш мақсадида дастлаб саноат объектларининг электр таъминотида хусусий секторни жалб қилиш мумкин. Бунда давлат электр энергияни хусусий етказиб берувчиларга улгуржи нархда, етказиб берувчилар эса саноат объектларига электр энергияни чакана нархда сотади. Саноат объектларида таъминотчини танлаш имконияти пайдо бўлади ва шартнома асосида хизмат кўрсатилади. Бундай ислохотлар натижасида, тадбиркорлар учун электр энергия нархи бироз қимматлашиши мумкин, лекин тадбиркорларни электр ва иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш, чекка жойларга етказиб бериш ҳамда хизмат сифати сезиларли даражада ошириш мумкин.

Шу билан бирга, электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш соҳасида босқичма-босқич рақобат муҳитини шакллантириш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Электр станцияларни хусусийлаштириш орқали ишлаб чиқариш соҳасида (станциялар ўртасида) ички рақобатни шакллантириш, кўёш ва шамол (green energy) энергияси каби муқобил электр ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали эса соҳада ташқи рақобатни шакллантириш мумкин.

Умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари. Почта алоқаси хизматларида “Ўзбекистон почтаси” АЖ табиий монополия ҳисобланади. Бугунги кунда “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг хизматидан фойдаланиб кўрган ҳар бир шахс маҳаллий ёки хорижий йўналишларга почта етказиб бериш хизматининг сифат даражаси талабга умуман жавоб бермаслигига гувоҳ бўлиши мумкин. Аслини олганда, почта хизматини табиий монополия сафига киришига ҳеч қандай технологик ёки иқтисодий асоси мавжуд эмас. Почта хизмати технологик хусусиятлар учун эмас, балки кўпроқ ҳавфсизлик ва сиёсий сабабларга кўра табиий монополия сифатида белгиланиб келган. Бундай монополияларни фанда “ҳуқуқий монополия” (legal monopoly) дейилади. Яъни, техник хусусиятли туфайли эмас, маълум бир стратегик сабабларга кўра ҳукумат қарорлари билан ташкил этилган монополия. Ривожланган ва ривожланаётган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижасида маълум бўлдики, почта хизматида нафақат табиий монополия, балки оддий давлат монополияси сифатида қараш аллақачон эскирган ва рақобат муҳити шакллантирилган.

Хулоса ва таклиф

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, табиий монополиялар тушунчасини торайтириш таклиф этилади. Бунда табиий монополиялар инфратузилмавий технологик хусусиятларни асосий мезони сифатида белгилаш, шу мезонлар асосида табиий монополиялар рўйхатини қайтадан кўриб чиқиш таклиф этилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонуни 3 ва 4-моддаларига ўзгатириш ва кўшимчалар киритиш таклиф этилади.

Табиий монополиялар ҳуқуқий тушунчасини торайтириш орқали айрим соҳаларни табиий монополиялар сафидан чиқариш ва давлат томонидан товар ва хизматлар нархларини қатъий тартибга солиш механизmidан воз кечиш таклиф этилади.

Табиий монополиялар соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш имкониятларини яратилиши ва давлат томонидан ва хизматлар нархларини тартибга солишнинг юмшоқ (flexible) усуллари жорий этилиши соҳаларнинг инвестицион жозибдорлигини оширади ва натижада хусусий корхоналар ҳамда хорижий инвесторлар учун бозорга кириш стимулини ошириши мумкин. Бу ўз навбатида хизмат кўрсатиш сифатини яхшиланишига ва табиий монополияларга йўналтирилаётган давлат бюджет харажатларини қисқартириш имконини беради. Натижада табиий монополия ҳисобланиб келинган иқтисодий соҳаларда модернизация жараёни тезлашиши орқали иқтисодий ўсиш даражасига ижобий таъсир этиши мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Монополияга қарши курашиш кўмитасининг расмий вебсайтида эълон қилинган очик Рўйхат. <https://antimon.gov.uz/uzb/faoliyat/tabii-monopolialarni-tartibga-solish>
2. Оқюлов О., Мансуров К., Ходжаев Б. Рақобат ҳуқуқи. – Ташкент, ТГЮИ. 2018.
3. Комментарий к Закону «О конкуренции» Республики Узбекистан, 2013.
4. Maher M. Dabbah, *International and Comparative Competition law*, Cambridge. 2010.
5. Masako Wakui. *Antimonopoly Law: Competition Law and Policy in Japan* (Second Edition). 2018
6. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонуни.
8. Becker, G. (1997), There’s nothing natural about “natural” monopolies, in: *Business Week*, October 6, 1997.
9. Bradburd, R. (1992), *Privatization of Natural Monopoly Public Enterprises. The Regulation Issue*, Policy
10. Foster, C.D. (1992), *Privatisation, Regulation and the Control of Natural Monopoly*, Oxford: Blackwell.
11. Slay, B. and Capelik, V. (1998), Natural monopoly regulation and competition policy in Russia, in: *Antitrust*.



## Фахриддин Мадиев

Ташкент давлат юридик университети  
ўқитувчиси  
fmadiyev92@gmail.com

### ИНВЕСТИЦИЯ НИЗОЛАРИНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ СУДЛОВЛИЛИГИНИ АНИҚЛАШ МУАММОЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада инвестициявий низоларни шакллари тушунчаси, инвестициявий низоларни ҳал этишининг ҳуқуқий асослари, хорижий амалиётда инвестиция низоларини халқаро ҳуқуқий судловлигини аниқлашда амалий мисоллар, инвестициявий низоларни ҳал қилишда қўлланиладиган ҳуқуқ нормалари, инвестициявий низоларнинг халқаро ҳуқуқий судловлигини аниқлаш қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** инвестициявий низо, халқора арбитраж, халқаро шартнома, халқаро инвестиция шартномалари, инвестиция низоларини халқаро ҳуқуқий судловлиги.

#### Фахриддин Мадиев

преподаватель Ташкентского государственного юридического университета

### ПРОБЛЕМЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ФОРМ ИНВЕСТИЦИОННЫХ СПОРОВ И ИХ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЙ ПОДСУДНОСТИ

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются понятие форм инвестиционных споров, правовые основы разрешения инвестиционных споров, практические примеры определения международной юрисдикции инвестиционных споров при осуществлении иностранных операций, правовые основы разрешения инвестиционных споров.

**Ключевые слова:** инвестиционный спор, международный арбитраж, международное соглашение, международные инвестиционные соглашения, международно-правовая подсудность инвестиционных споров.

#### Fakhriddin Madiyev

Lecturer of Tashkent State University of Law

### PROBLEMS OF DETERMINING THE FORMS OF INVESTMENT DISPUTES AND THEIR INTERNATIONAL LEGAL JURISDICTION

**Abstract:** This article deals with the concept of forms of investment disputes, the legal basis for resolving investment disputes, practical examples of determining the international jurisdiction of investment disputes in foreign operations, the legal framework for the settlement of investment disputes.

**Keywords:** investment dispute, international arbitration, international agreement, international investment agreements, international legal jurisdiction of investment disputes.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида инвестиция оқимининг ўсиши ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам янги иқтисодий имкониятларни яратди. Ўз навбатида хорижий инвестициялар билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга бўлган ҳуқуқга эҳтиёж сезилади. Шу нуқтаи назардан, чет эл инвестори ва қабул қилувчи давлат ўртасида инвестициявий низоларни ҳал қилишга қаратилган масала муҳим ўрин тутди. Шунингдек, инвестицияни қабул қилувчи давлат билан инвестор ўртасида ёки инвестиция қабул қилувчи давлат билан инвестиция киритувчи давлат ўртасида юзага келадиган инвестиция низоларини халқаро ҳуқуқий судловлигини аниқлаш масаласи юзасидан вужудга келадиган муаммолар ушбу йўналишни тадқиқ қилишга ундайди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг инвестициявий фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий низолар ўз мазмунига кўра турли-туманлиги сабабли уларни турли асосларга кўра таснифлаш мумкин. Хусусан, субъектив таркибига кўра, ижтимоий муносабатларнинг характериға кўра, ҳуқуқни қўллаш усулиға кўра, ваколатли органға кўра, низони ҳал қилиш тартибига кўра ва бошқалар. Бизнингча, инвестиция низолари ўз мазмуниға кўра бир-биридан фарқланувчи қуйидаги икки катта гуруҳни ташкил қилади:

1) қабул қилувчи давлат ва инвестор ўртасидаги ёки қабул қилувчи давлат ва халқаро ташкилот ўртасида халқаро инвестиция муносабатлари натижасида юзага келувчи низолар. Мазкур низолар қоида тариқасида халқаро оммавий ҳуқуқий характер касб этади ва халқаро ҳуқуқий воситалар ёрдамида ҳал қилинади;

2) чет эллик инвестор ва жисмоний шахслар ёки юридик шахслар ёхуд қабул қилувчи давлат ўртасида фуқаролик, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар. Мазкур низолар трансмиллий характер касб этади ва давлат ёки арбитраж судлари томонидан турли давлатларға тегишли миллий ҳуқуқий нормалар ёрдамида ҳал қилиниши билан ажралиб туради.

Шу билан бирға илмий адабиётларда инвестиция низоларини гуруҳларға ажратиш бўйича бошқа фикрлар ҳам илгари сурилган. Жумладан, Л. Шерстнёва қуйидаги инвестиция низоларини алоҳида ажратиб кўрсатишға ҳаракат қилади: а) чет эл инвестициясини қабул қилувчиси давлат ва чет эллик хусусий инвестор ўртасидаги инвестиция низолари; б) фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятға эға бўлган турли мулкӣ ва хўжалик низолари; в) чет эллик инвестор, инвестиция иштирокидаги корхонанинг қабул қилувчи

давлатнинг ваколатли органлари ўртасида юзага келган низо [1]. М.А.Баратов қуйидаги инвестиция низоларини ажратиб кўрсатади: а) чет эл инвестициясини қабул қилувчи давлат ва хусусий чет эл инвестори ўртасида юзага келувчи низолар; б) қўшма инвестиция корхонаси иштирокчилари ўртасидаги низолар, корхона жойлашган давлатнинг вакили ва чет эллик иштирокчилар ўртасидаги низолар [2].

Қайд этиш лозимки, қабул қилувчи давлат ва чет эл инвестори ўртасидаги низолар нафақат фуқаролик балки маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар натижасида ҳам вужудға келиши мумкин. Мазкур ҳолатлар ушбу низоларни бир вақтни ўзида юқоридаги муаллифлар томонидан қайд этилган барча гуруҳларға киритиш имкониятини беради.

Давлатлараро хусусиятға эға бўлган низолар ҳам инвестиция низоларини келтириб чиқариши мумкин. Хусусан, бирор бир давлатға тегишли бўлган инвестор жисмоний ёки юридик шахсға етказилган зарарни қоплаш бўйича давлат томонидан дипломатик ҳимоя чоралари кўрилган тақдирда ҳам мазкур тоифадаги низо вужудға келиши мумкин.

Мазкур низолар давлат томонидан ўзининг сиёсий қарашларидан келиб чиққан ҳолда миллий ҳуқуқий тизим доирасида эмас балки халқаро ҳуқуқ доирасида қачонки унинг фуқароси ёки юридик шахси ўз ҳуқуқ ва манфаатларини қабул қилувчи давлатнинг судларида ҳимоя қила олмаган тақдирда, шунингдек, қабул қилувчи давлат томонидан халқаро оммавий ҳуқуқий қоидалар бузилган тақдирда, жумладан, қуйидаги ҳолатларда вужудға келиши мумкин: а) айнан бир давлат ёки бир гуруҳ давлатларнинг фуқаролари ёки юридик шахсларини ҳуқуқларини камситишға қаратилган қонун ҳужжатини қабул қилиниши натижасида; б) компенсация тўловларини тўламаган ҳолда экспроприацияни амалға оширилиши; в) икки томонлама давлатлараро шартнома қоидаларини бузилиши натижасида [3].

Шу билан бирға шубҳа йўқки ҳар қандай дастлаб юзага келган инвестиция низоси фуқаролик-ҳуқуқий характер касб этади ва у давлатлараро даражада ҳал қилинмаслиги яъни халқаро ҳуқуқий воситалар билан тартибға солишға ҳожат қолдирмаслиги лозим [4].

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, бизнингча тарафларда агар давлатнинг ваколатли судлари томонидан ишларни кўриб чиқишда уларнинг ҳолислигига шубҳа туғилган тақдирда халқаро тижорат арбитражи судларига мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланиб қолинади.

Мазкур масалада Вашингтон конвенциясининг 27-моддасида тўғридан-тўғри қуйидаги қоида ўрнатилган: “Мазкур конвенция иштирокчиси саналган бирор-бир давлат агар унинг жисмоний шахси ёки юридик шахси томонидан ва бошқа Вашингтон конвенцияси иштирокчиси саналган давлат мазкур низони халқаро тижорат арбитражига тақдим этиш ҳақида келишувга эришган тақдирда унга нисбатан дипломатик ҳимоя ва халқаро даъво қилиши мумкин эмас.”

Иштирокчиси чет эллик инвестор саналган барча инвестиция низолари миллий ҳуқуқий тизим доирасида ҳал қилиниши лозим. Мазкур ҳолатга чет эл инвестори ва қабул қилувчи давлат саналган барча низолар тааллуқлидир. Ушбу ҳолатда низони келтириб чиқарувчи ҳолат чет эллик инвесторга қабул қилувчи давлатнинг ваколатли органлари ёхуд мансабдор шахслари томонидан амалга оширилган ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида етказилган зарар яъни деликт муносабатлари намоён бўлади.

Мазкур ҳолат қабул қилувчи давлат органи ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари натижасида халқаро шартномалар ёки миллий қонунчилик билан ўрнатилган имтиёزلардан (энг кўп қулайлик яратиш режими ёки репация вақтида компенсация тўловларини тўлиқ тўлаш ва бошқалар) инвесторни маҳрум қилишга олиб келинган ҳолатларда вужудга келиши мумкин. Мисол тариқасида *AMCO Asia Corporation, Pan American Development Limited and P.T. AMCO Indonesia v. Republic of Indonesia* ишини кўрсатиб ўтиш мумкин. Унга кўра халқаро арбитраж суди томонидан Индонезия ҳукуматининг инвесторларга тегишли бўлган меҳмонхонани ҳарбийлар томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олиншига қарши етарли даражада чора-тадбирларни кўрмаганлиги орқали ўз мажбуриятларини бажармаган деб топилган.[5]

Фуқаролик, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлар натижасида вужудга келган инвестиция низолари умумий қоидага кўра суд тартибида ҳал қилиниши лозим. Бундай низоларнинг судловлиги давлатларнинг миллий қонун ҳужжатлари ва давлатлараро шартномаларда назарда тутилган бўлади.

Халқаро тижорат арбитражининг ваколатлари инвестиция шартномаси тарафларининг ёзма келишувига асосан амалга оширилади. Бундай шартномани ёзма шаклда тузилишига оид нормалар хорижий давлатлар қонунчилиги билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам назарда

тутилган. Амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига кўра инвестиция низолари тарафларининг ёзма келишуви қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: 1) тарафлар томонидан имзоланган ёзма ҳужжатда акс этган бўлиши лозим (арбитраж келишуви ёки арбитраж изоҳида); 2) тарафларнинг ўзаро телетайп, телеграф ёки тарафларнинг хоҳиш истагини ёзма ифодаловчи электрон алоқа воситалари орқали ҳисобга олинган бўлиши лозим.

Мазкур талаб Ўзбекистон Республикаси иштирокчи давлат саналган 1958 йил 29 декабрдаги “Чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш ҳақида”ги Нью-Йорк конвенциясининг 2-моддасида ҳам ўз аксини топган бўлиб, унга кўра “ёзма келишув” тушунчаси шартномадаги арбитраж изоҳи ёки тарафлар томонидан ёзишмалар ёки телеграммалар алмашинуви асосида имзоланган ҳужжатни камраб олиши белгиланган.

Қайд этиш лозимки, юридик адабиётларда арбитраж келишувининг ҳуқуқий табиати масаласини тушуниш борасида, яъни уни моддий ёки процессуал ҳуқуқий институт сифатида тушуниш борасида ягона ёндашув мавжуд эмас.

Халқаро тижорат арбитражи амалиётида шунини кузатиш мумкинки, кўпчилик арбитражлар томонидан тарафлар томонидан имзоланган арбитраж изоҳи моддий-ҳуқуқий шартнома сифатида кўрилади. Мисол тариқасида, *Banro American Resources, Inc. and Société Aurifère du Kivu et du Maniema S.A.R.L. v. Democratic Republic of the Congo* (Case No. ARB/98/7) [6] ишини кўрсатиб ўтиш мумкин. Унга кўра Канаданинг Онтарио ҳуқуқи асосида ташкил қилинган Banro Resource Corporation (Banro Resource) ва Société Minière et Indus-trielle du Kivu, S.A.R.L. (SOMINKI) компанияси бир томондан, Конго Республикаси ҳукумати иккинчи томондан ер ости бойликларидан фойдаланиш тўғрисида шартнома имзолаган бўлиб, унга кўра Конго Республикаси ҳудудида Société Aurifère du Kivu et du Maniema S.A.R.L. (SAKIMA) компаниясини тузиш ва барча низоларни МЦУИС ҳал қилиш ҳақида келишувга келинган.

Шундан келиб чиқадикки, агар тарафлар инвестици низосини арбитражда кўриш бўйича келишувга эришмаган тақдирда у ҳолда мазкур низо миллий судлар томонидан кўриб чиқилиши лозим. Қайд этиш лозимки, ушбу миллий суд инвестицияларни қабул қилувчи давлат ёки инвестор тегишли бўлган давлатнинг суди томонидан кўриб чиқилиши мумкин. Шу билан бирга, илмий адабиётларда мазкур ҳолатларда инвестиция низоси уни қабул қилувчи давлатнинг суди томонидан кўриб чиқилиши лозим деган

мунозарали фикрлар ҳам учраб туради [7]. Мазкур қарашлар бугунги кунда ривожланган давлатларнинг ҳуқуқий адабиётларида кенг тарқалган Кальво [8] доктринасидан келиб чиққан бўлиб, унга кўра *inter alia* – инвестиция низолари қабул қилувчи давлатнинг миллий судлари томонидан кўрилиши лозим деган қолизион тамойили асосий қоида тарикасида белгилашга қаратилган.

Агар даъвогар қабул қилувчи давлат саналса, у ҳолда давлат чет эл инвесторига нисбатан даъвои ўз ҳудудида амалга ошириши мумкин. Мазкур ҳолатда чет эл инвестори ўз фаолиятини унинг ҳудудида амалга оширади ва унга тегишли мол-мулклар қабул қилувчи давлат ҳудудида жойлашганлиги натижасида у фактик жиҳатдан шу давлатга тегишли мақомга эга бўлади.

Муаммо шундаки, агар даъвогар тараф чет эллик инвестор бўлган тақдирда давлатнинг инвестор давлатни ўз мамлакати суди томонидан жавобгар сифатида жалб қилиш имкониятига эга эмаслиги сабабли ушбу ҳолат давлатнинг иммунитетини тамойилига зид келади. Масалани иккинчи томони шундаки инвестор давлатни ўша давлатга тегишли бўлган судга жавобгар сифатида жалб қилган ҳолатларда ҳам миллий суд ўз давлатини жавобгар сифатида жалб қилиши ҳам мантиқан нотўғри саналади.

Шу сабабли, инвестиция низоларининг ривожланиш ва ҳал қилишнинг бугунги тенденцияси давлат билан чет эллик инвесторлар ўртасида тузилаётган инвестиция шартномаларида низони ҳал қилишнинг усули сифатида халқаро тижорат арбитражлари белгилаб олинмоқда.

Юқорида қайд этилган давлат иммунитетига оид бир амалиётдан мисолни кўриб чиксак.

*AIG Capital Partners, Inc. and CJSC Tema Real Estate Company v. Republic of Kazakhstan* (Case No. ARB/01/6) [9] арбитраж ишида МЦУИСнинг даъвогарга 9,95 млн АҚШ доллари миқдоридан компенсация тўлаш ҳақида қарори қабул қилинган. Мазкур қарорни ижро этиш учун Буюк Британия ҳудудидаги икки инглиз компаниясида Қозоғистон Республикаси Миллий банки билан тузилган омонат сақлаш тўғрисидаги шартномага мувофиқ сақланаётган Қозоғистон Республикасига тегишли бўлган қимматбаҳо қоғозлар ва пуллар ижрога қаратилган. Қозоғистон Республикасининг Олий суди мазкур маблағлар Қозоғистон Республикаси Миллий банкининг мулки бўлиб у Буюк Британия ҳудудида суд ва арбитраж қарорларини мажбурий ижро этишдан иммунитетдан фойдаланилади, деган хулоса берган.

Аммо сўнги йилларда инвестиция низоларига оид доктриналарда функционал (чекланган) иммунитетдан фойдаланишга оид қарашлар ҳам кенгайиб бормоқда [10]. Ушбу доктринал қарашга асосан агар давлат хорижий давлатнинг бошқа субъектлари, инвесторлари билан хусусий ҳуқуқий муносабатларга (мисол учун, ташқи савдо операцияларини амалга ошириш ёки бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш) киришар экан, бу ўз навбатида давлатнинг суверен мақомини рад этганлиги ва иммунитет ҳуқуқидан фойдаланмаслигини аниқлатади.

Мазкур доктринал қараш чет эл судлари томонидан давлатга нисбатан унинг розилигисиз даъво ишини қўзғатиш ва давлатнинг мулкни мажбурий ижрога қаратишга йўналтирилган чоратадбирларни амалга ошириш имкониятини беради. 1972 йил 16 майда қабул қилинган Давлатнинг иммунитетини ҳақидаги Европа конвенцияси [11] ва Австралия, Австрия, Буюк Британия, Канада, Покистон, Сингапур, АҚШ [12] миллий қонун ҳужжатлари айнан функционал (чекланган) иммунитетдан фойдаланиш доктринасидан келиб чиқадиган қодаларни ўзида акс эттирган.

Бу каби қонун ҳужжатлари бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинмаганлиги сабабли норматив-ҳуқуқий даражада давлат қайси ҳолатларда ҳокимият ваколатларидан фойдаланиши, қайси ҳолатларда хусусий шахс сифатида намоён бўлиши белгиланмаган.

Шу сабабли бир қатор олимлар томонидан ҳам давлат иммунитетини чеклашга қаратилган махсус қонун қабул қилиш ҳақидаги таклифлар илмий тадқиқотларда алоҳида қайд этиб ўтилган [13].

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида “Чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо (инвестициявий низо) музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади. Агар инвестициявий низонинг тарафлари музокаралар ўтказиш йўли билан низони келишилган ҳолда ҳал этишга эришишга қодир бўлмаса, бундай низо медиация йўли билан тартибга солиниши керак.” деб белгиланган [14].

Мамлакатимизда “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни билан инвесторларнинг манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида янги бир медиация йўли билан инвестиция низоларини ҳал қилиниши қонун билан белгиланди.



Шуни тақидлаш лозимки, мазкур қонунга кўра инвесторлар ва давлат ўртасидаги инвестиция низоларни ҳал қилиш учун янги кўп босқичли механизми жорий қилинди. Жумладан; **биринчи босқич**-инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо (инвестициявий низо) музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этиш; **иккинчи босқич**-томонлар низоли музокаралар йўли билан ҳал қила олмаса, медиация йўли билан ҳал қилиш; **учинчи босқич**-томонлар юқорида келтирилган иккита босқичда низоларни ҳал эта олмаса Ўзбекистон Республикасининг тегишли суди томонидан ҳал қилиниши белгиланган. Агар тарафлар низоли судда ҳал қила олмасалар, низо арбитражга топширилиши мумкин.

Хорижий инвестор манфаатларини ҳимоя қилишнинг бир қанча усуллари мавжуд.

**Биринчидан**, бирон-бир давлат органи хорижий инвесторнинг манфаатларини бузган тақдирда, хорижий инвестор ушбу қарорлар юзасидан инвестиция амалга ошириладиган ҳудуддаги давлатнинг ваколатли органларига миллий қонунчилик нормаларига мувофиқ шикоят қилишга ҳақли бўлади.

**Иккинчидан**, инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама шартнома мавжуд бўлганда, инвесторнинг давлати ушбу шартномада назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлади.

**Учинчидан**, хусусий инвестор билан давлат ўртасида инвестиция низоларини кўриб чиқиш тартиби белгиланган инвестиция шартномаси мавжуд бўлганда, инвестор мазкур шартномада белгиланган чораларни кўришга ёхуд "Давлатлар ва хорижий шахслар ўртасидаги инвестиция низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги Вашингтон конвенциясида белгиланган чораларни кўришга ҳақли бўлади (инвестор билан инвестиция амалга ошириладиган ҳудуддаги давлат ўртасида ана шундай битим мавжуд бўлганда).

Инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги кўпчилик халқаро давлатлараро шартномаларда низо келиб чиққан тақдирда ушбу муаммо кўриб чиқиш учун қуйидаги органларга берилиши мумкинлиги назарда тутилган бўлади:

- давлат судига;
- UNCITRAL регламенти нормаларига мувофиқ тузиладиган ad hoc ҳакамлик судларига.

“Давлатлар билан ажнабий шахслар ўртасидаги инвестиция низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги конвенцияни 1965 йил 18 мартда Вашингтонда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг аъзолари бўлган 46 та давлат имзолади ва у 1966 йил 14 октябрдан бошлаб кучга кирди.

Конвенцияда инвестиция низоларини ҳал қилиш механизми Инвестиция низоларини ҳал қилиш бўйича халқаро марказнинг фаолияти орқали амалга оширилиши назарда тутилган.

Конвенцияда (25-модда) ушбу марказ Конвенция иштирокчиси бўлган давлат (ёки унинг органи) билан худди шундай иштирокчи бўлган бошқа давлатнинг хусусий инвестори ўртасида амалга ошириладиган инвестициялар билан боғлиқ муносабатлардан бевосита келиб чиқувчи ҳуқуқий низоларни ҳал этиш учун махсус тузилиши белгилаб қўйилган. Бироқ низоли Марказда кўриб чиқишга бериш учун низо иштирокчиларининг ёзма розилиги зарур.

Ҳакамлик суди ва яраштирув регламенти Маъмурий Кенгашда тасдиқланишига қарамай, Конвенцияда (III, IV боблари) яраштирув ва ҳакамлик суди таомилларини ўтказиш асослари етарлича муфассал тартибга солинган.

Конвенция бўйича яраштирув таомили томонлардан бирининг Бош котибга ёзма ариза билан мурожаат қилишдан бошланади. Бунда аризада баҳс мавзу (предмети), томонлар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг яраштирув таомилига розилиги акс эттирилган бўлиши керак.

Томонлар зарур шартларга риоя этган бўлсалар, томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ тайинланган ва бир нафар ёки тоқ сонли воситачилардан иборат яраштирув комиссияси таъсис этилади. Лекин агар томонлар воситачиларнинг сони ва уларни тайинлаш тартиби масаласида бир тўхтамга келмаган бўлсалар, комиссия уч нафар воситачидан иборат қилиб тузилади: ҳар бир томондан биттадан ва томонларнинг келишуви билан учинчиси – раис тайинланади. Агар томонлар 90 кун ёки ўзлари келишган бошқа муддат мобайнида воситачини тайинламасалар, бу ишни Маъмурий Кенгаш Раиси бажаради.

Тузилган яраштирув комиссияси ўз ваколати ҳақидаги комиссияни ўзи ҳал қилади. Бунда яраштирув Конвенция қоидалари ва Маъмурий Кенгаш тасдиқлайдиган яраштирув таомили қоидаларига биноан амалга оширилади.

Комиссия ишининг моҳиятини низонинг барча ҳолатларини аниқлаш ва томонлар учун масалани ҳал этишнинг ўзаро маъқул шартларини таклиф қилиш ташкил этади. Шу боис комиссия яраштирув жарёнининг исталган босқичида (вақт-вақти билан) бундай қарорларни таклиф этиши керак. Томонлар эса комиссия билан виждонан ҳамкорлик қилиш мажбуриятини оладилар. Улар бирор тўхтамга (келишувга) келганлари тақдирда, комиссия низоли масалалар ва томонлар битимга

келганликлари баён этилган доклад тузади. Агар томонлар бир тўхтама келмасалар, комиссия яраштирув жарёнини тўхтади [15].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида бундай махсус қонун ҳужжати мавжуд бўлмасада, халқаро инвестиция шартномаларини имзолаш вақтида унда низо келиб чиққан тақдирда иш халқаро тижорат арбитражида кўрилиши ва унинг қарори ҳал қилувчи эканлигига оид нормаларни киритиш амалиётини янада кенгрок татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ саналади.

Ўзбекистон Республикаси 1958 йилги “Халқаро тижорат арбитражи қарорларини тан олиш ва ижро этиш ҳақида”ги Нью-Йорк конвенцияси иштирокчиси саналар экан, унга мувофиқ мамлакатимизда арбитраж қарори тан олинади ва у қайси давлат ҳудудида ижрога қаратилган бўлса ўша давлатнинг процессуал қонунчилиги талабларига мувофиқ ижрога қаратилиши халқаро мажбурият сифатида тан олинганлигини инобатга олсак, у ҳолда юқорида кайд этилган фикрларимиз ўзини ҳаётлигини кўрсатиб беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шерстнёва Л. Инвестиционная деятельность в России // Юрист. – 1997. – № 10. – С.30.
2. Баратова М.А. Инвестиционные споры: понятие, виды, способы разрешения // Законодательство. – 1998. – № 4. – С.67, 68.
3. Peter W. Arbitration and Renegotiation of International Investment Agreements. – The Hague; Boston; London, 1995. – P. 146, 147, 329, 330.
4. Доронина Н.Г. Актуальные проблемы международного частного права // Журнал российского права. – 2010. – № 1. – С. 122; Доронина Н.Г., Семилютин Н.Г. Международное частное право и инвестиции: науч.-практ. исслед.. – М.: Контракт; Волтерс Клувер, 2011. – С.215–222.
5. Крупко С.И. Инвестиционные споры между государством и иностранным инвестором: Учеб.-практ. пособие. – М.: БЕК, 2002. – С.19.
6. <http://www.worldbank.org/icsid/cases/Olgun-award-en.pdf>
7. Legal Framework for the Treatment of Foreign Direct Investment. – Washington, 1992. – Vol. 1. – P. 152; Trends in International Investment Agreements: an Overview / UNCTAD Series on Issues in International Investment Agreements. – New York; Geneva, 1999. – P.84.
8. Трапезников В.А. Валютное регулирование в международном инвестиционном праве. – М.: Волтерс Клувер, 2004. – С. 5, 6; Фархутдинов И.З. Международное инвестиционное право: теория и практика применения. – М.: Волтерс Клувер, 2005. – С.114–117.
9. <http://italaw.com>.
10. Хлестова И.О. Юрисдикционный иммунитет государства. – М.: ИД: «Юриспруденция», – 2007. – С. 21–25, 41–45.
11. Международное частное право: Сб. документов / Сост. К.А. Бекашев, А.Г. Ходаков. – М.: БЕК, 1997. – С. 41–55.
12. Schreuer C.H. The ICSID Convention: A Commentary. – Cambridge, 2001. – P. 1154, 1155.
13. Белов А.П. Иммунитет государства от иностранной юрисдикции // Право и экономика. – 1997. – № 3. – С. 22; Сулейменов М.К. Правовое регулирование иностранных инвестиций и недропользования в Казахстане (Избранные труды). – Алматы, 2006. – С.145; Хлестова И.О. Вопросы иммунитета государства в законодательстве и договорной практике // Государство и право. – 1991. – № 11. – С. 110, 111; Золоева Я.О. Концессионные и иные договоры с иностранными инвесторами в области добычи полезных ископаемых: автореф. дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.03. – М., 2003. – С.14.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 719-и-сон қонуни, 1998 йил 24 декабр.
15. Олейник А.С. Предпринимательское (хозяйственное) право. – М., Юристь, 2000. 1-2-том.



**Гулчехра Тулаганова**  
Тошкент давлат юридик университети  
профессори,  
юридик фанлар доктори  
g.tulaganova@tsul.uz

## КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ, ТАРИХИ, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада коррупциянинг тушунчаси, моҳияти, келиб чиқиши тарихи ва жаҳон иқтисодиётига келтираётган зарари ўрганилган ва таҳлил қилинган. Шу билан бирга, муаллиф томонидан коррупциянинг турлари ўрганилган бўлиб, коррупциянинг давлат ва жамиятга етказадиган зарарлари кўриб чиқилган. Шунингдек, коррупция жиноятларини олдини олиш учун бир қанча вазифаларни амалга оширилиши кераклиги асослаб берилган бўлиб, ушбу вазифалар белгилаб берилган. Ўтказилган таҳлиллар асосида коррупция жиноятларини шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарарини ҳисобга олиб, жиноятни олдини олиш ва бартараф этиши мақсадида назарий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** коррупция, коррупция турлари, маънавий коррупция, ишбилармонлик коррупцияси, олий ҳокимият органлари коррупцияси, коррупцияга қарши кураш, коррупция тарихи, давлат органи, порахўрлик.

**Тулаганова Гулчехра**  
профессор Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор юридических наук

### ПОНЯТИЕ КОРРУПЦИИ, ЕЕ ИСТОРИЯ, ВИДЫ И ПОСЛЕДСТВИЯ

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются и анализируются понятие, сущность и история возникновения коррупции, а так же изложены её последствия в мировой экономики. Автором были изучены виды коррупции, рассмотрены последствия, которые коррупция приносит государству и обществу. В ходе работы были выделены различные виды коррупции. Отмечено, что для предотвращения коррупционных преступлений необходимо выполнить ряд определенных задач, которые также представлены в работе. На основе проведенного анализа были разработаны теоретические предложения и практические рекомендации по предупреждению и борьбе с коррупцией учитывая ущерб, наносимый коррупционными преступлениями интересам личности, общества и государства.

**Ключевые слова:** коррупция, виды коррупции, хозяйственная коррупция, коррупция делопроизводства, коррупция в высших органах управления, противодействие коррупции, история коррупции, государственный орган, взяточничество.

**Tulaganova Gulchehra**

Professor of the Tashkent State University of Law

Doctor of Science in Law

## THE CONCEPT OF CORRUPTION, ITS HISTORY, TYPES AND CONSEQUENCES

**Abstract:** This article discusses and analyzes the concept, essence and history of corruption, as well as its consequences in the world economy. The author has studied the types of corruption, considered the consequences that corruption brings to the state and society. Various types of corruption were identified during the work. It is noted that to prevent corruption crimes, it is necessary to perform a number of specific tasks, which are also presented in the work. Based on the analysis, theoretical proposals and practical recommendations were developed for the prevention and fight against corruption, taking into account the damage caused by corruption crimes to the interests of the individual, society and the state.

**Keywords:** corruption, types of corruption, economic corruption, corruption of office management, corruption in higher management bodies, anti-corruption, history of corruption, public authority, bribery.

Ҳозирги глобаллашув замони, минтакалар ва давлатлараро интеграция жадаллашиб бораётган мураккаб бир шароитда коррупция барча мамлакатларда ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқариб, жамиятни ич-ичидан емириб, пароканда қилиб ташлаш хавфини солмоқда. Бинобарин, бугун каттами-кичикми, бойми-камбағалми, кудратлими-кучсизми биронта давлатни коррупциядан холи ҳудуд, деб айтолмаймиз. БМТ ва Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, жаҳон иқтисодиёти коррупция туфайли йилига 1,5–2,6 триллион долларгача зарар кўрмоқда.

Шу боис мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борилмоқда. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, шунингдек Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ташкил этилиши ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг тасдиқланиши юртимизда коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирларни самарали амалга оширилишини таъминлади. Мисол учун, қисқа вақт ичида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга оид бешта норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида коррупцияга қарши кураш кескин олиб борилмоқда. Коррупцияга қарши кураш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш,

мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш мақсадида ва юқоридаги стратегияда белгиланган вазифалар асосида 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилинди. Давлат дастурида бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар камраб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”, деб таъкидлади. Шунингдек, Мурожаатномада давлатимиз раҳбари парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этишни таклиф этди. Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб этилиши кераклиги, жамиятимизнинг барча аъзолари “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмаса, ўз олдимизга қўйилган юксак марраларга эриша олмастимизни таъкидлади.

Дарҳақиқат, коррупциянинг олди олинса, унга қарши изчил чора-тадбирлар амалга оширилса, мамлакатимизда ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, жамиятнинг ҳар бир тармоғи ривожланишига эришиш мумкин.

Коррупция феномен сифатида инсонларга энг қадим замонлардан маълум. Тарих деярли етти асрдан бери инсоният мазкур иллат билан самарали курашиб келаётганлигига гувоҳлик беради. Лекин, мана, учинчи минг йилликнинг бошларида ҳам инсонлар ушбу иллатни бутунлай, таг-томири билан йўқотишнинг уддасидан чиқа олмади.

Коррупциянинг тарихий манбаларини таҳлил қилишдан аввал ушбу атаманинг моҳиятини англаб олиш лозим.

Кўпчилик коррупция сўзини тор маънода, яъни мансабдор шахсларнинг ўз мансаб мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб содир этиладиган порахўрлик билан боғлиқ қилмишларини тушунишади.

Бироқ бу тушунчанинг моҳиятини тўлақонли англаш имконини бермайди. Коррупция сўзи асли лотинча “*corruptio*” сўзидан олинган бўлиб, “эврилиш”, “бузилиш” деган маъноларни англатади. Миллий қонунчилигимизнинг, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида коррупцияга қуйидагича таъриф берилган:

Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

Коррупция, юқорида таъкидланганидек, жуда қадим замонлардан бери мавжуд. Қадимги шарқ цивилизацияси марказларининг (Қадимий Миср, Хитой, Ҳиндистон ва бошқ.) ҳозирги кунга қадар етиб келган тарихий манбаларида коррупция ҳақидаги эслатмалар бор. Ушбу қадимий цивилизацияларнинг қўлёзмаларида коррупция ҳақидаги дастлабки фикрларни учратиш мумкин. Давлат коррупциясининг баъзи элементлари тўғрисида “Хаммурапи Кодекси” (эрамиздан аввалги 2200 йиллар, Вавилон) ва “Нармаба Эдикти” (эрамиздан аввалги 1200 йиллар, Миср) каби ҳозиргача инсониятга яхши таниш бўлган қонунларда эслатиб ўтилган.

Ўрта асрларда “коррупция” тушунчаси, энг аввало, каноник моҳиятга эга бўлган. У вақтларда “коррупция” деганда “йўлдан озиш” ва “шайтон васвасаси” каби ҳаракатлар тушунилган. Буларга мисол тариқасида “пул эвазига гуноҳларни кечириш” (индульгенция)ни келтириш мумкин.

Коррупциянинг тарихий илдизлари, афтидан, бирон кишида мойиллик уйғотиш учун совға бериш одатига бориб тақалади. Қимматбаҳо совға одамни бошқа илтимосчилар орасида ажратиб кўрган ва унинг илтимоси бажарилишига хизмат қилган. Шу сабабли ибтидоий жамиятларда қоҳин ёки қабила бошлиғига тўлов одат бўлиб қолган. Давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказий ҳукуматнинг кучайиши билан профессионал амалдорлар пайдо бўлган бўлиб, улар ҳукмдорларнинг фикрига кўра фақат қатъий белгиланган маош билан кифояланиши лозим

бўлган. Амалда эса бу амалдорлар ўз мавқеидан даромадларни яшириш, ошириш мақсадида фойдаланишга ҳаракат қилганлар. У ҳақида коррупцияга қарши курашган ҳукмдор сифатида хотира қолган шахс Уруинимгина – эрамиздан аввалги XXIV асрнинг иккинчи ярмида Лагаш шаҳар-давлатининг шумерлар подшоси ҳисобланади. Коррупция учун бошқаларга намуна бўладиган ва кўпинча шафқатсиз жазолар қўлланишига қарамай, унга қарши кураш қутилган натижаларга олиб келмаган. Энг яхши ҳолатда хавфли жиноятларнинг олдини олишга эришилган, лекин майда камомад ва порахўрлик даражасида коррупция оммавий характерга эга бўлган.

Коррупция муҳокама қилинган дастлабки асар – “Артха-шастра” – эрамиздан аввалги IV асрда Бхарат (Ҳиндистон) вазирларидан бири томонидан Каутилья тахаллуси остида чоп этилган. Унда муаллиф “подшоҳнинг мулки” ҳатто кичик миқдорда бўлса ҳам бу мулкни идора қиладиганлар томонидан ўзлаштириб олиниши мумкин эмас” деган хулоса чиқарган. Худди шу каби муаммоларга Қадимги Миср фиръавнлари ҳам дуч келган бўлиб, бу ерда эркин деҳқонлар, ҳунармандлар ва ҳатто ҳарбий аъёнларга нисбатан ҳам ўзбошимчилик ва зўравонлик ишлатган ҳамда қонунбузарликларни ўзига касб қилиб олган амалдорлар бюрократик аппарати юзага келганди. Бизнинг кунларгача етиб келган Итахотел деган шахс ўз панд-насихатларида қуйидагича тавсия беради: “Бошлиқ олдида белингни букиб таъзим қил, шунда сенинг уйингда тартиб бўлади, сенинг маошинг жойида бўлади, ким бошлиққа қаршилиқ кўрсатадиган бўлса, унинг ҳаёти осон кечмайди, лекин у илтифот кўрсатганда эса яшаш ҳам осон бўлади” [1].

Барча динларда коррупция турлари орасида биринчи навбатда, судьяларни пора бериб сотиб олиш қораланади: “...бошлиқ совға талаб қилади, судья пора эвазига суд қилади, катта амалдорлар эса ўз хоҳишига қараб бизларни жазолайди ва ишларни нотўғри талқин қилади...” [2]; “тухфалар қабул қилма, чунки тухфалар кўзи очикларни сўқир қилиб қўяди ва ҳақ бўлганлар ишини ўзгартириб юборади” (Чиқиш. 23:8, қ. шунингдек, Иккинчи қонун. 16:19); “бир-бирингизнинг мулкингизни ноқонуний ўзлаштириб олманг ва бошқа кишилар мулкининг бир қисмини қасддан эгаллаб олиш ниятида ҳакамларни пора бериб сотиб олманг” (Қуръони карим, 2:188) ва ҳ.к.

Коррупция қоидалари Имом Бухорийнинг ҳадисларидан ҳам ўрин олган: “Қайси бир шахс мусулмонлардан бир жамоага волий бўлиб, уларнинг ҳаққига хиёнат қилган ҳолда ўлиб кетса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур”. ...

“Айрим кишилар Аллоҳнинг молига ноҳақ шўнғийдилар. Қиёмат кунда уларга дўзах бўлур”.

Қадимги Рим қонунларида “*corruptere*” атамаси “судда кўрсатмаларни пулга сотиб олиш” ва “судьяни пора бериб сотиб олиш” маъносида фойдаланила бошлаган: “Наҳотки, сен судда сўзлашда ишларни текшириш учун тайинланган ва бу иш бўйича пора олган судья ёки воситачини ўлим жазоси билан жазолайдиган қонунни шафқатсиз деб ҳисоблайсан?” [3].

Никколо Макиавелли асарлари коррупцияни англаб етишга муҳим туртки берган. У коррупцияни касаллик, масалан, сил касаллиги билан тенглаштирган. Агар касал ўтказиб юборилган бўлса, уни аниқлаш осон, лекин даволаш жуда қийин [4].

XVIII аср охиридан бошлаб Фарб мамлакатларида жамиятнинг коррупцияга бўлган муносабатида туб бурилиш рўй берди. Либерал ўзгаришлар давлат ҳукумати унинг қўл остидаги одамлар манфаатида мавжуд ва шу сабабли фуқаролар амалдорларнинг қонунга сўзсиз риоя қилишлари эвазига ҳукуматни боқадди, деган шиор остида ўтган. Хусусан, 1787 йил қабул қилинган АҚШ Конституциясига мувофиқ, пора олиш айтиб ўтилган иккита жиноят турларидан бири бўлиб, улар учун АҚШ Президентига импичмент эълон қилиниши мумкин. Жамият давлат аппарати иши сифатига тобора катта таъсир кўрсата бошлаган. Сиёсий партиялар ва давлат томонидан тартибга солишнинг куйчайиши билан йирик бизнес ва сиёсий партиялар тил бириктириши ҳолатларининг ўсиши ташвиш уйғота бошлади. Лекин шунга қарамай, XIX-XX асрлар давомида ривожланган мамлакатларда коррупция даражаси қолган дунё билан таққослаганда анча пасайди.

XIX ва XX асрлар бўсағаси ривожланган мамлакатларда коррупция ривожланишида янги босқич бўлди. Бир томондан, давлат томонидан тартибга солишнинг ва мос равишда, амалдор ҳукмронлигининг навбатдаги кучайиши бошланди. Бошқа томондан – рақобат курашида “давлатни пора бериб сотиб олиш” – давлатнинг алоҳида майда хизматчиларини вақти-вақти билан пора бериб сотиб олиш эмас, балки капитал манфаатларини ҳимоя қилиш учун юқори мансабдаги амалдорлар ва сиёсатчилар фаолиятини тўғридан-тўғри бўйсундиришга мурожаат қиладиган йирик хусусий бизнес вужудга кела бошлади.

XX асрнинг иккинчи ярмида коррупция янада долзарб халқаро муаммага айланди. Корпорациялар томонидан чет элдаги юқори мансабдор шахсларни пора бериб сотиб олиш

оммавий характерга эга бўлди. Глобаллашув шунга олиб келдики, бир мамлакатдаги коррупция кўплаб мамлакатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсата бошлади. Бунда коррупция даражаси энг юқори бўлган мамлакатлар учинчи дунё билан чегараланиб қолмайди: 1990 йилларда собик социалистик мамлакатлардаги эркинлаштириш ўтакетган мансаб суниестемоллари билан биргаликда кузатилди. 1995 йил 31 декабрь сониди “Financial Times” газетаси 1995 йилни “коррупция йили” деб атади. Коррупция ҳақида билимларни тарғиб қилиш учун БМТ халқаро Коррупцияга қарши кураш кунини (9 декабрь) таъсис қилди.

Коррупция ривожланган жамиятларда унинг куйидаги турлари тез-тез учрайди:

**маиший коррупция**, асосан, мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг кундалик иш фаолиятида фуқаролар билан муносабатларида манфаатлар тўқнашади;

**ишбилармонлик коррупцияси** – бу ҳокимият вакилларининг тадбиркорлик субъект (бизнесмен)лари билан муносабатларида учрайди;

**олий ҳокимият органлари коррупцияси** – бу демократик жамиятларда сиёсий ҳукмрон доиралар ҳамда одил судлов тизими фаолиятида кўзга ташланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, коррупциянинг давлат ва жамиятга етказадиган куйидаги зарарларини санаб ўтиш мумкин:

**биринчидан**, инсоният ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган – демократия ва демократик институтларнинг мустаҳкамланишига салбий таъсир қилади, яъни уларга жиддий путур етказилади;

**иккинчидан**, жамият тараққиёти учун энг муҳим омил – тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларнинг бузилишига олиб келади ва кенг жамоатчиликда уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги ишонччи сўндиради;

**учинчидан**, бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бузилиши, соғлом рақобатнинг бозордан сиқиб чиқарилиши, яширин иқтисоднинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратади;

**тўртинчидан**, жамиятда носоғлом ижтимоий-маънавий муҳитнинг шаклланишига сабаб бўлиб, демократик давлатнинг энг муҳим ҳуқуқий принципларининг бузилишига олиб келади. Коррупция – ҳокимиятнинг чириши. Занг металлни емирганидек, коррупция ҳам давлат аппаратини бузади ва жамиятнинг ахлоқий негизларини нуратади. Коррупция даражаси – жамиятнинг ўзига хос термометри, унинг ахлоқий ҳолати ва давлат аппаратининг вазифаларини ўз манфаатлари эмас, балки жамият манфаатлари

йўлида ҳал қилиш қобилиятининг кўрсаткичи. Металл учун занглаш чидамлик даражасининг пасайганлигини билдирганидек, жамият учун коррупцияга берилиш қаршилиқ кўрсатиш қобилиятининг пасайганлигини билдиради.

Бугун дунё мамлакатлари коррупцияга қарши кенг кўламда кураш олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Чунки бу иллатга юзаки ёки енгил – елпи қараб уни бартараф этишда мақсадсиз ҳаракатлар, натижасиз чора-тадбирларни амалга ошириб бўлмайди. Зеро, унинг илдизи чуқур ва кенг қамровлидир. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимиз коррупцияга қарши аёвсиз тизимли кураш олиб бораётган давлатларнинг етакчилари қаторидан жой олмоқда. Ушбу жиноятни олдини олиш учун куйидаги вазифаларни амалга оширишимиз керак деб ҳисоблаймиз ҳамда ушбу таклиф ва тавсияларни тақдим этамиз:

а) аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини кенгайтириш;

б) коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек уларнинг функциялари (ваколатли)нинг рўйхатини шакллантириш;

в) идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга ошириш ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўриш;

г) давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш;

д) давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

е) коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, “Коррупцияга оид жиноятларни хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида” ва бошқа қонунлар қабул қилиш;

ж) “Давлат хизматлари тўғрисида” қонун қабул қилиш;

з) “Одоб-ахлоқ кодекси” ни қабул қилиш;

и) антикоррупция Агентлигини ташкил этиш;

к) коррупцияни олдини олиш мақсадида корхона, муассаса, ташкилот ва аҳоли ўртасида ижтимоий сўровномалар доимий ўтказиш, шунингдек фуқароларнинг жавобига асосан стратегия ишлаб чиқиш. Стратегияда белгиланган вазифалар юзасидан ҳар чоракда ҳисоботлар тинглаб бориш.

л) таълим муассасаларида ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирлар татбиқ этишни кучайтириш;

м) коррупцияга қарши курашда инвестор ва тадбиркорлар манфаати юзасидан “жонли ҳимоя” тизимини амалиётга кенг татбиқ этиш;

н) коррупциянинг оқибати билан эмас, балки келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатига қарши курашиш ва уларни олдини олишга реал ёрдам бериш;

о) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210, 211-моддаларига ўзгартиш киритиш унга кўра қанча пора берса ёхуд олса, асосий жазодан ташқари пора миқдори бўйича ўз мулкидан жарима жазосини қўллаш.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши кураш олиб бориш фақат давлат органларининг эмас, балки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ҳам вазифаси ҳисобланади. Қолаверса, коррупцияга мурасасиз бўлиш ўзини шу юрт фарзандиман, деб билган ҳар бир инсоннинг бурчи ва фуқаролик вазифасидир. Ана шундагина биз кўзланган мақсадга эришишимиз ва фаровон ва озод ҳаёт қуришимиз мумкин бўлади. Мана шу шарафли бурчимизни асло унутмайлик, унга ҳамиша содиқ ва собит бўлайлик.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги жўшқин чақириғи бизнинг ҳаётий шиоримизга айланиб қолиши лозим:

“Барчамиз учун Ватан битта!

Битта мақсад бизни бирлаштиради, у ҳам бўлса Ватанимиз тараққиётидир!

Муқаддас юртимиз, бағрикенг халқимизга садоқат билан хизмат қилиш эса барчамизнинг энг шарафли бурчимиздир”.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз \ \ Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2016 йил 14 декабрь. uza.uz/
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови \ \ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2016 йил 7 декабрь. // uza.uz
3. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 декабр.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, №6, 70-модда).
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ–419-сон. 2017 йил 3 январьдаги // Халқ сўзи, 2017 йил 4 январьдаги №2 (6696).
7. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2752-сон. 2017 йил 2 февраль // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6 февраль, №5, 62-модда.
8. Коррупция: қонун ва жавобгарлик (республика илмий-амалий семинари материаллари тўплами). – Т.: ТДЮУ, 2017. – Б. 170.
9. Порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик (жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар). Ўқув кўлланма//. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2017. – 105 бет.
10. Корченков В.В. Коррупция в системе власти: причины возникновения и правовые механизмы преодоления // Реформирование государственного управления: взаимодействие государственной власти с институтами гражданского общества. Учебно-методическое пособие. – М., 2008.
11. Астанин В.В. Антикоррупционные стандарты и повышение эффективности государственной службы // Административное и муниципальное право. – 2010. – №6. – С.6-8. Блувштейн Ю.Д., Яковлев А.М. Введение в курс криминологии. Гл. 1. – Минск, 1983.
12. Барциц И.Н. Антикоррупционная экспертиза в системе эффективного правотворчества (к разработке методики проведения антикоррупционной экспертизы // Государство и право. – 2010. – №9. – С.16–25.
13. Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за взятничество. – Т.: ТГЮИ, 2004. – С.83-84.





**Бахтияр Хидоятов**  
и.о. профессора  
Ташкентского государственного  
юридического университета,  
кандидат юридических наук

## НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Аннотация:** в статье рассмотрены действующие положения УПК Республики Узбекистан в контексте новаций, происходящих в уголовно-процессуальном законодательстве ряда стран СНГ, проведен анализ перспектив использования их опыта при совершенствовании норм, регламентирующих порядок проведения доследственной проверки.

**Ключевые слова:** уголовный процесс, досудебное производство, возбуждение уголовного дела, проверка сообщения о преступлении, дознаватель, следователь, прокурорский надзор.

**Бахтияр Хидоятов**  
Тошкент давлат юридик университети  
профессор в.б.  
юридик фанлар номзоди

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

6. Galateanu, Oana. Considerations on “The Principle of waiving the criminal investigation”, one of the changes brought to the criminal procedure provisions through the new Criminal Procedure Code // Contemporary Readings in Law and Social Justice: Woodside Том 6, Изд. 1, 2014. – P.550–557.
7. Уголовно-процессуальный кодекс ФРГ // перевод Германского фонда международного правового сотрудничества и Организации безопасности и сотрудничества в Европе. – 2016.
8. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 24.04.2020, с изм. от 09.07.2020).
9. Уголовно-процессуальный кодекс Грузии. Принят от 09.10.2009 г. № 1772-Пс.
10. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-ПГ. Опубликован в «Сборнике законодательных актов Азербайджанской Республики», 2000 год, № 8, статья 585.



### Саломат Ниёзова

Тошкент давлат юридик университети  
профессор в.б.,  
юридик фанлар доктори  
s.niyozova@tsul.uz

## ШАХСГА ҚАРШИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИГА ДОИР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

**Аннотация:** ушбу илмий мақолада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасига доир хорижий давлатлар тажрибасига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижалари таҳлил этилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калим сўзлари:** шахсга қарши, зўрлик ишлатиб, жиноят, жабрланувчи, виктимология, таснифлаш, латентлик, тадқиқот, айбдор, жиноят содир этиши.

### Саломат Ниёзова

И.о. профессора Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор юридических наук

## ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ ГОСУДАРСТВ В ВИКТИМОЛОГИЧЕСКОЙ ПРОФИЛАКТИКЕ НАСИЛЬСТВЕННЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПРОТИВ ЛИЧНОСТИ

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются вопросы виктимологической профилактики преступления насильственного характера на практике зарубежных стран. Кроме этого, на основе анализа результатов научных исследований разработаны соответствующие рекомендации.

**Ключевые слова:** личность, применение насилия, преступление, потерпевший, классификация, виктимология, латентность, виновный, исследование, совершение преступления.

### Salomat Niyozova

DSc, professor of the Tashkent State University of Law

## THE EXPERIENCE OF FOREIGN STATES IN VICTIMOLOGICAL PREVENTION OF VIOLENT CRIMES AGAINST THE PERSON

**Abstract:** This article is devoted to the issues of victimological prevention of crimes of a violent nature as well as to proposals in that sphere and practice of foreign countries. Besides, based on the analysis of research results, appropriate recommendations have been developed.

**Keywords:** against the person, with violence, a crime, misdemeanor, the victim, classification, victimology, latency, scientific work, survey, behaviour, offender, to commit a crime.

Дунёда глобаллашувнинг жадаллашуви зўравонликнинг ортаётганлигидан далолат бермоқда. БМТнинг маълумотларига кўра “2019 йил дунё бўйлаб ўтказилган тадқиқот натижалари, дунёдаги 35 % аёллар умри давомида ҳеч бўлмаса бир маротаба жисмоний, руҳий зўрликка дучор бўлганлигини кўрсатмоқда. 2018-2019 йилларда дунёда аниқланган одам савдоси қурбонларининг 72 % ини аёллар, жумладан, вояга етмаган кизлар (23%), шу билан бирга, болалар савдосининг ҳар беш қурбонидан тўрттасини киз болалар ташкил этган” [1]лиги боис шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасининг методологик асосларини такомиллаштириш, мазкур тизимни ривожлантириш, шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси, уни жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос йўналишларини аниқлаш асосида мазкур соҳани такомиллаштириш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш ва бу борада давлатларaro ҳамкорликни кучайтириш тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, жиноятчиликка қарши курашиш, зўрлик феноменининг вужудга келиши, зўравон шахсининг хусусиятлари, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, мазкур жиноятларнинг криминологик, виктимологик тавсифи, аҳоли виктимлиги даражасини аниқлаш, шахсни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг самарали чораларини ишлаб чиқиш, бу борадаги халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва хорижий давлатлардаги виктимологик профилактика масаласини таҳлил қилиш долзарб ҳисобланади.

Хорижий давлатларда виктимологик профилактика давлат сиёсати даражасида бўлганлиги сабабли яхши самара бераётганлиги кузатилмоқда. Жумладан, Ғарб давлатларида виктимологик профилактиканинг куйидаги элементлари ажратиб кўрсатилади ва уларни шартли равишда уч гуруҳга жамлаш мумкин: шахс ёки ижтимоий гуруҳ виктимизация жараёнларининг объектив сабабларини камайтириш; аҳолининг алоҳида тоифадаги шахслари орасида тушунтириш ишларини олиб бориш (виктимологик тарғибот); жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш, зарарни қоплаш ва давлат томонидан компенсация тўлаш тизимининг мавжудлиги [2].

Ғарб давлатларида виктимологик профилактика давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятининг махсус ва ажралмас қисми бўлиб, виктимологик профилактикани амалга оширувчи асосий субъектлари давлат ва унинг бошқарув органлари ҳисобланиб, жамоатчилик назорати ва ўзини ўзи бошқариш аҳолининг виктимлиги даражасини камайтириш учун жамиятга таъсир этишнинг энг самарали воситаларидан бири саналади [3].

Виктимологик профилактикани амалга оширишга йўналтирилган жамоат ташкилотлари фаолиятида ташкилотнинг ташкилий тузилмаси; виктимологик фаолиятни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ва муносабатлари; таклиф этилаётган ва кўрсатилаётган ёрдам қаратилган объектнинг хусусияти ва бошқалар ажратиб кўрсатилади. Виктимологик фаолиятни мувофиқлаштириш учун бир қатор Ғарб давлатларида миллий орган, кенгаш ва кўмиталар тузилган бўлиб, улар миллий стандартдаги фондлар ва ташкилотларнинг ёрдам кўрсатиш ишлари мувофиқлигини таъминлайди, виктимологик тарғиботни амалга ошириш ва уни такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар беради [4].

Бунда ташкилотлар шахсларнинг жабрланувчи бўлиб қолишлари олдини олиш борасида махсус виктимологик журналлар чоп этиришиб, радиоэшиттириш, телекўрсатувлар орқали жабрланувчи ва жиноят гувоҳларининг ҳимоя қилингани ва унга доир масалаларни ҳал этишда давлат дастурлари юзага келгани ҳақида маълумотлар бериб боради.

Бир қатор давлатларда баъзи жиноятлардан (номусга тегиш ва зўравонлик) жабрланганларни ҳимоя қиладиган ассоциация ва виктимологик жамиятлар ташкил қилинган бўлиб, улар виктимлашув жараёнларини таҳлил қилиб, виктимологик профилактика чораларини ишлаб чиқадилар. Бундай тадқиқотларни амалга ошириш чоғида аҳоли ўртасида сўровлар ўтказиш орқали латент жиноятларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур сўровларда шахснинг бирон-бир жиноятдан жабр кўрган-кўрмаганини аниқлаш назарда тутилади. Аниқ жиноятдан жабрланиш эҳтимоли бўлган ва жабрланганлардан мунтазам сўров ўтказиш кўпчилик давлатлар амалиётига кириб борган. АҚШда, масалан, 1972 йилдан буён доимий асосда 132 миллион шахсдан иборат гуруҳларда йилда икки марта сўров ўтказилган.

Англияда эса “Жиноятлардан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш миллий ассоциацияси” (National Association of Victim

Support Schemes) 1979 йилдан бери фаолият кўрсатиб келиб, у мувофиқлаштирувчи орган вазифасини бажаради. Францияда “Жиноятлардан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш Миллий институти” (National Institute for Assistance for Victims (INAVEM) 1986 йилда ташкил этилган бўлиб, у 60 га яқин виктимологик ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради [5].

Нидерландияда “Жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш миллий ташкилоти” (National Organisation for Victim Support (NOVS) фаолият юритса, АҚШда расман мазкур вазифани амалга оширувчи орган мавжуд бўлмаса-да, “Жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш Миллий маркази” бажаради[6].

Хорижий давлатларда ҳам жиноятларнинг олдини олиш, яъни профилактика фаолиятига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилиб, бунда асосан тизимли ва комплекс ёндашув асосида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда куч ва воситалардан самарали фойдаланиш, виктимологик профилактика ишларини ташкил этиш, фуқароларнинг огоҳлигини ва ҳушёрлигини таъминлаш қабиларга алоҳида эътибор қаратилади [7].

Шу маънода ГФР ва АҚШнинг виктимологик тадқиқотлар ўтказиш борасидаги тажрибаси диққатга сазовор. Бу ерда аҳолининг виктимлашувига доир маълумотлар қарийб қирқ йилдан бери доимий равишда таҳлил қилинади. Бундай тадқиқотлар мамлакатдаги виктимлашув кўламини ва унинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш; виктимлашувдан кўрилган зарарни ва унинг ижтимоий оқибатларини тадқиқ этиш; жинсий юрисдикция тизими фаолиятининг самарадорлиги, фуқароларнинг унга бўлган ишончи даражаси ҳақида янада кенг тасаввур ҳосил қилиш каби мақсадларни кўзлайди.

Буюк Британияда аҳолининг виктимлашувининг олдини олиш мақсадида 2017 йил 22 февралда “Оиладаги зўравонлик: Британия кўзгусида” номли Қонуни қабул қилинган. Буюк Британияда ҳар ҳафта икки аёл ўз турмуш ўртоғининг ҳаракатлари сабабли вафот этган. Буюк Британияда қабул қилинган қонунчиликка кўра, эри томонидан оиладаги зўравонликдан жабрланган аёл, эри билан ажрашишни талаб қилган. Агарда у эри билан ажрашмаса, ундан болани ҳомийлик ва васийлик органлари олиб қўйиши мумкин бўлган. Ушбу қонунлар эса мавжуд вазиятни янада оғирлаштириб, кўпгина жиноятлар латентлигича қолган. Британияда ишонч телефонлари мавжуд бўлиб, улар нафақат аёллар ва болаларга, балки

жабр кўрган эркалар учун ҳам фаолият юритган [8]. Оилада болалар ва ўсмирларга нисбатан содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш комплекс муаммо бўлиб, турли касбдаги мутахассислар, шунингдек аҳолининг куч-ғайратини бирлаштириш ва уларнинг ҳамкорликда ишлашнинг тақозо этади. Мазкур ёндашув амалиёт ходимларининг бу борада олиб бораётган ишга қўмаклашиш учун деярли барча расмий ва норасмий воситалардан фойдаланишини назарда тутати. Аксарият мамлакатларда ахборот алмашинуви асосида куч-ғайратларни мувофиқлаштирувчи маҳкамалараро гуруҳлар иш олиб борган [9].

Кўриб турганимиздек, бундай тадқиқотлар виктимлашув даражаси ҳақида янада кенг тасаввур ҳосил қилиш, вазиятни қайд этиш билан кифояланмасдан, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг динамикасини таҳлил қилиш, энг муҳими, тезлик даражасини аниқлаб, зўрлик ишлатишнинг содир этилиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда муайян манзиллар учун тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Бундай тадқиқотларнинг натижаларини тизимлаштириш жараёнида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардан тан жароҳатлари олиш фоизи аёлларда кўпроқ экани; одам ўлдириш жиноятларининг ярмидан кўпроги жабрланувчига таниш бўлган шахслар томонидан содир этилиши; эрка жинсига мансуб шахслар ва қарияларга нотаниш шахслар томонидан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар кўпроқ таҳдид солиб, бундай ҳолларда жиноят, одатда, уюшганлик хусусият касб этиши; танишлар ва қариндошларга қарши содир этиладиган жиноятлар аксар ҳолларда уларнинг уйида ёки уйи яқинида содир этилиши, жабрланганларга таниш бўлмаган жиноятчилар эса жиноятларни аксар ҳолларда кўчада содир этишлари аниқланган [10]. Бундай муфассал ахборот мутахассисларга аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари учун ўз профилактик тавсияларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Мазкур тавсиялардан оилада, ишлаб чиқариш фаолиятида, кундалик ҳаётда, маиший соҳада зўрлик ишлатиш билан боғлиқ муайян вазиятларга нисбатан фойдаланилиш мумкин [11].

Айни шу сабабли, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасининг изчил тизимини яратиш йўлидаги муҳим йўналишлардан бири статистик базанинг ишонувчанлик даражасини ошириш, статистик ҳисоб юритиш шакллариини ўзгартириш ва жабрланувчилар ҳақида дифференциация қилинган маълумотларни киритишдан иборатдир.



Шулардан келиб чиқиб, фикримизча, ГФР, АҚШ ва бошқа мамлакатларда тўпланган фойдали тажрибани ҳисобга олган ҳолда келажакда ички ишлар органлари амалиётига криминал виктимлашувнинг даврий шарҳларини тузиш лозим.

АҚШда жиноятлар виктимлигини профилактика қилиш фаолиятида жамоат ташкилотлари, шахснинг хавфсизлиги, шахсга нисбатан муҳитнинг таъсир этиши каби моделларидан фойдаланилган. АҚШнинг баъзи бир штатларида аҳолининг кўнгилли гуруҳлари доимий равишда патруллик ишларини олиб боришлари натижасида зўравонликнинг 30 % га камайишига эришилган. АҚШ тажрибасининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, тезкор-профилактик аҳамиятга эга бўлган маълумотни етказган шахсни ошкора тарзда рағбатлантириш тизими йўлга қўйилган бўлиб, бу фуқаролар жиноятларнинг олдини олиш ишларида қатнашишлари таъминланишига имкон беради [12].

АҚШда 1991 йилда “Аёлларга қарши зўравонлик ишлатишга қарши кураш тўғрисида”ги, АҚШ Конгресси томонидан эса 1994 йилда “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш ҳақида” [13]ги (the Violence Against Women Act) Қонуни қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар ва виктиликнинг олдини олишдан иборат бўлган. Ушбу қонунга асосан оиладаги зўравонлик қурбонлари учун 1,5 мингта марказлар ташкил этилган.

Масалан, АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган 1994 йилдаги “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш ҳақида” [14]ги Қонуни (the Violence Against Women Act)га асосан миллий “муружаатлар линияси” ташкил қилиниб, ушбу жараёнларга 1,6 млрд. пул ажратилган ва улар махсус полиция, прокуратура ва суд тизими ходимларини тайёрлашга сарфланган. АҚШда оилада содир этиладиган зўравонликлар қариндошлар ўртасидаги жиноятлар тоифасига киритилиб [15], АҚШда зўрлик ишлатиш ҳозирги вақтда “яширин инфекция” оқибати сифатида қаралган. Америка соғлиқни сақлаш тизимида мамлакатда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар “эпидемияси”нинг олдини олишга нисбатан янгича ёндашув пайдо бўлди. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар профилактикасига нисбатан янгича ёндашувнинг фундаментал асоси урғулар ўрнини алмаштиришдир, бунда асосий эътибор содир этилган зўрлик ишлатиш фактларига эмас, балки зўрлик ишлатилишига сабаб бўладиган муҳитни, ижтимоий ва хулқ-атворга оид омилларни

ўзгартиришга қаратилади. 1999 йилга келиб эса “Болаларга нисбатан зўравонлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларга қарши кураш тўғрисида”ги (Megan's Law and the Jacob Wetterling Crimes Against Children and Sexually Violent Offender Registration Act) Қонуни қабул қилинган [16]. Шунингдек, АҚШда оиладаги зўравонлик жиноятини содир қилган шахсга нисбатан айблов ҳукмида жазо ўрнига кўп ҳолларда айбдорга нисбатан махсус профилактика дастурларида қатнашиш (ўташ) белгиланади [17].

Япония давлатида виктимликни ўрганиш бўйича (Japanese Association of Victimology (JAV)) Япониянинг Виметрология Ассоциацияси ҳам муҳим роль ўйнайди. Ушбу ассоциациянинг вазифаси жабрерология фанининг академик стандартларини ошириш ва қўшма илмий лойиҳаларни мувофиқлаштиришдан иборат. Ассоциация виктимликнинг олдини олиш юзасидан “Викимология” журналинини нашр этиб келади [18].

Ҳиндистонда Виктимология жамияти эса, (Indian Society of Victimology (ISV)) 1992 йил август ойида жиноятлар ва ҳокимиятнинг суиистеъмол қилиш қурбонларининг сабабларини бартараф этиш учун ташкил қилинган. Жамиятнинг аъзолари турли соҳаларда фаолият юритувчи мутахассислар ва илмий ходимлардан иборат бўлган [19]. Англия ва Уэлсдаги 2010 йилда қабул қилинган “Supporting victims of crime in England and Wales”) номли ҳужжат Бирлашган Қиролликнинг коалицион ҳукумати пайдо бўлганидан бери Англия ва Уэлсда жиноятлар жабрдийдаларига кўрсатиладиган ёрдам хизматлари қандай ривожланганига бағишланади [20].

Жанубий Осиё Криминология ва зўравонлик жамияти (SACKB) (the South Asian Society of Criminology and Victimology (SASCV)) эса 2009 йилда профессор К. Яишанкар томонидан ташкил этилган бўлиб, бу Афғонистон, Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Покистон, Непал ва Шри-Ланка каби мамлакатларда криминология ва жабрланувчиликни ривожлантириш учун ташкил этилган халқаро бирлашма ҳисобланади. Бунда дунё микёсидаги академиклар, тадқиқотчи ва амалиётчилар Жанубий Осиё Криминология ва зўравонлик жамиятини яратиш ва илғор тажриба алмашиш учун бирлашдилар. Ушбу минтақанинг адабиёти, дини ва маданий урф-одатлари ушбу минтақада криминология ва жабрланувчилик ҳақида анъанавий бой тушунчани намойиш этади [21].

Молдова Республикасининг тажрибасига тўхталадиган бўлсак, бу давлат (Preventing Trafficking and Protecting Victims in Moldova) одам савдосидан жабрланганларнинг виктим хулқини

ўрганган. Молдовада аёллар, болалар ва ногиронлар заиф шахслар ҳисобланиб, жуда тез одам савдоси қурбони бўлишган. Амалий тенденцияларга биноан биз эркакларни уюшган жинорий гуруҳлар, меҳнат эксплуатацияси мақсадида энг заиф деб ҳисоблашимиз керак. Чет элда яхши ҳаёт топиш ва уларнинг оилаларига ёрдам бериш умидида кўплаб муҳожирларни ёлғон ваъдалар ва савдогарлар тузоғига илинтиришмоқда. Одам савдосига қарши курашиш учун ХМТнинг Молдовадаги ваколатхонаси бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ кенг камровли дастурни амалга оширмоқда [22].

Хулоса қиладиган бўлсак, хорижий давлатларда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикаси бўйича илмий ёндашувлар таҳлили натижасида қуйидагича хулосага келинди: *биринчидан*, ўрганилган барча тадқиқотларда виктимликнинг келиб чиқишига жабрланувчиларнинг хулқ-атвори, ички кечинмалари, уларга таъсир қилувчи муҳит кабилар сабаб бўлган; *иккинчидан*, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда жиноятчилар жабрланувчилар билан ўзаро таниш ёки яқин алоқада эканликлари аниқланган; *учинчидан*, барча тадқиқотларда жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-

тадбирлар ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган; *тўртинчидан*, жабрланувчиларнинг ҳисобини юритиш тизимини ва уларга ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил этиш таклиф этилган, аммо уни қандай амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмаган.

Хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш натижасида республикамизда профилактика хизмати бўлинмаларининг функцияларини кенгайтириш ёки зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноят жабрланувчиларининг виктимологик профилактикаси билан шуғулланадиган махсус бўлинмалар ва **“Виктимологик профилактика”** ягона электрон порталнинг ишини ташкил қилиш таклиф этилади.

Бу бўлинмалар зўравонликдан жабрланганларнинг картотекасини, уларнинг ҳисобини юритиш ва ахборотлар базасини шакллантириш вазифасини бажаради. **“Виктимологик профилактика”** ягона электрон порталнинг ишини ташкил қилиш орқали эса жиноятлар виктимлигининг олдини олиш билан шуғулланувчи субъектларнинг ахборот алмашуви механизмлари яратилиб, шу жумладан, мавжуд маълумотлар ва жорий воситалар хатловдан ўтказилади. Ушбу портал ўз ичига ҳар бир жабрланган шахснинг паспортизация асосидаги маълумотларини олади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.unwomen.org/en/what-we-do/ending-violence-against-women/facts-and-figures#notes>.
2. Заборовский В.А. Общесоциальные меры предупреждения пенитенциарной преступности: Учебные материалы по предмету «Криминология и криминалистика» / <http://www.jourclub.ru/34/1329>.
3. Воронин Ю.А. Предупреждение преступности в зарубежных странах (Научная статья) // Вестник Челябинского государственного университета. 2012. – №27 (281). – С. 86.
4. Майоров А.В. Международный опыт защиты жертв преступлений (Научная статья) // Материалы 66-научной конференции Южно-Уральского государственного университета (апрель 2014 года): веб-сайт – <http://www.susu.ac.ru>.
5. Иншаков С.М. Зарубежная криминология. – М., 1997. – С. 182–189.
6. Майоров А.В. Международный опыт защиты жертв преступлений (Научная статья) // Материалы 66-научной конференции Южно-Уральского государственного университета (апрель 2014 года): веб-сайт – <http://www.susu.ac.ru>.
7. Жерновой М.В., Бутков А.В. Некоторые особенности профилактики правонарушений в зарубежных странах // Вестник Сибирского юридического института МВД России. – Сибирь.: 2008, – №1. – С. 67–70.
8. Квашиш В.Е. Основы виктимологии. Проблемы защиты прав потерпевших от преступлений. – М: ИЮТА вепе, – 1999. – С. 52.
9. Ўразалиев М.Қ. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш. юрид. фан. номз. дисс. Автореф. – Т., – 2008. – Б. 58.
10. Демографический профиль жертв преступлений // В кн.: Борьба с преступностью за рубежом. Вып. 4. – М., 1994. – С.4–5.; Иншаков С.М. Зарубежная криминология. – М., 1997. – С. 242–244.; Нежинская Л.А. О методиках определения причин и условий, влияющих на уровень тяжкой насильственной преступности (анализ опыта США). – М., 1996. – С. 89–90.

11. Защити себя сам. Домашняя юридическая энциклопедия. – М., 1997. – С. 154.
12. The Criminologist – Online newsletter of the American Society of Criminology (CША) – <http://www.asc41.com/criminologist.html>.
13. (VAWA). ViolenceAgainst Women Act. (Ушбу Қонун АҚШ аёлларга қарши ишлатиладиган зўравонлик АҚтга асосан қабул қилинган бўлиб, давлат томонидан оиладаги жинсий ва бошқа зўравонликларга қарши кураш масаласига бағишлангандир).
14. (VAWA). ViolenceAgainst Women Ac.
15. Wonders Lists. <http://www.info.islom.uz/jamiyat/item/2017-zhinsij-zoravonlik-avzh-olgan-mamlakatlar-10-taligi.html>.
16. О перспективах переориентации функций систем уголовного правосудия и здравоохранения в предотвращении насильственных преступлений в США // В сб. Борьба с преступностью за рубежом. 1995. – №5. – С. 25–31.
17. Уголовное право зарубежных стран в 3-х томах. Том 2. Общая часть. Франция, Германия, Италия, Япония. Учебник для бакалавриата и магистратуры / Крылова Н.Е., 5-е изд. – М., Юрайт, – 2016, – С.152.
18. Japanese Association of Victimology (JAV). Affiliated Organizations: Japan <http://www.worldsocietyofvictimology.org/nationalvs/japan.html>.
19. INDIAN SOCIETY OF VICTIMOLOGY» [https:// isvindia.webs.com](https://isvindia.webs.com).
20. Supporting victims of crime in England and Wales: Local commissioning meeting local needs? - Matthew Hall, 2018. [https:// journals.sagepub.com/doi/10.1177/0269758017747055](https://journals.sagepub.com/doi/10.1177/0269758017747055).
21. South Asian Society of Criminology and Victimology (SASCV)" <http://www.sascv.org>
22. Preventing Trafficking and Protecting Victims in Moldova | International Organization for Migration" <https://www.iom.int/preventing-trafficking-and-protecting-victims-moldova>.

**Раззоқ Алтиев**

Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси  
razzoq.lawyer@gmail.com



**АЙРИМ РОМАНО-ГЕРМАН ҲУҚУҚИЙ  
ТИЗИМИГА МАНСУБ МАМЛАКАТЛАР  
ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА  
ФИРИБГАРЛИК УЧУН  
ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ҚИЁСИЙ-  
ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ**

*Аннотация:* мазкур мақолада муаллиф Германия Федератив Республикаси, Австрия, Франция, Испания, Швейцария, Швеция ва Финландия мамлакатлари мисолида Романо-герман ҳуқуқ тизимида мансуб мамлакатлар жиноят қонунида фирибгарлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи қонун нормалари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилган.

*Калит сўзлар:* фирибгарлик, жиноят, алдов, ишончни суиистеъмол қилиши.

**Раззоқ Алтиев**

самостоятельный соискатель

Ташкентского государственного юридического университета

**СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА МОШЕННИЧЕСТВО В  
УГОЛОВНОМ ПРАВЕ НЕКОТОРЫХ РОМАНО-ГЕРМАНСКИХ СТРАН**

*Аннотация:* в данной статье автор анализирует уголовную ответственность за мошенничество в некоторых стран романо-германской правовой системы на примере Федеративной Республики Германия, Австрии, Франции, Испании, Швейцарии, Швеции и Финляндии.

*Ключевые слова:* мошенничество, преступление, обман, злоупотребление доверием.

**Razzoq Altiev**

An independent researcher Tashkent State University of Law

**COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS OF LIABILITY FOR FRAUD IN THE CRIMINAL LAW  
OF SOME ROMANO-GERMAN COUNTRIES**

*Abstract:* In this article, the author analyzes the criminal liability for fraud in some countries of the Romano-German legal system using the example of the Federal Republic of Germany, Austria, France, Spain, Switzerland, Sweden and Finland.

*Keywords:* fraud, crime, fraud, breach of trust.

Хорижий мамлакатларда фирибгарлик учун жавобгарликни тартибга солиш маълум даражада кизиқиш уйғотади. Аристотель давридан бери ҳуқуқшунос олимлар ўзларини қийнаётган муаммолар бўйича энг мақбул ечимни ишлаб чиқиш учун бошқа давлатлар тажрибасига муурожаат қилиб келадилар. Хорижий жиноят-ҳуқуқий нормалар ва институтларни қиёсий ўрганиш натижасида миллий қонунчилик такомиллаштириб борилади. Ўрганилаётган объект ҳақида имкон қадар тўлиқ тасаввурни шакллантириш, умумий қонуниятлар ва фарқларни аниқлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш мақсадида фирибгарлик учун жиноий жавобгарликни тартибга солишда хорижий тажрибани ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади барча хорижий давлатларда фирибгарлик учун жиноий жавобгарликни қонуний тартибга солиш тажрибаси билан таништиришдан иборат эмас. Тадқиқот ишимизда фойдаланиш мақсадида энг иқтисодий жиҳатдан ривожланган Романо-герман ҳуқуқ тизимига мансуб мамлакатлар жиноят қонунда фирибгарлик учун жавобгарлик масалаларини ўрганишни мақсад қилдик.

**Германия Федератив Республикаси** Жиноят кодекси (кейинги ўринларда ГФР ЖК)нинг 22-боби “Фирибгарлик ва ўзлаштириш ёки растрата” номли 263 § да фирибгарликнинг умумий тушунчаси келтирилади: “Фирибгарлик остида ўзи ёки бошқа шахс учун ҳуқуққа хилоф йўл билан моддий фойда олиш мақсадида, била туриб ҳолат (факт) ҳақида нотўғри тасаввурларни келтириб чиқариш ёки ҳақиқатдаги фактларни бузиб кўрсатиш ёки яшириш орқали янглиштириш ёхуд янглишиш ҳолатини сақлаб туриш, шунинг оқибатида ўзганинг активларига (мулкига) зарар етказиш ҳисобланади” [1]. Кузатиш мумкинки, ГФР ЖКда фирибгарлик тушунчаси Ўзбекистон Республикаси ЖКда фирибгарликка келтирилган таърифга ўхшаш. ГФР ЖК бўйича фирибгарликнинг объектив томони ягона усул – “алдаш” билан тавсифланади, унинг мазмуни бизнинг қонунчилигимиз билан деярли бир (фаол – ҳақиқий фактларни бузиш ёки олдиндан била туриб фактлар ҳақида нотўғри тасаввур туғдириш ва пассив – ҳақиқий фактларни яшириш). ГФР ЖК бўйича ушбу қилмиш учун айбдор 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

ГФР ЖК мустақил жиноят сифатида ишончли суиистеъмол қилиш учун (266 §) жавобгарликни кўзда тутди: “шахсга давлат ҳокимияти органи томонидан қонунга мувофиқ

юкланган ёки ўзганинг мулкани тасарруф этиш ёки ўзга шахс номидан битимларни амалга ошириш билан боғлиқ шартнома моҳиятидан келиб чиққан ваколатли суиистеъмол қилиш, шу каби шахс томонидан унинг зиммасига қонунга мувофиқ давлат ҳокимияти органи томонидан юкланган ёки шартномадан ёхуд фидуциар муносабатлардан келиб чиққан ўзга шахснинг мол-мулкани кўриқлаш бўйича мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, бунинг оқибатида манфаати унинг томонидан кўриқланаётган шахсга зарар етказилиши” [2]. Бунда ишончли суиистеъмол қилишнинг субъектив томони, фирибгарликка хос бўлган, махсус тамағирлик нияти билан тавсифланмайди (263 §). Қиёсланаётган нормаларнинг санкциялари ҳажмини ҳисобга оладиган бўлсак, назаримизда, фирибгарлик ва ишончли суиистеъмол қилиш ижтимоий хавфлилик даражаси борасида бир-бирига тенг.

Фирибгарлик ҳақидаги умумий норма доирасидаги жавобгарлик, қилмишнинг давом этиш вақти, етказилган зарар миқдори ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ маълум квалификацияловчи белгиларнинг мавжудлигига қараб фарқланади. Ушбу жиноятлар учун санкция оддий фирибгарликка нисбатан оғирроқ бўлиб, норма санкциясида 6 ойдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо назарда тутилган.

Фирибгарликнинг асосий таркиби билан бир қаторда ГФР ЖКда фирибгарликнинг махсус турларини ажратиш мумкин: компьютердан фойдаланган ҳолда фирибгарлик (263а §); субсидия олиш билан боғлиқ фирибгарлик (264 §); инвестицияга оид фирибгарлик (264а §); суғуртага оид фирибгарлик (265 §); алдов йўли билан хизматларга эга бўлиш (265а §); кредит соҳасига оид фирибгарлик (265б §). Ишончли суиистеъмол қилишнинг махсус турлари сифатида тўланаётган иш ҳақини ушлаб қолиш ва растрата йўли билан талон-тарож қилиш (266а §); кредит ва дебет карталаридан ҳуқуққа хилоф равишда фойдаланиш (266б §) учун жавобгарлик кўзда тутилади.

Ушбу нормаларнинг таҳлили шундай ҳулосага келишга имкон берадики, мазкур таркиблар мустақил қилмишлар кўринишида шаклланган ҳамда фирибгарликнинг асосий таркиби, ишончли суиистеъмол қилиш билан турдош ёки махсус таркиб сифатида алоқадор эмас. Фирибгарликнинг махсус турлари мисолида айтиш мумкинки, барча таркиблардаги ягона умумийлик “алдаш” мавжудлигидадир. 263а § ва 265а § айбдорлар томонидан келгусида ўзлари учун

моддий фойда олиш билан боғлиқ айрим хийла усулларидан фойдаланиш хусусида сўз юритилади (компьютер маълумотлари, автоматлаштирилган курилмалар ва ҳоказолар билан манипуляция қилиш).

**Австрия** Жиноят кодексида (кейинги ўринларда Австрия ЖК) 146 § да фирибгарлик қуйидагича тавсифланади: “ўзини ёки бошқа шахсни ғайриқонуний равишда бойитиш мақсадида, фактлар ҳақида алдаш йўли билан ўзга шахсни янглиштириш ва ҳаракат ёки ҳаракатсизликка ундаб, шу орқали унга ёки бошқа шахсга зарар етказиш” [3]. Ушбу қилмиш учун айбдор 6 ойгача озодликдан маҳрум қилиш ёки 360 сутка бирликкача жарима жазосига тортилади.

Австрия ЖКнинг 147 § нормаси махсус квалификацияловчи белгиларга эга фирибгарлик учун жавобгарликни ажратади. Ушбу қилмишнинг объектив томонини квалификацияловчи белгилари сифатида қуйидагилар ажратилган: қалбаки ҳужжатдан фойдаланиш; қалбаки ёки ўзганинг нақд пулсиз тўлов воситасидан фойдаланиш; нотўғри ёки сохталаштирилган маълумотлар ёки бошқа шунга ўхшаш далиллардан фойдаланиш; аниқ ўлчов воситаларидан ноқонуний фойдаланиш; давлат хизматчисини янглиштириш (чалғитиш); 3000 € дан ортиқ зарар етказиш, спортда натижаларни қалбакилаштириш мақсадида Допингга қарши конвенция рўйхатига киритилган тақиқланган моддаларни ёки усуллардан фойдаланиш каби фирибгарликнинг квалификацияловчи белгиси мавжуд. Ушбу белгилар мавжуд бўлган тақдирда шахс 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Австрия ЖКда 50,000 € дан ортиқ миқдордаги зарар ўта оғир белги сифатида тан олинади, унинг мавжудлигида айбдор 1 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинишига асос бўлиши мумкин.

Австрия ЖК 148 § да фирибгарлик ўзига хос ҳунар ёки “профессионал фирибгарлик” сифатида кўриб чиқиладиган махсус ҳолатлар тартибга солинади ва бу ушбу қилмишнинг ижтимоий ҳавфи даражасини оширади: фирибгарликни ҳунар қилиб олган, яъни тақрор содир қилган шахс 6 ойдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниши мумкин. Шунингдек, фирибгарликни доимий даромад олиш мақсадида доим тақрорланадиган алдаш йўли билан содир қилганда, айбдор 1 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Австрия ЖК 150§ да, фирибгарлик мажбурий ҳолатлар асосида содир этилган бўлса, жиноятнинг ижтимоий ҳавфини камайтирадиган ҳолатлар сифатида енгиллаштирилган таркиб назарда тутилади. Башарти айбдор жабрланувчига унча кўп бўлмаган миқдорда зарар етказган бўлса ҳамда 147§ ва 148§ ларда кўзда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, айбдор 1 ойгача озодликдан маҳрум қилиш ёки 60 пул бирликкача жарима жазосига ҳукм қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Австрия ЖК да, агар жабрланувчи айбдорнинг турмуш ўртоғи ёки рўйхатга олинган шериги ёхуд тўғри шажара бўйича қариндоши (ака-ука ёки опа-сингил) ёки бошқа яқин қариндоши бўлса, башарти улар бирга яшаётган бўлса, айбдор жинойий жавобгарликка фақатгина жабрланувчи шикояти асосида тортилиши мумкинлиги белгиланган.

**Франция** Жиноят кодекси (кейинги ўринларда Франция ЖК) “Мулкка қарши жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар” номли III китобида “Ўзлаштириш ва фирибгарлик” номли биринчи бўлими “Фирибгарлик ва унга ўхшаш жиноятлар” номли 3-бобида фирибгарлик йўналишидаги жиноятлар учун жавобгарлик кўзда тутилади. Булар фирибгарлик, фирибгарликка ўхшаш жиноятлар, ишончни суиистеъмол қилиш. Франция ЖК фирибгарлик тушунчасига қуйидагича таъриф беради (313-1-модда): “ёлғон исм ёки уйдирма ваколатлардан фойдаланиб, ҳақиқатдаги ваколатлардан четга чиқиш ёки ноқонуний ҳаракатлар орқали жисмоний ёки юридик шахсни алдаш, шу орқали бевосита ушбу шахсни ёки учинчи шахсни чалғитиш ҳамда маблағларни, қимматбаҳо буюмларни ёки ҳар қандай мол-мулкни топшириш, хизмат кўрсатиш ёки мажбуриятни вужудга келтирадиган ёки уни бекор қиладиган ҳаракатга рози бўлишга ундаш” [4]. ГФР ЖК билан таққосласак, Франция ЖК бўйича фирибгарликнинг субъектив томони, мулкни олиб қўйиш билан боғлиқ тамагирлик мақсадга қўшимча равишда, жабрланувчи томонидан хизмат кўрсатиш ёки мажбуриятни вужудга келтирадиган ҳаракатни содир этиш билан боғлиқ махсус мақсад мавжудлиги билан тавсифланади. Ушбу қилмиш учун худди ГФР ЖКдаги каби, 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 375 € миқдоридаги жарима жазолари кўзда тутилади. Фирибгарлик субъекти бўлиб ҳам жисмоний, ҳам юридик шахс тан олиниши мумкин.

Франция ЖК оддий, квалификацияловчи (оғирлаштирувчи) ва алоҳида квалификацияловчи таркибли фирибгарликни ажратади.

Фирибгарликнинг квалификацияловчи, яъни оғирлаштирувчи таркиби санкциясида 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 750 000 € миқдордаги жарима жазосини назарда тутди ҳамда айбдорда мансабдор шахснинг белгилари бор ёки йўқлиги, айбдор томонидан қилмишнинг олдиндан била туриб, ёши, касаллиги, ёш болалиги, жисмоний ёки рухий нуқсонларга эгаллиги, ҳомиладорлиги сабабли заиф аҳволдаги шахсларга нисбатан содир этилганлиги билан боғлиқ алоҳида ҳолатларни ҳисобга олади.

Фирибгарликка ўхшаш қилмишлар остида маълум соҳалардаги фирромлик тушунилади, унинг мақсади зарар етказиш ёки ҳар қандай тусдаги фойдани олишдан иборат. Фирибгарлик ижтимоий фаолиятнинг турли соҳалари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Франция ЖК фирибгарликни куйидаги турларини ажратиб кўрсатади: хизмат кўрсатиш соҳасидаги алдаш (313-5); оммавий савдоларда алдаш (313-6); эгасининг рухсати бўлмаган тақдирда, кўчмас мулкни яшаш мақсадида топшириш билан боғлиқ алдаш (313-6-2); ташкилот рухсатсиз ҳуқуқ берувчи ҳужжат (чипта)ни сотиш билан боғлиқ алдаш (313-6-2).

Ишончни суиистеъмол қилиш худди фирибгарлик сингари жабрланувчи мол-мулкни олиб қўйиш билан боғлиқ махсус мақсаднинг мавжудлиги билан тавсифланади. Фирибгарлик билан қиёсланганда, ишончни суиистеъмол қилиш қилмишни содир этиш усули билан фарқ қилади. Жиноят объектив томонининг ҳаракатлари табиатига кўра Франция ЖКда ишончни суиистеъмол қилиш Ўзбекистон Республикаси ЖКдаги ўзлаштириш ва растрата жиноятига ўхшаш ҳисобланади. Ишончни суиистеъмол қилиш, шахс унга қайтариб бериш шарти билан ёки муайян мақсадларда фойдаланиш учун берилган пул маблағларни, қимматбаҳо буюмлар ёки мол-мулкни ҳуқуққа хилоф равишда олиб қўйган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Ушбу қилмишнинг ижтимоий ҳавфи фирибгарликка нисбатан пастроқ деб қабул қилинган бўлиб, норма санкциясида 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 375 000 € миқдордаги жарима жазоси назарда тутилган.

1995 йилги **Испания** Жиноят кодексининг (кейинги ўринларда Испания ЖК) “Мулкка ва ижтимоий-иқтисодий тартибга қарши жиноятлар” номли XIII бўлим “Фирибгарликлар тўғрисида”ги 6-бобида фирибгарликнинг уч хил тури учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, булар: фирромлик, ноқонуний ўзлаштириш, энергияни талон-тарож қилиш. Испания ЖК 248-моддасида фирибгарлик остида жабрланувчини алдаш йўли

билан фойда олиш мақсадида уни чалғитиш ва бунинг натижасида мазкур шахс томонидан мол-мулкни ўзининг ёки бошқа шахснинг зарарига бегоналаштириш тушунилади [5]. Испания ЖК бўйича фирибгарликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, айбдорнинг маълумот билан манипуляция қилиш ёки бошқа хийла-найранг билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар алдаш деб тан олинади. Бундай қилмишлар учун 6 ойдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жавобгарлик кўзда тутилади, бунда, албатта, жабрланувчи билан айбдорнинг муносабати, етказилган зарар ва жиноятни содир этишнинг бошқа ҳолатлари ҳисобга олинади. Агар бундай қилмишнинг миқдори 400 € ортиқ бўлса, 3 йилгача жарима белгиланади.

Фирибгарлик учун жавобгарликни оғирлаштирадиган квалификацияловчи белгилар куйидагилар: предметнинг хусусиятлари (баҳоси, қиймати); қилмишнинг оқибатлари (жабрланувчига анча зарар етказиш); қилмишни содир этиш соҳаси (ноқонуний қарор чиқарилишини келтириб чиқарган далилларни манипуляция қилиш билан боғлиқ процессуал фирибгарлик); судланганлик мавжудлиги. Шунинг таъкидлаш керакки, Испания ЖКсида ишончни суиистеъмол қилиш фирибгарлик учун жавобгарликни кучайтирадиган ҳолат сифатида ажратилган. Испания ЖК бўйича ишончни суиистеъмол қилишнинг ўзига хос хусусияти жабрланувчи ва айбдор ўртасида шаклланган муносабатлардан фойдаланиш, шунингдек тадбиркорлик ёки бошқа касбий фаолиятда ўз обрўсидан фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу қилмишлар учун 6 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 6 ойдан 12 ойгача жарима жазоси белгиланади [11].

Испанияда фирибгарлик субъекти юридик шахс бўлиши мумкин. Юридик шахс томонидан фирибгарлик содир этилса, у фирибгарлик натижасида талон-тарож қилинган мол-мулк қийматининг учдан беш бараваригача жарима миқдорида жазоланади, бунда жисмоний шахс 5 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинади. Бошқа ҳолатларда жарима миқдори фирибгарлик натижасида талон-тарож қилинган мол-мулк қийматининг икки бараваридан тўрт бараваригача белгиланади. Бундан ташқари, Испания ЖК 33-моддаси 7-қисмига мувофиқ юридик шахсга нисбатан куйидагича жазо турлари қўлланиши мумкин: квоталарга мутаносиб равишдаги жарима; юридик шахсни тугатиш; унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш; жиноят содир этишга кўмаклашган, уни яширган ёки бевосита боғлиқ бўлган фаолиятни амалга оширишни тақиқлаш.

Испания ЖК бўйича фирибгарликнинг бошқа турлари қуйидагилардан иборат: кўчар, кўчмас мулкни ноқонуний ўзлаштириш (Испания ЖК 252-моддаси); электр, сув, газ, телекоммуникация сигналлари ёки энергия ёхуд ёқилғининг бошқа турларини талон-тарож қилиш (Испания ЖК 255-моддаси).

**Швейцария** Жиноят кодекси (кейинги ўринларда Швейцария ЖК) “Мулкка қарши жиноятлар” номли 2-бобида фирибгарлик (146-модда) деганда: “ғайриқонуний даромад олиш мақсадида, ёлғон маълумот бериш ёки ҳақиқатни яшириш ёхуд била туриб хато тасаввурларини кучайтириш орқали ўзга шахсни қасддан янглиштириш, натижада у томонидан ўзининг ёки бошқаларнинг молиявий манфаатларига зид ҳаракат қилиши” тушунилади [6]. Бунда Швейцария ЖК бўйича оддий ва квалификацияли фирибгарлик жиноятларининг субъектив томони ажралиб туради. Швейцария ЖК 146-моддаси 1-қисмига мувофиқ фирибгарлик ноқонуний фойда олиш мақсади билан боғлиқ бўлиб, бунда айбдор 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазосига ҳукм қилиниши мумкин. Швейцария ЖК 146-моддаси 2-қисмида фирибгарлик содир этиш мақсади тижорий фойдани олиш учун жавобгарлик назарда тутилган. Қонун чиқарувчиларнинг фикрига кўра жиноят нуқори ижтимоий ҳавф даражаси билан тавсифланади, шу боис айбдорга 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки ҳар куни камида 90 бирлик миқдорда жарима тайинланиши мумкин. Иккинчи ҳолда сўз фойда олишга қаратилган тизимли фаолият сифатида йўлга қўйилган фирибгарлик хусусида боради [7].

Швейцария ЖКда фирибгарликнинг махсус турлари ажратилади: компьютер фирибгарлиги (147-модда); банкротлик таомиллари ва мулкни хатлаш билан боғлиқ фирибгарлик (163-модда); қонунга хилоф ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатни қабул қилишга сабаб бўлган фирибгарлик (170-модда); ҳужжатни алдаш йўли билан гувоҳлантириш (253-модда); сайловга оид фирибгарлик (282-модда). Барча махсус турларга мансуб ўзига хос хусусият – бу мулккий наф олиш билан боғлиқ мақсад мавжудлиги ҳисобланади, гарчи жиноят объектив белгилари умумий жиҳатдан фирибгарликка ўхшамаслиги мумкин.

Қариндошларга нисбатан содир этилган фирибгарлик учун жинойий таъқиб фақат жабрланувчининг шикоят асосида амалга оширилади.

**Швеция** Жиноят кодексида (кейинги ўринларда Швеция ЖК) фирибгарлик таърифи “Фирибгарлик ва бошқа инсофсиз хулқ-атвор

тўғрисида”ги 9-бобда, 1 § да келтирилган бўлиб, фирибгарлик – агар айбдор ўз фойдасини кўзлаб ҳамда жабрланувчига ёки мазкур шахс вакиллик қилаётган бирон-бир манфаатига зарар етказиш мақсадида, алдов ёрдамида бирон-бир кимсани муайян ҳаракатни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан тийилишга ундашда ифодаланади. Бунда айбдор фирибгарлик учун 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниши мумкин [8]. Фирибгарлик усули сифатида алдашга муқобил йўл сифатида дастурга ёки маълумотларга ўзгартиришлар киритиш ёки бошқа ноқонуний аралашув билан боғлиқ бўлган, оқибатда маълумотлар билан ишлаш ёхуд бошқа ҳар қандай автоматик жараён натижалари ўзгартириб, айбдорга фойда келтирадиган ва ҳар қандай ўзга шахсга зарар етказадиган ҳаракатлар кўрилади.

Швеция ЖК 2 § да айбдор тўлов шарти билан тақдим этиладиган уй-жой, озиқ-овқат, транспорт ёки шунга ўхшаш хизматлардан алдов йўли билан текин фойдаланиб, ўз мажбуриятларини бажармаса, ким янглишганидан қатъий назар, қилмиш фирибгарлик сифатида кўриб чиқиши кераклиги назарда тутилган.

Швеция ЖК аниқ квалификацияловчи белгилар мавжуд бўлган ҳолатлар учун қаттиқроқ жавобгарлик белгиланган. Бироқ Швеция ЖК 3§ да таъкидланишича, фирибгарликни квалификацияловчи таркиб сифатида тан олиш масаласини ҳал қилишда қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олинади: айбланувчи ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги, сохта ҳужжатдан фойдаланганлиги ёки кўп миқдорда фойда олгани ёхуд жиддий зарар кўрганлиги. Айни чоғда жавобгарликни кучайтирадиган ҳолатлар рўйхати тугал эмас.

**Финляндия** Жиноят кодекси (кейинги ўринларда Финляндия ЖК)нинг “Фирибгарлик ва бошқа инсофсизлик жиноятлари” номли 36-боби 1 § да фирибгарликнинг қуйидаги тушунчаси берилган: “Фирибгарлик – бу ўзга шахсни алдаш ёки унинг янглишиш ҳолатидан, ўзи ёки бошқа шахс учун ноқонуний молиявий фойда олиш ёхуд ўзга шахсга зарар етказиш мақсадида фойдаланиш, бунинг оқибатида жабрланувчи ўзининг ёки у вакиллик қилган шахс манфаатларига зид равишда бирон-бир хатти-ҳаракатни содир этган ёки ҳаракатларни содир этишдан тийилиши” [9].

Фирибгарликнинг объектив томони муқобил хатти-ҳаракатлар (алдаш ёки янглишиш ҳолатидан фойдаланиш) билан тавсифланади, бунинг натижасида жабрланувчи айбдорнинг фойдасига маълум хатти-ҳаракатларни содир этади ёки бирон-бир хатти-ҳаракатлар содир этишдан ўзини тияди



ва шу билан ўзига ёки вакиллик қилаётган шахснинг манфаатларига зарар етказди. Финляндия ЖК 1§ 2-хатбошиси қоидаларига мувофиқ ушбу қилмишнинг объектив томонини тавсифловчи яна бир усул назарда тутилган: маълумотларни қайта ишлаш тизимига маълумотларни киритиш, уларни ўзгартириш ёки йўқотиш, шунингдек мазкур тизимга бошқа тарзда аралаштириш, маълумотларни қайта ишлашнинг якуний натижасини сохталаштириш, натижада иқтисодий зарар етказиш. Ушбу норма санкциясида қилмиш учун 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазолари назарда тутилган.

Финляндия ЖК бўйича фирибгарликнинг субъектив томони тамагирлик ниятидан ташқари ўзга шахсга зарар етказиш билан боғлиқ муқобил мақсаднинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Финляндия ЖК 2 § фирибгарликнинг квалификацияловчи, яъни оғирлаштирувчи белгиларга эга таркиблари учун жавобгарлик назарда тутилган: анча миқдорда фойда олиш; кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказиш; мансаб мавқеидан фойдаланиш, ўта ишончли муносабатлардан фойдаланиш билан боғлиқ; жабрланувчининг ўта заиф ёки нимжонлиги ҳолати (ожизлиги)да содир этилиши [10]. Квалификацияловчи, яъни оғирлаштирувчи белгиларга эга фирибгарлик учун айбдор шахс 4 ойдан 4 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди Австрия ЖКда бўлгани каби Финляндия ЖКда, агар олинган фойда ёки етказилган зарар миқдори ёхуд жиноят содир этиш билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда тўлиқ баҳоланган фирибгарлик кам аҳамиятли деб топилса, у ҳолда айбдор жарима жазосига ҳукм этилади.

Роман-герман ҳуқуқий оиласига мансуб айрим мамлакатлар жиноят қонунчилиги тажрибасини қиёсий таҳлил қилиб шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ушбу оиланинг аъзоси бўлса ҳам фирибгарлик тусига эга қилмишларни криминаллаштиришга бўлган Ўзбекистондаги ёндашув ўзгачадир.

**Биринчидан**, ўрганилаётган давлатлар қонунчилигидаги фирибгарлик тушунчаси, объекти доимо мол-мулк муҳофазасини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланган талон-тарождан ажратилган. Аксарият ҳолларда фирибгарлик фойда олиш мумкин бўлган деярли барча соҳаларда амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли фирибгарлик жуда кенг талқин қилинади ва уни содир этишнинг алдаш (интеллектуал) усулига боғланади.

**Иккинчидан**, фирибгарликнинг объектив томонини тавсифловчи асосий усул сифатида кўпинча алдов кўрсатилади. Бунда алдов нафақат интеллектуал таъсир орқали, балки оқибатида айбдор шахс ўзи ёки бошқа шахс учун мулккий фойда оладиган бошқа турли ҳийла-найрангларни содир этиш билан тавсифланади.

**Учинчидан**, аксарият мамлакатларда ишончли суиистеъмол қилиш мустақил жиноят деб ажратилган ва шахснинг ўзи эгаллаб турган лавозимидан келиб чиққан ҳолда унга берилган ишончдан фойдаланишни кўзда тутади. Баъзи мамлакатларда ушбу белги оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади (Финляндия, Испания). Бунда ушбу ҳолатларда ишонч нафақат эгаллаб турган лавозим билан боғлиқ, балки жабрланувчи ва айбдор ўртасидаги шахсий ўта ишончли муносабатлар сифатида изоҳланади;

**Тўртинчидан**, ўрганилган барча мамлакатларда фирибгарликнинг субъектив томони махсус мақсад мавжудлиги билан тавсифланади. Унинг талқини шунчалик кенгки, ушбу турдаги жиноятни мулкни олиб қўйиш ва (ёки) муомалага киритишга қаратилган қилмиш деб аташ қийин. Айбдор учун фирибгарликнинг ҳар қандай моддий наф келтирадиган натижаси уни қаноатлантиради. Назаримизда, аниқ мақсаднинг мавжуд эмаслиги, жиноят тугаган пайтни аниқ белгилаш, яъни фирибгарлик қачон тугашини мақсаддан келиб чиқиб белгилаб бўлмайди.

**Бешинчидан**, ушбу жиноятнинг субъекти муайян мамлакат қонунчилиги ўзига хос хусусиятларига қараб, фирибгарлик учун жавобгарликка тортиш имконини берадиган умумий белгилар билан тавсифланади. Айрим мамлакатларда юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш кўзда тутилади, аммо бунда жисмоний шахслар жавобгарлиги истисно қилинмайди (Испания, Франция).

**Олтинчидан**, жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилар аксарият ҳолларда бир-бирига ўхшаш. Қоида тариқасида: уларнинг зарар миқдори; қилмишни содир этишда иштирок этган шахслар сони; мансаб ваколатлари мавжудлиги; вужудга келган оқибатлар ва бошқа шу каби мезонларни белгилайди. Таъкидлаш жоизки, бир қатор мамлакатларда оғирлаштирувчи белгилар берилган. Жумладан, Испания ЖК бўйича жиноятнинг соҳасига қараб процессуал фирибгарлик учун жавобгарлик мустаҳкамланади, унинг моҳияти шундаки, айбдор томонидан далиллар билан маълум манипуляцияларни содир этиш натижасида ҳуқуққа хилоф қарор қабул қилинади. Австрия ЖКда спортда натижаларни

қалбакилаштириш мақсадида Допингга қарши конвенция рўйхатига киритилган тақиқланган моддаларни ёки усуллардан фойдаланиш каби фирибгарликнинг квалификацияловчи белгиси кўзда тутилган. Швеция ЖК фирибгарликнинг

акниқ квалификацияловчи таркибларини тартибга солмайди, аммо жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда фирибгарликни содир этишнинг барча ҳолатлари ҳисобга олинади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. [https://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_stgb/englisch\\_stgb.html](https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/englisch_stgb.html) - (мурожаат санаси: 01.05.2020.).
2. German criminal code // Federal Law Gazette [Bundesgesetzblatt] I - (мурожаат санаси 01.05.2020.).
3. Die Osterreichische Strafgesetzbuch (StGB) // Die Osterreichische justiz URL: <https://www.justiz.gv.at/web2013/html/default/2c94848b4b92ce25014c28193ec812c1.de.html> (мурожаат санаси: 01.05.2020.).
4. Code penal de la France (22 juillet 1992) // Legifrance.gouv.fr (Le service public de la diffusion du droit) URL: <http://www.legifrance.gouv.fr/affichCode.do?cidTexte=LEGITEXT000006070719> (мурожаат санаси: 01.05.2020.).
5. Ley Orgánica 10/1995, de 23 de noviembre, del Código Penal. // Gobierno De Espana URL: <http://www.boe.es/buscar/act.php?id=BOE-A-1995-25444> (мурожаат санаси: 01.05.2020й.);
6. Schweizerisches Strafgesetzbuch // The Federal Council. The portal of the Swiss government URL: <https://www.admin.ch/opc/de/classified-compilation/19370083/index.html> (мурожаат санаси: 01.05.2020.).
7. Вейберт С.И. Основные подходы к установлению уголовной ответственности за специальные виды мошенничества в Европейской континентальной системе права // Вопросы управления. – 2013. – № 3. – Б. 72.
8. Svensk Brottsbalk (1962:700) // Sveriges Riksdag URL: [https://www.riksdagen.se /sv/Dokumen-Lagar/Lagar/Svenskforfattningssamling/Brottsbalk-1962700\\_sfs-1962-700/#K9](https://www.riksdagen.se /sv/Dokumen-Lagar/Lagar/Svenskforfattningssamling/Brottsbalk-1962700_sfs-1962-700/#K9) (мурожаат санаси: 01.05.2020.).
9. Suomen rikoslain // FINLEX URL: <http://www.finlex.fi/fi/laki/ajantasa/1889/18890039001> (мурожаат санаси: 01.05.2020й.).
10. Suomen rikoslain // FINLEX URL: <http://www.finlex.fi/fi/laki/ajantasa/1889/18890039001> (мурожаат санаси: 01.05.2020.).
11. Испания ЖК 50-моддасига мувофиқ жарима кунларда белгиланади. Бунда жариманинг бир кунлик квотаси жисмоний шахслар учун 2 € дан 400 € гача, юридик шахслар учун 30 € дан 5000 € гача ташкил этади. Жарима муддатларини бир хилда ҳисоблаш мақсадида бир ой 30 кунга, бир йил эса – 360 кунга тенглаштирилган. Суд жарима миқдорини мустақил равишда тегишли модданинг санкциясида кўзда тутилган конкрет муддатдан келиб чикиб белгилайди. Бунда айбдорнинг молиявий аҳволи, даромадлари, банк рақамидаги пул миқдори, оилавий мажбуриятлари, сарф-харажатлари ва унинг мулкый ҳолатига оид бошқа шахсий масалалари ҳисобга олинади (Ley Orgánica 10/1995, de 23 de noviembre, del Código Penal. Gobierno De Espana URL: <http://www.boe.es/buscar/act.php?id=BOE-A-1995-25444> (мурожаат санаси: 01.05.2020.).



**Музаффар Нодиров**

Тошкент давлат юридик университети  
Жиноий одил судлов факультети  
декани ўринбосари  
muzaf89@mail.ru

**ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗГАТИШ БОСҚИЧИДА  
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚ ВА  
МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация:** мазкур мақолада жиноят ишини қўзғатиш бошқичида вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Хусусан, жиноят тўғрисидаги хабарни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, жиноят тўғрисидаги хабарни текшириш ҳамда жиноят тўғрисидаги хабарни текшириш натижасига кўра тегишли қарорлардан бирини қабул қилишида вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари таҳлил этилган.

**Калим сўзлар:** вояга етмаган, жиноят ишини қўзғатиш, вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, айбини бўйнига олиш, жиноят тўғрисидаги хабар, қонуний вакил иштироки.

**Музаффар Нодиров**

Заместитель декана факультета Уголовного правосудия  
Ташкентского государственного юридического университета

**ОСОБЕННОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ И ЗАКОННЫХ ИНТЕРЕСОВ  
НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ НА СТАДИИ ВОЗБУЖДЕНИЯ УГОЛОВНОГО ДЕЛА**

**Аннотация:** в настоящей статье освещены особенности обеспечения прав и законных интересов несовершеннолетних на стадии возбуждения уголовного дела. В частности, проанализированы вопросы защиты прав и законных интересов несовершеннолетних при приеме и регистрации заявления о преступлении, проверке данного заявления и принятии соответствующего решения в результате рассмотрения сведений о преступлении.

**Ключевые слова:** несовершеннолетний, возбуждение уголовного дела, обеспечение прав и законных интересов несовершеннолетних, заявление о повинной, заявление о преступлении, участие законного представителя.

**Muzaffar Nodirov**

Deputy dean of faculty of Criminal Justice  
Tashkent State University of Law

**FEATURES OF ENSURING RIGHTS AND LEGAL INTERESTS OF MINORS AT THE STAGE OF  
EXCITATION OF CRIMINAL CASE**

**Abstract:** The article highlights the features of ensuring the rights and legitimate interests of minors at the stage of criminal proceedings. In particular, the issues of protection of the rights and legitimate interests of minors in the process of receiving and registering a statement of a crime, reviewing this statement and making an appropriate decision as a result of considering information about a crime are analyzed.

**Keywords:** minor, initiating criminal proceedings, ensuring the rights and legitimate interests of minors, pleading guilty, statement of crime, participation of a legal representative

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи жиноят-процессуал фаолиятнинг муҳим қисми бўлиб, ушбу босқичда қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги жиноят ишлари бўйича иш юритув вазифаларининг самарали бажарилишини таъминлаб, жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган шахсларни фош этишга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишига хизмат қилади.

Жиноят ишини қонуний ва асосли қўзғатиш жиноят иши бўйича жиноятларни тергов қилиш ҳамда ишни суд томонидан мазмунан кўриб чиқишда ваколатли мансабдор шахс томонидан кейинги процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

В.В. Кожокар жиноят ишини қўзғатиш босқичини қуйидаги тўрт қисмга бўлади:

1) жиноят тўғрисидаги хабарни рўйхатга олиш;

2) жиноят ишини қўзғатиш сабабини аниқлаш;

3) жиноят тўғрисидаги хабарни жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда дастлабки текширувдан ўтказиш;

4) жиноят ишини қўзғатиш, ишни қўзғатишни рад қилиш ҳамда ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақидаги қарорлардан бирини қабул қилиш [2].

Фикримизча, жиноят ишини қўзғатиш сабабини аниқлаш, жиноят тўғрисидаги хабарни текшириш фаолиятининг бир қисми бўлиб, бундай ҳаракатни жиноят ишини қўзғатиш босқичининг алоҳида қисми сифатида ажратиб кўрсатишга зарурият йўқ. Зеро, айнан жиноят тўғрисидаги хабарни қабул қилиш ва текшириш қисмларида жиноят ишини қўзғатишнинг сабаб ва асослари батафсил ўрганилади. Шунга кўра, жиноят ишини қўзғатиш босқичини қуйидаги қисмларга бўлишни таклиф этамиз:

биринчиси – жиноят тўғрисидаги хабарни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;

иккинчиси – жиноят тўғрисидаги хабарни текшириш;

учинчиси – жиноят тўғрисидаги хабарни текшириш натижасига кўра, жиноят процессуал қонунчиликда белгиланган тегишли қарорлардан бирини қабул қилиш.

Қуйида жиноят ишини қўзғатиш босқичининг юқорида қайд этилган ҳар бир қисмида уларга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш масаласи кўриб чиқилаётган вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини батафсил таҳлил этиб ўтамиз.

Тадқиқотимиз объекти доирасида жиноят ишини қўзғатиш сабабларидан шахсларнинг аризалари ҳамда айбини бўйнига олиш ҳақидаги арзни қабул қилиш ва рўйхатга олишда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама ва самарали ҳимоя қилиш хусусида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидан айбини бўйнига олиш ҳақидаги арзни вояга етмаган шахсдан қабул қилишнинг алоҳида қоидалари белгиланмаган. Ҳолбуки, айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз ихтиёрий ва шахснинг ўз ташаббусига кўра амалга оширилишини тақозо этганлиги боис, бунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга.

Вояга етмаган шахс айбини бўйнига олиш ҳақидаги арзда жиноятни бошқа шахслар билан биргаликда содир этганлигини баён этган бўлса, бундай арз жиноятнинг бошқа шахслар томонидан содир этилганлиги қисмида шахсларнинг аризалари сифатида баҳоланиши лозим.

Жиноят ишини қўзғатиш сабаби бўлувчи шахсларнинг аризалари ҳамда айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арзни қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби ЖПКнинг 324-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Оғзаки ариза баённомада қайд этилади. ...Баённомани арз қилувчи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс имзолайди.

Демак, юқорида қайд этилган ҳар икки ҳолатда – жиноят тўғрисидаги хабар беришда ҳам, айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арзда ҳам уларни расмийлаштириш жараёнида фақат икки субъект, яъни арз қилувчи ва бундай арзни қабул қилувчи мансабдор шахс (суриштирувчи, терговчи, прокурор) ҳозир бўлади.

Э. Басс қайд этганидек, вояга етмаган шахслар ёш ва ривожланиш хусусиятлари, ақлий ва руҳий ҳолатига кўра ўз ҳуқуқларини тўла тушуниш ҳамда жиноят-процессуал ҳаракатларда иштирок этишда қийинчиликларга дуч келиши мумкин [3]. Вояга етмаганларнинг ҳимоячига эга бўлиш ва ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқи таъминланмаслиги уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлиши ва оқибатда вояга етмаган шахслар ваёки уларнинг ота-оналарига жиноят процессини юритаётган мансабдор шахслар томонидан босим ўтказилишига олиб келиши мумкин [4].

Ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқи вояга етмаганларнинг одил судлов ҳуқуқининг муҳим процессуал таркибий қисми бўлиб фундаментал инсон ҳуқуқи сифатида қаралиши лозим. Вояга етмаган шахсларнинг заифлиги ва махсус эҳтиёжларга эгаллиги боис уларнинг ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқи алоҳида аҳамиятга эга. Бунда ҳимоячи вояга етмаган шахсга айбловни, процессуал жараёнларни ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириши, вояга етмаган шахснинг ишда иштироки ва ҳимоясини таъминлаши ҳамда унга самарали ва профессионал вакиллик қилиши тақозо этилади [5].

Айни қафолат мамлакатимизнинг миллий норматив-ҳуқуқий актларида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги Қонунига кўра, судга қадар иш юритиш ва суд муҳокамаси жараёнида болаларга нисбатан улар қонуний вакилларининг иштирокисиз амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларни бажариш тақиқланади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вояга етмаган шахсга нисбатан процессуал ҳаракатлар унинг катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки ушбу шахснинг бошқа қонуний вакили иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Вояга етмаган шахснинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар бўйича судга қадар иш юритишнинг ва суд муҳокамасининг барча босқичларида ҳимоячининг иштирок этиши шарт. Бола ва унинг қонуний вакилларининг ҳимоячидан воз кечиши ҳақиқий эмас деб ҳисобланади [6].

Шу билан бирга, ЖПКда вояга етмаган шахсдан айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арзни ёки жиноят тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва расмийлаштириш жараёнида мансабдор шахслар томонидан вояга етмаганга турли таъсирларнинг (жисмоний, руҳий ва ҳ.к.) олдини олиши мумкин бўлган ҳимоячи, қонуний вакил, педагог (психолог) иштироки бевосита белгиланмаган.

Бу эса амалиётда вояга етмаганлар томонидан айбни бўйнига олиш тўғрисидаги ёки жиноят тўғрисида аризалар билан мурожаат этиш ҳолатларида, бундай хабарни қабул қилаётган ва расмийлаштираётган мансабдор шахслар ушбу жараёнга ҳимоячи, қонуний вакил, педагог (психолог)ни жалб этмаслигига имкон бермоқда.

Жиноят ишлари бўйича иш юритув доирасида вояга етмаган шахснинг ҳуқуқий мақомини тартибга солишда бундай муносабатларни тартибга солишнинг юзага келиши мумкин бўлган барча ҳуқуқий коллизиялар ва бўшлиқларни бартараф этиш зарур, акс ҳолда ушбу

ҳолатларни тартибга солишнинг тизимсизлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ўз мансаб-мавқеини сунистьёмол қилишига олиб келиши мумкин бўлиб, бу ҳолат жиноят процессининг ҳар қандай иштирокчиси, хусусан, вояга етмаганлар учун ҳам муайян хавф туғдириши мумкин [7].

Жиноят ишини кўзғатиш учун айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арз сабаб бўлган ҳолатда жиноят ишини кўзғатиш босқичида адвокат ва қонуний вакилнинг иштироки масаласи долзарб аҳамиятга эга. Зеро, айбни бўйнига олиш тўғрисидаги қарор бу ҳар бир инсон учун мураккаб психологик қарор бўлиб, бундай қарорни ёш ва бошқа ривожланиш хусусиятларига кўра, айниқса, вояга етмаганлар томонидан қабул қилиниши бирмунча қийинчиликларга олиб келади. Шу боис, бундай ҳолатда вояга етмаган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини лозим даражада таъминланиши учун барча зарурий чораларни кўриш талаб этилади [8].

Вояга етмаган шахснинг айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арзи муайян фарқли жиҳатларга эга бўлиб бу мансабдор шахслардан бундай аризининг мазмуни ва вояга етмаган шахс ҳулқ атвори мотивларига алоҳида эътибор билан ёндашишни тақозо этади. Чунки бундай ҳолатларда вояга етмаган шахсда содир бўлган ҳодиса ва ўз ҳаракатларини баҳолаш асл ҳақиқатга тўла мувофиқ бўлмаслиги мумкин. Айбни бўйнига олишнинг мотивлари, баён этилган маълумотларнинг ишончлилиги, катта ёшдаги шахсларнинг таъсири ва баён этилган бошқа маълумотлар адвокат ва қонуний вакилнинг иштирокида аниқланиши мақсадга мувофиқ [9].

Вояга етмаган шахсдан айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арзни қабул қилиш ва расмийлаштиришда ҳимоячи иштирок этиши шартлилигини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин деб ўйлаймиз:

– вояга етмаган шахсга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш зарурияти;

– вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишлари бўйича ҳимоячи иштирокини таъминлаш шартлилигига доир талабни бажариш;

– вояга етмаган шахснинг жиноят процессидаги бундай ҳулқ атворини рағбатлантиришнинг мақсадга мувофиқлиги;

– вояга етмаган шахсга ноқонуний таъсир кўрсатишни истисно этиш зарурияти;

– айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арзни расмийлаштиришда йўл қўйиладиган хатоларни ҳамда вояга етмаган шахсни ноқонуний жиноий жавобгарликка жалб этишни бартараф этиш.

Ҳимоя ҳуқуқи билан бир қаторда илмий адабиётларда, шунингдек вояга етмаганлар билан боғлиқ процессуал ҳаракатларда қонуний вакил, педагог, психолог иштироки масалаларига алоҳида урғу берилади.

Жиноят ишлари бўйича иш юритувда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни жиноят процессининг мақсади сифатида таснифлаш мумкин. Жиноят ишлари бўйича иш юритишда вояга етмаганлар ҳуқуқларининг юқори ҳуқуқий ҳимояси вояга етмаганга нисбатан муҳофаза қилувчи функцияларнинг бир вақтнинг ўзида ҳимоячи ҳамда қонуний вакил томонидан амалга оширилишида ҳам намоён бўлади. Юридик адабиётларда бундай принцип икки томонлама вакиллик номини олган [10].

Шуни қайд этиш жоизки, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазасига доир стандартлар белгиланган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг икки томонлама ҳимояси назарда тутилмаган, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидаларида (“Пекин қоидалари”) вояга етмаганларга нисбатан иш юритувда қонуний вакил ва ҳимоячининг бир вақтнинг ўзида иштироки талаб этилмасдан, мазкур масалани миллий қонун чиқарувчи ихтиёрига ҳавола этган [11].

Вояга етмаганларга нисбатан одил судлов ихтисослашган судга қадар ва суд органлари томонидан амалга ошириладиган давлатларнинг айримларида (АҚШ [12], Германия [13]) ҳимоячидан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган бўлса, айримларида (Англия [14], Беларусь [15], Қозоғистон [16]) ҳимоячи иштирокининг шартлиги кўрсатилган. Юқорида кўрсатилган деярли барча давлатларнинг қонунчилигида ҳар қандай ҳолатларда қонуний вакилларнинг иштироки белгиланган. Бундай иштирокдаги фарқни уларни ишга жалб қилиш қоидаларида кузатиш мумкин. Яъни хорижий давлатларнинг қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишлари бўйича иш юритувда қонуний вакилнинг процессуал фаолиятига адвокат фаолиятига қараганда кўпроқ урғу берилади.

И.А. Макаренко вояга етмаганларга оид жиноят ишларида қонуний вакилларнинг иштироки масаласи муҳимлигини қайд этган ҳолда бу ушбу тоифа шахсларга берилган процессуал ва ижтимоий кафолатларига риоя қилиш зарурияти билан изоҳланади [17].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 549-моддасида вояга етмаганнинг жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шартлиги, шунингдек қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилиши белгиланган. Аммо, фикримизча, вояга етмаган шахснинг амалдаги ҳуқуқий мақоми унда руҳий иродавий сифатлар шаклланмаганлиги ҳамда катта ёшдаги шахслар томонидан унинг ҳимояси лозим даражада таъминланмаслиги оқибатида, босим остида ундан айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арзни олиш имконининг мавжудлиги, вояга етмаган шахсга унинг жисмоний ва ақлий қомилликка етмаганлиги боис алоҳида ҳуқуқий ҳимоя ва ҳуқуқлари муҳофазаси зарурлигига доир халқаро талабларга зид. Зеро, қонуний вакил иштирокисиз айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арзни қабул қилиш жараёнида вояга етмаган шахс бундай ҳимоядан фойдаланишдан тўла маҳрум бўлади. Ҳатто вояга етмаган шахсдан босим остида олинган айбни бўйнига олиш тўғрисидаги ариза ҳам суд муҳокамасида зўрлик ишлатиб олинганлиги исботланмаса, суд томонидан мақбул далил деб топилиши ҳамда вояга етмаганга нисбатан айблов ҳукмининг асосларидан бирини ташкил қилиши мумкин. Шунга кўра вояга етмаган шахсдан унинг психологик тўла ривожланмаганлиги ҳамда катталар таъсирига тушишга мойиллигидан фойдаланиб, қонунга зид равишда айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арзларни олиш имкониятини бартараф этиш мақсадида, амалдаги ЖПКда вояга етмаган шахсдан бундай арзни қабул қилиш ва расмийлаштириш жараёнида қонуний вакилнинг иштирокига доир императив нормани жорий этишни таклиф этамиз. Бундай иштирок вояга етмаган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Шундай қилиб ЖПКга вояга етмаган шахснинг қонуний вакилларига жиноят ишини қўзғатишнинг дастлабки босқичидан, хусусан, айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арз ҳамда жиноят тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва расмийлаштириш жараёнидан иштирок этиши шартлигини белгиловчи норманинг киритилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мансабдор шахслари томонидан вояга етмаганларга руҳий ва жисмоний босим ўтказилишининг олдини олиб, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Куйида жиноят ишини кўзгатиш босқичининг иккинчи қисми яъни жиноят тўғрисидаги хабарларни текшириш жараёнида вояга етмаганларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг айрим мунозарали масалалари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК вояга етмаган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, вояга етмаган шахснинг жиноят иши бўйича дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирокига доир алоҳида ҳуқуқий мақоми белгиланган. Жумладан, сўроқ қилиш муддати давомийлигининг қисқартирилганлиги, вояга етмаган шахсларнинг иши бўйича ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида ҳимоячи ва қонуний вакил иштирокининг шартлиги, педагог ва психологларни жалб этиш имкониятининг мавжудлиги ва бошқа бир қатор ҳуқуқий қафолатлар шулар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддасига кўра терговга қадар текширув давомида кўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-кидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Бироқ юқорида қайд этилганидек, вояга етмаган шахсга бериладиган барча кўшимча ҳуқуқий қафолатлар жиноят иши кўзгатиладиган сўнг юзага келиб, амалдаги жиноят процессуал қонунчилиги жиноят тўғрисидаги хабарни текшириш босқичида процессуал ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этувчи вояга етмаганларнинг алоҳида процессуал мақоми назарда тутилмаган.

Гарчанд, М.В. Мешков қайд этганидек, судга қадар иш юритувнинг дастлабки босқичи ҳисобланган жиноят иши кўзгатиш босқичида вояга етмаганлар иштирокидаги процессуал ҳаракатлар уларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларига боғлиқ бир қатор фарқли белгиларга эга бўлиб, бундай шахслар алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлишини тақозо этади [18].

Терговга қадар текширувда энг кенг қўлланилувчи текширув ҳаракати – тушунтиришлар олиш ҳисобланади, аммо ЖПКда ушбу ҳаракатни амалга оширишнинг процессуал тартиби белгиланмаган. Бироқ, ҳеч бир терговга

қадар текширув ҳаракатлари тушунтиришлар олишсиз амалга оширилмайди.

Тушунтиришлар жиноят процессуал табиатга эга бўлиб, уларнинг ишончлилигини баҳолаш учун кейинчалик бериладиган кўрсатувлар билан биргаликда кўриб чиқилади [19].

Мазкур соҳага доир ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил этганимизда, жиноят процессуал қонунчиликда вояга етмаган шахслардан тушунтиришлар олишнинг алоҳида қоидалари белгиланмаганлиги боис амалиётчилар куйидаги масалаларда муайян қийинчиликларга дуч келаётганликларини кузатиш мумкин. Жумладан:

- вояга етмаган шахслардан тушунтиришлар олишда педагог, психологлар иштироки масаласи;
- бундай тушунтиришлар олишда қонуний вакилларнинг иштирок этиш ҳуқуқининг мавжудлиги ёки йўқлиги;
- ҳимоячининг иштирок этиши ёки этмаслиги масаласи.

3. Корякина қайд этганидек, жиноят ишлари бўйича иш юритувда вояга етмаган шахснинг ўз ҳимоя ҳуқуқини амалга оширишида ҳимоячи ва қонуний вакил яқиндан кўмак беради [20].

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда вояга етмаган шахснинг қонуний вакили терговга қадар текширув давомида иштирок этиш, вояга етмаган шахсни айбловдан самарали ҳимоя қилишга имкон берувчи етарли ҳуқуқлар берилмаган. Жумладан, қонуний вакил вояга етмаган шахсни ҳимоя қилиш учун қонун билан тақиқланмаган барча усул ва воситалардан фойдаланиш, мутахассислар жалб этиш, текширув ҳаракатлари ўтказиш, хусусан, тушунтиришлар олишда вояга етмаган шахсга саволлар бериш, экспертиза тайинлашда иштирок этиш ҳамда унинг натижалари билан танишиш ҳуқуқига эга эмас. Ваҳоланки, терговга қадар текширув давомида амалда ўзига нисбатан жиноят иши кўзгатилиш масаласи кўриб чиқиладиган вояга етмаган шахснинг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар тўплаш, унга нисбатан жиноий таъқибни амалга ошириш фаолиятининг элементларини кузатиш мумкин.

Шунга кўра ЖПКда иш юритувни олиб бораётган мансабдор шахс қонуний вакилларни жиноят тўғрисидаги хабарни терговга қадар текширув жараёнида вояга етмаган шахслар иштирокидаги текширув ҳаракатлари ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиши шартлиги ва қонуний вакиллар ушбу ҳаракатларни амалга ошириш вақтида иштирок этиши, текширув ҳужжатлари билан танишиши, лозим бўлса уларга тегишли қайдлар киритиши, ўзи томонидан танланган

адвокатни таклиф этиши, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиши, илтимосномалар киритиши каби ҳуқуқлари белгиланиши вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла ҳимоя қилинишини таъминлайди деб ўйлаймиз. Амалдаги ЖПКда вояга етмаган шахсларнинг иши бўйича терговга қадар текширув давомида педагог ва психологларни жалб этиш масаласи белгиланмаган.

Россия Федерацияси ЖПКнинг 5-моддасига кўра педагог бу таълим муассасаси ёки ўқувни амалга оширувчи ташкилотда ўқувчиларга таълим бериш ва тарбиялаш мажбуриятини бажарувчи педагогик ходим ҳисобланади [22].

Шунга кўра педагог сифатида жалб этилаётган шахс ўз мутахассислиги бўйича тегишли маълумотга, вояга етмаган шахсларни ўқитиш ва тарбиялаш тажрибасига эга бўлиши, шунингдек ушбу соҳада амалда фаолият юритаётган бўлиши каби талаблар қўйилади [23].

У суриштирувчининг, терговчининг рухсати билан айбланувчига саволлар беришга, сўроқ туганидан сўнг эса сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда беришга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар суриштирувчи, терговчи томонидан педагог ёки психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақида сўроқ баённомасида қайд қилинади.

Психолог хусусида тўхталадиган бўлсак, қонун чиқарувчи томонидан кимлар психолог сифатида жалб этилиши мумкинлиги ва унга қўйиладиган талаблар белгилаб берилмаган.

В.А. Гнатенко томонидан берилган таърифга кўра, психолог – бу психология соҳасида махсус билимларга эга, суд ёки тарафлар томонидан вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳ иштирокидаги процессуал тергов ҳаракатларини амалга оширишда, шунингдек бошқа масалаларни ҳал этишда жалб қилинувчи шахс тушунилади [24].

Вояга етмаганлар иштирокидаги процессуал ҳаракатлар, хусусан, терговга қадар текширувда ўзига нисбатан жиноят ишини қўзғатиш масаласи кўриб чиқиладиган вояга етмаган шахсдан тушунтиришлар олишга жалб этиладиган психолог ёшлар психологияси, айти ҳолатда болалар ва вояга етмаганлар психологияси ихтисослигига эга бўлиши, манфаатларини ҳимоя қилиш учун таклиф этилган вояга етмаган шахс ёшидагилар билан ишлаш тажрибаси ва малакасига эга бўлиши ҳамда жалб этилиш вақтида фаолиятини юритиб турган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Баён этилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, жиноят ишини қўзғатиш босқичида, хусусан терговга қадар текширув жараёнида ўзига нисбатан жиноят ишини қўзғатиш масаласи кўриб чиқиладиган вояга етмаган шахс иштирокидаги процессуал ҳаракатларда, хусусан, бундай шахслардан тушунтиришлар олишда педагог ва психологларнинг иштирокини таъминлаш бир томондан вояга етмаганларга дўстона муҳит яратиш орқали юзага келиши мумкин бўлган руҳий-иродавий жароҳатларни олдини олишга хизмат қилса, бошқа томондан вояга етмаганларга улар шахсиятининг руҳий-интеллектуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўз ҳаракатларини реал баҳолашга имкон беради деб ўйлаймиз.

Жиноят ишини қўзғатишнинг босқичининг учинчи босқичи – жиноят тўғрисидаги хабарни текшириш натижасига кўра, жиноят процессуал қонунчиликда белгиланган тегишли қарорлардан бирини қабул қилиш ҳам вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда алоҳида ўрин тутади. Хусусан, мазкур босқичда қабул қилинган қарорнинг адолатли, қонуний ва асослиги жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдорларни фош этиш, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги каби вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 548-моддасида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича:

- 1) вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, оyi, куни);
- 2) вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;
- 3) унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;
- 4) қатта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги каби қўшимча ҳолатлар фақат суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида исботланиши лозимлиги белгиланган.

Бирок, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларини самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида юқоридаги ҳолатлар, нафақат суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида, балки, жиноят ишини қўзғатиш босқичида, хусусан, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишда ҳам алоҳида ўрганилиши шартлилигини жиноят процессуал қонунчилигида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.



Зеро, илгари (XX асрнинг 90-йилларида) вояга етмаганлар жиноят содир этишда асосан иккинчи даражали ролларни бажариш, одатда, ёрдамчи сифатида жалб этилган бўлса, ҳозирда бажарувчи сифатида қатнашмоқдалар ва илгари катта ёшдаги жиноятчилар томонидан содир этилган босқинчилик, товламачилик, гиёҳвандлик моддалари ноқонуний савдоси каби ижтимоий хавфли фаолият турларини ўзлаштирмоқдалар. Бундай шароитда жинойий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган вояга етмаган бажарувчилар соясида катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг жинойий жавобгарликдан бўйин товлашига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ишни юритаётган шахс вояга етмаганларга нисбатан исботланиши лозим бўлган юқоридаги ҳолатларни суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси даврида ўрганиш имконияти мавжуд бўлади.

Баён этилганларга кўра, жиноят ишини қўзғатиш босқичида вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш мақсадида ЖПКга куйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексини куйидаги таҳрирдаги 548<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш:

“548<sup>1</sup>-модда. Жиноят ишини қўзғатиш босқичида вояга етмаган шахс иштирокидаги жиноятлар ҳақида хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш.

Вояга етмаган шахсдан жиноят тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва ёки расмийлаштиришда қонуний вакил ва ҳимоячининг иштироки таъминланиши шарт. Қонуний вакилнинг иштироки вояга етмаган шахснинг манфаатига зарар етказди деб ҳисоблаш учун асос бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Терговга қадар текширувда вояга етмаган шахс иштирокидаги процессуал ҳаракатлар ҳимоячи, қонуний вакил, педагог ва психологларни жалб этган ҳолда амалга оширилиши лозим”.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 548-моддасининг биринчи қисмини куйидаги таҳрирда баён этиш:

“Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилишда, суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича ушбу кодекснинг 82 — 84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, куйидагилар исботланиши лозим”.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, юқорида вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш босқичида келтирилган таклиф ва тавсиялар, албатта, жиноят процессида вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўла таъминлашга ҳамда вояга етмаган шахсларга доир халқаро ҳуқуқий нормаларнинг миллий қонунчилигимизда тўла акс этишига хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кожокар В.В. Возбуждение уголовного дела: вопросы теории и практики: Дис... канд.юрид. наук. – М., – 2016. – С. 44.
2. E.Buss, “What Stands in the Way of Children’s Exercise of their Criminal Procedural Rights in the United States? Our Evolving and Incomplete understanding in M.D.Ruck, M.Peterson-Badali & M.Freeman, eds., Handbook of children’s rights. Global and Multidisciplinary perspectives (New York/ London: Routledge 2017), – P. 278–295.
3. S.E. Rap, D. Zlotnik. The Right to legal and Other Appropriate Assistance for Child Suspects and Accused. European Journal of crime, criminal law and criminal justice 26 (2018). – P. 122. [https://brill.com/view/journals/eccl/26/2/article-p110\\_110.xml?language=en](https://brill.com/view/journals/eccl/26/2/article-p110_110.xml?language=en)
4. LIEFAARD, T., RAP, S., & BOLSCHER, A. Can anyone hear me? Participation of children in juvenile justice: A manual on how to make European juvenile justice systems child-friendly. Belgium: International Juvenile Justice Observatory, 2016, – P. 47.
5. Ўзбекистон Республикасининг 07.01.2008 йилги ЎРҚ–139-сон Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги Қонуни. 111-модда: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрдаги ЎРҚ–587-сонли Қонунига асосан киритилган – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2019 й., 03/19/587/4122-сон. – <https://lex.uz/acts/1297315> сайтида.
6. Кучеров Г. Н. Обеспечение прав несовершеннолетних на стадии проверки сообщения о преступлении // Социально-политические науки. 3/2017 на сайте <https://cyberleninka.ru/article>
7. Мешков М.В., Орлова А.А. Досудебное производство с участием несовершеннолетних: учебное пособие // – М.: Юнити-Дана, 2015. – С. 99.

8. Корякина З.И. Обеспечение несовершеннолетнему подозреваемому и обвиняемому права на защиту в досудебном производстве по уголовному делу // Дисс. Кан. юр.наук. Якуск. 2019. – С.121.
9. Ахмедов У.Н. Особенности защиты прав и законных интересов несовершеннолетних подозреваемых и обвиняемых в досудебном производстве // Вестник Воронежского института МВД России. – №3 / 2018. – С.115–117.
10. Минимальные стандартные правила Организации Объединенных Наций, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила) // Международные акты о правах человека. Сборник документов. – М., 2000. – С. 289.
11. Стойко Н. Г. Уголовный процесс в США / Н. Г. Стойко, О. Б. Семухина. – Красноярск: Краснояр. гос. ун-т, 2000. – С. 315.
12. Головненков П.В. Уголовное уложение (Уголовно-процессуальный кодекс) Федеративной Республики Германия. Научно-практический комментарий и перевод текста закона. – М.: Проспект, 2012. – С. 312.
13. Романов А.К. Правовая система Англии: Учебное пособие. 2-изд, испр. - М.: Дело, 2002. С. 344.
14. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года – № 295-З. // <http://online.zakon.kz>
15. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года – № 231-V. // <http://online.zakon.kz>
16. Макаренко И.А. Проблемы участия третьих лиц в процессе расследования уголовных дел в отношении несовершеннолетних. М., 2015. – С. 21.
17. Мешков М.В., Орлова А.А. Досудебное производство с участием несовершеннолетних: Учебное пособие. – М.: Юнити-Дана, 2015. – С. 96-97.
18. Стельмах В.Ю. Объяснения в уголовном судопроизводстве: правовая природа, процессуальный порядок получения, доказательственное значение // Вестник Удмуртского университета. 2016. Т.26. вып.5. С.148 – 157.
19. Корякина З.И. Обеспечение несовершеннолетнему подозреваемому и обвиняемому права на защиту в досудебном производстве по уголовному делу // Дисс. Кан. юр.наук. Якуск. 2019. – С.121.
20. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 – № 174-ФЗ. // <http://www.consultant.ru/document>
21. Тетюев С.В. Участие педагога и психолога в уголовном судопроизводстве // Судья. 2015. – № 10. – С. 29-32.
22. Гнатенко В.А. Становление и развитие дознания по делам о преступлениях несовершеннолетних, совершенных в воспитательных колониях // Российский следователь. 2017. – № 5. – С. 45-46.



## Самариддин Очилов

Тошкент давлат юридик университетининг  
Ихтисослаштирилган филиали ўқитувчиси  
samariddinochilov8@gmail.com

### ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТУРЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** мазкур илмий мақолада жазодан озод қилиш институтининг илмий-назарий мазмунини, жазодан озод қилиш турларининг долзарблигини ёритиш, жазодан озод қилиш турларини илмий-назарий таснифлаш орқали ушбу институт борасида мавжуд илмий-назарий қарашлар, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини ёритиш назарда тутилган.

**Калим сўзлар:** шахс, жамият, маҳкум, ҳулқ, ҳукм, суд, жазо, жазодан озод қилиш, муддат, шартли ҳукм, қонунчилик, зарурат, тасниф.

#### Самариддин Очилов

Преподаватель Специализированного филиала  
Ташкентского государственного юридического университета

#### НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКИ ВИДЫ ОСВОБОЖДЕНИЯ ОТ НАКАЗАНИЯ

**Аннотация:** статья охватывает научное и теоретическое содержание института освобождения от наказания, актуальность видов освобождения от наказания, научно-теоретическую классификацию видов освобождения от наказания, изучение существующих научных и теоретических взглядов на институт, проблемы в области права и правоприменения и пути их решения.

**Ключевые слова:** личность, общество, осужденный, поведение, приговор, суд, приговор, освобождения от наказания, срок, условный приговор, законодательство, необходимость, классификация.

#### Samariddin Ochilov

Teacher of the Specialized branch  
of Tashkent State University of law

#### SCIENTIFIC AND THEORETICAL SPECIFICATIONS OF TYPES OF EXEMPTION FROM PUNISHMENT

**Abstract:** This scientific article covers the scientific and theoretical content of the institution of exemption from punishment, the relevance of types of exemption from punishment, the scientific and theoretical classification of types of exemption from punishment, the study of existing scientific and theoretical views on the institution, problems in the field of law and enforcement and ways to solve them.

**Keywords:** personality, society, convict, exemption from punishment, behavior, sentence, court, sentence, release, term, suspended sentence, legislation, necessity, classification.

Инсонпарварлик, шунингдек инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини олий қадрият деб тан олиш каби умуминсоний ва конституциявий принципларнинг амалда таъминланиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар ва янгиланишларнинг асосий мезони ҳисобланади.

Бу борада мамлакатимизда жиноий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари [1] ишлаб чиқилди ва амалга тадбиқ этилди. Мазкур йўналишлар доирасида белгиланган вазифалар жиноят ва жиноят-ижроя қонунчилигини такомиллаштиришни тақозо этиб, бунинг учун шу сферада шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришнинг илмий-назарий ечимлари ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтирди.

Шахсни жамият ва давлат ҳимоясида бўлиши уни турли ташқи таъжовузлардан ҳимоя қилиш билангина чекланилмасдан, балки унинг ижтимоий хулқ-атвориغا кўра юз берган салбий ҳолатлар оқибатлар асоратларидан муҳофаза қилиниши лозим. Худди шунингдек, шахснинг ижтимоий хулқ-атвори ҳолатига кўра содир этган жинояти учун унга нисбатан тайинланиши лозим бўлган ёки тайинланган жазодан озод қилиш шахсни жамиятга қайтариш ва ижтимоий мослаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Назарий адабиётларда қайд этилишича, жазодан озод қилиш – бу давлатнинг жиноят содир этганлиги учун судланган шахсга жиноят қонунчилигида назарда тутилган асослар ва шартлар мавжуд бўлган ҳолда жазо тайинлашдан ёки жазони ижро этишдан воз кечишдир [2, С.177].

Бошқа адабиётларга кўра, суд жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга жазо тайинлашда ЖКнинг 54-моддаси талабларига қанчалик даражада адолат, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш принципларига риоя қилмасин, уларни идеал равишда ҳисобга ололмайди [3, С.553].

Маълумки, жазо жиноятчиликка қарши кураш борасида ягона чора бўлмасдан, у жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг шаклларида биридир [4, С.51-52]. Мазкур назарий фикрни соддароқ изоҳлайдиган бўлсак, жазо жавобгарликка тортишнинг бошқа чораларига караганда нисбатан қатъийроқ тури сифатида намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, шўролар даври юридик адабиётларида жиноят содир этган шахсларга нисбатан улар қайта жиноят содир этмасликлари

учун уларга нисбатан жазо тайинлашда фақат оғир жазо тайинлаш орқалигина адолатга эришиш мумкин деган фикр шаклланган эди [5]. Бироқ, маърифий цивилизация натижасида жамият ва шахс ўзгариши ўз навбатида суд-ҳуқуқ тизимини ҳам ўзига мослаштирди, натижада жиноят содир этган шахсни тарбиялашда жазони аниқ ва мукамал чора сифатидаги ўрни инкор этилиб, жиноий жазо маърифатли давлатларда фавқулудда чора сифатида қўлланила бошланди.

Қонунни бузган, бироқ ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаган ва тузалиш йўлига ўтганлигини қатъиятлик билан намоён қилган шахсларга жамият ва ўз оиласи даврасига қайтиш имконининг берилиши, ўзбек халқининг кечиримлилики, раҳмдиллик ва бағрикенглик каби азалий қадриятларининг рўёбга чиқарилиши ҳисобланади [6]. Шу жиҳатдан жиноят ҳуқуқида жазодан озод қилиш институтини тадқиқ этиш орқали ушбу институтни амалда қўлланилишини кенгайтиришга қаратилган назарий ечимларини тадқиқ этиш муҳим ўрин тутади.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган [7] экан айнан ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш жиноят содир этган шахснинг жазога сазоворлигига аниқлик киритишни тақозо этади. Шахс ҳуқуқий жиҳатдан исботланган жиноий қилмиши учун жазога сазовор бўлсада, ижтимоий жиҳатдан ҳам жазога сазовор бўлиши мунозаралидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми тушунтиришга кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроқ жазо билан алмаштириш, фақат суд томонидан тайинланган жазонинг қонунда назарда тутилган қисмини ўташ пайтида (ҳукм қонуний кучга киргунга қадар ушлаб турилган, қамоқда, уй қамоғида сақланган вақтни ҳисобга олган ҳолда) ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумларга нисбатан қўлланилиши мумкин [8]. Айнан, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроқ жазо билан алмаштириш қўлланиладиган маҳкумлар тоифасини аниқлашда муайян мезонлар ўрганилиши уларга нисбатан жазодан озод қилишнинг қайси турини қўллашни белгилайди.

Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги белгиланганлиги жиноий жазони қўлламасликка ижозат беради. Яъни, ўз ўзидан аёнки, жиноят-ҳуқуқий қонунчилик шахс

жиноят содир этсада, шахс ва содир этилган жиноятнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда судларга санкцияда кўрсатилган жазодан ҳам енгил ёки санкцияда кўрсатилмаган бошқа енгил жазони тайинлаши ёхуд жазо тайинламаслик ихтиёрини беради.

Жиноят қонунидаги жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи давлат томонидан фақат жазо чораларини қўллашни кўзламайди. Жиноят қонунида мустаҳкамланган инсонпарварлик принципи инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг олий кадрият, деб тан олиншидир. Бу қоида нафақат жиноятдан жабр кўрган шахсга, балки жиноятчининг ўзига ҳам тегишлидир [9, С.3].

Эътиборли жиҳати шундаки, жиноят учун жазо тайинлашда жиноят қонуни қанчалик муқаммал ёндошувни белгилаган, шунингдек жазо тайинлашга оид муносабат тартибга солиниши қанчалик батафсил ёритилган бўлишига қарамадан жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олишининг қатъий кафолати эмас.

Шу сабабли ҳам қонун чиқарувчи аввало шахснинг ижтимоий хулқ-атвори хусусиятидаги ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда шахсга жазо тайинламаслик ёки маҳкумни тайинланган жазодан озод қилиш имкониятини берган. Албатта, шахсга нисбатан тайинланадиган жазо мақсадга мувофиқ бўлиши учун жиноят қонунидаги жазодан озод қилишга оид нормалар муқаммал ишлаши ва ҳар бир ҳолатда ушбу нормаларга қатъий эътибор қаратиш лозим бўлади.

Айблов маҳкумни жазолаш мақсадида белгиланмайди ва ижро этилмайди, балки уни тарбиялаш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш, шунингдек маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятларни содир этишининг олдини олиш мақсадида белгиланади. Шу боисдан жазони белгилаш ва уни ижро этиш агар муайян ҳолатда давлат ихтиёридаги бошқа таъсир воситалари кўзланган мақсадларга эришиш имконини бермаган тақдирда зарур деб топилади. Агар кўзланган мақсадларга жиноий жазони қўлласдан ҳам эришилса, бошқа услуб, усул ва воситалар билан ҳам ижро этиш мақсадга мувофиқ бўлмайди, кам самара беради [10, С.164].

Тадқиқот ва таҳлилларга кўра, жазодан озод қилиш институтини қўллаш зарурияти жиноят содир этишда айбли деб топилган шахснинг қилмиши ва қилмишга шахснинг муносабати, келиб чиққан оқибатнинг хусусияти, шахс ва

қилмишнинг жазога сазоворлиги, вазият ўзгариши, жабрланувчининг қилмиш ва шахсга муносабати, шахснинг ижтимоий-психологик ҳолатлар жазодан озод қилиш заруриятини вужудга келтиради.

Амалдаги ҳуқуқий тизим асосий эътиборни жиноятчиларга қаратади, бироқ уларнинг хулқ-атворини муваффақиятли равишда тартибга солишга қодир эмас. Шу боис, судлар томонидан тайинланаётган жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари аксарият ҳолларда жиноят содир этган шахснинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартиришга самарали таъсир этмаяпти. Бунга сабаб шахснинг жиноий жавобгарликка тортишдан мақсад белгиланган жазо орқали адекват зарар етказишда эмаслигидадир. Зеро, ҳақиқий жавобгарлик кимга ва қандай зарар етказилганлигини ва уни баргараф этиш лозимлигини тушунтиришдан ташкил топади [11].

Жиноят процессуал фаолияти жазонинг профилактик функциясини бошқа воситалар ёрдамида амалга ошириш имконини ҳам беради. Жазо маҳкумни ахлоқан тузалишига хизмат қилиш учун у одил (қонуний, асосли) жазо сифатида эътироф этилиши лозим. Ҳуқумнинг объективлиги ва беғаразлигини таъминловчи бутун жиноят-процессуал жараёни ана шунга интилади [12, С.12]. Жазодан озод қилиш ҳам ўз навбатида профилактик хусусиятга эга бўлиб, жиноят содир этганлиги учун жазо тайинланган шахсга нисбатан унинг ижобий хулқ-атворини рағбатлантиришни назарда тутади, яъни шахс ички тартиб қоидаларга, меҳнатга ёки ўқишга бўлган ижобий муносабатини намоён қилганлиги сабабли жазодан озод қилинадиган бўлса, у тегишли ижтимоий ҳулоса чиқарилган ҳолда яна жиноят содир этишдан ўзини тияди.

Жазодан озод қилиш турларини таҳлил қилиш бу борада мавжуд илмий-назарий қарашлар, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради. Хусусан, жазодан озод қилиш объектив ва субъектив омиллар, шахснинг процессуал-ҳуқуқий мақоми, процессуал-ҳуқуқий вазият, шахснинг ижтимоий-психологик ҳолатига кўра муайян йўналишлар доирасида таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг назаримизда, жиноят содир этган шахснинг жазодан озод қилиш турларини қуйидаги йўналешлар доирасида таснифлаш бу борадаги назарий қарашларни илмий жиҳатдан бойитиш имконини беради:

*биринчидан*, объектив ва субъектив омилларга кўра жазодан озод қилиш:

– жазодан озод қилишнинг айрим турларини қўллашни вазиятнинг ўзи тақозо қилиши, жазо тайинлашни фактик жиҳатдан имконсизлиги, яъни жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 69-моддаси), касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши оқибатида жазодан озод қилиш (ЖК 75-моддаси);

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида 2019 йил 24 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари бошчилигида ўтказилган сайёр қабулда мурожаат қилган фуқаролардан 1 нафар шахснинг касаллик, меҳнат қобилиятини йўқотганлиги сабабли жазодан озод қилиш бўйича қилган илтимосномаси ҳам кўриб чиқилиб, Жиноят Кодексининг 75-моддасига асосан мурожаатчининг аризаси тўлиқ қаноатлантирилиб, жазодан озод қилинган [13].

– шахсий ижтимоий-психологик сифатлари уни жазодан озод қилиш заруриятини келтириб чиқариши, яъни шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (ЖК 70-моддаси), айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан уни жазодан озод қилиш (ЖК 71-моддаси), амнистия ёки авф этиш асосида жазодан озод қилиш (ЖК 76-модда);

*иккинчидан*, процессуал-ҳуқуқий босқичларда жазодан озод қилиш:

– ҳукм чиқарилгунга қадар судланувчини жазодан озод қилиш масаласи кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши, яъни жиноят содир этганликда айбли деб топилган шахсга нисбатан муддат ўтиб кетганлиги (ЖК 69-модда), шахс ижтимоий хавфли хусусиятини йўқотганлиги (ЖК 70-модда), шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги (ЖК 71-модда), жазони ўтамасдан туриб хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкинлиги (ЖК 72-модда) ҳолатларида муносабати билан тайинланиши муқаррар бўлган жазо тайинланмайди;

– ҳукм чиқиб, қонуний кучга киргач маҳкум унга нисбатан тайинланган жазони ўташи давомида унга нисбатан тайинланган жазодан муддатидан илгари озод этилиши (ЖК 73-модда), жазони енгилроғи билан алмаштирилиши (ЖК 74-моддаси), касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши муносабати билан жазодан озод қилиниши (ЖК 75-модда), амнистия ёки авф этиш асосида жазодан озод қилиниши (ЖК 76-модда).

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 мартдаги «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан

пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни авф этиш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ 44 нафар фуқаро авф этилган.

Авф этилган шахсларнинг 7 нафари жазодан тўлиқ озод қилинган, 11 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган, 12 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилган, хусусан, 30 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан ўз оилаларига қайтарилган, шунингдек, 13 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилган ва 1 нафар шахс кўшимча жазодан озод қилинган [14].

*учинчидан*, жазодан озод қилишда шахс процессуал-ҳуқуқий мақоми:

– жазодан озод қилишда шахс судланувчи мақомида бўлиб, унга нисбатан айблов ҳукми чиқарилмаган бўлади, яъни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги (ЖК 69-модда), ижтимоий хавфли хусусиятини йўқотганлиги (ЖК 70-модда), қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги (ЖК 71-модда), шартли ҳукм қилиш орқали шахснинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкинлиги (ЖК 72-модда);

– шахсга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган бўлиб, у маҳкум ҳолатида бўлади, яъни жазони ўташ давомида жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш (ЖК 73-модда), жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖК 74-моддаси), касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 75-модда), амнистия ёки авф этиш асосида жазодан озод қилишда (ЖК 76-модда);

*тўртинчидан*, шахснинг ижтимоий-психологик ҳолатига кўра жазодан озод қилиниши:

– шахснинг ижтимоий-психологик ҳолатида ижобий ўзгаришлар вужудга келиши, ижтимоий фойдали хулқ-атвор шаклланиши, яъни шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (ЖК 70-моддаси), айбдорни ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан уни жазодан озод қилиш (ЖК 71-моддаси);

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суд раисининг ўринбосари ва Олий суд судьялари томонидан 2019 йил 24 апрель Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Ургут туманида ташкил этилган сайёр қабуллар давомида келиб тушган мурожаатларга кўра сайёр суд мажлислари ҳам ўтказилиб, сайёр судларда 31 нафар маҳбус жазони ўташ жойидан муддатидан олдин озод қилинган. Шунингдек, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ва синов муддатини ўтаётган 131 нафар маҳкум жазони ўташдан муддатидан олдин озод этилган [15].

– тайинланган жазо маҳкумни тарбиялашдаги долзарблигини йўқотиши, шахсда ижтимоий хавфли хусусият кузатилмаслиги, яъни шартли ҳукм қилиш (ЖК 72-моддаси), жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖК 73-моддаси), жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖК 74-моддаси).

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг судлар томонидан жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш [16], амнистия актларини қўллаш [17], руҳий касалликка чалинган шахсларни жазодан озод қилиш [18] ёки шартли ҳукмни қилишга [19] оид тушунтиришларини умумлаштирган ҳолда судлар томонидан жазодан озод қилиш амалиёти бўйича ягона тушунтиришни назарда тутадиган Пленум қарори қабул қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, фуқаролар онгида жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қаттиқроқ турдаги жазони қўллаш фикри устунлик қилади. Ушбу тахминлар жазони ижро этиш тизимини инсонийлаштиришга қаратилган ҳар қандай уринишларга шубҳа орқали қараш билан

тасдиқланади [20, С.114]. Албатта, бундай қарашлар аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг тафаккурида жиноят содир этган шахсга нисбатан инсонпарварлик принципи моҳиятини сингдиришни тақозо этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, содир этган жинояти учун жазога ҳукм қилинган шахслар айрим ҳолатларда жазони ўташдан, айниқса озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташдан муддатидан илгари озод қилинганда, аҳолининг ҳуқуқий тафаккуридаги бўшлиқ сабабли шахсни муддатидан олдин жазодан озод этилганлигини адолатсизлик ёки коррупция билан боғлаш каби нотўғри тасаввурлар шаклланишига олиб келади.

Жазодан озод қилиш институтини қўллаш амалиёти кенгайтирилиши айби судда исботланган ҳар бир шахсга нисбатан жазо тайинлашда адолатли ва инсонпарварлик нуқтаи назаридан муносиб ёндошиш, жинойий жазодан кўзланган мақсадга эришиш, энг муҳими шахсни тарбиялаш, уни қайта жиноят содир этишдан қайтаришга қаратилган бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, // (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 7, 2018 No PP-4006.) 08.11.2018 й., 07/18/4006/2166-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон.
2. Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. II том. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик.// – Т.: «Ilm Ziyο», 2011. – Б.177–304. (Rustamboev M.H. Course of criminal law of the Republic of Uzbekistan. Volume II. General section. The doctrine of punishment. Textbook for higher education institutions.// - Т.: «Ilm Ziyο», 2011. p.177. - 304 pages.)
3. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юрглари учун дарслик.// – Т.: «Янги аср авлоди», 2005. 553-бет. – 662 бет. (M. Usmonaliev. Criminal law. General section. Textbook for higher education institutions. // - Т.: «Yangi asr avlodi», 2005. 553-p. - 662 pages.)
4. Якубов А.С. Учение о преступлении по законодательству Республики Узбекистан.// – Т.: Академия МВД, 1995. – С. 51-53. (Yakubov A.S. Study on prestuplenii on the legislation of the Republic of Uzbekistan.// - Т.: Akademiya MVD, 1995. – С. 51–53.)
5. Никифоров А.С. Совокупность преступлений.// – М.: Юрид. лит., – 1965. – С.125. (Nikiforov A.S. The totality of crimes.// - М.: Yurid. lit., – 1965. – P. 125.)
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумларни авф этиш ҳақидаги материалларни тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5071-сон Фармойиши (кўчирма).// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2017 й., 08/17/5071/0044-сон. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 29, 2017 No F-5071 "On measures to prepare materials on pardon of convicts serving sentences in penitentiary institutions on the occasion of the twenty-fifth anniversary of the Constitution of the Republic of Uzbekistan" (copy).// National Database of Legislation, 30.09.2017, No. 08/17/5071/0044.)
7. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Судлар тўғрисида»ги 162-II-сон қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда. (Law of the Republic of Uzbekistan "On Courts" No. 162-II of December 14, 2000.// Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2001, No. 1-2, Article 10.)

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони энгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2016 йил 27 декабрдаги 28-сон қарори.// (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan No. 28 of December 27, 2016 "On the case law on early release from punishment and commutation of sentence") <https://www.lex.uz/docs/3115182>.

9. Ш.Г. Ниязова. Муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муаммолари. Ю.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.// – Тошкент, 2010. 3-бет. – 167 б. (Sh.G. Niyazova. Problems of criminal liability and impunity due to the expiration of deadlines. Dissertation for an academic degree cand. legal sciences.// - Tashkent, 2010. Page 3. - 167 b.)

10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик.// – Т.: «Адолат». Муаллифлар жамоаси. 1997 й. 164-б. 624 б. (Comments on the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.// – Т.: «Justice». Team of authors. 1997 y. 164-b. 624 b.)

11. Б.Т. Акрамходжаев. Правовосстановительная функция в уголовном процессе.// – Т.: Академия МВД Республика Узбекистан. 1997. – С. 74. (B.T. Akramkhodzhaev. Legal restoration function in a criminal procession. // – Т.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. 1997 – P. 74 p.)

12. Р. Жаббарбергенев. Жазонинг профилактик функцияси ва уни амалга ошириш механизми.// Ю.ф.н. илмий даржасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент: 2004, – Б. 30, 172. (R. Jabbarbergenov. The preventive function of punishment and the mechanism of its implementation.// Dissertation for an academic degree cand. legal sciences. Tashkent: 2004, – P. 30, 172.)

13. AmuNews.uz расмий-веб сайти. <http://amunews.uz/news/4489> (манбага 30.04.2020 йил мурожаат қилинган).// (AmuNews.uz official website. <http://amunews.uz/news/4489> (the source was accessed on 30.04.2020).

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг расмий веб-сайти. (манбага 2020 йил 30 апрелда мурожаат қилинган).// (Official website of the National News Agency of Uzbekistan (Source: April 30, 2020).// <http://uza.uz/oz/society/zbekiston-respublikasi-prezidentining-zhazo-muddatini-tayetg-19-03-2019>.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий веб-сайти. (манбага 2020 йил 30 апрелда мурожаат қилинган).// (Official website of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan (Source: April 30, 2020).// <http://www.sud.uz>. <http://xs.uz/uzkr/post/oliy-sud-otkazgan-sayyor-qabulda-100-nafar-shakhs-zhazodan-ozod-qilindi>.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони энгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2016 йил 27 декабрдаги 28-сон қарори.// (Decision of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan No. 28 of December 27, 2016 "On the jurisprudence on early release and commutation of sentence".) <https://www.lex.uz/docs/3115182>.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2006 йил 22 декабрдаги 16-сон қарори.// (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan No. 16 of 22 December 2006 "On Some Issues of Application of Amnesty Acts by Courts".) <https://www.lex.uz/docs/1591984>.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2008 йил 12 декабрдаги 23-сонли қарори // (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan No. 23 of 12 December 2008 "On Judicial Practice in the Application of Compulsory Medical Measures against Persons with Mental Illness") <https://lex.uz/docs/1601125>.

19. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 2006 йил 3 февралдаги 1-сон қарори.// (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan No. 1 of February 3, 2006 "On the Practice of Sentencing by Courts for Crimes".) <https://lex.uz/docs/1455976>.

20. Ф.К.Ботиров. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг асоси сифатида инсонпарварлик принципининг амалга оширилиши.// Ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент: 2006, 114-бет. – 169 бет. (F.K. Botirov. Implementation of the principle of humanity as a basis for the liberalization of the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.// Dissertation for an academic degree cand. legal sciences. Tashkent: 2006, page 114. – P. 169.)





**Максуд Қаландаров**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ташкилий бўлим бошлиғи,  
юримдик фанлар номзоди, доцент  
m.qalandarov@mail.ru

**ЎҚОТАР ҚУРОЛ, ЎҚ-ДОРИЛАР, ПОРТЛОВЧИ  
МОДДАЛАР ЁКИ ПОРТЛАТИШ  
ҚУРИЛМАЛАРИНИ КЎП ВА ЖУДА КЎП  
МИҚДОРДА ЭГАЛЛАШ ЖИНОЯТИНИ СОДИР  
ЭТГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙИЙ ЖАВОБГАРЛИК  
МУАММОЛАРИ**

**Аннотация:** мақолада жиноят қонуни нормаларини амалда қўллаш жараёнида юзага келаётган муаммолар, хусусан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишига ҳуқуқий баҳо бериш, жиноий жавобгарлигини қўллаш, жазо тайинлаида суд-тергов органлари ходимлари томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар билан бирга, ҳуқуқ ижодкори томонидан Жиноят кодексининг 247-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этиши натижасида етказилаётган моддий зарар миқдорлари учун жавобгарликнинг очиқ қолганлиги боис, суд-тергов органлари томонидан бундай қилмишларни ҳуқуқий баҳолаш ва жавобгарликни қўллаида юзага келган ҳолатлар таҳлил қилиниб, ЖКнинг 247-моддасига тегишли тартибда қўшимчалар киритиши таклифи илмий асослантирилиб берилган.

**Калит сўзлар:** жиноят қонуни, жиноят қонуни нормасини қўллаш, жиноий жавобгарлик, етказилган моддий зарар миқдори, ҳуқуқий баҳо, ижтимоий хавфли қилмиши.

**Максуд Қаландаров**  
Начальник Организационного отдела МВД Республики Узбекистан,  
кандидат юридических наук, доцент

**ПРОБЛЕМЫ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ЗАВЛАДЕНИЕ ОГНЕСТРЕЛЬНОГО  
ОРУЖИЯ, БОЕПРИПАСОВ, ВЗРЫВЧАТЫХ ВЕЩЕСТВ, ВЗРЫВНЫХ УСТРОЙСТВ В КРУПНЫХ  
И ОСОБО КРУПНЫХ РАЗМЕРАХ**

**Аннотация:** в статье рассматриваются проблемы, возникающие в процессе практического применения норм уголовного права, в частности, правовая оценка общественно опасных деяний, применение уголовной ответственности, ошибки и упущения при назначении наказания сотрудниками правоохранительных органов. В связи с тем, что ответственность за размер материального ущерба, причиненного совершением преступления, предусмотренного статьей 247, остается открытой, судебные органы проанализировали случаи правовой оценки таких деяний и применения ответственности. Автор разрабатывает научно обоснованные предложения по дополнительному введению в статью 247 Уголовного кодекса Российской Федерации.

**Ключевые слова:** уголовный закон, применение нормы уголовного закона, уголовная ответственность, размер причиненного материального ущерба, правовая оценка, общественно опасное деяние.

**Maksud Kalandarov**

Head of the Organizational Department of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Candidate of Legal sciences, Associate Professor

### PROBLEMS OF CRIMINAL LIABILITY FOR THE CRIME OF POSSESSION OF LARGE AND ESPECIALLY LARGE AMOUNT OF FIREARMS, MUNITIONS, EXPLOSIVES OR EXPLOSIVE DEVICES

**Abstract:** *The article deals with the problems that arise in the process of practical application of the norms of criminal law, in particular, the legal assessment of socially dangerous acts, the application of criminal liability, errors and omissions in the imposition of penalties by law enforcement officers. Due to the fact that the responsibility for the amount of material damage caused by the commission of the crime under Article 247 remains open, the judicial authorities have analyzed the cases of legal assessment of such acts and the application of liability. The author develops scientifically grounded proposals on additional introduction to the Article 247 of the Criminal Code.*

**Keywords:** *criminal law, application of the norms of criminal law, criminal liability, amount of material damage caused, legal assessment, socially dangerous act.*

Жиноят қонуни нормаларини амалда қўллашдан кўзланган мақсад жиноят содир этган шахсга нисбатан қонунда белгиланган жиноий жавобгарликни қўллаш баробарида жиноят қонунини белгилаб берилган вазифаларни рўёбга чиқариш ҳамда принципларига риоя қилган ҳолда, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни Конституция ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш, шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини одилонга бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиги даражасига мувофиқ бўлишидан иборатдир.

Зотан, жиноят қонунининг амалда тўғри қўлланилиши жамиятни ислоҳ этиш билан боғлиқ юзага келаётган янги ижтимоий муносабатларга муайян аниқликни киритиш ва улар учун муҳим бўлган барқарорликни таъминлаш натижасида жамиятда ижтимоий адолат ўрнатилишига замин яратади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида олимлар томонидан жиноят қонунини амалда қўллашнинг босқичлари сифатида турли хил фикрлар илгари сурилмоқда. Бир гуруҳ олимлар [1] жиноят қонунини амалда қўллашнинг муҳим босқичлари сифатида жиноятларни квалификация қилиш ва жавобгарликни индивидуллаштириш босқичларидан иборатлигини таъкидлашса, иккинчи гуруҳдагилар [2] эса уни янада кенгайтириб, жиноят қонунини шарҳлаш, унинг амал қилиш доирасини аниқлаш, жиноятларни

квалификация қилиш, жазо тайинлаш, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод этиш, судланганлик ҳолатини тугалланиши ёки судланганликни олиб ташланиши ҳамда бошқа босқичларидан иборатлигини билдирадилар.

Биз тадқиқ қилаётган масалада жиноят қонунини қўллашнинг қандай босқичлардан иборатлиги эмас, балки унинг қилмишни квалификация қилиш ва шахсга нисбатан қилмишининг ижтимоий хавфлилиги хусусияти ва даражасига қараб жиноий жавобгарлик қўлланиши ёки адолатли жазо тайинланиши муҳимдир. Зеро жиноят қонунини қўллаш жараёнида бирон-бир шахснинг содир этган жиноий қилмишига ҳуқуқий баҳо берилди ва унга нисбатан жиноий жавобгарлик масаласи ҳал этилади ёки аниқроқ қилиб айтганда, унга нисбатан жазонинг муайян тури қўлланилади ёхуд у жиноий жавобгарликдан ва (ёки) жазодан озод қилинади.

Қолаверса, жиноят қонунини амалда қўллаш жараёни ижодий ёндашув талаб этиладиган ақлий фаолият бўлиши билан бирга унинг мураккаблигини унутмаслик зарур. Ҳуқуқнинг бошқа соҳалари каби жиноят ҳуқуқини қўллаш субъектлари томонидан ҳам муайян ва тасодифий хатоларга йўл қўйилиши мумкин [3].

Таажжубланарли жиҳати шундаки, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судлар томонидан жиноят ишини юритиш жараёнида Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари нормаларини қўллаш жараёнида хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги нафақат Олий суд, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлиги хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳисоботлари ёки

идоравий мажлисларида, шунингдек Президент томонидан «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш» масаласига бағишланган видеослектор йиғилишларда ҳам бот-бот такрорланмоқда [4].

Хусусан, Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан «Суд-тергов амалиётида далилларни тўплаш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўқинлик қиладиган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилмаган»[5] деб таъкидланганлиги юқоридаги фикримизга далил бўлаолади.

Суд-тергов амалиётида юритилаётган ишлар ўрганилганда, ишни юритишга масъул субъектлари томонидан жиноят қонуни нормаларини қўллашда йўл қўйилаётган хатоликларнинг 45,7 фоизи қилмишни квалификация қилиш билан боғлиқ бўлса, 54,3 фоиз хатоликлар эса дастлаб йўл қўйилган хато натижасида жавобгарликка тортиш ва (ёки) жазо тайинлаш ёхуд жавобгарликдан ва (ёки) жазодан озод қилиш билан боғлиқ эканлиги кўзга ташланмоқда.

Сўзсиз, бундай хатоликларнинг объектив сабаблари ҳам мавжуд, яъни ҳуқуқни қўллаш субъектларининг фаолиятини ташкил этишдаги камчиликлар, иш ҳажмининг юқорилиги ва айниқса жиноят қонунчилигидаги бўшлиқ ва ноаниқликлар, Олий суд Пленумининг жиноят қонуни нормаларини қўллаш амалиётига доир қарорларидаги раҳбарий кўрсатмалари ва тушунтиришларидаги ноаниқликлардир. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига олиб келиши мумкин, натижада, уларда давлат органлари ва қонунчиликка ишончсизлик юзага келишига сабаб бўлади.

Шу боисдан келгусида қайд этилган ҳолатларни бартараф этиш ва уларга йўл қўймаслик мақсадида мақоламиз фақат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 247-моддасида белгиланган нормани амалда қўллашда юзага келаётган муаммолар таҳлилига бағишланади.

Жиноят кодексининг 247-моддасида ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш учун жавобгарлик белгиланган. Қонуннинг мазкур нормасида ушбу предметларнинг қонунга ҳилоф равишда эгалланиши талон-торож қилишнинг – ўғрилиқ, фирибгарлик, ўзлаштириш, растрата қилиш, талончилик, товламачилик, босқинчилик каби усуллари билан содир этишни назарда тутди.

Албатта, қонунга кўра ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари юқори хавф туғдирувчи предметлар сирасига киритилганлиги боис, уларни талон-

торож қилганлик учун ЖКнинг 164–169-моддалари бўйича жавобгарлик ўрнатилмасдан, балки ЖКнинг 247-моддаси кўра жавобгарлик ўрнатилганлиги ижтимоий зарурият нуктаи назардан тўғри белгиланган.

Қолаверса, ушбу предметлар жамият учун юқори хавф туғдирувчи хусусиятга эга бўлиши билан бирга, талон-торож қилиш предмети ҳисобланган ўзгалар мол-мулкига хос бўлган белгиларга ҳам эгадир.

Хусусан, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари **ижтимоий меҳнат** сарфланиши натижасида яратилади, **иқтисодий жиҳатдан** муайян қийматга эга бўлади, маълумки, мазкур предметлар республикамизда ишлаб чиқарилмаслиги боис улар мамлакатимиз томонидан ишлаб чиқарувчи субъектлардан халқаро шартномалар талаблари асосида сотиб олинади, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги «Қурол тўғрисида»ги қонунига мувофиқ фуқаролар қонунда белгиланган ёшга етганда ва ўрнатилган тартибда фуқаровий қуролларни олиш ҳуқуқига эгаллигини инобатга олиб, ушбу предметлар муайян қийматга эгадир.

**Жисмоний жиҳатдан** ҳар доим моддийдир ва моддий оламнинг бир қисmini ташкил этади ва ниҳоят **ҳуқуқий жиҳатдан** жисмоний ёки юридик шахснинг эгаллигида бўлган ашёдир[6]. Аммо, ушбу предметларга эгалик қилаётган шахслар ҳуқуқий жиҳатдан (мулкдор каби барча мулкрий ҳуқуқларга эга бўлмасдан, балки) махсус рухсатнома асосида эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритишини алоҳида назарда тутиш лозим.

Демак, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари ҳам ўзгалар мол-мулки каби моддий қийматга эга бўлиши боис уларни қонунга ҳилоф равишда эгалланишида жабрланувчи томонга муайян миқдорда моддий зарар етказилади.

Шундай экан, қонунда ушбу предметларнинг ноқонуний эгаллашда етказилаётган моддий зарарнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, яъни моддий таркибли жиноят эканини ҳам инобатга олиш зарурлиги сабаб Жиноят кодексининг 247-моддасида етказилаётган моддий зарарнинг миқдорлари (кўп, жуда кўп миқдори)дан келиб чиқиб, жавобгарликни ўрнатиш масаласи очик қолганини қайд этиш жоиз.

Агарда, ЖКнинг 247-моддаси 1-қисмида назарда тутилган предметларга етказилаётган моддий зарарнинг миқдоридан қатъий назар ушбу норманинг санкциясида жазо тариқасида уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан

беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган бўлса, ЖКнинг 169-модданинг 3-қисми «в» бандида кўп миқдорда содир этилганлик учун беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёхуд ушбу модданинг 4-қисми «а» бандида жуда кўп миқдорда содир этилганлик учун саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо белгиланган.

Зотан, шундай экан, ЖКнинг 247-моддасида назарда тутилган предметларни эгаллаш натижасида кўп ва жуда кўп миқдорда зарар етказиш оқибатида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиб, ҳеч бўлмаганда жавобгарликни ЖКнинг 169-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда ёхуд ушбу предметларнинг ижтимоий хавфлилиги ўзгалар мулкига нисбатан юқорилигини инобатга олиб, янада оғирлаштириш талаб этилади.

Суд-тергов амалиётида кўриб чиқиладиган масала билан боғлиқ муайян муаммоларни учраётганлиги боис, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўзининг раҳбарий кўрсатмаси орқали ушбу муаммоларни ҳал этишга уринган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сон қарорининг 7-банди иккинчи хатбошига асосан ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини ўғирлик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, талончилик, товламачилик, босқинчилик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш Жиноят кодексининг 247-моддаси ва тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан, фақат бу моддалар (модда қисмлари) санкцияси Жиноят кодексининг 247-моддасидан оғирроқ жазони кўзда тутган ҳоллардагина квалификация қилиниши лозим (масалан, Жиноят кодекси 247-моддаси учинчи қисмининг «в» банди ва 164-моддаси 4-қисмининг «в» банди билан) [7] лиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг ушбу қарорида мазкур ҳолатда жиноятлар мажмуи қондасига кўра квалификация қилиш лозимлиги уқтирилмоқда, бироқ ЖКнинг 33-моддаси биринчи қисмида белгиланганидек, битта қилмиш учун эмас, балки икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этилиши жиноятлар мажмуи деб топилади. Бинобарин, Олий суд Пленумининг юқоридаги қарорида кўрсатилганидек, битта қилмишни содир

этишда жиноятлар мажмуи сифатида эмас, балки қилмишларни нормалар рақобати қондаси, яъни мазкур ҳолатда умумий (талон-ғорож нормалари) ва махсус (ЖКнинг 247-моддаси) нормалар рақобати юзага келаётганлиги сабабли, бундай қилмиш ўзида аниқ белгиларни назарда тутган махсус нормаси бўйича квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида жиноят ҳуқуқи назариясида ягона ва мустаҳкам фикр ҳукмрондир [8].

Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек ЖКнинг 247-моддасида етказилган моддий зарар учун оғирлаштирувчи ҳолатларда жавобгарлик ўрнатилмаган.

Бизнингча, мазкур муаммони ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақидаги қарорлари жиноят ҳуқуқи манбааси сифатида содир этилган қилмишларга ҳуқуқий баҳо беришда қонуний аҳамиятга эга эмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сон қарорининг 7-банди иккинчи хатбошидаги квалификация қилиш қондасидан воз кечиб, ЖКнинг 247-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларига қуйидаги тартибда тегишинча қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

**ЖКнинг 247-модда. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш**

**Иккинчи қисми.**

Ўша ҳаракат:

а) тақдоран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

**в) кўп миқдорда;**

г) ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан;

д) талончилик;

е) тамағирлик йўли билан содир этилган бўлса, –

**саккиз йилдан** ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Учинчи қисми.**

Ўша ҳаракат:

а) босқинчилик йўли билан;

б) жуда кўп миқдорда;

в) ўта хавфли рецидивист томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

**ўн беш йилдан** йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бу билан биз *биринчидан*, миллий ва хорижий Олий суд Пленумларида[9] тўғри белгиланганидек, судлар томонидан ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари билан ғайриқонуний муомала қилиш бўйича қилмишларининг ижтимоий хавфлилик даражасини баҳолаш ва ушбу ишлар бўйича жазо тайинлашда мазкур предметларнинг тури, сони, хусусиятларини, етказилган зарар миқдори, шунингдек айбдорларнинг қилмишидаги мотив ва

мақсадларини инобатга олиш лозимлиги ҳақидаги талабларнинг ижроси таъминлаган бўлади.

*Иккинчидан*, ҳуқуқни қўллаш амалиёти субъектлари томонидан шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ва одилona рўёбга чиқаришда нафақат улар томонидан жиноий қилмишларни қонунга мувофиқ тўғри ҳуқуқий баҳо бериш, балки амалдаги қонунлардаги ноаниқлик ва тафовутларни бартараф этишда ҳуқуқ ижодкорлиги йўли билан уларнинг одиллигини таъминланади деб ҳисоблаймиз.

### Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Игнатов А.Н., Красиков Ю.А. Уголовное право России. Учебник для вузов. В 2-х томах. – Т. 1. Общая часть. – М.: – 2000. Издательство НОРМА. – С. 639.
2. Косарев М.Н. Практикум по особенностям квалификации отдельных видов преступлений: учебник. – Е., Уральский юридический институт МВД России, – 2017. – С. 338.
3. Колосовский В.В. Квалификационные ошибки. – СЦ61: Издательство Р. Асланова «Юридический центр Пресс», 2006. – С. 29–31.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 ноябрь куни мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси – URL: // <http://uza.uz/oz/politics/tartib-intizom-va-masuliyatni-kuchaytirish-zhinoatchiliknin-15-11-2017> (Мурожаат қилиш санаси 2020 йил 15 апрель куни).
5. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси URL: // <http://uza.uz/oz/documents/konstitutsiya-erkin-va-farovon-ayetimiz-mamlakatimizni-yanad-08-12-2017> (Мурожаат қилиш санаси 2020 йил 15 апрель куни).
6. Р. Кабулов Жиноят ҳуқуқи дарслигида талон торож предмети ҳисобланган ўзгалар мол-мулкига ҳос бўлган белгиларни батафсил ёритиб берган. Қаранг: Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисми: Дарслик / Р. Кабулов, А. Отажонов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 297.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги 3-сон қарори URL: <https://lex.uz/docs/1441585?query=%D2> (Мурожаат қилиш санаси 2020 йил 15 апрель куни).
8. Якубов А. С. Учение о преступлении по законодательству Республики Узбекистан. – Т., 1995. – С. 115; Кудрявцев В. Н. Общая теория квалификации преступлений. – М., 2001. – С. 210–236; Квалификация преступлений: Учебник для высших учебных заведений МВД / Р. Кабулов, А. А. Отажонов и др. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2012. – С. 218–219; Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: TDYI nashriyoti. 2006. – Б. 315– 316.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги 3-сон қарори URL: <https://lex.uz/docs/1441585?query=%D2> ; Постановление Пленума Верховного суда Беларусь от 3 апреля 2008 года за №1 URL: // <http://www.court.gov.by/ru/jurisprudence/post plen/criminal/ vspup/ac 17b7f709f0dd7e.html>



**Максуд Ниязов**  
 Главный специалист  
 Специализированного филиала  
 Ташкентского государственного  
 юридического университета  
 info@sbtsul.uz

## К ВОПРОСУ ЛЕГИТИМНОСТИ ПРОВЕДЕНИЯ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ ГРУППОЙ ЛИЦ И ПРАВОВОГО СТАТУСА ЛИЦ, УЧАСТВУЮЩИХ В НЕМ

**Аннотация:** в статье анализируется правовой пробел касательно проведения органом следственной проверки мероприятий по проверке заявлений о преступлении в составе группы сотрудников и способы обеспечения легитимности при соблюдении прав и законных интересов лиц, привлеченных к участию в следственной проверке. Кроме того, в статье проводится сравнительный анализ правового положения лиц, привлеченных к участию в следственной проверке в Республике Узбекистан и Российской Федерации (далее – РФ) с их подразделением на соответствующие группы и выдвижением соответствующих предложений.

**Ключевые слова:** орган следственной проверки, совершенствование уголовного и уголовно-процессуального закона, допустимость доказательств, права и законные интересы личности, право на защиту, правовой статус.

**Максуд Ниязов**  
 Тошкент давлат юридик университетининг  
 Ихтисослаштирилган филиали  
 бош мутахассиси

## ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВНИ БИР ГУРУХ ШАХС ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАНИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА УШБУ ЖАРАЁНДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада терговга қадар текширув органи томонидан жиноят ҳақидаги ариза асосида гуруҳ таркибида текширув тадбирларини олиб боришда мавжуд бўлган ҳуқуқий бўшлиқ таҳлили ҳамда терговга қадар текширувга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилгани ҳолда қонунийликни таъминлаш усуллари. Бундан ташқари, мақолада терговга қадар текширувга жалб қилинган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясидаги ҳуқуқий мақоми, уларнинг гуруҳларга ажратилиши қиёсий таҳлили келтирилиб тегишли таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** терговга қадар текширув органи, жиноят ва жиноят-процессуал қонунининг такомиллаштирилиши, далиллар мақбуллиги, шахснинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари, ҳимоя ҳуқуқи, ҳуқуқий мақом.

**Maksud Niyazov**  
Main specialist of Specialized branch  
of Tashkent State University of Law

### ENSURING THE LEGITIMACY OF THE PRE-INVESTIGATION INVESTIGATION BY A GROUP OF PERSONALS AND THE LEGAL STATUS OF THE PERSONS INVOLVED IN THIS PROCESS

**Abstract:** *The article analyzes the legal gap regarding the conduct of the pre-investigative verification body to verify allegations of crime as part of a group of employees and ways to ensure legitimacy while respecting the rights and legitimate interests of persons involved in the pre-trial audit. In addition, the article provides a comparative analysis of the legal status of people involved in pre-trial verification in the Republic of Uzbekistan and the Russian Federation (hereinafter referred to as the Russian Federation) with their subdivision into relevant groups and putting forward relevant proposals.*

**Keywords:** *pre-investigation body, improvement of criminal and criminal-procedural law, acceptability of evidence, rights and legitimate interests of the person, right of defense, legal status.*

Согласно Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. УП-4947 [1], были начаты исторически значимые события в реформировании судебно-правовой системы с целью совершенствования уголовного и уголовно-процессуального законодательства.

Можно перечислить некоторые значимые изменения, это либерализация уголовного законодательства и декриминализация отдельных категорий преступлений, расширения перечня наказаний, не связанных с лишением свободы, расширение сферы применения института «Хабеас корпус» (*с англ. «Habeas Corpus Act» – принятый английским парламентом в 1679 году определял правила ареста и привлечения к суду обвиняемого в преступлении, предоставлял право суду контролировать законность задержания и ареста граждан*)[2], а также дальнейшее усиление гарантий прав и свобод граждан в судебно-следственной деятельности.

В основе организации деятельности правоохранительных органов определена реализация каждым сотрудником благородной идеи - "Служить интересам народа". Кроме того, Президентом Республики Узбекистан указано, что сегодня сама жизнь требует от нас достижения важнейшей цели, определенной в нашей Конституции, – всестороннего обеспечения интересов человека[3].

Законом Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан» от 6 сентября 2017 года № ЗРУ- 442 [4] в уголовный процесс введен институт следственной проверки,

который, является начальной стадией уголовного досудебного производства.

Этим же законом в УПК введены статьи: 39<sup>1</sup> – определяющая круг органов, полномочных проводить следственную проверку и 39<sup>2</sup> – в которой указаны полномочия начальника органа, осуществляющего следственную проверку, и его должностного лица.

Если дать определение, то скорее всего под **следственной проверкой** следует понимать предусмотренную уголовно-процессуальным кодексом деятельность уполномоченных государственных органов, должностных лиц, в ходе которой проверяются первоначальные сведения о совершенном или готовящемся преступлении, устанавливаются предварительный ущерб, вред, квалификация совершенного деяния, выявляются причинно-следственные связи между действиями лиц и наступившими последствиями, а также предпринимаются неотложные меры к быстрому раскрытию преступления и задержанию правонарушителей.

Как известно, в основе следственной проверки лежит обязанность дознавателя, следователя, прокурора, а также должностного лица органа, осуществляющего следственную проверку проверить заявления, сообщения и иные сведения о преступлениях и принять по результатам указанной проверки решение в соответствии со статьей 330 УПК Республики Узбекистан.

Согласно статье 329 УПК Республики Узбекистан дознавателем, следователем, прокурором, а также должностным лицом органа, осуществляющего следственную проверку «...могут быть истребованы дополнительные документы, объяснения, а также произведены осмотр места происшествия, задержание лица,

личный обыск и выемка в соответствии с частью второй статьи 162 УПК, назначены экспертиза, ревизия, даны поручения о проведении оперативно-розыскных мероприятий».

Таким образом, сведения, полученные в ходе следственной проверки, при принятии решения о возбуждении уголовного дела могут быть использованы в качестве доказательства.

На практике, иногда в связи с ограниченностью сроков следственной проверки либо большого объема мероприятий, подлежащих выполнению возникает необходимость проведения следственной проверки в составе группы, то есть силами нескольких сотрудников одного либо разных правоохранительных органов.

Однако, даже в статье 39<sup>2</sup> УПК Республики Узбекистан указано, что начальник органа, осуществляющего следственную проверку, вправе приступить к следственной проверке или поручить ее осуществление **подчиненному ему должностному лицу**. Тогда как, в статье 37 и 39 УПК возможность поручения расследования и дознания группе лиц предусмотрено в полномочиях начальников органов предварительного следствия и дознания.

Проблема состоит в том, что проведение следственной проверки группой дознавателей, следователей, прокуроров и должностных лиц органов, осуществляющих следственную проверку в УПК Республики Узбекистан не предусмотрено и данное обстоятельство напрямую может нарушать требование законодательства о допустимости доказательств в уголовном процессе.

В соответствии с п.4 ч.1 ст. 95<sup>1</sup> УПК Республики Узбекистан фактические данные признаются недопустимыми в качестве доказательств, если они получены с нарушением требований настоящего Кодекса, в том числе полученные «...в результате проведения процессуального действия по уголовному делу лицом, не имеющим права осуществлять производство по данному уголовному делу».

Согласно пункту 2 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан № 24 от 24 августа 2018 года условиями допустимости доказательств является в том числе, его получение надлежащим субъектом, т.е. лицом, правомочным проводить то процессуальное действие, в ходе которого получено доказательство.

Согласно пункту 7 вышеуказанного Постановления Пленума Верховного суда производство процессуального действия по

уголовному делу лицом, не имеющим на это права, выражается в получении доказательства:

без письменного поручения дознавателя, следователя или прокурора органом, осуществляющим следственную проверку или оперативно-розыскную деятельность;

следователем (дознавателем), не принявшим в установленном порядке дело к своему производству или невключенным в следственную группу (группу дознавателей);

лицом, подлежащим отводу по основаниям, предусмотренным статьей 76 УПК.

Недопустимые доказательства не имеют юридической силы, не могут использоваться для доказывания обстоятельств, предусмотренных статьями 82-84 УПК Республики Узбекистан, и положены в основу обвинения[5].

Как видно, в настоящее время, сведения, полученные группой сотрудников уполномоченных органов в рамках следственной проверки, имеют признаки нарушения положений и требований о допустимости доказательства.

Исходя из этого, наличие в УПК нормы, предоставляющей возможность проведения следственной проверки группой лиц органов, осуществляющих следственную проверку, устранила бы данный пробел и не ставила бы сотрудников уполномоченных проводить следственную проверку органов в затруднительное положение, при заявлении соответствующего ходатайства стороной защиты и другими участниками уголовного процесса о признании доказательства, полученного таким путем на стадии следственной проверки, недопустимым.

В РФ проведение следственной проверки согласно статей 144-145 УПК РФ [6] возложено на органы дознания и предварительного следствия, в связи с чем вопроса о полномочиях по проведению следственной проверки в составе группы должностных лиц не возникает.

Как было отмечено выше в УПК Республики Узбекистан имеются нормы, предусматривающие проведение предварительного следствия группой следователей и производства дознания группой дознавателей при расследовании уголовного дела, однако действие указанных норм распространяется только на дознание и предварительное следствие.

Кроме того, указание перечня лиц, участвовавших в проведении следственной проверки, также необходимо для установления наличия оснований для отвода указанных лиц уполномоченных органов по основаниям,



предусмотренным в ст.ст. 76-80 УПК Республики Узбекистан. Так как, должностные лица органа, осуществляющего доследственную проверку в своей обезличенной массе либо от имени сотрудника непосредственно осуществляющего проверку, могут в ходе проверки преследовать собственные, не всегда служащие идеям объективности, справедливости и законности взгляды.

В качестве возможного правового решения, в данной ситуации, можно предложить, что доследственная проверка, требующая проведения большого объема доследственных мероприятий и участия при этом более одного сотрудника, должна проводиться начальником органа, осуществляющего доследственную проверку, на основании поручений либо письменных указаний которого уполномоченные должностные лица могут производить какие-либо доследственные мероприятия.

Очередной актуальный вопрос – недостаточность в уголовно-процессуальном законодательстве республики положений, обеспечивающих максимальную защиту прав и законных интересов личности на стадии доследственной проверки.

Необходимо отметить, что данный вопрос также обозначен в Концепции совершенствования уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан, утвержденной Постановлением Президента Республики Узбекистан от 14.05.2018 г. № ПП-3723 «*О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства*»[7], которая предусматривает ряд задач по совершенствованию механизмов надежного обеспечения прав и свобод личности в уголовном процессе.

Как известно, статьи 44 и 116 Конституции Республики Узбекистан гарантируют каждому судебную защиту его прав и свобод и право обжалования в суд незаконных действий государственных органов, должностных лиц, а также право на профессиональную юридическую помощь.

Согласно пунктам 2 и 3 постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 19 декабря 2003 г. № 17 «*О практике применения судами законов, обеспечивающих подозреваемому, обвиняемому право на защиту*»[8] право подозреваемого, обвиняемого на защиту - это совокупность предоставленных ему законом процессуальных возможностей (средств и

способов) для опровержения возникшего подозрения, предъявленного обвинения или смягчения ответственности и наказания. Право на защиту обеспечивается на всех стадиях уголовного судопроизводства.

Как видно, уголовно-процессуальное законодательство республики достаточно подробно регулирует право на защиту подозреваемого, обвиняемого, подсудимого и других участников уголовного судопроизводства на стадии предварительного расследования и судебного производства, в число которых участники доследственной проверки не входят.

Однако анализ положений статьи 329 Уголовно-процессуального кодекса свидетельствует о том, что дознаватель, следователь, прокурор, а также должностное лицо органа, осуществляющего доследственную проверку обладают процессуальными полномочиями (до момента возбуждения уголовного дела) для получения доказательств виновности лица, в отношении которого проводится доследственная проверка, когда сторона лица, чьи действия подвергаются проверке, еще может даже не знать об осуществляемых в отношении него мероприятиях и соответственно никаких мер по защите своих прав и интересов не предпринимает. Между тем, сведения, полученные в ходе доследственной проверки, при принятии решения о возбуждении уголовного дела могут быть использованы в качестве полноценных доказательств.

Если учесть, что на стадии доследственной проверки нет подозреваемого и обвиняемого, свидетеля и потерпевшего то возникает вопрос, какими процессуальными правами и обязанностями наделено лицо, в отношении которого проводится указанная проверка и другие лица, привлеченные к процессу доследственной проверки?

Статья 329 УПК Республики Узбекистан, регламентирующая порядок проведения доследственной проверки, конкретного и объемлющего ответа на этот вопрос не дает.

Кроме того, уголовно-процессуальное законодательство республики (ст.53 УПК) не позволяет защитнику на стадии доследственной проверки заявить ходатайство о совершении определенных процессуальных действий, представлять какие-либо доказательства.

Актуальность данного вопроса подчеркнута и главой нашего государства. В частности, в подпункте 7 пункта 2 раздела II приложения №1 к вышеуказанному Постановлению Президента

Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года определена необходимость конкретизации процессуального статуса лиц, вовлеченных в процесс производства доследственной проверки, а также лиц, задержанных до возбуждения уголовного дела.

Следует отметить, что по данному вопросу имеются большое количество публикаций российских ученых, хотя УПК России по сравнению с УПК Республики Узбекистан содержит нормы, направленные на защиту прав и законных интересов личности на стадии доследственной проверки.

В частности, статья 144 УПК РФ, предусматривающая порядок проведения доследственной проверки, содержит следующие нормы, направленные на обеспечение права на защиту участников доследственной проверки: лицам, участвующим в производстве процессуальных действий при проверке сообщения о преступлении, разъясняются их права и обязанности, и обеспечивается возможность осуществления этих прав в той части, в которой производимые процессуальные действия и принимаемые процессуальные решения затрагивают их интересы; они также имеют право приносить жалобы на действия (бездействие) и решения дознавателя, начальника подразделения дознания, начальника органа дознания, органа дознания, следователя, руководителя следственного органа в порядке, установленном УПК РФ.

Различные точки зрения на проблемы, связанные со стадией возбуждения уголовного дела, представлены в следующих публикациях: Козлов А.М. Участие адвоката на этапе проверки сообщения о преступлении // Уголовный процесс. 2013. N 6. С. 14 - 20; Калиновский К.Р. "Доследственный" обыск – незаконное ноу-хау // Уголовный процесс. 2015. N 1. С. 9; Каретников А., Коретников С. Следственные действия как способы проверки сообщений о преступлении // Законность. 2014. N 7. С. 37 – 42; Петров А. Пределы проверки сообщения о преступлении и процессуальные способы ее осуществления // Законность. 2012. N 5. – С. 49 – 54.

Анализ норм данных статей и практики их применения, а также отражения их в публикациях позволяет выделить несколько важных проблем. Одна из проблем - это процессуальный статус участников доследственной проверки. Согласно ч. 1.1 ст. 144 УПК РФ лицам, участвующим в производстве процессуальных действий при

проверке сообщения о преступлении, разъясняются их права и обязанности, предусмотренные настоящим Кодексом, и обеспечивается возможность осуществления этих прав в той части, в которой производимые процессуальные действия и принимаемые процессуальные решения затрагивают их интересы, в том числе права не свидетельствовать против самого себя, своего супруга (своей супруги) и других близких родственников, круг которых определен п. 4 ст.5 УПК РФ, пользоваться услугами адвоката, а также приносить жалобы на действия (бездействие) и решения дознавателя, органа дознания, следователя, руководителя следственного органа в порядке, установленном гл. 16 УПК РФ. Участники проверки сообщения о преступлении могут быть предупреждены о неразглашении данных досудебного производства в порядке, установленном ст. 161 УПК РФ. При необходимости безопасность участника досудебного производства обеспечивается в порядке, установленном частью девятой ст.166 УПК РФ, в том числе при приеме сообщения о преступлении. [9]

Необходимо отметить, что участники уголовного процесса в Республике Узбекистан могут воспользоваться своими процессуальными правами и обязанностями лишь при наличии возбужденного уголовного дела, то есть на стадии предварительного расследования и на стадиях судебного разбирательства. Хотя, согласно законодательства, право на защиту должна обеспечиваться на всех стадиях уголовного судопроизводства. Доследственную проверку следует считать как начальную и неотъемлемую стадию уголовного судопроизводства.

В связи с вышеизложенным, в целях максимального обеспечения прав и законных интересов личности на стадии доследственной проверки, а также способствования выработке норм законодательства, регламентирующих их правовой статус, предлагается определить участников доследственной проверки, не выделяя при этом органы, осуществляющие доследственную проверку, дознание и предварительное следствие, так как их правовой статус и обязанности, в целом, законодательно определены:

- физические и юридические лица, которые пострадали от совершения преступления. Пострадавшим может быть нанесен различный ущерб: физический - в виде телесных повреждений, материальный и моральный. В последствии, после

возбуждения уголовного дела и вынесения соответствующего постановления это потенциальные потерпевшие.

- лица, о которых имеются данные о том, что они так или иначе причастны к совершению данного преступления. В последующем после "официального придания" процессуального статуса - это потенциальные подозреваемые и обвиняемые;

- лица, которые стали очевидцами обстоятельств совершения преступления. Так как, допрос лица в качестве свидетеля возможен лишь после возбуждения уголовного дела, то опрос очевидца преступления не имеет четкой правовой регламентации. В рамках уголовного дела они в последующем будут фигурировать как свидетели, однако в рамках доследственной проверки их статус не определен;

- лица, которые оказывают помощь органам, осуществляющим доследственную проверку в выяснении обстоятельств совершения преступления. К числу этих лиц относятся понятые. Сюда также относятся лица, которые обладают специальными познаниями в различных областях и которые используются как специалисты при проведении различных исследований, как эксперты при назначении и проведении экспертиз, как ревизоры при назначении и проведении ревизий и проверок. К этой же категории лиц можно отнести и переводчиков. У данной категории участников права и обязанности регламентированы соответствующими статьями УПК и их процессуальный статус, в отличие от вышеперечисленных групп лиц, не меняется в зависимости от наличия либо отсутствия

уголовного дела. Единственное необходимо добавить то, что понятые, переводчик специалист и эксперт в последующем в рамках уголовного дела могут быть допрошены в качестве свидетеля;

- лица, участвующие в качестве адвоката или защитника. Если сравнивать понятия адвоката и защитника, то мы видим, что по закону эти понятия не идентичны. Понятие защитника шире понятия адвоката. Защитниками в соответствии с ч.3 ст.49 УПК Республики Узбекистан могут быть как адвокат, так и один из близких родственников или законных представителей подозреваемого, обвиняемого. Причем в ч.4 ст.49 УПК говорится о том, что именно защитник, а не адвокат вправе участвовать в уголовном деле на любой стадии уголовного процесса, а при задержании лица - с момента фактического ограничения его права на свободу передвижения.

Резюмируя свои доводы, с учетом разработки в настоящее время проекта УПК, считаю необходимым включить в главу 5 раздела 2 УПК Республики Узбекистан отдельные статьи с отражением прав и обязанностей лица, чьи действия проверяются на предмет возможного совершения преступления, лиц, пострадавших от совершенных противоправных деяний, а в главу 6, того же раздела УПК права очевидцев совершенного преступления, с учетом накопленных прогрессивных и передовых идей зарубежных стран в сфере защиты прав лиц, участвующих в уголовном процессе, в проект разрабатываемого Кодекса.

### Список использованной литературы:

1. «Собрание законодательства Республики Узбекистан». – 2017. –13 февраля, – № 6, – С. 70 (Compilation of legislation of the Republic of Uzbekistan, 13.02.2017 N6 art.70)
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
3. Ш.Мирзиёв «Уверенно продолжим путь национального развития на новом этапе» том 1, Ташкент ИПДТ «Узбекистан», 2018 г., стр. 96 (Sh.Mirziyoyev «We will fearlessly with our way of national turn of evens it to another level.» Volume 1. Tashkent. «Uzbekistan» NMIU, 2018, P.91)
4. «Собрание законодательства Республики Узбекистан», 2017 г. № 36, ст. 943 (Compilation of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, N36, art.943)
5. Пункт 1 постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 24.08.2018 г. № 24 «О некоторых вопросах применения норм уголовно-процессуального законодательства о допустимости доказательств» (Item 1 resolutions № 24 of the Plenum of the Supreme court of the Republic of Uzbekistan dated 24.08.2018 "On some issues of application of the norms of criminal procedure legislation on the acceptability of evidence»).
6. Утвержден Законом от 18 декабря 2001 г. N174-ФЗ (Approved by the law N174 of December 18, 2001)
7. Национальная база данных законодательства, 15.05.2018 г., № 07/18/3723/1225, 01.10.2018 г., №06/18/5547/1975 (National data base of legislation, 15.05.2018 y., № 07/18/3723/1225, 01.10.2018 y., №06/18/5547/1975)
8. <https://www.lex.uz/ru/docs/1453753>
9. <http://отрасли-права.РФ/article/21132>

**Умид Абдурахимов**  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Савдо-саноат палатасининг  
 Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги  
 Ҳакамлик суди раиси ўринбосари  
 abdurakhimovumid@gmail.ru



## КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТАЪСИРЧАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ҲАМДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

**Аннотация:** мақолада хорижий мамлакатларнинг очиқ ҳукумат институтларини жорий этиши шариоитида коррупцияга қарши курашиши ва уни олдини олиш соҳасида жамоатчилик назорати масалалари кўриб чиқилган. Хусусан, жамоатчилик назорати субъектларининг асосий тоифалари, коррупцияга қарши курашишига қаратилган жамоатчилик назоратининг турлари ва амалга ошириши шакллари ўрганилган. Жамоатчиликнинг назоратга бўлган эҳтиёжи ўсиб боришига жавобан давлатнинг аҳоли ва жамият билан мулоқотга киришишига имкон берувчи ташиқлий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишини талаб қилади. Коррупцияга қарши жамоатчилик назоратини амалга оширишига кўмаклашувчи айрим хорижий мамлакатларнинг қонун ҳужжатлари таҳлил қилинди. Давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларнинг коррупцион ҳатти-ҳаракатларини олдини олишда ахборотга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчиликнинг роли, ушбу ҳуқуқни амалга оширишни такомиллаштирувчи тартиб-таомиллар таҳлил қилинди. Хориждаги омбудсман институтининг коррупцияга қарши курашишидаги вазибалари таъкидланди. Маҳаллий даражада жамоатчилик назоратини амалга оширишининг баъзи механизмлари, хусусан аҳоли томонидан жойларда амалга ошириладиган қурилиш, давлат хизматлари, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим, маҳаллий бюджет назорати соҳаларида коррупцияни олдини олишга таалуқли масалалар кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** коррупция, жамоатчилик назорати, тартибга солиш, очиқ ҳукумат, маъмурий тартиб-таомиллар, давлат бошқаруви, ахборот ҳуқуқи, хорижий давлатлар.

**Умид Абдурахимов**  
 Заместитель председателя Третейского суда  
 при территориальном управлении торгово-промышленной палаты  
 Бухарской области Республики Узбекистан

## ОБЩЕСТВЕННЫЙ КОНТРОЛЬ КАК СРЕДСТВО ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ В ЗАРУБЕЖНЫХ ГОСУДАРСТВАХ

**Аннотация:** в статье рассматриваются вопросы общественного контроля в сфере предотвращения и противодействия коррупции в условиях внедрения институтов открытого правительства в зарубежных государствах. В частности, исследованы основные категории субъектов общественного контроля, виды и формы осуществления общественного контроля, направленного на борьбу с коррупцией. В ответ на возрастание потребности в общественном контроле требуется создание организационно-правовых условий, позволяющих вступлению государства в диалог с населением и обществом. Проанализированы законодательные акты некоторых зарубежных государств, содействующих осуществлению общественного контроля против коррупции. Проанализирована роль законодательства об информации в предотвращении коррупционных действий государственных

служащих, должностных лиц. административные процедуры, упрощающие реализацию прав граждан на информацию. Исследована роль института омбудсмана в осуществлении общественного контроля в предотвращении коррупции. На местном уровне будут рассмотрены некоторые механизмы осуществления общественного контроля, в частности, вопросы предотвращения коррупции, включая в сфере строительства, государственных услуг, медицине и образовании, контроль за местным бюджетом.

**Ключевые слова:** коррупция, общественный контроль, регулирование, открытое правительство, административные процедуры, публичная администрация, информация, зарубежные государства.

**Umid Abdurakhimov**

Deputy Chairman of the Arbitration court

under the territorial administration of the chamber of Commerce and industry of the Bukhara region of the Republic of Uzbekistan

### SOCIAL CONTROL AS ANTI-CORRUPTION TOOL IN THE FOREIGN COUNTRIES

**Abstract:** Social anticorruption control matters in foreign countries are considered. In particular, main categories of social control actors are studied, as far as types and forms of social anticorruption control implementation measures. Increasing of public control demand should be accompanied by readiness of the state to create real organizational and legal conditions for this purpose. The substantive legislative acts of different foreign countries which provide the basic features of social anticorruption control implementation are analysed. The role of information legislation in prevention of corruption misconduct of civil servants and public officials is emphasized. Particular administrative procedures providing for enjoying the right of citizens to be informed of the civil servants' and public officials' misconduct are described. The specific ombudsman role in anticorruption social control measures realization is examined. The special role of local communities in anticorruption control is described. Anticorruption struggle at local level comprises prevention of corruption in the spheres of constructing, environmental protection, public order, crime prevention as well as public services that include medical and educational services. Bearing it in mind, measures for more effective implementation of social anticorruption control, which should take place at the level of local communities including local budget control, are concerned.

**Key words and expressions:** corruption, social control, regulation, open government, administrative procedure, public administration, information, foreign states.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида “кўприк” вазифасини бажарувчи жамоатчилик назоратининг ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида мазкур масалаларга алоҳида тўхталиб, «Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак. Жамоатчилик маъқул деса – маъқул, номаъқул деса – номаъқул бўлади”.

Биргина коррупцияга қарши курашишда ихтисослашган халқаро “Transparency International” нодавлат ташкилоти 105 та трансмиллий компанияларнинг коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари ҳисобдорлигининг шаффофлиги

борасида тадқиқотларни эълон қилиб боради, ушбу компанияларнинг биржа савдоларидаги нархи 11 триллион АҚШ долларини ташкил этади. [1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6013-сон Фармонида **биринчи маротаба** коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратиш ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари хам кенг жалб этиш зарурлиги асослантирилди.

Фармонга асосан ташкил этилган **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг** асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан бири вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти

институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргалликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш этиб белгиланди [2].

2020 йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев раислигидаги “Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги вазифалар муҳокамаси”га бағишланган видеоселектор йиғилишида – **коррупциянинг олдини олишда таъсирчан жамоатчилик назорати йўлга қўйилиши**, шунингдек, Агентликнинг кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан бирга аҳоли ва тadbиркорларнинг коррупцияга муносабатини ўрганиб бориши ва давлат идоралари фаолиятини баҳолаб бориши кераклиги алоҳида эътибор қаратилгани аҳамиятлидир [3].

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда баргараф этишнинг таъсирчан тизимини яратиш, шу билан бирга ушбу ишларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этишни талаб қилади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик мониторингининг аҳамиятига тўхталар экан хорижий муаллифлардан бири **R.Holloway** куйидагиларни таъкидлайди, “ҳар қандай коррупциявий ҳолатларда воқеликнинг асл моҳияти кўпинча яширин ва махфий бўлади. Шунинг учун кимдир “эшикни очишга уриниб кўриши, деразадан қараши”, қасдан яширилган ва беркитилган моҳиятни тушуниши учун ишлаши керак ва мазкур шахс ёки ташкилот мониторингни амалга оширади” [4].

Фуқаролик жамиятининг коррупцияга қарши курашиш ҳаракати 1990 йилларнинг бошларида халқаро коррупцияга қарши ноҳукумат **Transparency International** коалициясининг ташкил этилиши билан бошланиб, ҳозирги кунда у ЕХХТнинг кўплаб иштирокчи-давлатларида ва дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида миллий филиалларни қўллаб-қувватламоқда [5]. Бугунги кунда ихтисослаштирилган нодавлат коррупцияга қарши ташкилотлар коррупцияга қарши курашнинг турли соҳаларида ишламоқда; улар тобора кўпроқ йиғилиб, фуқаролик жамияти билан инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларда яқин ҳамкорлик қилмоқдалар.

**ИХТТ** коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик иштироки тарихи, тушунчаси, мақсади, ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий ҳуқуқий ҳамда институционал асослари, субъектлари ва халқаро стандартларини ёритган.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияни амалга ошириш учун халқаро нодавлат “**UNCAC**” иттифоқи ҳаракатининг тадқиқотчилари томонидан коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик иштирокининг моҳияти, уни жорий қилишдаги самарадорлик кўрсаткичлари, Конвенция талабларини имплементацияси қай даражада қай тарзда амалга оширилаётганлини аниқлашдаги ўрни очиб берилган [6].

Хорижий давлатларда жамоатчилик институтларининг фаолияти сифатида коррупцияга қарши кураш соҳасида жамоатчилик назорати асосан очик ҳукумат доктринасига таянади.

Мазкур доктринанинг муҳим шарти бошқарувдаги шаффофликнинг зарурлигини эълон қилиш ва уни асослаш, жамоатчилик назоратининг жамият ҳаётининг энг долзарб масалалари, шу жумладан, оммавий ҳамда хусусий ҳуқуқда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш имконини берувчи тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва фойдаланишни таъминлаш мажбуриятидир.

Жумладан, **Буюк Британия**нинг 2017–2022 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши стратегиясига асосан, “Очик ҳукумат бўйича шериклик дастурига аъзо бўлган 75 мамлакат ҳукуматларининг фуқаролар учун янада очик, ҳисобдор ва масъулиятли қилиш учун кўмаклашади. Ҳамкорликнинг ўзига хослиги ҳукумат ва фуқаролик жамиятининг ислохотларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги қўшма ролдир. Фуқаролик жамияти ҳукуматларни осонликча ҳисобдорликка ушлаб туриши, мустақил кузатувчиларнинг ҳукуматлар ўз мажбуриятларини бажаришда эришган ютуқларини кузатиб боришлари, ўз навбатида бир-бирларидан ўрганишлари мумкинлигини англатади” [7].

Халқаро стандартларга мувофиқ очик ҳукуматнинг асосий институтлари маълумотларнинг очиклиги, давлат хизматчиларининг фуқаролар олдида ҳисобдорлиги ва фаолиятнинг очиклиги принципларига асосланиб, уларни амалиётга жорий қилишга мўлжалланган ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилганлиги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳаларидаги жамоатчилик назоратининг тартиб-таомилларини самарали қўллаш учун шароит яратади [8].

Мазкур тартиб-таомиллар давлат органлари фаолиятида замонавий ахборот технологияларнинг кенг жорий этилиши рункида электрон элементларни қамраб олиб, жамоатчилик назорати жараёни ва натижаларини аҳолининг аксарият қисми учун янада шаффоф ва қулайлигини таъминлайди. Бугунги кунда давлат органлари ва ташкилотларининг ривожланиши ахборот технологияларга асосланганидан шарт-шароитлардагина коррупцияга қарши самарали ва юқори технологик жамоатчилик назорати бўлиши мумкин.

Жумладан, коррупцияни қабул қилиш индексида юқори ўринларда турувчи **Эстония**нинг 2013-2020 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши стратегиясига кўра очиклик (транспарентлик) шундай қоида, ҳаракат ва қарорларни англатадики, уларнинг қабул қилинишидан нима сабабдан, нима (ким) ва қанча каби саволларига осон жавоб топиш мумкин. Очикликни янада кучайтириш мақсадида ҳуқуқ ижодкорлиги ва қарорлар қабул қилиш жараёнида мансабдор шахслар, сиёсатчилар, тадбиркорлар, манфаатдор шахслар билан бир қаторда хусусий шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилади.

Давлатларда қабул қилинган коррупцияга қарши чора-тадбирлар ижроси устидан жамоатчиликнинг назоратни амалга оширишга ортиб бораётган эҳтиёжга жавобан аҳоли ва жамиятга бевосита юзланиши учун тегишли ташкилий-ҳуқуқий шароитларини барпо қилган.

Сўнгги ўн йилликда хорижий мамлакатларда ҳам коррупцияга қарши кураш мақсадида очик ҳуқуқат институтларни жорий этиш нуқтаи назаридан аҳоли томонидан амалга ошириладиган турли жамоатчилик назорати шакллари ишлаб чиқилди. Жумладан, давлат органларининг **йиғилишларида қатнашиш** ҳуқуқи, турли даражадаги норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар лойиҳалари бўйича давлат органларига **таклифлар киритиш** ҳуқуқи, **жамоатчилик эшитувлари**, жамоатчилик фикрини ўрганиш, маҳаллий **референдумларда** иштирок этиш ҳуқуқи ва **петициялар** орқали мурожаат қилиш ҳуқуқи шаклида мустаҳкамланган.

Маълумки, ижро ҳокимияти органлари томонидан очик мажлисларни ўтказиш амалиёти янгилик эмас. Хусусан, АҚШда 1976 йилдаёқ «Куёш нуридаги ҳуқуқат тўғрисида» (**“Government in the Sunshine Act”**) номланган Қонуни қабул қилинган [9]. Қонун билан давлат органларида янада шаффофликни таъминлаш мақсади эълон қилиниб, федерал ҳуқуқат, Конгресс, федерал комиссиялар ва бошқа

қонунларга асосан тузилган федерал органлар (агентликлар)га жамоатчилик иштирок этиши мумкин бўлган **очик мажлисларни ўтказиш** мажбуриятини мустаҳкамлаган.

Барча шахсларнинг мазкур ҳуқуқдан фойдаланиши учун Қонунда у ёки бу органларнинг ўтказилиши мўлжалланаётган йиғилиш ҳақида олдиндан хабардор қилиши зарурлиги белгиланган. Ушбу мақсадда юқоридаги қонунга асосан давлат органлари белгиланган йиғилишдан бир ҳафта олдин йиғилиш санаси, вақти ва жойи, муҳокама мавзуси, шунингдек кун тартибининг тафсилотлари ва бошқа масалаларни аниқлаш учун масъул мансабдор шахсларнинг номи ва алоқа маълумотларини Федерал Реестрда эълон қилиши шартлиги белгиланган. Давлат бошқаруви органларининг йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқи бугунги кунда аксарият давлатлар қонунларида ҳам эътироф этилган.

Коррупцияга қарши жамоатчилик назоратининг кенг тарқалган шакли **оммавий маслаҳатлар** – жамоатчиликка коррупцияга мойил бўлган соҳаларга оид тартибга солувчи чора-тадбирларни қабул қилишда таъсир ўтказиш имконини беради. Масалан, Полшада 1991 йилда қабул қилинган «Таълим тизими тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ таълимга оид ҳар қандай ўзгартиришлар борасида **жамоатчилик маслаҳатларининг** ўтказилиши мажбурийлиги белгиланган [10]. Мазкур институт ҳозирги кунда АҚШ, Австралия, Буюк Британия, Канада, Янги Зеландия, Португалия ва Япония давлатларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) ушбу соҳадаги турли давлатларнинг амалиётини умумлаштириб маслаҳатлашув тартиб-таомилларининг куйидаги асосий босқичларини белгиланган: маслаҳатлашув предмети хусусида жамоатчиликни хабардор қилиш ёки огоҳлантириш, ўзаро фикр алмашиш ва тартибга солиш предметида келишилган позицияни ишлаб чиқиш шаклида тўғридан-тўғри маслаҳатлашувлар ўтказиш, манфаатдор жамоат гуруҳларини якуний тавсиялар, шу жумладан қонун ҳужжатлари ёки бошқа норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга кенг жалб қилиш. Шубҳасиз, қайд этилган тартиб-таомиллар жамоатчиликка қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши мазмунига таъсир кўрсатиш имконини беради. [11]

Оммавий маслаҳатларни ўтказиш жараёни хусусида сўз борганда, бу борада АҚШнинг 1946 йилдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар” тўғрисидаги Қонуни (**Administrative Procedure Act**)га асосан

федерал ижро органи томонидан янги моддий ҳуқуқий нормани қабул қилинишидан олдин Федерал реестрда оммавий маслаҳатларни ўтказилиши хусусида олдиндан хабар берилишини талаб қилувчи қонидани ўрнатилган.

Хабарномада таклиф этилаётган норманинг мазмуни, жамоатчилик маслаҳатлашувларининг вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотлар, маслаҳатлашувларни ўтказиш учун масъул ташкилот мансабдор шахсининг алоқа маълумотлари қайд этилиши лозим. Барча манфаатдор томонлар қабул қилинаётган норматив ҳужжатни тайёрлашда ўзининг баҳо, таклиф ва тавсияларини ёзма равишда бериш ҳуқуқига эга бўлиб, буларнинг барчаси якуний ҳужжатни тайёрлашда ҳисобга олинади. Манфаатдор томонларга шарҳларни режалаштириш ва олдиндан тайёрлашга имкон бериш учун тегишли орган хабарни янги норманинг кучга киришидан камида 30 кун олдин эълон қилиши шарт [12].

**Жамоатчилик эшитувлари** коррупциянинг олдини олишга қаратилган қонуности қоидаларни қабул қилишда иштирок этишга йўналтирилган жамоатчилик назоратининг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Бироқ ушбу шакл кўпроқ махсус характер касб этиб, зарурат бўлгандагина қўлланилади. Жумладан, Германияда тегишли орган томонидан муқобил вариант сифатида ёзма изоҳ, шарҳ ва таклифларни олишда эшитувларни ўтказишда ташаббус кўрсатилиши мумкин.

**Канадада** оммавий эшитувлар қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан ҳар қандай қонун ҳужжатларини тайёрлашнинг бошланғич қисми ҳисобланади [13]. Шу билан бирга қонуности ҳужжатларини қабул қилиш ваколатига эга бўлган ижро органлари ҳам жамоатчилик билан маслаҳатлашувларни кенг қўллайдилар, бу ўз навбатида коррупцияга қарши жамоатчилик назоратининг имкониятларини янада кенгайтиради.

Коррупциянинг олдини олиш соҳасидаги жамоатчилик назоратининг янги тенденцияси ҳисобланган фуқароларнинг **электрон петицияларни** йўллаши жадал ривожланмоқда. Хусусан, АҚШда 2011 йилда фуқароларнинг оммавий электрон мурожаатлари билан ишлаш учун махсус «**Биз, халқимиз**» номли расмий ҳукумат портали очилган [1].

Буюк Британияда давлат органларига электрон мурожаат қилиш ҳуқуқи Британия фуқароларига, шунингдек расмий резидент мақомига эга бўлган шахсларга берилган. Петицияни топшириш учун манфаатдор шахс онлайн сўровномани тўлдириши, сўровномада

шахсининг шахсий маълумотлари, яшаш ҳамда электрон почта манзили кўрсатилиши лозим. Петицияни махсус сайтга жойлаштириш учун камида **олти киши унинг муаллифига** айланиши яъни қўллаб-қувватлаши талаб этилади.

Электрон петициялар жамоа Палатаси, ҳукумат ва махсус вазирликлар (департаментлар) ва идоралар ваколатига таалукли бўлган ҳар қандай масалаларга тегишли бўлиши мумкин [15]. Петицияда ҳал қилиниши лозим бўлган масала ва вазифалар аниқ баён қилиниши, петициянинг **танқидий руҳда бўлиши** жуда муҳим ҳисобланади. Мазкур омиллар петициянинг мазмуни коррупцияга қарши характерга эга бўлишини англатади.

Электрон петициялар манфаатдор томонлар томонидан имзолангач олти ой давомида кўриб чиқилади. Унинг кейинги тақдири ҳақидаги масалани парламент идораси - **петициялар бўйича қўмита** ҳал қилади, қўмита петиция муаллифлари ҳамда петицияга оид масала тегишли давлат органларидан қўшимча маълумотлар талаб қилиши ҳуқуқига эга. Белгиланган талабларнинг бирортаси бажарилмаган тақдирда, рад этиш учун асос билан петиция талаблари қаноатлантирилмайди.

Буюк Британияда ҳукумат камида 10 минг имзо тўплаган петицияга жавоб бериши мажбуриги мустаҳкамланган. Бундай мажбурият фуқароларнинг манфаатдор гуруҳларига вазирлик ва идоралар, шунингдек уларга бўйсунувчи ташкилот ва муассасаларига нисбатан уларнинг фаолиятларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашга ёрдам берадиган жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиради.

Хорижий давлатлардаги электрон петицияларнинг таҳлили шунини кўрсатадики, уларнинг аксарияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар фаолияти, солиқ муносабатлари, тиббий ёрдам кўрсатиш, таълим, йўл қурилиш ва йўл харакати қоидалари билан бевосита боғлиқдир. Шубҳасиз, ушбу соҳаларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ғайриоддий ҳодиса эмас. Электрон петицияга бўлган ҳуқуқ ҳамда уни бериш тартиби давлат органларига, шу жумладан ҳукумат ва парламентга коррупцияни аниқлаш ва унга қарши курашиш билан боғлиқ масалалар бўйича танқидий истақларни билдириш учун кенг замин яратган.

Хорижда коррупцияга қарши курашда аҳоли томонидан маҳаллий даражада амалга ошириладиган жамоатчилик назорати алоҳида ўрин



тутади. Мазкур коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалардаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга қаратилгандир.

Мисол учун, Буюк Британиянинг 2007 йилда қабул қилинган Маҳаллий жамоаларни қўллаб-қувватлаш (**Sustainable Communities Act**) Қонунида маҳаллий жамоаларга маҳаллий муаммоларни ҳал қилинишида иштироки назарда тутилган тартиб-таомиллар механизми назарда тутилган. Қонун жамоатчилик гуруҳлари билан алоқалар бўйича **Давлат котибидан** мунтазам равишда жамоатчиликнинг ҳаётини яхшилаш бўйича таклифлар олиш учун аҳоли билан алоқада бўлиш мажбуриятини мустаҳкамлаган. Жамоалар томонидан билдирилган таклифлар асосида эса аниқ ҳаракатлар режаси тузилиб, унинг ижроси ва амалга оширишда қўрилган чоралар тўғрисида давлат котиби ҳар йили Парламентга ҳисобот тақдим этади.

Режани амалга оширишда иштирок этадиган тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятининг шаффофлиги ушбу ҳисоботнинг мажбурий равишда эълон қилиниши талаблари билан таъминланган. Давлат котибининг аҳоли учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилишда фуқаролардан билдирилган таклифларни йиғиш, ўрганиш ва ҳисобга олишни ташкил этиш бўйича мажбурияти, шунингдек, муайян ҳудудда яшовчи фуқаролардан тўғридан-тўғри келадиган таклифларни киритиш тартиб-таомилларининг демократик табиати, марказий давлат органларининг фаолиятини аҳолининг истак ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда мослаштиришга имкон беради.

Мазкур тизим нафақат аҳолининг манфаатларига таъсир кўрсатадиган коррупцияга қарши курашишга қаратилган соҳаларнинг ҳақиқий жамоатчилик назорати учун шароит, балки тегишли профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини ҳам беради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришда маълум бир ҳудуд аҳолисининг эҳтиёжларига сарфланадиган маҳаллий бюджет устидан жамоатчилик назорати алоҳида рол ўйнайди. Бу борада Буюк Британиянинг юқоридаги қонунига асосан маҳаллий жамоаларга ҳукумат департаментлари, маҳаллий ҳокимият ёки мансабдор шахслар томонидан бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқи алоҳида эътироф этилган. Худди шу мақсадда, Давлат котибига ушбу субъектлар томонидан маҳаллий аҳолининг эҳтиёжлари учун давлат томонидан

молиялаштирилаётган маблағ сарфланиши тўғрисида ҳисобот тайёрлашни ташкил этиш вазифаси юклатилган.

Маҳаллий даражада коррупцияга қарши жамоатчилик назоратининг муҳим воситаси Буюк Британиянинг Маҳаллий аудит ва ҳисобдорлик тўғрисидаги (**Local Audit and Accountability Act**) Қонунида маҳаллий маъмурият устидан молиявий назоратни амалга оширишга имкон берувчи қоидалар мустаҳкамланган. Қонун маҳаллий маъмурият фаолиятининг очиклиги талабини кўзда тутуди, бунга мажлисларга жамоатчилик киришини таъминлаш мажбуриятини ўрнатиш, шунингдек, қабул қилинган ҳужжатлар билан танишиш имкониятини бериш орқали эришилиши кўзда тутилган.

Қонун жамоатчилик вакилларига маҳаллий ҳокимият органлари йиғилишларида иштирок этиш, жумладан журналистлар ва блогерларга фотосурат, аудио ва видео ёзувларга олиш, йиғилишларни интернетда эфирга узатиш ва залда мавжуд бўлмаган одамларнинг кўриш ва эшитишга имкон берувчи бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш ҳуқуқига имкон берди. Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 26-моддасига кўра **маҳаллий аудитни** ўтказиш жараёнида ҳар қандай манфаатдор шахс аудитнинг молиявий ва бошқа ҳужжатлари ҳамда ҳисоботлари билан танишиш ҳуқуқига эга. Маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида, **“Маҳаллий ҳокимият органларини аудити”** ва **“Ҳужжатлардан оммавий фойдаланиш тўғрисида”**ги Қонунларга 2017 йилда киритилган қўшимчаларга асосан журналистларга аудит масалалари билан боғлиқ алоҳида аудиторлик ҳисоботларини ва бошқа ҳужжатларни кўришга рухсат этилди.

Навбатдаги коррупция устидан жамоатчилик назорати воситаси хорижий давлатларда қўлланилаётган фуқароларнинг давлат органлари маъмуриятига **билдиришнома** сифатида мурожаат қилиш шакли орқали нопок шахслар ёки ахлоққа зид бошқарув ҳақида давлат бошқаруви органларини далиллар билан хабардор қилинади. Бундай далиллар мансабдор шахслар фаолиятидаги камчилик ёки суиистеъмол қилиш ҳолатлари тўғрисида ошкор қилувчи ёки танқидий маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. Хабарномада тегишли ҳуқуқбузарликлар ёки камчиликларни тузатиш учун сўров бўлиши мумкин. Шунинг таъкидлаш жоизки, бирдиришнома ҳар қандай шахслар, ҳатто манфаатларига бевосита дахлдор бўлмаган шахслар томонидан ҳам

фойдаланилиши кўзда тутилган. Шунга ўхшаш институт, мисол учун, Испаниянинг “**Давлат бошқаруви ва умумий маъмурий иш юритишнинг ҳуқуқий режими тўғрисида**”ги қонунида назарда тутилган [16].

Коррупцияга қарши қаратилган жамоатчилик назоратида давлат органлари фаолиятининг **ҳисобдорлик принципи** ҳам муҳим ўринга эга. Мазкур принцип нафақат давлат органларига, балки ҳар қандай мансабдор шахслар ва давлат хизматчисига нисбатан амал қилади. Унинг самарали қўлланилиши муҳим кафолати ҳисоботлар учун етарли миқдордаги талабларнинг ўрнатилишидир. Ҳисоботлар рўйхати, маълумот берилиши керак бўлган масалалар доираси аниқ ва кенг қамровли бўлиши ҳамда тақдим этилган маълумотлар кенг жамоатчилик учун очиқ бўлиши даркор. Бунинг учун кўпгина давлатлар нафақат давлат хизматчиларнинг даромадлари ва харажатлари тўғрисида ҳисобот бериш мажбуриятини, балки тегишли маълумотлар жамоатчиликка ошкор қилинидиган **махсус реестрлар**да эълон қилиш талабини жорий этганлар [17].

Коррупцияга қарши кураш соҳасида фаол ривожланаётган навбатдаги жамоатчилик назорати институтларидан бири Омбудсман институтидир. Масалан, Шотландияда 2002 йилда Парламент томонидан қабул қилинган худди шу номдаги Қонун асосида ташкил этилган омбудсман хизмати фуқароларнинг давлат бошқаруви органлари, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида давлат хизматларини кўрсатадиган ташкилотларнинг қонунга ҳилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги юзасидан шикоятларини текшириш ваколатига эга.

Омбудсман ҳар бир текширув натижалари тўғрисида ариза берувчи, шунингдек ҳукуматни хабардор қилиши шарт, текширув тўғрисидаги ҳисобот нусхаси эса Шотландия парламентига юборилади. Шу тариқа омбудсманнинг вазифаси қонунга зид ҳатти-ҳаракатларни синчковлик билан таҳлил қилиш ва унинг натижаларини ваколатли давлат органларига кўриб чиқишга тақдим қилишдан иборат. Омбудсманнинг фаолияти ёрдам сўраб мурожаат қилган айрим фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш орқали коррупцияга қарши жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳолисона ёрдам беради.

Шуниси эътиборга лойиқки, омбудсманнинг фаолияти ҳам жамоатчилик назорати остидадир, 2006 йилда Шотландия омбудсман кузатувчиси (Scottish Ombudsman Watch) нодавлат ташкилоти

ташаббуси билан омбудсман фаолиятида янада очиқликка эришиш ва унинг фаолияти натижаларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида махсус веб-сайт яратган. Хусусан, унда парламентга мурожаат қилган шахсларнинг омбудсман фаолиятидаги камчиликларни кўрсатувчи петициялари эълон қилинади. Ушбу ҳолат шуни кўрсатадики, омбудсман институтига мурожаат қилиш ва ҳаттоки уни танқид қилиш орқали жамоатчилик жамият ва давлат органлари тизимида коррупцияга нисбатан муросасизликни шакллантиришда салмоқли таъсир кўрсатмоқда.

Коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назорати борасида Ҳиндистон катта тажрибани жамланган бўлиб, мазкур мамлакатдаги федерал миқёсдаги мустақил орган Марказий ҳушёрлик комиссияси – 1964 йилда ҳукумат томонидан коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича федерал ижро органларига маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида тузилган.

Марказий ҳушёрлик комиссияси Қонуни (**Central Vigilance Commission Act**)га мувофиқ, унинг вазифаларига қуйидагилар киритилган: 1988 йилги коррупциянинг олдини олиш Қонуни билан тартибга солинган жиноятларни тергов қилинишини назорат қилиш; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишда гумон қилинаётган федерал давлат хизматчиларга қарши марказий ҳукумат кўрсатмасига асосан бошланган тергов далилларини тўплаш ва таҳлил қилиш, текшириш; коррупцияга қарши кураш бўйича ваколатли давлат органларининг вазирликлар ва идоралар ходимларининг коррупцияга қарши фаолияти устидан назорат қилиш; федерал давлат хизмати лавозимларига тайинланадиган шахсларни назорат қилиш қоидаларини қабул қилиш билан боғлиқ марказий ҳукумат билан мажбурий маслаҳатлашувлар.

Комиссия ўзига юклатилган функцияларни бажарар экан, марказий ижро этувчи ҳокимият органлари тизимидаги коррупция фактларини текшириш бўйича бўлинмаси орқали коррупцияга қарши курашиш ва тегишли тартибларни қўллаш бўйича тавсиялар беради. Комиссия томонидан олиб борилган «тергов»натижалари ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармасида, у тегишли маълумотларни марказий ижро органларига етказилиши оқибатида федерал вазирлик ва идораларнинг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарликка тортиш бўйича зарур тартиб-таомилларнинг қўзғатилишга олиб келади.

Комиссиянинг коррупциялашган ҳамда унинг фикрига кўра жиноий таъкиб қилиниши лозим бўлган давлат амалдорларининг рўйхатини

эълон қилиши жамоатчилик назорати учун қулай шароит яратган. Бундай шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг жамоатчилик эътиборига тушиши жамоатчилик назоратини амалга оширишга муҳим ҳисса қўшади. Бундан ташқари 2005 йилда қабул қилинган Ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисидаги (**Right to Information Act**) Қонунига асосан Комиссия давлат органи сифатида ҳар қандай Ҳиндистон фуқаросининг илтимосига биноан аниқланган коррупция ҳолатлари тўғрисида маълумот беришга мажбурдир. Ушбу чоратadbирлар давлат хизматчилари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумот олиш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат муҳитини яратишга қаратилгандир.

Коррупцияга қарши Федерал омбудсман ва штатлар омбудсмани тўғрисидаги (Lokpal and Lokayuktas Act) Қонуни билан махсус коррупцияга қарши омбудсманнинг ташкил этилиши ҳам мазкур мамлакатда коррупцияга қарши курашга ҳиссасини қўшди. Федерал омбудсман бош вазир, вазирлар ва марказий ҳукумат амалдорлари, федерал парламент аъзолари, ҳукумат идоралари раҳбарлари, мансабдор шахслар ва ходимлари, шунингдек парламент ёки ҳукумат томонидан тўлиқ ёки қисман молиялаштирилладиган орган ва муассасалар, корпорация, компания ва бошқа ташкилотларнинг кенг доирадаги ходимларининг коррупция фактларига оид ҳолатларни текшириш ваколатига эга.

Омбудсман томонидан белгиланган тартибда амалга оширилладиган тadbирларнинг қатъий муддати ўрнатилган. Жумладан, фуқароларнинг юқорида санаб ўтилган тоифадаги шахсларнинг коррупция ҳаракатлари тўғрисидаги шикоятларини бир ой ичида кўриб чиқиши, муайян шикоят бўйича кўзғатилган тергов бир йилдан ошмаслиги лозим. Ушбу давр мобайнида жиноий таъқибни бошлаш мақсадида ваколатли органларга топшириш учун барча зарур материаллар ва ҳужжатлар тўпланиши керак.

Омбудсман коллектив орган бўлиб, унинг таркибига ҳам давлат ҳам хусусий сектор вакиллари кириши мумкин. Хусусан, унинг 50 фоиз таркибини Олий суднинг амалдаги ёки истеъфодаги судья ва раислари ташкил этади. Иккинчи ярмига ҳинд касталари, қабилалар, қуйи синфлар, озчилик ва аёллар вакиллари киритилади. Шу билан бирга, номзодлардан фавқулудда ҳалоллик, юқори малакали профессионализм ва тажриба, шунингдек коррупцияга қарши стратегия, давлат бошқаруви, назорат, молия, шу жумладан суғурта ва банк соҳаларида камида 25 йиллик мукамал иш стажига эга бўлишлик талаб этилади.

Шубҳасиз, бугунги кунда мамлакатимизда ҳам ҳисоботларнинг хилма-хил шаклларини, шу жумладан электрон шаклларини жорий этиш коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиши мумкин.

Бугунги кунда давлат органлари, тadbиркорлик субъектлари, назорат қилувчи органлар ҳамда кенг жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи, давлат харидлари соҳасидаги қоидабузарликларни аниқлашнинг энг яхши усулларидан фойдаланиш имконини берувчи **электрон харидлари тизими атрофида жамоатчилик порталини** яратиш ва ривожлантириш кейинги истиқболли йўналишни ташкил этади.

Мазкур портални яратиш аъзоларининг барчасига шубҳали харидлар устидан шикоят қилиш учун самарали ҳуқуқий воситалардан фойдалана олиш имконини беради. Шунингдек, давлат харидлари иштирокчилари битимлар бўйича шерикларини баҳолашлари ва батафсил шарҳларни қолдиришлари мумкин. Ушбу маълумотлар асосида эса давлат харидлари иштирокчиларнинг **рейтинги автоматик равишда яратилади**. Шунингдек иштирокчиларнинг профилидаги маълумотлардан маълум бир тизим фойдаланувчиси унинг қай даражадаги ҳалол етказиб берувчи ёки харидор эканлигини аниқ кўриб туради. Бундай тизимли маълумотлар барча томонларга давлат харидлари тизимида ишлаш билан боғлиқ бўлган масалаларда оқилона қарор қабул қилиш имконини бериши мумкин.

**ProZorro** электрон маълумотларини ишлаб чиқаришнинг гибрид тизими (укр. «Прозоро» – очик, ошқора) – Украинадаги электрон давлат ва оммавий харидлари тизимидаги танлови жараёнининг тизимли ислоҳоти ҳисобланади. 2014 йилда ишлаб чиқилган ва Украина Transparency International нодавлат ташкилоти томонидан бошқарилади.

ProZorro фалсафаси учта асосий таркибий қисмдан иборат: тизим очик манба (**open source**) принципларига асосланади. Давлат харидлари билан боғлиқ барча мавжуд маълумотлар мижозларни жалб қилиш ва уларга хизмат кўрсатишга масъул бўлган сайтлар орқали тарқатилади. «Ҳамма ҳамма нарсани кўради» – бу ислохотнинг расмий шиори. «Олтин учбурчак» **Golden triangle of partnership** – бизнес, ҳукумат ва фуқаролик жамиятининг юқори даражадаги ишонччи сақлашга имкон берадиган ўзгаришларни илгари суриш учун ноёб бирикмасидир.

Интеллектуал маълумотлар қидиришнинг яна бир мисоли ProZorro маълумотлар базасига бирлаштирилган Dozorro оммавий савдоларининг

жамоатчилик назорати учун онлайн платформади. Ушбу платформа 20 та ҳудудий мониторинг ташкилотларининг тендер тартиб-таомилларнинг сифатини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштиради.

Украинанинг «Давлат харидлари тўғрисида» қонунининг бузилиши аниқланса, платформа буюртмачиларга (ким ошди савдоси ташкилотчиларига), назорат органларига (Давлат аудит хизмати, Ҳисоб палатаси), ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари (Украинанинг Миллий коррупцияга қарши бюроси (НАБУ)га сўровларни юборади.

Кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг самарали ҳамкорлиги ёрдамида жамоат ташкилотлари «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун бузилишларини аниқ бир танловда бартараф этишга ва айбдорларни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда «Давлат харидлари тўғрисида» қонун қабул қилинган бўлиб, унинг 71-моддаси харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назорати масалаларига бағишланган. Бироқ ўтган давр мобайнида мазкур соҳада жамоатчилик назорати қандай амалга оширилганлиги ҳақида статистика мавжуд эмас. «Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги» Низомда жамоатчилик назоратига оид қоидалар умуман назарда тутилмаган.

Давлат харидларнинг шаффофлиги пулнинг тежалиши ва рақобатни кенгайтиришни исботлади. Халқаро **Open Government Partnership** ташкилотининг очиқ шартномалар ва харидлар дастури глобал стандартга айланиб бормоқда, унда 70дан ортиқ аъзолар ушбу масалада ислохотларни ўтказишмоқда.

Хитойда 2014 йилда, “Ижтимоий ишонч тизими” – давлат хизматчиларини баҳолаш бўйича давлат дастурини жорий этган “Ижтимоий

кредитлар тизимини яратиш дастури (2014–2020 йиллар)” тўғрисидаги ҳужжатни ёлон қилинди. Дастур талабларига асосан 2018 йил апрел ойи охирига келиб, “**ИЖТИМОЙ РЕЙТИНГНИНГ ПАСТ ДАРАЖАСИ**” туфайли 15 миллиондан ортиқ хитойликлар, яъни мамлакатнинг ҳар юзинчи аҳолиси маъмурий жазога тортилди.

Мамлакатимизда юқоридаги халқаро стандартлар ва хорижий тажриба таҳлили асосида, шунингдек давлат харидлари соҳасида жамоатчилик назоратини самарали йўлга қўйиш мақсадида давлат харидлари соҳасида уни мониторинг қилиш имконини берувчи аҳоли билан қайта алоқа механизмларини йўлга қўйувчи электрон портал яратиш ва уни ривожлантириш ушбу соҳада жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга хизмат қилади.

